

**Собир ЎНАР**

# **ЧАМБИЛБЕЛНИНГ ОЙДАЛАСИ**

*Қиссалар  
Ҳикоялар*

**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2006**

Истеъдодли ёзувчи Собир Ўнарнинг ушбу китобига турли йилларда ёзилган уч қисса ва қатор ҳикоялари жамланди. Ёзувчининг турли тоифа одамлар, ёшлар ва зиёлиларнинг чигал қисматлари хусусидаги ҳаётий мушоҳадалар, фалсафий қарашлар билан йўғрилган асарлари Сиз азиз китобхонни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

Масъул муҳаррир: *Абдуҳошим ИРИСБОЕВ*

© Собир Ўнар. Чамбилбелнинг ойдаласи. Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти — 2006

# МУХТАСАР СЎЗ

Бир оддий китобхон сифатида, қолаверса, хизмат тақо-зосига кўра насримизда пайдо бўлаётган янги асарлар билан баҳоли қудрат танишиб боришга ҳаракат қиласман. Баъзи бир тоифа ёзувчиларимиз борки, ёзган асари бошдан оёқ мавҳумликдан иборат. Жумла тузишини кўриб бирор хорижлик муаллиф асарининг таржимаси эмасмикан, деб ўйлаб қолсан. Қаҳрамонлари ҳам сира ўзбекка ўхшамайди, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатию хаёл суришлариям ғалати. Аллақандай совуқ, бегона ифодани кўрасан. Иккинчи тоифа ёзувчилар ҳам бор, гарчи номи чиқиб, у ер-бу ерда мақтовлар эшитиб юрган бўлса-да, жуда жўн фикрлайдилар. Асарини енгил ўқисан, лекин сира қониқмайсан. Соддалик яхши, лекин жўнлик — нуқсон. Бу камчилик муаллифнинг китоб ўқимаслигидан келиб чиқади. У мени ҳамма таниб қолди, бирор ақл ўргатолмайди, изланиш шарт эмас, ёзавериш керак деб ҳисоблайди. Изланмаслик — буям иллат. Учинчи тоифадагилар адабиётнинг қадрини тушириб, чайқов бозорига айлантириб юрганлар. Муаллифини етти ухлаб тушингда кўрмагансан-у, ёстиқдай-ёстиқдай романлар ёзиб чоп этишади. Шу китобларини кўтариб келиб Ёзувчилар уюшмасининг эшигини тепиб кирмоқчи бўлишади, даъвоси оламни бузади. Лекин минг йиллардан бери шаклланган адабиётнинг темир қонунлари мавжудки, хашакилик асл адабиётни белгилаб беролмайди

ва улар туфайли бу улуғ майдон бозорга айланиб ҳам қолмайди. Бирорга узун хат ёса - у роман ҳисобланмайди.

Собир Ўнарни бирор ўн беш йилдан буён таниганим, китоблари, матбуотдаги қисса, ҳикоя ва қатор мақолаларини ўқиганим ҳолда айта оламанки, у соф ўзбекча ёза олади. Фикрлаши ҳам халқона. Ўйлайманки, буям бир баҳо.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида у президентимиз фармони билан Давлат мукофоти билан ҳам тақдирланган эди.

Шундан сўнг бир-икки қисса ва қатор ҳикоялар ёзди. Ҳар гал унинг асарларига кўзим тушганида, балодай ёзувчи-ку деб қўяман. Ҳар қалай меҳнат қилаётиди, «Ёшлик»дай нуфузли журналга бош муҳаррир. Айни замонда муҳаррирликнинг машаққатлари ҳам оз эмас. Аммо Собирга ҳам, унинг кўп тенгқурларига ҳам теккан бир «касаллик» борки, бир нарсани «ялт» этказиб ёзиб қўйишади, бир неча йил кўзга кўринадиган асар эълон қилмай, эгнини қисиб юраверишади. Ҳолбуки матбуотда тез-тез чиқиб туриш ҳам фаоллик белгисидир.

Мен шу қирқ ёш миёнасидаги кўплаб шоири ёзувчиларнинг асарларини тинимсиз кузата туриб улар орасидан Қаҳҳор, Ойбек,Faфур Ғулом сингари Шахслар етишиб чиқишини хоҳдайман. Чунки улар энди ёш бола эмас, айни ижодий куч-кувватга тўлган пайтлари. Адабиёт учун ҳам, юрт манфаати учун ҳам бекиёс нафлари тегиши мумкин.

Мен юқорида насримизга бир қур танқидий фикрлар билдириб ўтдим. Аммо шу билан бирга кейинги йилларда ўзбек насрода сифат ва мазмун ўзгаришига эришилганига ҳам алоҳида ургу берган бўлардим.

Эътибор берган бўлсангиз, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги асарларда партком, райком, комсомол, колхоз раиси образлари асардан асарга чувалашиб одамни гаранг қилиб юрарди. Ҳой, барака топгурлар, энди у тузум йўқ, биз тамоман бошқа, мустақил давлатчилик тизимига ўтдик, эскича фикрлашни йигиштиринглар, деган пандни ҳам юрт раҳбаридан эшитгунимизча ўз билганимиздан қолмадик. Ал-

батта, бу ўринда насрнинг оғиркарвон жанр эканини, ҳозиржавоблик талаби унга бир оз зўр келишини ҳам ҳисобга олишимиз зарур. Лекин, нима бўлгандаям бугунги мактаб боласи шуро тузумини кўрмаганини эсдан чиқармайлик. Шўро ҳақидаги ҳар қандай аюҳаннослар унга ёт. Унга ўзи билган, кўриб юрган, бугунги куннинг муаммоси билан курашётган замонавий қаҳрамонлар керак. Нафақат унга, барчамизга ҳам зарур.

Шу талабдан келиб чиққанда адабиётимизда муайян силжишлар бўлаётир. Ва ўз навбатида улар давлатимиз томонидан муносиб баҳосини олиб, тақдирлаб борилаётир. Қайси-дир соҳанинг вакили менинг ишларим тарих сифатида муҳрланиб қолмаяпти-да, деб надомат қилиши мумкиндири, аммо адабиёт деганимиз шундоқ бир ўлчови адолатли соҳаки, қилган меҳнатинг, истеъододинг изсиз йўқолиб кетиши мумкин эмас, зўр бўлсанг, зўрман деб чиранаверишингга зарурат йўқ, китобхон, халқ наздида бор бўйинг пасайиб ҳам кетмайди, илло ўсиб ҳам кетмайди. Шундай бўлгач бу майдонга кирган зот чинакам меҳнатдан ўзини аямаслиги лозим.

Собир Ўнарнинг янги китоби баҳона ёш ёзувчи укаларимга ушбу фикрларни муҳтасар баён қилиб қўйгим келди.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоари.*

# ҚИССАЛАР

---

## ЧАМБИЛБЕЛНИНГ ОЙДАЛАСИ

Отақул Қиргий бу сафар ҳам ҳар галгидек эрта турган, аммо ётогидаги түшаги алламбало буралиб ётарди. Бу унинг безовта ухлаганидан дарак берса-да, кичик кампиридан бошқа ҳеч ким түшпакка эътибор қилмади. Катта кампир одатда, эрта азонда печга ўт ёкиш учун киради, кеча у, чамаси умрида биринчи марта чолидан илиқ гап эшиганидан меҳри ийибми, ҳар кунгидан эртароқ туриб ўт қалашга тутинди, ахир кунига камида икки маҳал қамчи еб умр кечираётган кампир бундай ширин муомалага қариганда ҳам зор эди-да.

Тезакка солярка қуйиб тутантириди-да, устидан қуруқ ўтин ташлади. Чоли ариқ лабидаги аччиқданак ўрикни қирқиб ётогига — ўзи айтмоқчи нашахонасига бел бўйи қилиб яхшилаб қалаб чиқсан эди ўтинни. Жонининг ҳузурини обдон билар эди бу чоли тушмагур. Акс ҳолда саратон чилласида зардолини қулатиб кунгайга тарвақайлатиб ётқизиб, токи кузгача заранг бўлишини кутиб ўтирасди: қуруқ дарахт, айниқса, ўрик тутамай ёнади, узоқ олов беради, кўк чойга бир кафт кўкнорини биқтириб, бир оз дам едириб. сўнгра бир сипқориб ташлаб устидан қайноқ чойни хўриллатиб, маҳсини ечиб, печга тоблаб, кейин пўстакка ўраги-иб терга тушиб ётмоққа не етсин!

Қиргий бари бир бу одатини эрта-мертан бошламас эди, то қиншлоқни бир қур айланиб, одамларнинг қий-чуви, фийбати, қолаверса, тўйи, азаси чиқадими — ўз кўзи билан кўриб, жўяли насиҳати бўлса бериб, сўнгра сой бўйлаб кетган тоф йўлидан тонг қоронгусида қулучини йўрттириб кетар эди. Тофнинг ён беткайларида кечаси уюр-уюр бўлиб олган йилқи подаларини ўтлашга ёйилмай бирров кўздан кечириб, ўзининг шахсий отларини ҳам кўриб, кўнгли таскин топгачгина, Фориш томондан кун парпириб кўтарилигач, секи-ин, отнинг юганини салт қўйганча Гўрўғлиниң қўшигини хиргойи қилиб келгувчи эди. Феълининг акслитини кўрган одам уни қўшиқ айтади деб

ўйламас эди. Жудаям жиддий киши эди. Гүё ўзининг чарслигини таъ-  
киллаётгандай муртининг учини ҳам қайириб ёногига қараб кўтариб  
куйгувчи эди.

Бу тонг ҳам одатдагидай бошланган, тўшакнинг буралиб ётиши галат  
эди, холос. То кичик кампир келиб мазкурни кўргачгина бир оз пари-  
шон қолди. Бориб тўшакни йиғди, тахмонга тахлади, қайтаётib печ  
деворининг ортида чала ейилган тарвузни кўрди. Феълига яраша Қиргий  
тарвузни ҳам кампиirlаридан бирига келтиритиради. Демак, оқшом  
ўзи сомонхонадан эринмай опкелган, чопқиси билан сўйиб, тухумлари-  
ни ҳам шу атрофга туфлаб юбораверибди. Ва яна Қиргий ҳеч маҳал  
кўзойнагини қолдириб кетмасди, уйдан чиқса бўлди, ич камзулининг  
кўкрак киссасига бир балдоғини тагида қолдириб солиб қўяр эди, хат-  
саводи бинойи эди, калхўз бошлангандан бери дўм, биргат бўлиб ишла-  
ган кезлардан шу ойнакдан фойдаланарди, газетларни ҳам тинмай ўқир-  
ди, бирор қизиқ, достоннамо китоб қўлига туниса ҳам дераза ёргугига  
тутиб ойнагини кўзига кўндирганча икки кун демай шариллатиб ўқиб  
чиқарди. Бу гал нечундир ойнаги ҳам ўқиган булоғлик газета устида  
турибди. Кичик кампир туфдонга ҳам назар солди, Қиргий аzonда туриб  
туфдонни таҳорат маҳалда офтобадаги сувга чайқаб келадиган одати бор  
эди, кампирлари жирканишини хоҳламасди, шекилли. Бу гал...

Бу ҳам майли, даҳлизда катта михда чийдом илиғлиқ. Чийдом  
деганимиз, бу — жундан чатиб тўқиладиган, сирти қаттиқ, ичи жуни  
бўртиб тургувчи, чакмон келбат бир юклигина иссиқ кийим, ҳойна-  
ҳой, Фориш билан Нуротада кийса керак буни, валлоҳи аълам. Қирг-  
ийнинг ўзи ҳам шундоқ дер эди. Ҳар нечук эл кезган одам, билмаса  
гапирмайди.

Хулласи, бобомизнинг чийдоми-да ўз ўрнида турибди.

Кампир чолининг кечаси анчагина безовта бўлганини тагин фо-  
нусга қараб билди. Тунда чироқ учиб қолгач, Қиргий фонусни ёқиб-  
ди, ёруғида газет ўқиганми, нима бало.

Кампир шошиб оғилхонага борди. Охурга емиш ҳам ташланмаган.  
Қорамоллар секингина «бў-ў» деб қўйишяпти. Хашак мудгор бўли-  
шаётгани-да бу. Ушбу ҳолат ҳам Қиргий бобомиз учун бир тарки одат.

Шундан сўнг кичик кампир сермасланиб қолди. Оғилнинг оғзи-  
ни ёпмай меровланиб келаётib оғини чиқаверишдаги тоғорага уриб  
олди. Тоғорага арпа ивитиб қўйиларди. Эрталаб хашакнинг устига бир  
оз тўкиб чиқиларди. Қишида тугадиган ғунажин билан икки сигир то  
сутдан қолмасин деб арпа ивитиб беришарди. Бу юмушни ҳам, таби-  
йики, Қиргий амалга оширади.

Ажаб ҳолат эди. Кичик кампир меровсирайверди. Ўзича ўйлади: кўйлак-иштон, юпқа камзул, бошда салланинг дўпписи, оёқда маҳси — тоққа ҳеч бундай енгил кийимда кетмас эди-ку!

Ховлидаги яққамиҳда қулун турибди. Ё, Худо! От минмай бир ёққа чиқмас эди. Ўтингонанинг деворида емхалта осиглиқ. Кампиршо бориб емхалтани ушлади: отгаям ем бермаган. Сўлаги, ҳўли йўқ.

Ажаб! Тинчлик бўлсин-да ишқилиб.

Кичик кампир гаранг ҳолда бориб кундошига ушбуни айтаверди, кўнглидаги алағдаликни тушунтира берди. Тили чучукроқ, оққўнгил эди-да бечора.

— Чолнинг бу кетиши бежо кетиши, опа. Ҳеч балони тушунмайсан одам. Молларга емиш ташламабди, ем жойида қақпаб ётибди. Ич кийимида кетаверибди. Одамлардан қайтиб уялмайди. Бундай қилмагич эди. Алағдаман, опа, алағдаман. Оқшом қўйингинасига кириб ётмайманма, «не бўлди чол» деб.

Катта кампир совуқроқ акс садо берди:

— Бало урмас бу чолга, бўри ермиди. Қамчисидан заҳри томиб гўристонда бўлса етиб келади. Ҳовлини зир айлантириб мени қамчила бурмагунча, ҳовиридан тушмайди бу. Ерам ютмайди, қалчиллай берма.

Кичик кампир бундан яхшироқ жавоб ололмас эди. Руҳи чўкли, ёлғизлангандай бир ичикиди, бир ичикиди.

— Менгина ўлайнин-эй, — деб иэиллади.

Кичик кампирнинг зорланишида маъни бор эди. Қирғий уни суйиб хотинликка олди. Бироқ бу сулув хотин тумасак чиқди. Аввал эр қилиб ажрашган экан, боиси фарзандсизлик бўлган, шу сабаб Қирғий уни кўпда аяр эди, кўнгли юмшаб, раъйини қайтаргиси келмай қоларди. Исмат чавандоз мингувчи қора гунан кўпкаридан соврин олса биринчи бўлиб шу сулувига беради, ортса каттаси, ундан сўнг қиз ва келинларига илинади. Сулув бир ҳисобдан бу ҳовлида чолининг заҳрини қирқувчи, кундошига келажак таёқдан кутқарувчи бўлса, бошқа ҳисобдан ўзи ҳам чолига бирам орқайин бўлиб қолган эдикни, ҳеч нарёғи йўқ. Эҳтимол тирноққа зорлиги туфайлидир... Суянсам, тогим бор, деб кўп куявермади, куйганда Худо берарини бериб бўлди, бермасини бермас бўлди, бу ёғига «ё Рazzоқ!» демай иложиям йўқ.

Каттаси чолини «гўрсўхта» деб жеркийверар эди, кичигига ҳечам ёқмас эди бу. Бироқ, бари бир чолига ўшак қилмагич эди, шу сабабдандир катта кичикка кўп ҳам қаҳр қилишга ўрин қолмас эди. Аммо,

ҳарна бўлганда ҳам, ҳар қанча кенг уйга бир келин сиғади, иккиси бир эрнинг қўйнига сиғмайди. Яна денг, аёл зоти ўзининг кўнгли билан эмас, элнинг оғзи билан оёқ олади: униси ундан деса бир куяди, буниси бундоқ деса, яна бир товланади, тўнини тескари кияди, гапни кўпайтиради ва ҳоказо. Қиргий учун эса кўп гап эшакка юк. Биратўла даҳлиздан қамчини опчиқади-да, каттанинг елкасига икки-уч марта аямай тушириб юборади. Катта кирпи янглиғ ғужанак бўлганча вой ҳам демай елкасини тутиб беради, кичкина ўйлайдики, елкалари ҳойнаҳой бир энлик қўтириб бўлиб кетган чиқар. жонига тўзим берсин. Бурноғи Йиллари Қиргий гоҳи тўй-пўйдан ичиб келса, дарҳол хотинини чорлар экан, келса савалашидан қўрқиб у ҳовлидаги қайрағочнинг бошига чиқиб кетаркан. Эри туш деб жаврайвераркан, тушмаса ерда қолган калиш борми, тош, кесак борми, унга қарата улоқтира-улоқтира охири чорпояга бориб чўзилганча ухлаб қоларкан.

Энди ҳовли тўла невара, ўртанча ўғли ўзи билан, катта невараси ҳам мактабни битиради, бўйи шипдай, лекин катта кампирини тира-қайлатиб ҳамон қувиб ургани-урган.

Элнинг оқсоқоли, бировга гапини бермайди, гапирган гапини ерда қолдирмайди, куллас, кампирлар масаласида у сиз ўйлаганчалик хижолат ҳам чекмайди. Гўрўғли Мисқол ва Юнус парилар билан баравар яшайвергани мисол ҳеч бўйин эгиб хижолат чекмайди, яъни овул ичиди, ундан нари-берисида ҳам хиёл бўлсин обрўсига путур етмаган. Кампирини уриши ҳам гўё унинг фазилатига ўҳшаб қолган. Кампир ҳам худди чолининг таёғи учун яратилгандек калтак ейиши на овоза бўлади, на ичиди қолиб кетади—сарсон бир дунё у учун.

Қўнинккан шунга. Қариганда ҳам шу ғурбат қурмагурларга ярашади. Бошқаларга ярашмайди. Ўзи бошқачароқ яшаш ҳам мумкинлиги ҳар иккисининг эсидан чиқиб ҳам кетгандир.

Ҳовлининг аҳволини ҳаминқадар чиздик. Балки чечан сўзлаб бе-ролмагандирмиз, аммо бизни ҳам Сиз каби Қиргийнинг айни тонг палласи кичик кампирি алағда бўлганига яраша қаёққа ғойиб бўлгани қизиқтиради.

Рост-да, қаёққа кетган бўлиши мумкин?

Сиз ўйлайсизки, тоққа кетгандир-да, деб.

Ё бўлмаса, шу атрофда бирор бўйинсасиникига киргандир, одатига хилоф равишда бир овул наридаги Хўжамачитга бомдод ўқишига кетгандир-ов, деб. Тоққа кетмаган. Кетса чийдомини кияр эди, пахталик шимини илиб олар ёхуд дўмлигида кийган анови солдатнусха

шимини кийиши лозим эди. Яланг қават иштон билан қишлоқ оралашни у ўзига эп кўрмайди. Боз устига яхши кўриб минадиган қулиниям шу ерда. Ҳар тугул эси пасайиб қолган чол эмас, ахир. Ундеймундайнини отдан уриб ағдараман, деган важоҳати бор. Боз устига кеч кузнинг қор ҳам ёғаверса бирорвга малол келмайдиган заҳардай ҳавоси уфураётган бўлса.

Бўлмаса қаёққа кетди?

Ҳамма гап шунда, биродари азиз!

Кеп қолар-кеп қолар билан кеч ҳам тушди. Ҳовли алланечук ҳувиллаб қолди. Ўғли бехавотир калхўзга тушиб ҳам келди. Заррача отам келмай қолса-я, деган ўй ўтмади миясидан. Унинг учун ҳам ота минг йил яшайдигандек, шу ҳовлига устун бўлиб тураверадигандек эди. То янги тонг отиб, қўни-қўшнилар ҳам «бундайчикан феъли йўқ эди-ку» деган ҳавотир уйғонмагунча бошқалар ҳам билмадилар. Зеро оқсоқолнинг ҳар куни бўлмаса-да, кун ора ўзи кўринмаса ҳам узун шарпаси қишлоқни бир карра кезиб чиққувчи эди. Бундай хабарни бирорвларга, айниқса, ёт кишиларга айтиш яна ҳам ўнгайсиз. Қариб бедармон бўлиб қолган бўлса, бошқа гап эди, саксоннинг тагига етганига қарамай қомати белкуракнинг сопидай, қарашлари қарчифайдай, шундай бўлгач ўғил умрида биринчи марта отасидан алағда аҳволда амакиларига хабар етказди. Кун ёйилмай кенг ҳовли қариндош-урӯғга тўлиб кетди. Амакилардан улугроқ саналган бири қир-адир, жару ариқларни қараб чиқайлик, дея таклиф қилди. Табиийки, бу фарзанд ва Кампирларнинг юрагини кемириб юборди: Худо кўрсатмасин-эй, бундай деманг! Лекин осмонга қараб тавалло қилиб ўтиришдан ҳам фойда йўқ, нимадир қилиш керак. Қиргийни кўрган борми, деб ён-атрофга чопар жўнатишни-да фарзанди эп кўрмади: жуда хунук-да бу иш — тик оёқда юрган, қишлоқнинг кўкрак керган оқсоқолини мол қидирган янглиғ қидирсанг. Ранги палондай, кийими пистондай, мурти унақа, кўзи бунақа, деб. Ҳамма Қиргийнинг ҳовлига дўпирлаб, шовқин билан: «Тирик жон борми бу уйда!» дея ҳайқириб кириб келиб колишини кутарди.

«Гўристонда бўсаям қайтиб келар» деб ўтирган катта кампир ҳам алланечук кўнгли орзиқа бошлади. У бугун чоли тушмагурнинг қамчисидан икки-уч зарба кўпроқ тотишига ҳам рози бир аҳволга тушди. Ҳаммадан ҳам кичик кампир кўпроқ қуярди. Чоли бўлмаса у бу ҳовлида эрсиз келинчак ёхуд ортиқча меҳмондай бўлиб қоларди. Ёшлигига сулувлиги, олтмишни қоралаган бўлса-да, шундоқ билиниб ту-

радиган кичик кампир, деярли бир кунда кўзлари киртайиб, ўзи картайиб қолди.

У кечаси билан мижжа қоқмай чиққанди.

Иккинчи, учинчи ва кейинги кунлар ҳам одам оёғи узилмади. Қизиги, ҳеч ким Қирғийни кўрдим демасди. Кейинги кунларда нариги, ундан нариги овулларда палон, пистон жойда бирор кўрибди, Нуротага, Форишга, Жиззахга кетаётганини кўрган эмиш, автобусда кўрибди, отда кетаётганини орқасидан кўриб қолишибди, фалончинг маракасида кўрган эмиш-ку, каби гаплар ғивирлаб юрар, аммо чинакам суринтирилганда ҳаммаси хом гап чиқарди: аслида ҳеч ким кўрмаган бўларди. Тавба, тик оёқда юрган одам-а, нарса ё мол бўлсаям ҳай, майли, дейсан. Кунлар ўтган сайин кўрибди, кўрган эмиш каби мишиш-мишлар шу даражада тахминий тус олиб пучга чиқа бошлиди, ўғил ҳечқурса отанинг мурдаси топилишига-да рози бўлди. Жиззахда турадиган қенжаси ҳам келиб уч кун юриб кетди, Девтепадаги катта ўғли кунда-шунда. Қайтанга уй эгаси бўлмиш ўртанча келувчилардан безор бўлиб ҳам кетди. Улардан нажот йўқлиги бир ёғу, келиб-кетувчиларга ҳеч бўлмаса чой-нон қўявериш ҳам малол кела-верди. Кўрадаги икки эчки, бир така сўйилиб кетди: қариндош-урулар келиб ётиб олишади ахир. Уларни тўйғазиш ҳам керак-ку. Аммо улар ҳам қорин тўйғазиш учун келишгани йўқ. Зора, бир яхши гап, яхши хабар бордир, деб тикка шу ҳовлига келишади. Уйи олисроқ бўлса, ўзини яқин тутиб ётиб қолаверишади.

Тоғ қишлоғи, унинг шарт-шароити шу-да: шаҳарда туриб яшашнинг кўп қонунларини ишлаб чиққанинг билан табиий ҳаёт бари бир ўз ҳукмини ўтказади.

Кичик кампир, боя айтганимиздек, тоза ўзини олдириб қўйди. Қўл-оёқларида дармон қуриб, иштаҳаси қочиб, бир аҳволга келди. Келим-кетимга ҳам унча аралашмади. Қўлинни тиззасига олиб ияигига тираганча узоқ ўй сурадиган одат чиқарди. Орадан ойлар ҳам ўтавергач, адойи тамом бўлди. Чоли борида кундошининг фарзандларига оналикни баҳам кўргандек бўлар, қўпам эзилмасди. Энди...

...шу ердан бошқа сиғадиган жойи йўқ муштипарнинг.

Кампир тонг отди дегунча адоқдаги Нозик қушночнинг уйига равона бўлади: қушноч қандай туш кўрди экан бутгун? Нозик момо бир пайтлар ҳайбати зўр қушноч эди, чилдирмасини чалаверар, одамларим мундай дёётир, деб жинлар нима оғзига солса айтаверарди. Не бир ўғриларнинг номини тутиб кўп панд ҳам еган, аёл жонига қасд қилгувчилар-да топилган. Сўнг фол кўришни бас қилган эди. Аммо у

Қиргийнинг кампиридан нимаики кучи бўлса аямади. Шуниси кампирга ёмон таъсир қиласар эдики, Қиргий кўпинча кушночнинг фолида қоронгуликда кўриниш берарди. Кушноч суваброқ қоронгутоброқ жойда кўринди, лекин чиройи очиқ, деб айтарди. Бу гапларни кампирнинг кўнгли учун айтармиди, ё бор кўрган-билгани шу эдими, кичик кампир буни англолмасди. Туш кўрган бўлсангиз, тушингизни айтинг ҳеч бўлмаса, деб туриб оларди.

— Қаришимми, айнидимми, тушларимам равон эмас, — дейди Нозик кушноч кичик кампирга.

У зўр-базўр туриб бўлса ҳам кампирнинг елкасига қўл узатиб кўришар эди, охирги пайтлар «келдингми» дея бир қўзғолганча нурсиз кўзлари билан қотиб қараб тураверадиган одат чиқарди.

Кичик кампир бундан: « ҳалиям умид қиляпсанми Қиргийдан?» деганга ўхшаш маъно топиб, баттар зил кетарди.

— Хабар-пабар йўқми, тушам кўрмайман-а, сабил, — деб қўяверадиган бўлди кушноч.

Анов йиллар фолбин дегани қўзиқориндай бодраб чиққан эди, уч-тўрт йил бўлди, бари бирдай зим-зиё бўлди-қолди. Буларнинг тухуми ҳам бир кўпайгич, бир озайгич эканми, деб ўйлади кампир.

Бир неча марта участковой милиса келиб у-бу нарса суриштирган бўлди, қоғоз тўлдирди, ариза беринглар деди, лекин ўғил унамади, уялди: нима деб ёзаман аризага — отамни топиб беринглар дейманми, уруш замони бўлмаса, шундоқ уйдан ўзи қадам олиб чиққан бўлса?

— Ҳеч ким билан уришмаганмиди? — дея ўсмоқчилайди милиса тагин.

Милиса ҳам нариги ошуудаги қишлоқдан, бу ерни, бу одамларни беш қўлдай билади. Ҳуллас, шу ернинг жайдариси, илинган қирда, сойда чўпонми, тракторчими — улфатчилик қилиб юраверади. Лекин бари бир келган заҳоти дарҳол расмий тус олиб:

— Ҳеч ким билан уришмаганмиди? — деб сўрайди.

— Қўйсанг-чи, — дейди ўғил. Уришган-уришмаганининг нима қизиги бор, ўзинг биласан-ку.

— Гўргаям кетмайди отанг, — дейди милиса бир оздан сўнг. — Бор, бирор ниманг бўлса опчиқ, бош гаранг бўлиб кетди ишлайвериб.

Ўғил ғаллахонадан битта вино, битта пиёла, питта пиёз кўтариб чиқиб чорпоянинг устига қўяди. Милиса шишанинг қопқоғини тиши билан «пақ» эткизаб очади-да, қуйиб ўғилга узатади. Ўғил ўзинг ютавер дегандай қўл силтайди.

— Отанг тезроқ келсин, — дейди миришаб ва бир томчиям қолдирмай сипқорали. У уч пиёлани шундай, бир хил ният билан ичадида, шиша тагида озроқ қолдириб, «бу келгүнимча ризқ» дея пиёлани тұнкаради-да, аравачаси ечилигін «Урал» мотоциклини қирдан пастга шүнгитганча йүл-йүлакай ёндириб даф бўлади.

Қатновчилар худди касал кўргани келганга ўхшардилар: ботиниб-ботинмайгина сўрашиб бўлгач, бир хил саволга туғаверишарди:

— Бирон хабар борми?

Гарчи саволнинг жавоби аниқ бўлса-да, сўрашдан эринишмасди. Тўғри, қўлларидан келса-ку, ёрдам қилишади, аммо ҳеч бир дарак бўлмагач, нима қилсин улар ҳам.

— Бундан кўра сулайибгина жойида ўлсаям майли эди-я, — дейди катта кампир. — Шутина уйдан опчиқиб кўмиб, тинчимаймизми, бу нима сарсонгарчилик энди?!

Бу, албатта, ният эмас. Кампир ҳам зориқиб кутарди чолини, юқорида айтганимиздек еган қамчилари гарчи тагин хумор қилмаёт-гандир-у, лекин шу уйнинг қораси эди-да. Агар бугун ё эрта чол гўё ҳазиллашиб ғойиб бўлгандек уйга кириб келса, бағриям, кўнглиям тўлиб қоларди кампирнинг Ҳаммани гаранг қилиб қўйди бу ҳолат.

Эртаси куни милиса тагин келди. Кампирлар бирори у уйдан, бирори бу уйдан кўриниш бериб баравар чиқишиди. Миршаб курткасининг киссасидан буқлоғлик қофоз чиқариб, мотоциклиниң бакига қўйиб текислади-да, катта кампирни сўроқча тутди:

— Мабодо чолингиз билан ораларингизда уруш чиқмаганми ўша куни?

— Uriшсак, менинг товушим уйингга эшитилса кераг-ов, болам?

Бир иддао, бир писандсизлик бор эди кампирнинг овозида. Чунки кампир бечоралар кунда-кун ора келувчи бу милиса боладан ҳам најот кутишарди-да. Нажот бўлмагач... мана бундай чимчиловчи гап қилиш ҳам уларнинг аламини қўзитса керак эди.

— Аммо, биламиз-биламиз, лекин ишимиз шу-да, бутун бошли бир одам бўлса, бизданам сўрайди бошлиқлар, нега йўқ дейди, ишламайсан, дейди.

— Энди келсанг, бир маънилироқ гап топиб кел-чи ҳечкурмаса, — дейди кампир.

— Сизларнинг аҳволингизни тушунаман.

Милиса икковигаям қараб жовдираганча қофозни олиб чўнтағига солди, негадир тагин олиб бакнинг устига қўйди.

- Ўёлингиз уйдами? — деб сўради.
- Накуртга кетди — кўпкарига, — деди катта кампир.
- Кўпкарида пишириб қўйибдими, — деди милиса ва ҳафсаласи пир булиб кечаги қолган шишага қаради, ҳали ўша ҳолича турарди шиша. — Отанг бу ёқда бийтиб... ҳалиги қип ётган бўлса... Ўл-а одам бўлмай! — Шишидан кўзини зўрга узди. Қоғозни тагин буклаб чўнтақка урди. Қиядан ярим йўлгача ёндирилмай тушди-да, кейин мотоциклини патирлатганча сойга қараб кетди.

Накуртнинг кўпкарисида жаловга ўн бир тана, уч той қўйилди. Одатан, бундай катта кўлкарининг бошида Қирғиз тургич эди. Гарчи ўзга овулдан бўлсаем, шу офтобрўнинг оти чиққан кайвониси эди: одамлар ўзлари мэррага раис қилиб қўйишарди. Ҳалолини, ҳаромини ажратишида сира гирромлиги йўқ эди, оға-инипарастлик қиласди. Ётиб олиб олишса, олишаверардикси, ҳалол ташлаганни ноумид қилиб қўймас эди.

Ўғил бу ерга отасининг ўрнини босиш учун эмас, аксинча, уни... отасини дараклаб келди. Бир қанча тенг-тўшларини учратди. Сўрашга ийманган бўлса-да, умид билан бирор хабар эшитарман, деб ўлади.

— Отангнинг бир Маҳкам дегич қалин ошнаси бўлгич эди, Нуротада. Ўзи унча-мунча ўзбекни хушламайдиган тохик. Лекин отанг билан ҳеч нарёги йўқ қалин эди. Тоза мучали туви келганийди-да баҷчагарнинг. Кўлда отбоқарлари бор: қозоқ, ўзбек, тохик—ҳар хил; икки юз, уч юз йилқиси бор деб эшиштаман. Замон бундай булиб у ёқларга қўлимиз этиши қийин бўлди, ё қарияппизми, билмайман. Отанг тов ошиб, қироқлаб, Парандоз чўққиминан айланиб, Пангатдан тушшиб Жўшнинг нарёғи, Чамбильбел дегич жой бор, ҳеч ким зиёрат қилмайдиган жой, отанг қайсар одам, бориб зиёрат қиласди, Фирқўкнинг изини ўпади, ёзинг чилласида бир оқшом-икки оқшом ётибам қолади, ҳозир ётмаса керагу, лекин шундай айланиб Нуротага тушган бўлса ажабмас. Юрғандир-да икки мўйлов йилқи санаши-иб, сеники кўпми, меники кўп деб.

Уста Тиркаш отасининг бўйинсаларидан, Мұҳаммад оқсоқол ўлгач, шунга кўп суюниб қолган эди Қирғиз.

Устанинг гапи ўғилга обдон бол тушди. Кўзининг олдига келтирди-кўйди отасини: кўлнинг бўйида, қамишзор ёқасига икки чол ўтириб олиб, қозонга сазан балиқни ташлаб билқиллатиб қайнатиб, Гўрўғлиниң достонидан айтишма-айтиш ўйнаб, нашавандлик қилиб ўтирибди. Йилқибоқарлар қўй сўяйликми ё бирор юмшоқроқ улоқни тандирга босайликми, деб қўл қовуштириб туришибди.

— Маккам тажик ўлди, — деди бир жиккаккина, соқоли сийрак сариқ чол. — Аллазамонлар бўпкетди бунга.

Ўғил зўрға отасини тирилтирган эди-ю, шу чол қайтадан бўғиб тинчитгандек бирдан ёмон кўриб кетди уни. Зингил солиб қаради, бироқ танимади, ҳар ҳолда отасига яқин юрганлардан эмас эди.

У бўлди, бу бўлди — сариқ чол Маҳкам тожикни билмас чиқди: ўғилнинг ичида чироқ ёнди. Қайдасан Нурота деб йўлга отланар бўлди. Бирор Парандоз, Ҳаётбошидан айланниб тогнинг орқасидан, Можрим билан ўт, деди. От билан айлан, деди. Бирор Жиззахга тушиб автобусга ўтириб бор, деди. Бирор от билан тўғри Кўшработга кесиб чиқ, деди: у ердан Нуротага автобус бор.

Шу таклиф маъқул келди, тузук-куруқ манзилни ҳам ҳеч ким тайин айттолмади. Онаси Фозғонни кўп тилга олгич эди, нарёғида кўл бўлаймиш, кўлда ҳар бало бўлаймиш, ичида бир қуруқлик қамишзор бўлаймиш, тожикнинг отлари у ерда қишлийдикан, деди. Лекин тожик ўн йил бўлди қадам узганигаям, ўлмаган бўлса, бориб кўр, ўша ёқда бурундан қоғон эшонлар кўп, шуларгаям бир учраб ром очир, ўзингга дам солдир, деди. Оқ йўл деб фотиҳа ўқиб дуо қилди.

Кичик кампир:

— Опкегин-да болам, отангди, — деб ёлворди.

Ўғил ўгай онага термулди. Қўзларига туйқус ёш инди.

— Майли, опкеламан, — деб отини шартта бурди-да, хўнг-хўнг ийғлаганча кетаверди.

Кампирлар бунда умид-ла ўғилга ишониб туришсин-да, гапни Нуротадан эшитинг.

Ўғил йўл юрди, йўл юрсаям мўл юрди, отни Кўшработга бойлаб, бир кеча ётди. Иккинчи кун кечин-ола автобусда Фозғонга тушди, пиёда юрди, сўради-суриштириди, бошини эгди, гадой бўлди, жой сўради, чой сўради, Маҳкам тожикни топмай тоза сарсони чиқди. Бир раҳмдил чиқди, ўзи чавандозман, деди, отангни эшитганим бор, кўлигинг бўлмаса, танкамда кўлга обораман, тожигингни топамиз, деди. Танкаси «УАЗ» машина экан, бир шилғирт экан, лекин кўлгача юриб борди.

Кўл бўйи, қамишзор, қоровуллар, гоҳида чўпонлар. Маҳкам дегани бор экан, лекин ўзбек экан, ўзбекнингам тоза туркманидан экан. У тожикни танийман деди. Бошқа тарафдан кепсан, Сентобдан ошиб келсанг йилқи уюрини кўрар эдинг. Жуда бўлмаса чўпонлари кўрсатар эди, деб ўкситди.

Ўғил ичидан эмранди. Не бўлди буёғи, деб гарангсили, Маҳкам ўзбек чойдишда чой қайнатди, чайла-томда бир қур гапхона қилди, йигит бечоранинг дардини англаб раҳми келди, чўбирини бериб турмоқчи бўлди, лақмароқми, ё тирриқроқми, орада бир айниб олди, кейин берар бўлди, опкелиб берасан, бермасант сир кўрасан, палондай бўлиб ўласан, бурнинг қийшяди, кўзинг оқиб тушади, деб вахима қилди, нонни ушлатиб юз марта қасам ичириб жўнатди.

Йигит Сентобни айланиб келаман, деб сарсони чиқди. Тоғ орасидаги тожиклар ўзбекчани деярли билишмас экан. Ағрайиб тураверади. Яна битта Маҳкам учради. Буниси тожик экану, бироқ бошқа экан, бир байталим бор, бошқа отим йўқ менинг, деди. Лекин бойни танир экан. Ўзбекниям биларкан, уюрига борар йўлни қайта-қайта тушунтириди, адашсанг тикка шу ерга кел, деди.

Ўғил топди бойни. Бойни эмас, подасини топди. Отбоқарлар «бой шаҳарда, чоршанбагача кут, келади», дейишди. Чиндан чоршанбада келди бой. Бунгача ич-этини еб ўтириди, оз-моз чўпонлар билан гурнунг қилиб овунди. Балиқ, қирғовул овлади, ёввойи ғоз қувди, ишқилиб, икки кечани ўтказди.

Маҳкам тожиги қариброқ қолган чол экан, соқоли худди китобда ёзилганидай, кўксини ёпиб туради. Кўзи тийран, овози ўткир экан, қарилитини шу ёпиб тураркан.

— Отанг билан ўттиз йиллик биродар эдик. Гум бўлди, деб эшигган эдим. Охирги ўн йил тоғда, кўпинча кўлкарода кўришдик. Сабаби, иккинчи онангга мен сабабчи бўлган эдим. Охирги пайтлар сезнинг онанг сезиб қолувди, боришдан тортиниб юрдим. Ҳа, энди, Қирғийга керак эди-да яна бир хотин: гайратли эди-да, жувормак... Ори қаттиқ эди, биромминан ёвлашса ўчини олмай қўймасди. Бу офтобрўйда ундей синчи кишиям йўқ. Отга қараб нафас олишиданоқ сезарди зотини. Ҳозир миниб юрган қулуни гунан бўлиб қолгандир, бизди уюрдан ушлаб опкетди. Ёввойи тойни миниб, тоғдан ошиб ўзининг отини еталаб кетди. Бир минишда ўргаттич эди ҳар қандай отни. Тилини билармиди, бир бало. Биларсан, йигирма-ўттиз йилқиси бор тоғда, шуларнинг беш-олтигаси жайдари чиқар, қолгани бари зот, болам, бари зот.

Ўғил отасининг феълини билмасмиди, бу таъриф-тавсифларни биринчи марта эшиштаётгани йўқ. Маҳкамбойнинг гап авзоидан гўё у отасининг қаерда эканини билади-ю, атайлаб гапни айлантираётгандек эди. Охир айтса керак, деб ўтираверди. Ийиги чиқиб кир бўлган дастурхонга тожик қушхалтадан икки косача туршак тўқди. Хуржун-

нинг бир кўзидан юлқадек буқланган иккита патир чиқарди. Патирнинг қатталиги ўзиям бир қулоч келса ажабмасди.

Кулочкашлаб қайишқоқ пишган патирни зўрға синдиаркан:

— Биз тўқ, бола, сен ол, бу чўпонларди сухарисига шерик бўл, тоза тобинг қочибди-ку, — деди.

Ўғил туршакларнинг сап-сариқлиги, тозалигини кўриб ҳайрон бўлди. Ўзиям ёнғоқдай семиз-семиз.

— Ол-ол, — деди Маҳкамбой ва ён киссасидан чиройли безалтан носкодисини чиқаркаркан: — Сен ўзбеклар туршакни қуртлатиб, томга тўқиб, лойга, тупроқча буркаб ҳеч яратмайсанлар, мана, буларни кўр, қандай, еб кўр, мазасини кейин айт, — деди.

Ростданам туршак бир мазали экан, бир мазали, ўғил очлигини сездириб дастурхондаги бор туршакни тушириб, данагини бир уйим қип ташлади. Устидан қайишқоқ патирни чойга бўқтириб урди. Корни тирсиллаб дамлади. Дам-бадам қамиш панасига бориб келаверди. Мезбон кулди.

— Ўзбек туршакни ейишниям билмайди-да, — деди. — Овқат эмас-ку бу, жўра.

Маҳкам тоҷик оғзига бир қултум совуқ чой олди-да дарчани очиб носини туфлади.

— Қиргий, баччагар қиёмат достончи, биласан-а? — деди қайтиб ўтираётуб.

— Достонни кўп ўқигич эди, эшон бобомнинг китоблари, деб беш-ўнта китобни халтага солиб илиб қўйгич эди. Авлиёларнинг китоби бўлса керак, деб қарамаганман.

— Эшон бобонгники бўлса, Жуманбулбулники-да. Бир ўқиганини кўз юммай қайтиб айтиб бергич эди. Бир йили, унда ёшроқ эканмиз, Нуротадан, бизнинг уйдан чиқиб қизиқ-қизиқ билан Қоракиссадаги Раҳматулла баҳшиникига борганимиз достон эшитгали. Ўзимизга ўшаган майдагина чол экан, Қиргий ҳеч қўймади Гўрўғуни айтинг, деб. Курмагур баҳши ўзиям ўттизлар достон биларкан Гўрўғи ҳақида. Қиргий тамом сел бўлиб эшитди. Бир йиглайди десанг, «ай, жўра, бу бир эртак, турқингга ярашадиган ишни қил», десам, яна сел бўлади. Раҳматулла баҳши яна ийиб кетиб, «Рустам»ни, «Алпомиш»ни, ҳалиги Зулфиазар пари ҳақидагини, Авазхон, Ҳасанхон — барини бир қатор айтаберди десанг. Уч кеча ётиппиз, отанг икковимиз нашани қип ётиппиз, икки тандир нон едик ўзиям, нашадан кейин қорин мой билан янчмич ай кетади-да. Қиргийнинг ўзиям тўрт-беш достонни ёдан биларкан. Эшон бобомнинг китобидан ётагалиман деб

Раҳматуллага айтиб берди. Бир эмраниб айтди энди, бахшиям қойил бўлди: кумқулоқ экан ошнангиз, офарин, деди. Келатуриб йулда хиргойи қиляпти. Раҳматулла бахшиданам бир-икки достонни ўзлаштирибди. Шунаقا бир аломат-да отанг. Бундай одамлар камдан-кам туғилади. Элга оқсоқол бўлиш ҳазил гап эмас. Сен, мисол, ўзингнинг болангаям мана бу фалончининг қизига уйлан, ё бўлмаса уришган одаминг бўлса, яраш ҳозир, деб айттолмайсан. Ҳаққинг йўқ одамдай ийманасан. Отанг бундай қилмайди: айтганини қилдиради, қилдирмаса қўймайди. Одамгарчилигиям зўр, фирромлиги йўқ, нафс учун бадном бўлганини ҳеч эшитмаганман. Уста, уддабурон.

Ўғил отаси ҳақида кўп таъриф эшитган, аммо бу кишичалик ихлос билан тавсиф берганини бирордан эшилтган эмас. Эшита туриб юраги орзиқди, отасини соғинди. Тўрт-беш кундан бери олинмай тиканак бўлиб кетган соқолини тирнай туриб ўйчан қотди. Йиғлагиси келди. Тўйқусдан Маҳкамбойга: «отамни топиб берсангиз-чи!» дея зорлангиси келди. Шунча гапни билган одам жўрасининг қайдалигини ҳам биладигандек туюлди.

— Отамнинг жўрасисиз, отам десам бўлади сизни, — деди беинхитёр. Кейин нима дейишни билмай ўйланиб қолди. Бу одам билан биринчи бор ички сир бўлаётган бўлса. Барибир: — Энди нима қилсак экан, ота? — деб сўради ағрайиб.

Маҳкамбой ўғилнинг нажот истаб турган ташвишли қўзларига қараб қолди.

— Оромижон дўстим бор эди-я, аттанг, — деб булкиллаб йиғлаб кўя берди.

Ўғил учун энди нажот қолмади. Ўзиям йиғлади. Қирқ кундан ошиди воқеага, аммо йиғламаганди, йиғласа уйидаги аёлларга суюнч бўлолмас эди. Энди бу оламда бир ўзи, ҳеч бир ҳимоясиз қолгандек хўнграб юборди.

— Сен бундай қилма, бачам. Мен-ку, бирор жўяли насиҳат айттолмаганимдан тўлиб турибман. Ўзи кейинги кезларда тоза кўргим келиб интиқ бўлган эдим. Худойим кўнглимга солдими, бир-икки туш ҳам кўрдим, ҳайрон бўлдим, Қизилчада бир чавандознинг тўйида шундай бўпти, деб эшитдим. Оллоҳ раҳм қилсин, бошқа нажот йўқ, бола. Сен менга ўқиндинг, бошқаларга бундай қилма. Айниқса, оналарингга. Сен энди ўша уйнинг устунисан. Худо раҳм қилган бўлса, омон бўлса, келиб қолар, агар келмас бўлсаям бундай фариб юрма, отангнинг боласи бўл. Эл ичига ҳар хил одам бор: бирор чиндан қуяди, бирор ичидан хурсанд бўлади, сен бундай бошингни эгавер-

санг, яқин одаминг ҳам сендан қочади. Мундай қил: Форишнинг тоғида Давир чўпонда ўн олтита йилқинг бор, Накуртда Сирлибек чўпонда ё олтита, ё саккизта йилқиларинг бор, чўпонлар билан бориб муомала қилиб қўй. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ деб, яна хомталаш бўп кетмасин. Тушундинг-а? Шундай қил. Элга аралаш. Отангнинг тутумини қил, кўрганлар отасининг ўғли, десин.

Ўғил бирров сергак тортди. Турмушда ота ўрнини босиш маъсуллигини ҳис қилгандай бўлди. Аммо айни пайтда отаси уйининг соябони, суянган тоғи эканини ҳам қўнгилдан туйди, ҳароб бўламиз агар омон келмаса деб ўйлади.

Кечкурун Маҳкамбой «ўғли»ни тўйдириб меҳмон қилди: чайлатомнинг шифтига осилган анча-мунча қоқ гўштнинг барини қозонга бостириб қовурди. Бир шиша «Ройал» деган спирти бор экан, қўйиб бермоқчи бўлди, «ўғли» ичмади. Бошқа ёқлардан гаплашиб чақчақлашишиди. Ётар маҳали ўғил ноумид бўлмай деб тортиниб сўради:

— Шу, Нурота томонларда эшон кўп дейди, ота, бирор яхши ром кўрадиганиям борми?

— Ром ҳаром нарса, болам. Бу бир. Иккинчидан эшонлар фол кўрмайди. Ўқиб қўяди, дуо қилади, дам солади. Касал тузатадиганлариям бор. Иккита мўлтони бор, номи чиқкан. Қирғийни икковиданам сўраб кўрганман. Узоқда, қоронфуда, лейди.

— Ишқилиб тирик дейдими?

— Тирик дейди. Лекин ҳеч эшигтнанинг борми фолбин бирор йўқолтанини мана деб топиб берганини. Жин-ажиналарнинг васвасасига ўйнайди бари. Қуръонда, ҳадисда қораланган бу нарса. Агар фол очирмасам бўлмайди десанг, мўлтониларгаям, бошқаларгаям обораман, лекин фойдаси йўқ. Тавба, қандоқ қилиб типпа-тиқ юрган одам изсиз гум бўлса, шунақасиям бўларканми?

Маҳкамбой бир оз жим ётди. Кейин ўғирилиб ўғлига:

— Отанг бировга қаттиқ гапирса, гапирап эди, лекин қасдлашмас эди, чунки манфаат юзасидан кек сақлайдиган одати йўқ эди-да.

— Деви бор эди, дейишади, гапиришга гапирап эди, лекин ёқасидан олмас эди, айтганингиздай хусумат қилмайди-да.

У «хусумат қилмас эди» деса, йўқ одамни гапиргандай чиқмасин деб шундоқ, ҳозирги-келаси замон феълига мос slab якунлади. Сўнг хўрсиниб ўйга чўмди: йў-ўқ, душманликдан бўлмагандир, ишонгинг келмайди, одамнинг бирор ишгаям қўли бормай қоларкан, ҳозир шу ерга келиб қолса борми?

— Хўш, тожик, бормисан, деб кириб кеп қолса-я, — деди Маҳ-

камбай худди «ўғли»нинг хаёlinи ўқиб ўтиргандай. — Суюнчига шу чўбирингни опқолар эдим.

— Бу омонат, — деди ўғил. Кимники эканини айтгиси келмади.

Маҳкамбой йўлда чарчаган экан, туриб чироқнинг пилигини пасайтирди.

— Ўчирамсам нима дейсан, ҳеч ёруғда ухлаёлмайман-да.

— Ўчиринг, ўчираверинг, — деди ўғил ҳам ва тескари қараб ётиб олди. Лекин ухлаёлмади, тонгта яқин қотиб ухлабди.

У Маҳкамбойнинг азон чақирганини ҳам эшитмади, пинак қоқмай мушукдек ётаверди.

Бой чўпонлар билан айвончада чойдиш қайнатди, сімхалтага беш ҳовуч арпа солиб йилқисининг бошига илиб келди. Охири мәҳмонни туртиб уйготди.

— Туринг энди, чошгоҳ бўпкетди, мәҳмон.

Мәҳмон бошини бир кўтариб, керишганча тағин чўзилди. Устига ташланган яланг кўрпача тагида тиришиб ухлабди. Эснаб керишиди, тағин бошини ёстиққа қўйди, кўзлари секин юмила бошлади. Чўпонлардан бири кирди-да:

— Хў, мәҳмон, чой қайнади, туринг, — деб уйготди.

Уйида бўлганда ё хотини, ё онаси уйготган бўларди. Отаси ўзи уйготмасди, агар туравермаса, онаси оладиганини оларди Қиргийдан. Бу ер мусофирихона. Ота уй эмас. Иззатини билиши керак одам.

У йўл жабрининг бу қадар оғирлигини шунгача деярли ҳис қилмаган экан. Чўбирни қайтиб эгасига опкелгунча бўлари бўлди: чоти яғир бўлиб кетибди. Тагига қалинроқ жабдуқ тўшаб олмабди.

Ҳалиги чўпон ўзида йўқ хурсанд кутиб олди. Икки кун кечикканiga отдан айрилдим, деб пушаймон бўлиб ўтирган экан.

Ўғил энди Қизилчага пиёда йўл юриб қайтди. Ундан бир юк машинасига илашиб Нуротанинг йўлига, сўнг қийналмай Қўшработга етди. Бу ерда тонг оттириб уйига жўнади. Пешин намоздигарга оққанида уйининг устидаги тикка қиядан ошиб тушарди. Айбордай эди: ҳамма кутаётган отани «опкелмаётган» ди.

Аскар қайтгандек бўлди ўзиям.

У ҳамманинг олдида қарздор эди гўё.

Ўғил қарзни узолмади — жўяли бир гап ҳам айтмади, «тақдирга тан бериш керакми дейман» деди онасига. Она хўрсинди. Узоқ тек қотди. «Халққа нима дейсан?» Ўғил ҳам узоқ ўйланди. Аросат азобида қолди. Эрталаб тоққа равона бўлишни ўйлади. Маҳкамбойнинг айтгандарини қилсам, тўғри бўларкан, деган қарорга келди. Боз устига

мана бу танглиқдан бир-икки кун тағин қутулғандек бўлади. Кейин Худо поишшо.

Эрталаб чой ичар маҳали участковой келди.

Уйга кирмади. Анови кундаги қоғозини чўнтағидан чиқариб ёза бошлади.

— Жўра, амаким бирор киши билан хусуматлашмаганмиди?

— Эшитмаганман.

— Ўша куни бирор билан уришмаганмиди?

Ўғилнинг ҳам ори келди, ҳам ғазаби қўзиди:

— Шундан бошқа нарсагаям ақлинг етадими ўзи ё миянг шунга келиб тормозланиб қолганми?

— Мендаям началство бор, оғайни, билдинг, сўрайди улар нима бўлди деб. Сообщения бўйича дело кўзгалган. Сен бўлсанг на ариза берасан, на тузук гапирасан одамга. Мана, эртага жиноят қидирувнинг бошлиғиям келади, уям шуни сўрайди биринчи, жуда бўлмаса психический касаллиги бормиди, деб сўрайди.

— Уйда вино тутаган, командир. Энди биратўла отам топилганда келасилар, узоқ йўлга терговчиям келиб ўтирасин, илтимос силардан.

— Сенинг винонгга зор бўлиб келармиди келса. Берганинг билан ичмайдиям, ана кўрасан. Майна қиласан одамни! Миннат қилаётган бўлсанг, пулини тўлайман.

— Миннатам қилмайман, виноям бермайман, бўлдими, каллани қотирмасанглар бўлди. Етадими?

— Яхшиликният билмайди бу гўрсўхта.

Милиса жаҳли чиқди шекилли, бу гал мотоциклини жойида ўт олдириб патирлатганча сойга қараб ғойиб бўлди.

Шу билан Қирғиз қиссамизни тўхтатиб турайлик-да, гапни бошқа ёқдан, аниқроғи Тошкент деган шаҳри азимдан эшитинг.

Мен, пойтахт биқинидаги кўп тилга ҳам тушавермайдиган илмий текшириш институтининг оддий бир ходими—ўзим биладиган сабабаларга кўра, лекин ҳеч куттилмаганда, туйкус, бирор билан қасдлашмай, бу ҳақда тасаввур ҳам қилмай, демакким, видолашув ҳақида бот-бот ўиласам-да, ўлим деган нарсани аниқ кўз ўнгимга келтира олмайдиган одам, барча ишларим ўлда-жўлда, орзу-армонлар, бир ўғил ва бир қиз гудагим, келинчак орзулари кўнглини ҳам, афтангорини ҳам ҳануз тарқ этмаган жондай жуфти ҳалолим ортидан, яна уйда эмас, кўчада, фарзандлар оғушига шошиб келаётганимда,

дўстим, ҳа, азизу қадрдон дўстим ҳам қариндошим Абдумаликнинг ҳамроҳлигига, гувоҳлигига, ёрдамида ўлим отлиғ маҳлуқ билан қучоқ очиб кўришмоққа сазовор бўлдим, ҳа, сиз ўйламанг тагин беоқибат экан деб, Қиргий асли қариндоши бўлса ҳам хабар олмапти деб, йўл олис бўлса-да, икки ой бадалида икки карра уйидан хабар олганман,— биринчисида хотиним билан, иккинчи сафар ўзим,— боргандага менга танишу ошно бўлиб қолган ҳовлиси адогидаги эгик толлару адл тераклар, мевалари сап-сариқ, шамолда тўп-тўп тўклилиб сой кўлмакларига тўлқин бераётган қатор беҳилар остида хўп хаёл сурганиман, бу ҳодисанинг қандоқ юз берганини ўзимча мушоҳада қилиб, тагига етолмай, ҳайрону лол, оқибат Киччи энамга сабру бардоши тилаёб қайтганларим эсимда, қарзимдан жиндак бўлсин, узилганман, ҳатто амакимнинг ўғлига девордаги портретидан нусха кўчиртириб Тошкентдаги газеталарда бостираман деганимда, ўзига ўхшамайди, ҳозирги қўриниши бошқача, деб унамагани ҳам бўлган нарса, боз устига Қиргий амакимни чиндан-да Худойим қатордан олган бўлса, мен энди рўпарамда турган Ажали мутлоқдан ҳам сўраб кўришим мумкин, бироқ бунинг хабарини бирорга айтиш имконим бормикан, ҳар нечук мен икки олам овояраси бўлиб нима биландир олишаётганимни. Чиранаётганимни аниқ-тиниқ биламан, бироқ имкон тополмайман — мажол Йўқ, қўлимда ҳам, оёғимда ҳам, чорлайман—дўстими, ўғлимни, ҳали норасида ўғлимни: лоп этиб пайдо бўлади, юзи сутдай оппоқ, отасини ғаним қўлидан кутқармоқ бўлади, иложсиз, имконсиз, гўдак, эси кириб-кирмаган, ҳомсиқиб йиглайди, хотиним қичқиради, шу Қадар қаттиқ бўзлайдики, жоним оғриётгани, ўзи қаерим оғриётганини ҳам сезмай қоламан, гўё ҳушим ўзимда йўқ, уларнинг олдига қайтаман, дейман-у, яқинлашолмайман, тавба, дейман, бу қанақа ҳолат ўзи, мен зиммамдаги барча қарзларимни, булар олдидаги масъулиятимни яхши ҳис қилиб турибман, бироқ бояги чираниб олишувимдан сўнг бирдан чор-атроф қоронифлашиб кетди, ҳушимдан кетдим шекилли, деб йиладим, бироқ шундай деб мулоҳаза қилаёттир эдим: тушуниксиз, қандайдир енгиллик, оёғим ердан узилиб шифтга чиқдим, устимга энгашиган дўхтирни томошна қилдим, хотиним, қизим, ўғлим, Абдумалиқ, бариси ташқарида қолди, қизиқ, мен уларнинг ташқарида қолганини ҳам мулоҳаза қилмаяпман, туйқусдан бир кайфу сафо гўшасига тушиб қолдим, тушиб қолдимми, чиқиб олдим шекилли, қандоқ тушунтирасам: булутларга мениб саир қиласиз-ку, ҳеч бўлмаса шуни тасаввур қиласиз, орзулар оғушида қолганда, тахминан, тахминанмикан, қисман, ҳа, қисман

шунга яқинроқ, аммо буни сиз ҳис қилолмайсиз, вазнсиз учувчиларни кўргансиз, улар ҳам деворга урилса, бирор аъзоси азоб еса керак, меники эса, ҳеч қаерим оғримайди ҳам, масалан, буффа ўҳшаб учиб юрибман — булут ҳам мендан оғирроқ, ҳатто туман ҳам, дўхтирининг стерилланган пахта буюрганини, бир ҳамишира дарҳол чопқиллаб чиқиб кетганини, сўнг пахтани келтиргач, спирт аралаштириб пешонам. юзларимдаги қонларни артганини, кўйлагимни тортқилаб шошилинчда йиртиб юборгудек бўлиб ечиб ташлаганини, уч жойдан яраланганимни, энг катта ярам тиззамнинг пастида, болдирим ёнида эканини ҳам кўрдим, пешонамдаги ёриқ жуда ваҳимали эмаслиги ҳам кўриниб турибди, қон кўпроқ оққан эди, холос, аммо оёғим қаттиқ лат еган бўлса керак, дўхтир шошиб қайси бир ярамга биринчи бўлиб малҳам кўйишга гаранг бўларди, хушимдан кетганимдан бўлса керак, дастлаб пешонамнинг ёрилган этини тишлигич асбоблар билан икки тарафга йириб қаради, тиник, спиртмикан — у билан ювиб тагин қаради, суяқ ичкарига ўйиб кирмаганимкан, деб кўрди, шекилли, аммо қизифи шундаки, мени бу ҳолатлар унча безовтаям қиласди, энг оғир ярам оёғимда эканини билиб туардим — сугатим синганинг ҳис қилардим, бироқ буям мен учун аҳамиятсиз эди, тавба, нега аҳамиятсиз экан-а, деб кўярдим, қимир этмай ётган ўзимга қарадим: оппоқ, жудаям оппоқ, қонсиз эди қозим, ойнага қараганимга нисбатан чиройлироқ эдим, ўзимни билмас эканман-да, яланғоч гавдам хунук кўринарди, холос, қандайдир бесўнақай, оғирлиги билан операция столини босиб турибди, ие, менманми ўзи мен, нега унда шифтда сузиб юрибман, бориб ўзимга ёрдам бермайманми, — авратимни ёпиб кўйгим келди, — кучим етмади, бориб ўзимнинг кўлимни қимирлатишм қерак эди, ўша кўл билан ёнда ётган кўйлакни олишим. бутимни бекитишим қерак эди, бироқ кўлимга кучим етмади, у ёққа қараш учун кўзимни очишум ва бошимни кўтаришим қерак эди — бунгаям кучим етмади, қийналиб кетдим, нима бало, иккитамэнми мен деган хаёл ҳам пайдо бўлди, бироқ мен фақат шу нарсалар ҳақида эмас, бирваракайига ҳамма нарса ҳақида ўйлардим ва айни пайтда лаззатланар ҳам эдим: бундай майишат асло йўқ, тополмайсиз, очқайдиган қорним, ейдиган оғзим, ўпадиган лабим пастда ётибди бари, уларга эҳтиёж ҳам йўқ, зил-замбидай қилиб нима қиласман уни, бирам оғир кўринадики у гавда, тагин ароқ ҳам ичволган: сассиқ, йўқ, у мен-ку ахир, ёрдам беришим қерак, — ўзимга ўзим шундоқ масъулият юкламоқчи бўламан, кучим етмайди, қандайдир ўхшаши йўқ бир бўшлиқ, бориб кўлимдан ушласам орасидан синггиб ўтиб

кетаманмиеj, дўхтирларни ташвишлантиrmай бирор марта нафас олиб қуяj дейман, — бу ҳам келмайди қулимдан, уят бўлди-да деб қўяман авратимга қараб, ҳамширага айтай-чи, зора ёпиб қўйса, бор овозда қичқираман, гўё ҳамшира эшитгандек дока йиртиб буқлади-да, бир суюқликка ҳўллаб, — ким билсин, буям спиртми, — ўша жойга ёпиштириб қўйди, дўхтир бўлса дам-бадам кўкрагимга темир асбоб қўяди, ташвишланади, унинг ҳаракати сусайиб қолди, ташқарига бир неча марта чиқиб келди, кимнидир чақирди, уларнинг овозлари, сўзлашиллари фўнгир-ғўнгир бўлиб эшитиларди, яна бир ўрис дўхтири кирди, ўз тилида:

— Тамом, ўлибди, — деганини эшитдим.

Шундан сўнг ҳаракатлар тағин сусайди, ўзбек дўхтири қаттикроқ ташвишланди.

Булар ҳаммаси мен учун аҳамият беришга сазовор ишлар бўлиб туюмади.

Мўргдаги мурдашўйларни чақириб мени олиб кетишларини айтганда, бирдан дўхтирга эътибор бердим, ўлибман-да, деб ўйладим ва ўзим учун қайғургим, йиғлагим келди, бироқ бу шунчаки ўзим учун бир мажбурият экан шекилли, хоҳламай қолдим, ахир хоҳласам ҳам қилолмаяпман-ку, туйқус онамни ўйладим, жуда қийин бўлди-ку унга, дедим, шу ҳолатим алланечук эди, бор кучим билан ўлмасликка тиришдим, назаримда онам ҳаммадан кўпроқ қайғурадигандек эди, шуни негадир ҳеч истамадим, ҳозирнинг ўзидаёт уни кўргим келди, кўргим келган заҳоти кўрдим уни, ёнида синглимнинг ўғли сақич чайнаб томоша қиляпти, қиқирлаб куляпти, чорсисига тақилган туморни саждага бош қўйганда олиб ўйнаяпти, қаъдага турганда йиғлаб қоляпти, — шомни ўқиётir онам, — юзига, кўзларига Қарадим, хавотир, алағ-далиқ бор, хўрсиниб қўяётir негадир, намозни тугатиб узоқ дуо ўқиди, мени ҳам қўшиб дуо қилди, мартаба тилади, соғлик, хотиржамлик тилади, сўнг ўрнидан турмай ўйланиб ўтираверди: мени кеча туш кўрган эди, бағри ҳилвираб юрди кун бўйи, бир тилипон урсангчи, деб ҳеч қўймади укамни, укам акам ўзи яқинда келиб-кетди-ку, деб эринди, боргиси келмади, айни пайтда онам баттар орзиқди, мендан хавотир олди, юраги тўлиб кетаверди, укамни ташқаридан чақириб олиб калх-ўзди идорасига бориб бир гаплашиб кел ақанг билан, агар майиб бўлиб қолмасант қил шу ишни, деди. Зарда билан тайинлади. Укам онамнинг кўзлари чўкиб қолганига эътибор берди: она ич-этини ёётган эди. Бораман, бораман ҳозир, деди. Елкасига фуфайкасини илди-да, тўрт чақиримга пиёда кетди. Онамга жудаям ачиндим. Қайғурманг, мен яхши-

ман, ледим, оқи күпайиб күкиш сурат олган сочларини силадим, гүё бағримга босдим, бироқ тасаввуримдаги сингари эмасди, тушдан күра ҳақиқат, ҳақиқатта қиёслаганда тағин бўлакча эди бариси, ўзим ҳам ҳайрон қолиб, қайғуриб йиғлаб ё кулиб, ниманидири қаттиқ хоҳлаб, интилиб турганим йўқ эди, ҳолатимдан қатъи назар, ахир бу онам-ку, мени деб безовта бўлаётир-ку, деган хавотир айни пайтда мени тарк этиб-тарк этмай ётди, айни пайтда барчаси табиий, бўлиши мумкин ва, балки зарур ҳодисалар эди гўё. Ақл ўлчамларига тўғри келмас эди ва шу билан бирга ақллилардек ўйлар эдим ҳам: ахир, «бу онам-ку, онам-а» дея тергай олардим ўзимни, муштипаргина бўлиб, дарду дунёси, хавотири миясида минг айланиб ётган онамни ташлаб кетмаслигим лозимлигини андоқ ҳис қилиб, ақлим этиб турарди, лекин мен бу сергап дунёдан оғир, зил-замбил оёғимни узиб олган, эркин, шамолдай енгил бир нарса, балки руҳ эдим, тез кечган воқеалар, кузатиш, ҳис, ўйлар жараённида «мен энди руҳ бўлсан кераг-а...» деган хаёл ҳам кечарди, ҳойнаҳой руҳлар олами ҳақида унча-мунча ўқиганларим-да кўз ўнгимдан кечган чиқар, ҳаракат ва эришиш мен учун муаммо эмасди, ҳозирги аҳволим нотабиий туюлмаса-да, онам, хотиним, фарзандларимга чандон қайишиб, ёрдам бергим келгани, уларга фойдам тегмаётгани ҳам у қадар алам қилмаётган, бу қандайдир кўшиимча масъулият, мажбуриятдай бир ҳис эди, чамаси, бу масъулиятдан фориф бўлгим келарди, бироқ бир аллақандай куч мени шу атрофда етаклаб юрганмикан, деб ўйладим, ҳар тугул жуда узоқлашиб ҳам кетолмаётган, балки бунга хоҳиш йўқ эди, қизиги, бирор жойим оғримас, қорним очқамас, қулогим эшитар, кўзим кўрар, энг муҳими, зил-замбильдай гавдани кўтариб юриш, унинг нафсига, манфаатига хизмат қилишдан тамоман қутулган эдим. Ажабо, дердим ва сархуш бўлардим.

Менга тегишли бўлган гавда атрофида ҳамон ғивирлаб юрган дўхтирлар мен жисмимни ташлаб чиққанимга эндинина бутунлай икрор бўлишган чоғи, ҳафсалалари пир бўлди, танада юрак урмас, қон айланмас, тобора совиб бораётганди. Юраги кўтаролмади, деб ўйлашиди, яраларимни тикиб бўлишганди, бошқа најот йўқ эди, бу ҳақда қасалхона бош шифокорига ҳам ахборот беришиди. Бош шифокор ҳам бош чайқади. Касалхонасидан ўлик чиқиши унгаям яхши эмас-да. Чамаси, улар гавдани ёришга қарор қилишди, аммо ўлик эгаларидан розилик олиш лозим, деди бош шифокор.

Менинг тепамда туриб жарроҳлик қилган ҳакам реанимация бўлими эшигига қапишиб турган Абдумаликни ичкарига чақириб олди.

- Оғир бўлинг, биз ҳаракат қилдик, бўлмади, — деди.
- Ўлдими? — деди Абдумалик.
- Акангиз эдими? — деди тағин дўхтири.
- Йўқ, жўрам, — деди Абдумалик. — Бўмапти-да бари бир?
- Иложини қилолмадик. Юрак кетган шекилли.
- Пороги бор эди, — деди Абдумалик.
- Ростдан-а, шунаقا экан-да, бундай касалларни турғазиб юборардик бўлмасам, — деди дўхтири ва бош чайқади. Энди ўзингиз кўмак берасиз ювғичларга.

— Майли, — деди дарров Абдумалик.

Дўхтири ичкарига кириб кетди ва кўп ўтмай чиқди.

- Ичини ёрамиз, розимисиз?
- Ёриш керакми?
- Каттамиз шундай деяпти.
- Бўлмаса тезроқ ёрини керак-да.
- Ташқаридаги хотиними?
- Ҳа, хотини.
- Уям рози бўлармикан?
- Сўраса рози бўлмайди-да.
- Сиз-чи, розимисиз?

— Керак бўлгандан кейин ёрини керак, — деди Абдумалик.

Дўхтири унга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Қариндоши эмас экансиз, хотинидан сўраймиз, ёзма равишда рози бўлса, ёрамиз.

— Хотини ҳали эшитгани йўқ, ўзини ташлаб юборади. Қоғозингиз бўлса ўзим ёзиб бериб қўйдиардим.

Абдумалик бир кичик қоғозга хотинимнинг рози экани ҳақида тилхат ёзди.

— Мен ҳам ёсса-чи? — деди Абдумалик.

— Хотини рози бўлмаса агар, сизнинг розилигингиз ўтмайди, — деди дўхтири.

Абдумалик ташқарига чиқди. Хотинимга қараб:

— Операция қилсанк розимисизлар, деб сўраяпти, мен тилхат ёзиб бердим, сизам қўйинг, — деди.

Хотиним аввалига ҳар тугул дегандай енгил хўрсинди ва қоғозга ёзмоқчи бўлди шекилли, тайёр ёзувни кўриб, ўқий бошлади, Абдумалик ўқиманг, деб қўйл чўэрган эди, важоҳат билан юлқиб тортириб олди-да, тағин ўқиди, тушунмагандай яна кўз олдига олиб борди.

— Ўлдим, қандоқ қиласан, — деб қофозни фижимлади, Абдумаликнинг юзига икки бўлиб отиб юборди.

Қиёмат қойим бўлди хотиним учун. Мен унинг теласига келиб юпатишга ҳарчанд уриндим, бефойда бўлди — ўзини қўйиб юбориб, зинада ўтириб бўзлайверди, ҳар замон аянчли чинқирди, Қалтиради, ўғлимни қучоқлади, ўғлим ҳам ийғлади.

Мендаги туйғу ғалати эди: бари бир сармаст эдим. Аввалига қувурга ўхшаган жойга кириб қолдим, шамол учиргани янглиғ қувурдан ичкарига ихтиёrsиз шўнғидим, қоронғуликдан ёруқقا — бир водийга ўхшаш жойга чиқиб қолдим. Менга халақит берадиган, қийнайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди, барча қийинчилик, ташвиш, фурбатлардан бутунлай фориг эдим: на кийим, на қорин, на пул, на мансаб, на йўл юриш ташвиши бор эди, гёй кийимимни ечган каби гавдамни ташлаб мусичанинг юмшоқ юнги сингари, йўқ, ундан ҳам енгил равицда учиб юрадим.

Кеч тушиб уйимизда қиёмат қўпиб ётганда, укам телефон қилиб ололмаган. Жиринглаган-у, хотинимнинг, қўшни аёлларнинг зўр йигилари, шовқин-сурондан ҳеч ким эшитмаган чоги, укам уйига телефон қилдим, ҳеч ким олмади, деб келди, онам бораман Тошканга, деб туриб олди. Кеч тушган, бефойда эди. Қишлоқда юриб турган машина бор-йўғи иккита, улар ҳам узоқ йўлга ярамайди. Укам ҳам бесаранжом бўлиб қолди, негаки, онам қўнглидан зил кетиб, неларнидир сезгандек, авзоидан менга бир гап бўлганини билдиради. «Ҳай, эрталаб жўнаймиз бўлмасам», деди укам. Онам ухламади. Саҳарлаб йўлга тушишди. Калхўз идорасига Тошкентдан сим қоқишигандада, у ёқда ҳам ҳеч ким олмади. Азонлаб хабар етказиши учун шаҳардан ҳам одам йўлга тушди.

Икки хоналик кулбам азахонага айланди.

Тўрт ўшдан ошган ўғлим, ишдан келганимда чунон қийқириқ отиб қучоғимга талпинувчи икки яшар қизим ҳам дам у одамга, дам бу одамга термулиб ҳайрон бўлишар, ўғлим ойисининг ёш боладан ҳам баттар бўзлашидан ваҳимага тушиб йиглаб юборарди. Чамаси у ҳам айрилиқ нима эканини энди англаб етаётгандай, дадасиз яшаш оғирлиги ҳақида бот-бот ўйлаётгандай, эҳтимол, кун бўйи бирга болалик ўйинқароқликларини бирга баҳам кўргувчи қўшни болалар олдилда тортинаётгандай, уларнинг уйларида ҳеч ким йигламаяпти, дадалари тирик, меники эса... дея руҳи тушаётгандай, тақдирнинг камситаётган буюк кучини ҳис этаётгандай чўнқайиб икки тиззасининг

устига бошини қўйганча мунғаяр эди. Ўлим қўрган одам тез улғаяди, дейишади мўйсафидлар. Ўглим, ҳали дараҳтнинг япроғидек тез ўзгариб турувчи қалбига қисматнинг зил-зам бил тоши аёвсиз текканидан безовталанаётган, жим сабр қилишга ақли бардош бера олмай тоҳ йиглар, тоҳ юланар, қорни очса чувиллашиб йиглаётган аёллар орасидан ўтиб ошхонадан нон олиб ея бошлар, бу ердан тезроқ ўртоқлари олдига кетиб, улар билан ҳар кунгидай, ҳеч нарса бўлмаган каби ўйинга берилгиси, копток орқасидан тинимсиз чопишни, ўйинчоқ автоматида тариллатиб ўртоқларини «отиб» завқланишни қўмсарди. Бироқ ўртоқларининг «Жамшид, дадант ўлиб қопти-я!» дея болаларча ҳамдардликларини ҳам эшигтгиси келмай безилларди. У дадасининг кучига ишонарди, дадасидан каратэ, у-шунинг баъзи усуулларини ўрганиб, яхшигина ўзлаштирганди, эрта-индин улғайгач, дадам мени Испанияга жаҳон чемпионатига олиб боради, у ердан чемпион бўлиб келаман, самолётдан тушаётганимда ойим, синглум гул билан кутиб олади, деб ишонарди. Буларнинг ҳаммаси дадасининг ҳикоялари, уни қизиқтиришдан туғилган мурғак, аммо завқли тасавиурлар эди.

Ойиси, бувиси, яна аллакимлар, дадасининг шаҳардаги ҳамқишлоқлари, қўшини, нотаниш аёллар тоҳ изиллаб, тоҳ пиқ-пиқ йиглашар, бувиси гоҳида инқиллаганча йиглаёлмай қолар, орқага ўзини ташлаб юборарди, ўзининг ойиси бўлса анчагача унинг ўзини ташлаб дардини баҳам кўраётгандай букилиб, тўхтовсиз йигларди. Бошқа аёллар тезда икковиниям турғазиб дод сув ичиришга уннашарди.

Бола шўрлик бу манзара ниҳоятда аянчли эканини тушунар, ҳозир ҳаммаси ёлғонга чиқишини, дадаси, нариги уйда кўрпага буркаб қўйилган дадажониси, «мен тирикма-ан!» дея туриб келишини, яъни ҳазиллашган бўлиб чиқишини чунонам истарди. Ростданам ҳозир дадам йигламанглар, мен ҳазиллашган эдим, деб туриб чиқиб қолса-я, деб қўмсарди. Бола шу тариқа ўз ўйига ўзи ишонгандай аста мен ётган хонанинг эшигини қиялатиб очди. Оғзидағи нонини ҳам чайнашдан тўхтаб бир алпозда тўзғиб ётган соchlаримга эътибор берди, таралмаса хунук кўринаркан деб ўйлади, шекилли, чунки юзим, танам кўрпа билан ўраб қўйилганди. У ўзига кўринган нарсанигина тасаввур қиласли, тағин у дадамнинг бўйи бу қадар чўзилиб ҳам кетибди, деб қўйди, балки машинаси урилганда бўйи чўзилиб кетгандир, деб ҳам ўйлади. Лекин шу ётган гавданинг мурда эканига ишонгиси келмади, бориб гўё ухлаб ётган отасини уйғотиб юборгиси келди.

Бу орада икки-уч хотин келиб уни суриб ичкарига киритиб юборишиди, у тентираб йиқилаёзди, сўнг қараса уларнинг бири ўзининг

бувиси экан, у ўғлининг юзини очди, бетига бетини қўйиб қўп изиллади. Айтиб-айтиб йиглади, «султон эдинг, бек эдинг», деганларини бола эслаб қолди, «сен ўлганча онанг ўлса бўлмасмиди, болам-ей, бола-ам!» дея бўзлади. Бир хотин болани тортиб менинг юзимни кўрсатди, ярим юмуқ кўзларимга, шилинган бурним, пешонамдаги қон изи, қорайган чап юзимни кўрган заҳоти у бирданига «дадам ўлган экан-да» деган хulosага келди ва бўкириб йиглаб юборди, кўзларидан ёш тинмасдан оқди, ўзи енги билан артиб ҳам улгурмасди, уни бувиси бағрига олди, иккаласи бир-бирига маҳкам бағир босишди, анчадан кейин ҳам бола хомсиқиб-хомсиқиб йигларди. Энди унинг умиди буткул узилганди.

Эркин ва озод учиб юрсам-да, бу ҳолат мени безовта қилас, шундоқ йиглашларини сира истамасдим, кечқурун отам, амакила-рим, Тумановулдаги опам ва саккизинчи синфда ўқиётган кичик сингилларим келишганда уйим даҳшат ва аянч қамалиб олган зин-донга айланди. Ҳатто ўзим ҳам безор бўлдим. Ҳув ўша мени операция қилишаётган чоғдаги водий томонга учиб кетдим, парқув булуғлар сингари суздим, бу шу қадар бир ошуфта ҳолат эдики, на бирор юкинг, на масъулиятинг, на жавобгарлигинг бор, бирор сенга бундоқ қилиш шарт, дея зуғум ҳам ўтказмайди, на бирордан чўчийсан, на бирор билан жанжаллашасан, хуллас, маза қилиб дам олаётганга ўҳшардим, яна ғалати бир манзаралар, тушунтириб бўлмас туйгулар бор эди, шеърлардаги каби эҳтиросларни от мингандай миниб юрармидим, ушлаб бўлмас севгининг толаларига тирмашиб юрармидим, хуллас, шунга ўҳшиш, йўқ, ҳеч нарсага қиёс этиб бўлмайдиган ҳолат эди, на қорнинг очқайди, на зориқасан, на орзиқасан, на жаҳдинг чиқади, агар шу жойда сиз ҳам бўлатуриб мени кузата олсангиз эди, ҳавасу ҳасаддан юрагингиз пақ этиб ёрилиб кетарди.

Эҳ, шу сафоли кайфият тугамаса эди. Бироқ қандайдир шамолгами, ҳавогами ўҳшаган бир қатлам ёхуд мувозанатни бузиб турувчи бир камалак мисол, — шундоқ десам ҳар нечук тасаввур ҳосил бўлар сизда, — бир чегара борга ўҳшар, гўё у мени таъқиб этаётгандай бўлаверарди.

Боя онам менинг юзимни очганда, йиги-сигилар чунонам авжига чиққанда, ўғлим ўпкаси тўлиб йиглай-йиглай чарчаб қолганида, стамнинг, синглим, опам, хотинимнинг, укамнинг бўзлашларини кузат-таётганимда, қандайдир зил-замбил бир куч, бояги куч мени ачи-нишга мажбур этди, ўзимга ҳам, қавму қариндошларимга ҳам ичим ачилиди, шу кулфату қазо учун мен жавобгарман-у, лекин дахлим йўқ кишидай саҳролардамией, водийми, ҳавода ўз кўнглимни чоғ этиб

вақтихушликда кун ўтказяпман. Ўша танага кириб олиб одамларни юпатгин деганга ўхшаш бир ундаш бор эди ўша кучда.

Туйқусдан берилган бу ҳурлик мен қизғанишим лозим бўлган ягона бойлик эди, ундан айрилсам ҳамма нарсадан айриламан — шуни ҳис этардим. Шу боис сира хоҳламадим, қуондан қочган қапалак сингари бошқа ёққа учдим, суздим, оқдим, ва ҳоказо, ўзингиз тушининг-да энди бу ёғини. Хуллас, қутулдим, қтулиб яхши қилдим.

Чошгоҳга чиқаришар бўлдим мени. Аввал уйдагилар қишлоққа опкетамиз дейишиди, кейин бу учун ўзлари қийналишлари, хотиним ва болаларимни ҳам кўчириб кетишсагина бу иш тўғри бўлишини ўйлаб шу ерга қўйишига иқрор бўлишиди.

Ишхонамдагизлар, директорнинг ўзи ҳам келди. Маросим кичкина бўлмади. Абдумалик уларга югурдалик қилгиси келди. Қайта-қайта келганликларидан ҳурсанд эканини уқтириди. Қизиқ, институтимизнинг директори менинг ўлимимни тан олиб, ҳамдардлик билдириш учун келгани ҳам Абдумалик учун катта сийловдай эди. Ўлганингда келмасаям нима қиласдинг, дея ўйлайди у, бу одамлар учун ўлиш (ёки бирорни қурбонлик қилиб юбориш) ҳам шараф. Агар, мабодо палакат босиб мен ўлмай қолган бўлсан, Абдумалик директорнинг ҳурмати учун бўғзимга пичноқ тортиб юбориб қайтадан ўлдириб юбориш шаштиям бор. Шундай одамнинг ҳурматини билмадинг, тинчина ўлиб ётсанг ўлармидинг, дерди у пичноқни жаҳл ила тортатуриб.

Директоримиз ҳам ажаб инсон-да. Шунинг учун яхши кўради Абдумаликни. Ўлмай юрганим учун ёмон кўрарди мени. Мана, ўлганим — унинг хоҳиш-иродасини амалга оширгани учун бор экансан-ку, оғайни, аввалдан шунақа қилсанг, ўлишингга ҳам ҳожат йўқ эди... деб кепти.

Дарюқе, Абдумалик нима юмушлар билан банд бўлганига эътибор бермабман. Директор қандоқ одам эканини аксарият билиб қолдимку-я, Абдумаликнинг қандай инсонлигини тўлиқ тушуниш учун фоний дунёни тарқ этишга тўғри келди. Мана энди аниқ билдим.

Раҳмат сенга, дўстим Абдумалик!

Бироқ, тан олиш керак, мени «жойлаб келиш» юмушига Абдумалик катта ҳисса кўшиди. Қишлоқда бўлса-ку, ўлганингни бирор ташкилотга бориб, чиндан ҳам ўлди, дея тасдиқлатиб, сўнгра кўмишга рухсат олишингга ҳожат йўқ. Ҳамма кўриб турибди: ўлди, энди кўмиш керак, васаллом. Ва қабр қазиш учун ҳам фалон сўмга келишиб ё тортишиб ўтирумайдилар, талаб қилгани савоб, жуда нари борса, кун-

лардан бир кун, гали келганды фалончининг жойини ўзим қазигандым, бошқаларнидан катта, икки уйлик, тик турса боши тегмайдиган қилувдим, туриб руҳлар билан нонушта қилсин, деб егулик, ичишга, таҳоратига сув ҳам опкириб берганман, жойинг беҳишт бўлгур, гўринг нурга тўлгурнинг ишқилиб, ер бориб айтмасин, миннат қилди деб ўпкаلامасин, дея кетаверишади.

Бизнинг қариндошлар шаҳарда яшамаган, расм-қоидаларнинг югар-югурдан иборат эканини тушунмайди, шу боис Абдумалик ўлигимга яради. Эҳтимол, барча ундан миннатдор бўлди, пачоқ бўлиб кетган «Запорож»имни ҳам у ё милисаҳонага, ё устахонага ташлаб келди, у машина энди қайтиб машина бўлмаса керак, деб афсус чекди.

Шоир айтганидек, «Ўлган ўлди. Кетди.» Бунга қўникмай илож йўқ. Энди олдидан берсин. Қолганлар омон бўлсин. Бироқ болалари ёш, хотиниям ёш бева бўлиб қолди. Бирорта раҳмдил қарамогига олар. Хоҳламаса, ким билсин, ёш нарса... Ҳали куйикнинг иси кетгани йўқ, Худо йўл кўрсатар.

Институтимиз шаҳарнинг бир чеккасида, архив ишлари билан шуғулланадиган илм даргоҳи. Архивнинг ўзи ҳам шу институтга қарайди. Бир яхудий киши архивга бошлиқ бўлгач, уни институтдан ажратиб олиб мустақил иш юритган. Аммо бизнинг ҳозирги директоримизнинг қўли узун, узатган жойига етади, етмаса, бошқа чоралар кўради. Ҳолбуки, у тепада, жуда йирик лавозимда ишларди, нимадир бўлдию у ишидан кетди, уни аламзада бўлмасин, дея институтта директор қилиб қўйишибди, бироқ у архивниам бизга қўшиб берасизлар деб роса оёқ тираб туриб олгандан кейин марказда маҳсус қарор ишлаб чиқилган экан, архивнинг хўжайини эса бунинг ҳидини билиб, қарор чиқмасдан бурун унинг асоссиз эканини, бундай ҳолда архив хужжатлари талон-торож бўлиб кетаверишини исботлаб, қарор чиқиб кетишининг олдини олган, директоримиз ҳам боя айтилганидек ушлаган жойини қўйиб юборадиганлардан эмас, икки яrim йил сурункасига тортишиб юрди. Узлуксиз бизнинг номимиздан тепага, ҳар бир раҳбарнинг номига ариза ёздираверди. Раҳбарлар келганида биз архив бизда бўлмаса сира ишлаб бўлмаслигини, ҳозир кечаги ва бугунги тарихимизни холис яратиш сиёсатини оширишимизга архивнинг алоҳида ажралиб чиқиб кетгани қаттиқ тўсқинлик қилаётганини қаттиқ туриб «далиллашга» ҳаракат қиласадик.

Ҳолбуки, галнинг очиги, бусиз ҳам доим архив эшиклари биз

учун очиқ эди, институтдан келди, дейишса, биз ҳеч сарсон бўлмасдик. Бояги архив бошлиғи Бениамин Самсонович деган киши шахсан аралашиб керакли ҳужжат ва материалларни топтириб берарди. Айтишларича, у жуда тажрибали, жуда билимдон киши эди, ҳақиқатдан ҳам илмий салоҳияти кенглигига ўзим иқор бўлганман. Масалан, мен илмий ишимга керакли бўлган материалларни топишида ёрдам беришини сўраб ҳузурига кирганимда, у киши иш режам билан Қизиқсан, уни кўриб ишимнинг бошқа эътибор берилмаган жиҳатларини тушунтира кетган, мен тасаввур қилмаган материалларни тавсия этган, шундан сўнг иш режам деярли бутунлай ўзгариб кетганди.

Уни бир маҳаллар Америкада совет жосуси бўлиб хизмат қилган дейишади. Мен қойил қолганим — бу ерда иш интизомининг юксаклиги ва раҳбарнинг чин зиёли олим, муомаласидан «қорин тўядиган» одам эканлигига эди. Менга бу одам нафақат фан жонкуяри, балки ҳар бир шахс тарихидан хабардор киши бўлиб туюлганди ва бир меҳр, ихлос уйғонганди. У Шерали Ваққосович билан икки йил бадалида арқон тортишиб юрди, ниҳоят, тан берди, қийналиб кетди шекилли. Пенсияга ҳам чиқмади, оддий ходим бўлиб юраверди. Менning илмий ишим йигирманчи аср бошларида ўзбек ҳалқининг руҳий аҳволини тадқиқ этиш билан боғлиқ тарихга оид бир нарса эди. Ўзимнинг институтда ўқитган домлам гарчанд билими, савиаси баланд, одамтарчилиги ҳам қойилмақом бўлса-да, фикрлари кўпинча кечаги кун билан боғлиқ, бугун ҳам кечагидай шароит бўлишини ичичидан истайдиган, шунинг натижасида бўлса керак, шогирдлари ҳам худди ўзи сингари домлаларнинг эшигини бўйлаб елиб-ютуришини, роса таъзирини еб, сўнг бирор илмий даражага эришишини хоҳларди. Авваллари домланинг деганларига оғиштмай амал қилдим, Бениамин Самсонович билан учрашиб, танишгач эса кўп нарсаларни асли ҳоли-ча ўрганишга мушарраф бўлдим. Фикрларим ўзгарди. Самсонович нуқтази назарни тўғри англаб, шунга яраша йўналиш бера бошлади ва оз муддатда кўп нарса тўпладим, энди уларни саралаб, режата қараб қоғозга туширишгина қолди, сўнг, қарабисизки, иш тамом — вассалом.

Мен домламдан воз кечмоқчи эмасдим, ҳар ҳолда ишга раҳбар, ўзи охиригача ҳимоя қиласи, бироқ архивга яқинлашганимдан сўнг аввалги ўзим берган ишим қайтадан кўзимга чўф-оловдай кўринаверди, энди мен ишга доир материалларнинг таъриф-тавсифи, Маркс, Энгельс, Лениндан келтирилаверган, ҳар қадамда гуручдаги тоцидек тишига қадалаверувчи кўчирмаларини эмас, ўша даврнинг ҳақиқий

ҳаётини, ҳалқнинг турфа табақадаги вакилларининг кайфияти, майшати ва зор-нолон юришларини кўзим билан кўриб, қулогум билан эшигтандек бўлдим.

Мен режани ўзгартиравергач, кутилмаган янги нарсалар топиб келаверишим, турган гапки, домламнинг ғашини келтираверарди. Ёмон кўриб қолмасмикан, деган хавотирда унга хушомад қиласардим. Бари бир у кимдир менга оқил бўлганини сезиб туради, ҳайтовур шу ҳам сабаб бўлдими, иш ҳадеганда юришиб кетавермади.

Бениамин Самсонович ўзининг ҳар балога ақли, илми етишини яширас, содда кўрсатарди ўзини, мен ҳам бундан илҳомланиб, тўғрироғи, ўзимга яқин олиб «Самсонич» деб мурожаат қилишга ўтдим. Бу унга оғир ботмади.

Кунлар келдики, Самсонич билан дўстона муносабатимиз ҳам менинг бошимга битган бало бўлди.

Бу бир ғалати ишхона эди. Олимлар ҳам, олимдан кўпроқ турли одамларнинг ҳам қадами сира узилмасди. Кейинчалик ходимлардан билиб қолдимки, бу кўча-кўйдан келган одамлар кўпинча ўзларининг қариндош-туқсанлари ҳақида маълумот опкетишаркан, баъзан эса ўтмишда аждодларига тааллуқли салбий маълумотларни йўққа чиқаришни, жуда бўлмаса сўралганда ёлғон маълумот беришни илтинос қилишаркан. Бир куни бу ҳақда Самсоничдан қизиқиб сўрадим. У ҳар бир маълумот даражасига қараб пул туришини, баъзилари фалон минг долларгача сотилишини очиқ айтди. Ҳайрон бўлдим, ихлосим қайтди домладан. Бу ишнинг бошида турган икки киши бор, Шерали Ваққосовичнинг мияси, аввал менинг мувовиним эди, ўша, тағин бир холаваччаси — маҳфий ҳужжатлар бўлимининг бошлиғи. Улар Ваққосовичга ҳаддан ортиқ кўп суюнишади.

Ҳолбуки асл нусхани йўқотдик, деб хурсанд бўлишлари беҳуда. У ким томонидан қаерга берилгани ҳақида тегишли одамлар хабардор бўлиб туришади ва асл нусха ҳужжатлар ҳам бу ерда эмас, бошқа жойда. Бу ерда эскириб, тўзиб кетган, холос. Улар бўлса асл нусхани йўқотганидан хурсанд, шаталоқ отишгани-отишган. «Мерседес»ини миниб бошқаларнинг аламини қўзитиб юришади. Мабодо менинг ҳам бирор марта шундоқ номаъкулчилик қилганимни кўришганида-чи, нақ жаҳаннам ўтига тиқиб юборишарди, ўша заҳоти. Чунки Шерали Ваққосович дегани ёмон кўрган одамидан ҳар лаҳза ўч олишни пойлайдиган курашгир одам. Ҳеч файратини аямайди бу йўлда. Идорада менинг дўстим киму душманим ким — бу ҳаммага аён, бўлмаса у одам бир кун соғ қўймас эди, қўлга туширишга дастак тополмайди,

холос. Жуда бўлмаса ноинсоний йўллар билан ўч олишгаям курби етади. Аломат раҳбар-да бу. Лекин, ўлай агар, шу одамда заррача олимлик фазилатини кўрмаганман. Бу институтда тарихни биладиган одам раҳбар бўлиши керак, чамаси, унинг ўзи шу ерни сўраган. Сиртдан қараганда жуда тинч, аммо жиноятнинг ҳаммаси шу ерда.

Домла нега бу гапларни сир тутмай очиқ-ошкор айтганига таажжубландим. Ўзим ҳам шунга ўхшаган гапларни сиртдан билар эдим, — бари бир миш-миш кўп-ку, тўхтатолмайсан, — аёллардан кўпроқ гап чиқади. Улар Ваққосович билан илгари фалон институтда бирга ишлаган ёхуд бирга ишлагани билан кўшни, фалон синглиси билан борди-келдиси борлиги билан мақтанишади. Иложи бўлса тўшак воқеаларидан ҳам хабардору униям ҳеч ким эшитмасин дея беш-олти сирдошига бу сирни фақат ўзи билганини билдириш, яъни оддий ожизона мақтанчоқлик юзасидан айтиб беришади. Аммо минбаъд ҳеч кимсага гулламасликни тайнинлади-ю, бу борада даставвал ўзи хол кўяди...

Бироқ Ваққосовичнинг котибаси бу миш-мишлардан зинҳор йироқ бўлса керак деб тахмин қиласман. Ҳеч вақт унинг иш юзасидан бирор ортиқча сўз ҳам айтганини кўрмаганман. Ўзи қўлдан ясалган қўғирчоқдек, томоша қиласа қилгудек, ҳали турмушга чиқмаган бўлсада, катталардан ақли бутун. Бўйчан. Худо билади, хўжайиндан ҳам чандон новчароқ. Кўзларида чуқур бир сир яширин. Бу сир, аминманки, ҳеч кимсага ошкор бўлмаса керак. Биз йигитлар ҳар нарсани тахмин қиласверамиз. Оғзимизга кучимиз етмай, Ваққосович билан боғлиқ ишратлар ҳақида ҳам валақлашганимиз. Бу қиз гарчанд хўжайин билан хуш кайфиятда ўрисча гаплашса-да ўзбекчани ҳам дона-дона қилиб шундоқ талаффуз этардики, зора шу йўсин бир оз сўзлаб турса дер эдингиз. Уни таърифлаганда китобдаги гўзаллар янглиғ тавсиф ишлатиб бўлмаса керак, ҳозирги оврупача модада олти кунда олти хил товланиб кийинади, гоҳ бир ёғи қийиқ кесилиб тушган кўйлак ёки юбка, гоҳ икки ёғи очилган либос, — ҳамма қизлар янглиғ оёқ ва почаларини бирров кўрсатиб қўйиш учундир, — сочини гоҳ ташлаб, гоҳ тикка қилиб, гоҳ ўриб юрадики, ҳеч маҳал шу ўзига ярашмабди-да, деб айтишга тилинг бормайди. Ўзи соғ ўзбек эмас, дурагай бўлса эҳтимол. Аммо атлас кўйлак кийиб, сочларини ўриб ташласа ҳар қандай ўзбек қизнинг рашкини қўзитар даражада тағин очилиб кетарди.

Оппоқ ҳам эмас, лекин буғдой рангдан оқроқ, баъзилар шоколад рангига ўхшатишади.

Мен уни иффатли ва маданиятли деб ҳисоблаган бўлардим. Бироқ тагин сирли бир гўзалликлари бор эдики, уни чизиб бериш, ҳайҳот, қўлимиздан келмас. Бир нарсаси аниқ-равшанки, тентсиз жозибали у. Бу жозиба ҳар маҳал, ҳар қандай эркакнинг жунбушини қўзитмай қолмайди.

Абдумалик ўзи мени қора тортиб ишга келган бўлса-да, кўп ўтмай котиба қиз — Сабина билан тил топиша кетди. Аввалига мен уни койидим, катта нима деб ўйлади, оёғингдан осиб қўймасин тагин ва ҳоказо деб. Бироқ у менинг гапларимга эътибор бермади, ўз билганидан қолмай, тиргалгандан тиргалаверди қизга. Балки Сабинаси курмагур келиб-келиб шу пачоқ ошнамга дил ёрадиган яқин бўлиб қолгани ғашимни қўзитгандир, ким билсин, ўзим эплолмаган бўлсамда, рашкимни келтирган чиқар. Бу унчалик аҳамиятли эмас, муҳими, Абдумалик котиба орқали директорга йўл топди. Ҳайтовур бирданига ишлари ўнгланиб, диссертацияси ҳам дарров тайёр бўлақолди. Ва дарров ҳимояга ҳам ҳозирлик кўра бошлади.

Майли, қандини урсин, бундан хафаям, хурсанд ҳам бўлмайман. Хафа бўлмаслигимнинг сабаби — у дўстим ҳам қариндошлигимизам бор. Хурсанд бўлмаслигимнинг сабаби — бунақа тез эришилаётган илмий даража нимага ҳам татийди, деб ўйлайман, фан номзоди бўлиш билан фан номзодлигига эришиш орасида кўп фарқ бор, ахир.

Жуда бўлмаганда бу жараёнда ўнлаб, юзлаб китоблару материалларни титкилайсан, ўқиш, титкилаш асноси нималардир миянита қаттиқ ўрнашади, умринг беҳуда кетмайди ҳар ҳолда. У бўлса, келдию шартта Ўзбекистон-Қозоғистон иқтисодий муносабатларига доир янгигина мавзуни олиб, тез кунда юмалоқ ёстиқ қилиб ташлади. Иккита илмий мақола ҳам чиқарди. Институтимизга янги директор келгач, пуллик ўкув курслари ташкил этилди, тушган пуллар ҳисобига уч ойда бир марта «Мозий нафаси» номли илмий-оммабоп журнал ҳам чиқа бошлади. Бош муҳаррир директорнинг ўзи. Ҳар сонида институтимиздан икки-уч олимнинг мақоласи узуқ-юлуқ бўлиб чоп этилади, қолгани чет муаллифларнинг, улар ичida юристлар, шифокорлар, лавозимли кишилар бор эди, илмiga тегишли бўлган ва бўлмаган мақолалари пала-партиш босилаверади. Аммо журнал қалин, ялтироқ, рангли муқовада, ғиройли эди. Мен ҳам тўмтоқдина қилиб ўн тўрт саҳифалик мақоламнинг икки саҳифасини чиқаролдим, холос. Ўзимга ёқдан жойи чиқсан-у, бироқ у барни бир далил билан асосланмаган. Шунгаям шукур қилдим. Акс ҳолда тобора ёмонлашиб бораётган бу муҳитда шунгаям эришиб бўлмасди балки.

Соат беш дегунча худди бирданига кўрсатма бўлгани сингари ходимлар дувва қайтмоққа шошади. Азбаройи ички тартиб қаттиқ ўрнатилганидан ҳеч ким ақалли бир дақиқа бўлсин, аввал дарвозага яқинлашишга журъат этолмайди.

Абдумалик билан одатдагидай бирга чиқамиз, у кутиб тур, дея янги танишию эски танишлари билан узоқ хайрлашади. Сўнг уни «Запарож»имга ўтқазиб Чилонзордаги оиласвий ётоқхонасига ташлайман. Менга бутунлай тескари йўл. Сўнг қайтиб Қорақамишга келаман.

Уйга туш, деб кўп зўрлайди у. Уйига киравераман-у, шу хотинидан юрагим безор. Доим қовоқ-тумшуғига беш кило тош осилгандай бир алфозда юради, гап-сўзлариям зардалимией, кўзлари нукул одамни тафтиш қиласди, ўтирганингда кўзи қадалган жойларинг оғриётгандай бўлаверасан киши. Тезроқ туриб кетгинг келади.

Абдумаликнинг хотин масаласида менда тиши бор. Биламан буни. Лекин бунда менинг айбим йўқ.

Яхшигулга мендан аввал у икки марта совчи қўйган. Биринчи гал ота-оналари хушламаган. Абдумаликнинг онаси қўярда-қўймай туриб олавергач бир-бири билан кўришсин, фарзандлар ўзлари ҳал қиласди бўлмасам дейишган.

Ёшлар учрашганларида Яхшигул Абдумаликни жиндай кулмиш қилган. Улар жуда яқин қариндош бўлмаса ҳам оталари қалин дўст эдилар. Яхшигул Абдумаликларнига, Абдумалик Яхшигулларнига болалиқда бориб-келиб юришган. Дўстларнинг фарзандлари бўлгани билан ака-сингил ҳукмида бўлганлар.

Ўша учрашувда Яхшигул:

— Сиз менданам майдасиз-ку,— деб кулган.

Яхшигул буни тўғри маънода, мендан бўйингиз паст, мен уялман, деган маънода айтган эдим дейди. Абдумаликнинг хафа бўлишига шу гап ҳам етарли эди, бироқ у мени ҳам пакана, ҳам майда феълли одам дея ҳақорат қилди деб тушунган.

Оталари шундан кейин тамом тескари бўлиб кетишиган.

Кишлоғимизда шаҳарда ўқиб олий маълумот олган йигитлар учун совчиларнинг куруқ қайтиб келиши ор саналади. Кечириб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қабул қилишади.

Мен азатдан тарихга, Абдумалик дўхтириликка қизиқардик. Лекин негадир хужжатларини мен билан бирга тарих факультетига топширган. У йиқилди, мен кирдим. Кейин у армияга кетди, қайтиб келиб яна кўрди, кириб кетди. У киргандан бир йил ўтиб мен ўқиши тутатдим тўғри Тошкентга отландим. Бир муддат Ленин музейи-

да, кейин пединститутда, бир оз ўтиб университетда ишладим, кейин бошим айланиб архив институтига утдим.

Музейда ишлаб юрганимда уй олдим. Нимагадир тез наебат келиб қолган. Ўзим ҳам билмайман, ошкоралик даврининг тӯфонларида бир омадим чопиб қолди шекилли.

Абдумаликнинг Самарқандда уч хонали уйи бор. У институтни тугатгач Самарқандда қолиб ишлади. Учиб-қўниб кўп жойда ишлади. Бир эшиганимда экстрасенс бўлиб одамларни даволаёттанини билдим. Бунга ҳайрон бўлмаганман. Чунки ўша маҳаллар қароматгўй, учар тарелка тўхтатиб «пассажирлар» билан музокара олиб борувчилар, фолбин, сеҳргар, мундай, даражаси пастроқлари сеҳр билан масофадан туриб даволар эди.

Чамаси бу Кашпировскийдан ўтган юқумли касаллик эди. Абдумалик ҳам бу касалликка чалинганига унча ажабланмаганман. Ундаги мослашувчанлик қобилиятини билардим. Экстрасенсликни эгаллаш ҳам у учун оғир юмуш бўлмаган. Тўғри қилгандир балки. Айтишардик, шунинг орқасидан уйлик бўлди деб.

Яхшигулнинг онаси бир гал қишлоққа келганида онам Яхшигулдан оғиз очиб роса уни мақтаган, ҳайтовур мана бизнинг болаем эр етиб турибди, дегандай гүё оғиз солиб кўрган. Ўқишга энди кирди, ўргилай, берсак сизнинг болангиздай бир мўмин-қобилига берамизда дегандай юмшоқ дилдорлик ҳадя этган онаси. Онам терисига сифмай ҳамма жойда айтиб юрган буни. Бироқ айнан шу воқеадан кейин Абдумаликнинг ўйидагилар ҳаракатга тушиб қолишиди. Оқибати эса хунук тугади. Ҳолбуки, ўлай агар, ўша кезлар Яхшигулни кўрганимда танимас эдим. Сал қолди шу туфайли Абдумалик билан ҳам орага совуқчилик тушишига.

Мен охирги курсалигимда у билан каталякдек бир квартирада ижарада турардик. Бир куни у негадир мени курашга чорлаб қолди. Армияда курашга қатнашган экан шекилли, роса тентиратди мени. Новчалигим фойда бердими, тош кўтариб машқ қилиб туришимми, ишқилиб бўй бермадим, уни у бурчакдан бу бурчакка силтаб ташлайвердим. Бир маҳал у сонимдан чунонам қаттиқ тишладики, нақ узиб олай деди. Жаҳлим чиқиб бетига шапалоқлайвердим. У сонимни қўйиб қўлимга ёпишли, энди бош бармоғимни тишлади, қаттиқ тишлади. Кўкариб кетди. Жуда жаҳлим чиқди. Башарасига бир мушит тушиromoқчи бўлиб хезландим. Қарасам, кўзлари ғилтиллаб ёшланиб турибди. Ҳовримдан тушдим. Кап-кагта йигит курашдан йигласа-я деб юмшадим. Негадир ўш болага ачингандай ачиндим.

Бироқ сонимдаги тишилари ит тажиган каби қонталаш бўлиб кетибди. Кейинчалик ҳам ўша жой қоп-қора из бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида онам айтиб қолди: Яхшигулнинг алами бу. Абдумалиқдан четроқ юрсанг бўларди.

Мен говбош сира парво қилмаган эканман. Ҳали Яхшигул сени рад этдию менга тегиб қўяқолдими, ол-а. Қанақа ичи қора одамсан?! Дунёда қизнинг тухуми куриб кетувдимики, қутурган итдай ташланасан одамга.

Аммо у кейин менга бунақа ташланмади. Алами борлигини билиб мен ҳам бу борада оғиз очмадим. Ҳазил ҳам қилмадим.

Бунга ўн бир ё ўн икки йил бўлди. Яхшигул билан тақдиримизни Оллоҳ қўшган экан, мана, ўн йилдан бери иттифоқ бўлиб яшаяпмиз, неки турмушнинг аччиқ-чучугини бирга баҳам кўряпмиз. Нолимайман. Бирордан илгари, бирордан кейин. Шукур қиласиз. Баъзан менинг инжиқлигим, унинг бир оз лоқайдлиги боис сен-менга ҳам бориб қоламиз, бироқ у бу ҳақда ақалли энг яқин туғишганларигаям чурқ этмайди, уйдаги гап уйда қолади, зинҳор кўчага чиқмайди. Шундай кезлар унга беҳад меҳрим товланади. Нимадир олиб бериб кўнглини олиб қўймоқ тараадудида бўламан. У шуни ҳам хоҳламайди. Ишингизни тугатиб олинг, одамлар олдида юзингиз ёруғ бўлсин ёки ундан кўра болларга уни-буни олиб берайлик, дейди. Ўзининг кийим-кечагидан нолимайди, қиши кезлари қўшни аёлларнинг гарчиллаған чарм плашларда, хотиним эса, тўйдан сал кейинроқ олиб берганим — ранги унниқиб қолган эски модадаги, оддийроқ матодан тикилган плаща юрса, ўнгайсизланаман.

Ҳар тутул аёл киши — аёл-да, бирорлардан кам бўлишни хоҳламайди. Шунинг баробарида менинг қўлимга қараб турганини ҳисобга олган ҳолда, эртага ҳаммаси яхши бўлишига умид қилиб бир нарса демайди. Аэбаройи тили қисиқлик қилаётганидан мен ўзим ҳам гоҳида ўрганиб кетаман.

Бироқ, мен ҳам ишонаман, эртага яхши бўлади, яъни бирордан кам жойимиз бўлмайди. Худога шукур, бирорлар тирноққа зор, бирорларнинг ватаним деб оёқ узатадиган уй-жойи йўқ. Бизда эса ҳаммаси бор. Худо берган ўғил, қиз, уй, пачоқроқ бўлса-да, машинаям бор. Нолишга ҳаддимиз сифмайди.

Дўстларим, улфатларим, таниш-билишларим кўп. Улар билан баъзи нарсаларда олди-берди қилиб турамиз. Бир мўлжалларимиз бор, агар амалга описа ғойибдан бойигандек бойиб қоламиз. Ўғлим Сарварнинг суннат тўйини ҳам ўша яхши кунлар келиши биланоқ бадабанг ўтка-

зид юборамиз. Бари бир диссертациямни ҳали бери ниҳоясига етказиб, ҳимоя қилолмайдиганга ўхшайман.

Режа бўйича ёзиб тугатиб домлага маъқуллат, оппонент топ, тақриз ёздири, мақола, брошюра чиқар, илмий кенгашшга қўй, кенгаш аъзоларининг кўнглини топ, эҳ-ҳе, бари бошоғриқ. Мабодо кенгаш аъзолари ичида домланинг фаразгўйлари чиқиб қолса, тағин урди Худо. Тирноқ тагидан кир топиб расво қиласи.

Ўзи абжир эмасман-да. Ҳар нрсани йўл-йўриғи билан уддаласа бўлади. Бу борада Абдумаликка ҳавас қиласман. У менинг домлам профессор Беинимовни ҳам қўлга олди. Илмий ишида оппонент бўладиган бўлти. Боз устига домлам директоримиз билан яхши муносабатда экан. Домламиз Москвада докторликни ёқлаётган чоғда директоримиз номзодликни ҳимоя этган, ўша пайтлар бир муддат мучали тўғри келиб, кейин ҳам узилишиб кетмаган экан.

Бир-икки марта директор қабулхонасида кўрдим домламни. Домлам ўзи камсуқум, айтиш керакки, хокисор, айни пайтда жуда гапга чечан одам. Қариликми ё ҳамма домлага теккан касалликми, менинг Самсонич билан яқинлашганимни у кўтаролмади, юрагига жуда оғир олди. Гаплашгиси келмай қўйди. Йўли тушиб келиб қолса ҳам тўғри биз ўтирган хонанинг эшлигини тортиб очарди-да:

— Мавлонога саломларимиз бўлсин! — дерди. Хонада тўрт киши бўлсак, тўртталамиз ҳам учуб туриб дмоланинг қўлини олардик.

На бўлғай, шу ҳавас қиларлик ота-боладек меҳрли муносабатимизга путур етди.

Бу аввало мен учун ёмон зарба бўлди, ишим қандоқ юришишини билмай қолдим. Ҳолбуки, агар энди ишимни ҳимоя қилсан, нақд катта воқеа бўлгулик эди. Кагтакон хонамизда баъзилар эрталабдан то кечгача папирос бурқситганча шахмат суриш билан кун ўтказишиларди. Мен эса тўплланган материалларимни саранжом қилолмай овора бўлардим. «Ишни уйда ёзадилар-да, мулло» дерди ҳар доим пичинг билан бухоролик Соат ака. Уйда ёзиш учун эса вақт керак. Мен кечаси фақат ўқийман, негадир шунақаман. Эрталаб эса худди заводга кечикаётган ишчидай шошиб чиқамиз. Кечга довур газета ўқиб, сигарета чекиб, гийбатлашиб вақт ўтказамиз. Бунақа интизом олим бўламан деганига ҳечам ёқмаса керагов.

Кичик айвонли, икки хона, икковигаям бир даҳлиз орқали ўтилади, сирти деярли ёғоч билан қопланган, бўёқларининг ранги учуб

оқиши яшил-хира бир тусга кирган уй. Уйдан беш-олти одим нарида тағин бир айвон, тўғрироғи бостирма десак бўлади. Атрофи томга ёпиладиган қора тўл, айрим жойлари қалин салофанд билан қопланган. Устунларга михланган тўл ва салофанинг айрим жойлари шамол ҳамда тўзон таъсирида бўлса керак, йиртилиб тушган, мезон шамолидан елпиниб турибди. Айвон ичкарисида қуруқ ўтин, тезак ва саксовул шоҳлари бетартиб уйиб ташланган. Айвон устига ҳам тўл тўшалган, баъзи ерларига бир қулочлик тунукалар ётқизилиб, устига тош ташлаб қўйилган. Айвондан икки-уч одим нарида ўнгир қазилган, унда тарвуз пўчоқдари, узум, суюк ва ёғ аралаш овқат қолдиқлари, дот бўлиб ёттан қофоз парчалари ташланган, ари ва чивинлар уймалашиб ётибди.

Гарчанд сахро ўртасида жойлашган бу манзил қуннинг тифида куйиб, жизғанак бўлиб ётса-да, термулиб турсанг нақ зимиштоннинг ўзи.

Биз сахро бўйлаб елдек учиб келган «Жип»дан бошқа тағин қандай машина ҳам бу ерларга келиши мумкин. Бироқ менинг кайфиятим чоғ эди. Чунки тўрт томоним энди қибла. Аллақачон ўлиб-йитиб кетган одам учун бу манзилдан кўра ҳузур-ҳаловатлироқ, саранжомроқ, беташвишроқ жой йўқ эди. Боз устига...

Боз устига Худойимнинг мўъжизасини кўринг. Қирғий амаки шу манзилда, у тирик, у мен билан бирга. Бундан ҳам ортиқ баҳтиёрлик бўладими?! Ҳаётда ўзи мўъжизалар кам, аммо, кўп деяверинг. Бунакаси фақат эртакларда ёки тўқима кинолардагина учраса керак.

Аввалига уни танимадим. Мени бу ерга опкелганларнинг бирорта чоракори, деб ўйладим. Ҳойнаҳой қозоқ амаки бўлса, эҳтимол, деб ўйладим. Чунки унинг бошида қозоқи қалпоқ бор эди. Шуни ҳам ечмасдан ичкарида чўзилиб ётган экан.

— Мудраппан, кўз кетиб қолти, — деди у туриб ўзини ўнглаб ҳам олмасдан.

Қарасам, оҳ, не кўз билан кўряпманки.. Қирғий амаки.

— Ассалому алайкум, — дедим деярли бақироқ овозда ҳушимни ўнглаб ололмай. Кетидан «тирик экансиз-ку», деб юбормоқчи бўлдим. Ўзимни базур босиб қолдим.

Афтидан, шерилларимнинг ҳаммасини у яхши билади, мен бегона эканимни сездим, бир қараб қўйди бепарво. Аммо ўрнидан туратура ялт этиб қаради, кўзлари чақнаб кетди. Бироқ тағин ўзини танимаганга олиб ташқарига йўналди.

Бир замон құлларини ювиб, артиниб-суртиниб кириб келгунча мен үзимча шерикларимнинг кимлиги, Қирғий амакимнинг тутқун экани ҳақыда ўйлад үтірдім. Биз бир-біримизге таниш эканимизни сездірсам, иш расво бўлишини тасаввур қылдим.

Шерикларим машинанинг орқасидан икки пилак сув, қоқ нон, тарвуз ва ҳар хил егуликларни туширишни буюрди. Қирғий амаки билан уларни даҳлизга жойлаштирилдік. Улар уч киши эди. Даҳлизнинг чап томондаги эшикни калит билан очиб киришди. Ичкари қоп-қоронғу, бир оз салқын эди. Шу ерга мени қамаб қўйишмаса-ку, деган хавотирга бордим. Йўқ, улар дам олишмоқчи экан. Сочлари тикка, гарчанд юзи ва қорни думалок, бақалоқ қозоқ башара киши Қирғий амакидан молларнинг тугал-тугал эмаслигини суриштириди. Ўрисча, ўзбекчани аралаштириб чапараста қилиб гапиаркан. Бироқ, мен кутганимдек, амакини у дўқ-пўписа қилиб сўкмади, урмади. Мени кўрсатиб:

— Помощник бул сизга, — деди.

Ҳамма нарса аён бўлди. Улар кетгунча амаки билан бир оғиз гаплашмасак ҳам бўлади.

Мен севинганимни сездирмаслик учун ташқарига чиқдим. У ёқ-буёқларни кузатиб, томоша қылдим. Нарироқда ертўла қазилган, усти ердай қилиб хода билан ёпилиб, тупроқ ташланган отхонани кўрдим. Бориб қарасам, икки-уч от сиккулик жой. Қаламага бир тўриқ арқонлаб қўйилибди. Охурда дағал емиш, бостирма шипига емхалта, лаган, қамчи осилган. Эгар-абзали олиб қўйилган тўриқнинг устидаги яғир, ундаги дашт чивинларининг уймалашганини кўриб бир нималарни ўйладим.

Қирғий амаки отдан тушмай минаркан-да, ё бўлмасам молларнинг подаси роса олислаб кетиши мумкин экан, деган хаёлга бордим.

Амаки примусни ёқиб чой қўйди. Шира ва кирлардан дағал бўлиб кетган дастурхонни ёди. Қоқ нон, қоқ, лекин пишган гўшт, шакар қўйди. У қарид қолибди, озиб, ажинлари зўрайибди. Кўзлари ҳам алланечук ботиб, ўзиникига ўхшамай қолган, аниқроғи, тешиб юборгудай аввалги кўзлардан энди асар ҳам қолмаган, тамом ғам-ғусса, ёлғизлигу қарилекни бўйнига олиб қўйибди.

Қирғий қафасда қолибди.

Бироқ мен эркин, енгил күш эдим энди.

Амаки билан бир оғиз гаплашсак-да, ҳамма нарса тушунарлидай эди. У менга бир муддат термулиб туриб хўрсиниб қўйди. Чамаси юзим ва бошимдаги яраларни кўриб у боягилар роса тепиб-тепкилаб-

ди, деб ўйлади. Ҳадеб кулимсираб шодланавериш им эса унинг ғаши-ни қўзитаётганини билиб турибман.

Охири сабрим чидамай:

— Тирик экансиз-эй, хайрият! — деб юбордим.

Юзида бирор ўзгариш сездирмади.

— Тирик мурдаман-да, бўталоғим, — деб қўйди ниҳоят ва оғир сўлиш олди.

Кулдорлар, — ҳозирча шундай атаб турайлик уларни, — уч соат-ча ухлаб ётишди. Сўнг туриб, юзларини ҳам ювмай, хайр-хўйсиз жўнаб қолишиди.

Ҳар ҳолда Қиргий бово мендай бир ҳамроҳ келганига шукр қил-гандир, аммо у бари бир ич-ичидан менга ачинаётган эди. Мен-ку, умрини яшаб бўлган одамман, сен ҳам менга қўшилиб чўлда чириб кетасанми, бўталоқ, деган каби надомат сезилиб турарди. Бироқ у мендаги қаноат ва ҳатто севинчни кўриб тонг қотди. Эҳтимол кутқаришга келган, деб ўйлаган чиқар, лекин булар билан бирга келганимни кўриб бари бир ҳафсаласи пир бўлди.

У ўз одатиша камгап одам. Аммо бу ютиб юбораман, деб турган чўлда Қиргийдай эл кезиб юрувчи одам нақ ёрилиб кетмаганига та-ажжубланасан одам. Озиб-тўзиб кетгани шундан бўлса керак.

Кун қайтиб аср кирди. Биз отга мингашиб, ҳув ясси тепалик ёқалаб, бу ердан саккиз-үн чақирим наридаги кўл ёқасига бориб, молу йилқилардан ҳабар оладиган бўлдик. Икков тўриқقا мингашиб жўнадик.

Ҳамон индамаймиз бир-биримизга.

Бу сукут ғалати эди. Узоқ муддат олди дамбаси берк турган ҳовуз-нинг бандига ҳар хил лойқа ва балчиқлар ўрнашиб олади. Ҳадеганда унинг кўзи топила қолмайди. Бизнинг дилимиздаги дард ҳам анчайин шунга қиёс этгулик эди.

Биз сёёғнинг тагидаги нарсалар ҳақидагина бир-икки оғиз гап-лашдик ва бундан иккимиз ҳам қониққанимиз йўқ.

Чордаранинг суви деб гумон қилдим — тўлқинланиб, атрофга салқин бериб турибди, кўл бағрига туртиб кирган ярим орол шаклидаги қуруқлик чакалакзорга айланган, қамиш қалин ўsgан, пояси ҳам қуриб қолган, моллар бўйи етгулик жойгача баргини шилиб олган, қолгани дараҳтдай сўпрайшишиб турибди. Кўл устида оқ қушлар гирён учиб юришибди. Бир ён чўл, бир ён кўл. Ҳар на бўлгандаям озодлик ва хилват яхши. Менга маъқули шу.

Бироқ бу Қиргий бовомизга ёқмайди. У — тўданинг одами. Ка-

фасдаги қушдай гунгсифат бўлиб қолибди. Кўзларида илгаригидай шиддат йўқ. Балки ростдан ҳам қаригандир.

Кавш қайтариб ётган сигирлар яқинлашишинг билан ҳуркиб тура қочишиади. Тоғ ҳайвонлари сингари ёввойи бўлиб кетишгани шундоқ кўриниб турибди. Бир эшитганим бор эди: Нурота тоғининг орқа томонида Ҳайдар кўлда моллар шундоқ ёввойилашиб кетганки, эгалари баъзан уларни саришта қилолмай, ноилож милтиқ билан отиб опкелишар экан. Бир ёқда Орол ҳансираф ётибди, бу ёқда, эсингга келмаган чўлларда туш кўрмаган денгиз пайдо бўлаётир. Табиат одамнинг ноин-соғлигига чидаркан, аммо ўзининг адолатини ўтказаркан-да.

Ҳаётнинг бу каби ажиб тақдири бошимда тургани етти ухлаб тушимга кирмагандир.

Мен чиндан Гўрёлининг ҳолига тушдим. Ҳолбуки дорулфандо билан хайр-хўш қылганим аниқ эди ва бу менга ҳолатан сархушлик, енгиллик, беташвишлик билан бошланган гўзал лаҳзаларни ато этган, ҳаёт қайғусидан тамом фориф этган эди. Одам танани кўтариб, нафси-ни қондириш, эришиш, эришиш ва яна сазовор бўлиш илинжида шу оғир гавдани ҳарчанд зўрма-зўраки бошқариб юришни ўшандада нақадар тиниқ ҳис этдим. Бу каби гўзал, айтиб, таърифлаб бўлмас даражадаги илиқлиқ, юмшоқлиқ, эркинлик Сиз билан яшаётган тупроқда зинҳор учрамайди. Чунки Сиз билан мен шу гавда, шу бир қоп гўшт ҳавасини тўйғазиш учун жуда қийналиб, заҳмат чекиб ҳарчанд уринавераркарканмиз. Қиёс учун бир нарсани айтай: гавдангиз билан тўшакка қалишиб ухлаб ётган бўлсангиз ҳам менинг бир лаҳзалик бекиёс оромимга тенг ҳолатта асло тушолмассиз.

Ростини айтсам, шу кунларда мендаги ғайри бир ҳолат сизга қизиқ туюлади: мен «нариги ёқдан» қайтиб келганим учун ҳақиқатан ҳам хурсанд эмасман, таққослаб кўриб қаер афзаллигини ўзим ҳис қиляпман. Яна - тагин тақдир мутлақо мен кутмаган манзилларга улоқтирганини кўринг. Қирғий амакини тириклар, қавму қариндошлилар ўйда-қирда излаб, дараклаб тополмай юришибди-ю, мен у кишини нақ «нариги дунёдан» қидириб тополмай бу дунёдан тўппатўгри бориб топиб олгандайман.

Яшириб нима, бундай тасодифлар ҳам кейинги пайтда мени чандон довдиратиб кўйди, нима десам экан, ҳаммасига ақлим етавермач, ҳатто дийдам қотди.

Бир нарсага хурсандман: менинг танамга қайта жойлашишиму яна эски, яъни «собик» домула бўлиб тирилишим, қабрдан чиқиб

бу гўшаларга дарбадар келиб қолганимни бирор таниш кўз учратмади. Ҳайтовур ўзим бирортасига кўриниб қолмадим, деб ўйлайман.

Билганида хотиним, онам, отам—шулар билишарди, чунки улар то худойи ўтказгунга қадар узлуксиз ҳар куни тонг саҳарлаб мозор бошига бориб туришиди. Шу воқеани бўлган деб айтиб берсангиз, эҳтимол, ўзим ҳам ишонмаган бўлардим. Аммо, на илож, бўлган-қўйган саргузашт шу.

Яъни..

Камина «баҳтлар водийси»да чунон ҳузур-ҳаловат ила қўним топган мисол юрган, учган, тумандай сузган, армонлар талқондай ушала кетиб, сармаст, тентак, бир довдираш, эсанкираш ила ошуфталик ҳолатимда мисоли ҳаводаги заррани бир куч билан итарган каби бозбояги «кувур»га зўрлаб ҳайдади, мени ўша танамдан узилиб чиқкан ластлабки палладаги сингари (эсингиздами, мен гэвдамга бот-бот яқинлашган эдим) зўрлаб киритмоқчи бўлди, тамом қаршилик қилдим: ўламан саттор, мени қўй, йўлимни тўсма. Бироқ мен саргашта, ҳавойи, тийиксиз бир жон на олдга, на ортга ўзимча интила олардим — икки дунё сарсони овора-сарсончилиқдан ўша босим куч кутқараман дейди, лекин жон-кўнгил водийни дейди.ҳоҳиш зўр, интилиш бор, аммо чинакам интилиш йўқ, негаки, атрофингдаги ўн дона, юз донадир, ҳаракатланувчи «жисмларим» кимнингдир ихтиёрига ўтиб қолди. Шундан-да қаминани гавдага қайта жойлаштириш осон кечмади, ўшатиш жоиз бўлса, яйдоқ ўтлоқдаги подани тор бир қўрага қисталанг ила қамоқлаб келган каби...

Хуллас, ўша, зил-замбил жисмга кирдиму тонг қотдим! Бу ўзи илгаригидан ҳам ошиб тушди: қамоқланиб гавдага сингганим жазоси етмагандай, танаю руҳи жоним тўристонда тиқилиб ётибман.

Чама-чамадан билдимки, ҳали тонг отмаган экан. Инсоннинг ўлишям осон эмасга ўхшайди. Боним ва оёғимнинг қақшашидан кўра тупроқ остида ҳавонинг етишмаслиги заҳмати оғирроқ туюлди, зўр бериб юмшоқ жой ахтариб тепага қараб тирноқ ила кавлайвердим.

Хотинларнинг бирин-кетин изиллашиб йиглаганини эшишиб қолдим, тирмалашни тўхтатдим, овозларини танишга, ажратишта уриндим. Онамнинг зориллаб сел бўлиши, гарчанд бошқача бир овоздай туюлса-да, жигаримни тилиб юборди. Тезроқ бирор тирқиши топмасам бўғилиб ўлишим аниқ эди. Бўғиқ бир овоз инқиллаб, гоҳ ўйтал аралаш ноумил бўзларди. Хотиним! Тўрам деб зориқишлигини эшифтганман, аммо бу бечора тамом беҳол, паришонхаёл эдики, акам деб бўзлар эди.

Жўш томонда бурноги йиллар бир марҳум чолни кўмиб келишса, эртаси куни кечаси кафан ила уйига арвоҳдай кириб борган, уни кутиб олган келинининг юраги дош беролмай ўша заҳотӣ жон таслим қилган экан. Чолнинг куни битиб бир гал «тағин» ўлибди. Тасодифни қарангки, бу гал ҳам у ростакамига рихлат қилмаган экан. Арвоҳдай бўлиб тағин кечаси уйига кириб борибди. Бу сафар ўзининг қизи...

Чолнинг хосиятсизлиги бир қур гап бўлган, оғиздан-оғизга кўчган, оқибат у дорилбақоға мангу сафар қилганида, бу гал дарғазаб бир оқсоқол қабрдаги «уйи»га қўйиш асноси мурданинг бўйини ниҳоятсиз жаҳл билан қайириб синдирган экан...

Ўлиб-тирилишнинг фазилати шу бўлса, тирилмай қўяқолган маъкул эмасми? Албатта, мен ўшанда бояги чол воқеасини аниқ эслаган бўлмасам ҳам, ҳар қалай, гўрдан чиқиш истаги туғишганларимга кўринмаслик истагидан устун эмас эди.

У бўлди, бу бўлди, камина гўр ўғли бўлдим. Гўрўғли каби гўрдан чиқдим! Гўрдан чиққанда тун хуфтонга оғди. Чиқиб қарасам, қандайдир қабримга кетмон урилганга ўхшайди, тупроқлар нарёққа уолган, азбаройи менинг чиқишимга кўмаклашгандек кимдир. Аммо кейин ҳужрабачча бир йигитдан сўраб билсан, янги майитларнинг ҳам қароқчи-лари бўлармиш, агар тилла тиши бўлса, кечаси очиб, тишни қоқиб кетишармиш... Хуфтонга азон айтилганда кафанга ўралиб қабристонга яқин мачит девори бўйлаб пуса-пуса «гуноҳкор» бўлиб тирқишлирдан мўраладим. Кун салқин, намоз охир бўлди. Бир тўда намозхонлар хуфтонни ўқиб тугатиб чиқишиди. Икки-уч йигит орқада қолди. Тусмоллаб билсан, булар шу ердаги ҳужрада ётишади. Бирини, холи қолгач, чақирдим. Овлоқ ҳужра сўрадим. Не бўлғай, меҳрибон шу йигит кўмагида нақ саккиз кун шу ерда хилватнишин бўлдим. У мақсадимни билгач, бажонидил ҳомийлик қилди: кийим-кечак, кам-кам егулик, охирги куни йўл ҳаржини ҳам аямади. Ҳойнаҳой мачитнинг эҳсон пулидан бўлса ажаб эмаски, буям майли, таги андижонлик бўлган бир қирчиллама табиб ҳам пайдо бўлди, мудом оғриқларим босилгунча у тинимсиз малҳам босиб, қайта яраларимни боғлаб турди. Шуйтисбиз гарчанд уйимизнинг ёнгинасида пусиб яшадик, пусиб даволандик, пусиб овқат еб, керак ҳолда пусиб нафас олдик: азбаройи тириклигимиздан тортиндик, худдики, бирор хабар топиб қолса бизни обдон гуноҳкор қиласан тағин шунча даҳмазадан кейин қайтиб келиб, биз адашибимиз, дебми, Худо адашди дебми, нима деб оқлайсан ўзингни ахир?

Мачит ҳужрасидан чиқиб кетишимга бир кун қолганда уйимиз

атрофини хўп айландим. Тун эди, бирор шовир сезмадим. Ҳойнаҳой куни бўйи чарчаб сўнг донг қотиб ухлаб қолишгандир. Айниқса қизими ни шунаقا соғинган эдимки, гулни ҳидлагандай бир ҳидласам эди, армон қилмас эдим.

Қабримни тезда тузатиб гумон қилмайдиган даражада чимларини яхшилаб босиб қўйгандим, токи чиндан мурда тирилиб чиқиб кетгани сезилмасин. Ким билсин, сезилмаган чиқар. Рости, иккинчи кундан бошлаб мозор бошига чиқаётгандарни ўзим ҳам кузатдим. Шундай кезларда негадир улар билан қўшилиб ўзим ҳам йиғлагим келди. Лекин зинҳор хужрадан чиқиб уларнинг бағрига ўзимни ташлашни яти туғилгани йўқ. Улар ростакамига бу жудоликка кўникишларини хоҳладим. Ҳойнаҳой кўникишди ҳам. Балки совиб ҳам улгуришган чиқар. Аммо мен энди беқарор, бир телба аҳволда қолдим. Миямга урдики, шундан пиёда неча кун юриб бўлсаям қишлоққа бораман. Шуни қилдим. Лекин йўлга чиққанимнинг учинчи куни даштда тутилдим. Мени боғлаб, олисдан қувиб овора бўлишганим йўқ. Уларнинг ниятларини билдим, ортиқча ташвиш туғдирганим йўқ уларгаям, ўзимгаям. Ҳайрон қолиши ўзлариям. Менга шуниси маъқул эди, нимаям қиласман ҳозир қишлоққа бориб. Қолаверса, ёлғизлик менга ёқа бошлади. Одам ўлса ёлғизсираб ўлмайди. Ёлғизликда фикринг тинқлашади, дунёни тийранроқ тушунасан.

Қўшимча турли аҳборотлар келавермагач, хотиранг ҳам анча жонланади. Менинг аҳволимдаги одам-ку буни хоҳлаб эмас, мажбур бўлиб идрок этади, холос. Бошқа иложиям йўқ. Шундаям ўзига мақбул йўлнинг мақбуллигини ўйлаб қаноат қилгиси келади.

Пешонанинг олти қаричлигини кўринг, келиб-келиб Қиргий бовага дучор бўлганимни қаранг. Хонаси келса, мақтансанг — Қиргийнинг ўғлигами, хотинигами ёки бирор қариндошими, кимгадир, сизлар шу ерда туриб тополмайсизлар-а, мен нақ нариги дунёдан келиб, мана шу ердаги одамни топиб бердим сизларга десанг, суюнчи олсанг. Э-ҳе, тил икки қарич бўларди-ку, аммо тақдир... ҳар иккаламизни ҳис-ҳаяжонимизни-да ногирон қилиб ўтирибди. Бу бир юзи қаролик иш. Одам руҳан мағлуб этилса, унда алам қолади. Аламли одамни тўсатдан озодликка чиқарганингдаям унинг ҳадеганда ичи ёришмайди. Чунки аламнинг ери бўлак, озодликнинг ери бўлак.

Илмий ишимда руҳоний ҳолатларга асосий эътиборни қаратганим ҳам шундан. Мисол, юз йиллик мустабид тузумда яшаган бўлсак, истибодл қирралари шу қадар тармоқли, кўламли, мураккаб эдики, лаб-

дурустдан сенга ўзи нима ситам ўтди, деса шошиб жавоб беролмасдинг. Энди зулм йўқ. Аммо ўшанга ўхшаган зулмга кўнишка бор. Шунинг учун дўппини ҳадеганда осмонга отгимиз келмайди. Кечаги куннинг «ижобий томонлари» тўгрисида бирор куйиб пишиб гапира бошласа-я, уни беҳафсала инкор этамиз, инкор этгимиз келгани учун эмас, инкор этиш керак бўлгани учун. Ўт йўқ, чўф йўқ кўнгилда. Нега? Дил кафолатни ёқтиради. Кафолатни сўрайди. Ўша учун, бирорадар.

Кишилар шунинг учун жонларини нисор айлашадики, ўлсангу, ўлишга арзиса шу иш, аксинча, ўлганинг ҳам бир ортиқча гавда янглиғ увол бўлиб кетаверса, кимга қизиқ?

Бир гал Шерали Ваққосович менинг орқамдан гап пойлаётганини сездим. Аммо сезгунимча вақт ўтиб бўлган экан.

Кези келгандা одам танламайман. Абдумаликни ўзимча ихтиро қилганимни яширмайман. Айтайлик, одамни иймон ва иродада ушлаб туради, кишиларда баъзан ўша қатъий принципиаллиликни кўрамиз, биз уни ўжар деймиз, ётсираброқ қараймиз, ҳолбуки зингил солиб кузата берсангиз, унинг ҳаётида шу ўжарлиги муҳим ўрин тутганини пайқайсиз, ҳатто уни сақлайди шу хислат, охир-оқибат, кези келгандада у ютиб чиқади, мабодо салбий қобигига томон бурканиб олмаса. Албатта, у омадга эришади. Бу хусусийлик. Умумийлик қасб этганда у миллатга хос дея таъриф берилади.

Миллатнинг, демакки, унга мансуб одамларнинг феъли ўзгармайди. Ўзбек ҳам худди шундай. Аммо дунёда қариётган миллатлар бор. Миллатнинг қони тозарив, яъни бошқа миллатлар қони билан қўшилиб боравериши керак.

Диссертация ишимга киритган бу тахлит фикрларни Абдумаликка оғзаки айтиб беравераман. Бир гал унга директоримизнинг фан доктори тугул оддий зиёли ҳам эмаслигини тушунтирдим, олифта, ледим, ишқилиб, кўнглимга яқин олиб каттани ёмонлайвердим-да. Бошқа кимгаям ёмонлайман?

Аммо...

Илмий конференция бўлаётганди. Шерали Ваққосович негадир алам билан навбатни ҳеч кимга, ҳатто илмий ишлар бўйича ўринбоса-ригаям бермай илм ҳақида ваъз ўқий кетди. Ваъзиям шу, ўзининг бошидан ўтказган бир талай «қийинчилклари»дан тузилган Масков чўпчаклари эди. Икки кўл шимнинг чўнтағида. Ўзи пакана бўлишига қарамай кўзининг ости билан безрайиб, бақрайиб қарайди залга. Бу сафар у залга эмас, кўпроқ менга қараб гапирди. Тўсатдан савол ташлади:

— Ичингларда қайси биринглар билимдон? Ким билимдон, ман бир кўрай-чи?!

Ие, бу ёғи неча пулдан тушди, дейман донг қотиб: бешикдан то қабргача илм изла дейилади-ю, бари бир поёнига етмайсан, қизиқ, ким билимдонман деяоларкан, шуям олим кишининг саволи бўлдими? Энсамиз қотиброқ турган эди, директор тескари ўгирилиб, кўлиниг кўрсаткич бармоғини ҳавога қия бигиз қилиб ўқталди-да:

— Билимга келганда любойингни синдираман, — деди тўсатдан.

Оббо, Суқрот бобо эшитмайди-да, дейман шу гапларни, нақ гўридан тикка туриб келармиди, олам донишмандлигини ўзида тўла мужассам этган пайғамбарсифат зот «шунча ўқиб нимани билдингиз?» деган саволга ҳаётининг поёнида «ҳеч нарсани билмаслигими ни билдим», дея жавоб қилган экан. Суқрот амаки бу анжуманда қатнашганда директоримиз унинг «билимсизлигини» юзига солиб тоза изза қилган бўларди-ёв. Суқрот домла бошини қўйи этиб мулзам бўлганича, яхши, хўжайин, энди кўпроқ ўқиймиз, деб бош этиб чиқиб кетарди ҳойнаҳой. Билимлининг қошида икки карра бош этмоқ дуруст. Суқрот бобонинг бунга фаросати етарди, албатта... Эҳтимол Суқрот бобо «билимсизлиги учун» Ваққосовичнинг пўписаси билан институтдан ҳайдалгандир. Шунингдек, Ваққосовичда шундай шижоат борки, сўзсиз Улугбек, Фаробий, Навоий ҳам бу даргоҳга қадам босиши мумкин эмас. Биргина сабаби — Ваққосович улардан зўр, зўр бўлгандан кейин билганини қиласиди.

Шуларни хаёлдан ўтказиб зап нашъя қилаётувдим, миямга чақмоқ янглиғ бир нарса урилдию ичим тамом музлаб кетди: шу одам бир тузук-қуруқ зиёлияммас, хулиганни кўргандай бўламан шуни учратганда — Абдумаликка айтган гапларим эсимга тушиб бошимдан совуқ сув қўйгандай бўлдим. Ичим совигани бир ҳол қўл-оёқларим ҳам ишламай қолди-ёв. Гўё биз очиқ жанг қилдигу у ғолибона ҳайқирап эди. Икки кўзини уккиникинни сингари менга қадаган қўйи давом этаётир. Не аҳволга тушганимни у сезиб турибди: кўзи ва мийигидаги голиб истеҳзосидан билинаётир бу.

Шартта Абдумаликни қидирдим. Ён томондаги столда тирноғи билан тахтага шакл соляпти. Дўстимнинг сотқинлиги шу маҳалда, бир анжуман тўла одам ичра электр токи янглиғ фақат уччаламиз-нинг этимизни жиз-жиз қуидириб ўтар эди.

*Гўрўғининг отаси Равшан кўр қайногаси Гаждумбек билан қизилбошлар юрти Ҳунхордан узоқ йиллик тутқунликдан сўнг даштда қочиб келар эди. Равшан кўр Гаждумбекка:— Қани, бир Ҳунхор томонга назар ташлаб кўр-чи, тинчликмикан,— деб шу сўзни айтди.*

*Кўрман, кўринмайди ҳеч зот кўзима,  
Тоғдан ел урилар келиб юзима,  
Энди бок, Гаждумбек, менинг сўзима,  
Ҳунхор элга қара, у ён тинчликми?*

*Баҳоркордан келар тўрғай садоси,  
Узоқлашган ўхшар Ҳунхор ороси,  
Кўринмайми ҳеч ниманинг қораси,  
Ҳунхор элга бок-чи, у ён тинчликми?*

*Ҳилолойман янгам қолди Ҳунхорда,  
Кечгача омонат файри диёрда.  
Тоқат ўйўк унгача сену мен зорда,  
Ҳунхор элга бок-чи, у ён тинчликми?*

*Юрагим ҳавл олиб, дурсилаб ёнар,  
Шу ёймоқлик билан яшаб ўртанаар,  
Кўз ёшим дарё бўён дурни қизғанар,  
Ҳунхор элга бок-чи, у ён тинчликми?*

*Равшан шўрли ожизликдан оҳ урап,  
Дўстлар дийдорини маҳшарда кўрап.  
Юрагим ўзидан ўзи ҳавл урап,  
Ҳунхор элга бок-чи, у ён тинчликми?*

Ҳунхор тинчлик эмас эди. Гаждумбек Равшантага:

*Булут келар чўқтарилиб ё тиркашиб,  
Соат сайин қалилашиб буркашиб,  
Кам-кам яқинлашар дўнглардан ошиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди? — деб берди.*

*Равшан кўр Гаждумбекдан бу сўзни эшишиб:— Бўлмаса, бизни арвоҳ урибди. Бирор бачагар бизни кўрибди. Дарҳол Ҳунхоршоҳга хабар бериб-*

ди. Хунхоршоҳ орқамиздан қўшин юборибди. Бу тўзанг Хунхоршоҳ қўшинларининг от түёғидан чиққан чанг. Энди, Гаждумбек оға, иш кўнгли миздагидай бўлмай, чапга тушибди. Ҳилолой билан янгамга боролмайсан. Тақдир шу экан. Оға, энди улар Хунхорда кўзидан осилиб қоладиган бўлди,— деса, Гаждумбек қўрқиб кетиб:— Равшанжон, сен Ҳилолой билан янганганинг ҳасратини ейсан, ҳали ўзимиз нима бўламиз, ҳали замон қўлга тушиб ўламиз,— деб қалтирай берди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекка:— Оға, энди нима бўлса, бўлди, қўрқма, ўзимизни бу от қутқаради. Нима бўлса ҳам шундай индамай қочиб кетганча, шу ерда тўхтаб турайлик. Хунхорнинг қўшини келгандан кейин уларга мана турибмиз, отингга ишонсанг, қувиб етиб ол, дейлик, бари бир етолмайди, шайтиб қизилбошларни бир ҳасратда қолдириб кетайлик, деди. Бир пилла Хунхоршоҳнинг ўттиз минг қўшини от йўрттиришиб, Гаждумбек билан Равшан кўрнинг яқинига етиб келди.

Равшан кўр:

Ғайри дин қизилбош, қолма армонда,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.  
Етолмадим дема, бўлма армонда,  
Қувалаб тута олсанг, ҳайда отингни.

Қўйи әмасман баҳорингга, ёзингга,  
Туркман кўринами сенинг кўзингга,  
Амр айла ҳар қандай чавандозингга,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.

Деб Кўктомир отнинг жиловини алға қўйиб кетаверишди.

Бир вақт Равшан кўр Гаждумбекдан:— Орқамизда бир отнинг шобири келаётир, у не тусли от, деб сўради. Гаждумбек:— Ўзи ола, бўйи тиккатоб, ўқдай бир бала,— деди. Равшан уни дарров эслаб:— Бўлмаса, қўёшга қараб ҳайдади, ола тулпор шафак экан, қўёшга қараб чопа олмай, орқада қолиб кетди. Энди икки от қувиб келаяпти. Бу икки отнинг бирори оқ бўз от эди. Шундоқ бўз от юлдуздай оқиб, Гаждумбек билан Равшанга етай-етай едб қолди. Равшан кўр яна Гаждумбекдан:— Орқамизда бир отнинг шобири чиқади. У қай тусли от? — деб сўради. Гаждумбек:— Оқ бўз, бамисоли юлдуз,— деди. Равшан кўр бу отни ҳам эслаб:— Бўлмаса, тошлоққа қараб ҳайдади,— деди Гаждумбек Кўктомирни тошлоққа қараб ҳайдадаган эди, оқ бўз отнинг оёғи тошга ярамас экан, тошлоқда оёғини тош иргаб, оқсаб у ҳам орқада

қолиб кетди. Гаждумбек отни ҳайдаб, энди Бадбаҳт тогининг тубига келиб қолганда, ҳалиги орқада келаётган бир от қувиб етишиб қолди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекдан:— Орқамизда яна бир отнинг шобири бор, у не тусли от?— деб сўради. Гаждумбек:— Қора чавкар, товуши заҳар, узун бўйин,— деди. Равшан кўр:— Агар шу от қора кўкиши бўлганда, бизни қувиб етар эди. Бунга шу ерда Кўктомирни бир тўхтатиб, кейин ҳайдаб юборсанг, иложи шу,— деди. Гаждумбек Кўктомирнинг жиловини тоққа тортиб тўхтатган эди, Қора чавкар етиб келиб, у ҳам таққа тўхтади. Гаждумбек отни ҳайдаб юборган эди, Қора чавкар шу тўхтаганича тўхтаб қолиб кетди. Шуйтиб, Гаждумбек билан Равшан кўр душманнинг қувғинидан қутулиб, Бадбаҳт тогига чиқиб кетди.

Бадбаҳт тогининг бу бетини Асқар тоги дер эди. Шу тогининг бу ёнида туркмандар элати эди. Гаждумбек билан Равшан кўр тогдан ошиб, бир яйонга тушиб, Ҳилойи билан Гаждумбекнинг хотини Хунхорда қолиб кетганига ҳасрат ва надомат қилиб йиглашиб ётдишлар. «Бош қаттиқми, тош қаттиқ», «Бошга тушганини кўз кўрар», деб Гаждумбек билан Равшан кўр кўникмакдан бошқа иложи топмай, шу тогда оқшомни ўтказдилар. Эрта билан Гаждумбекнинг ўзидан-ўзи бир оз ичидан санчиқ бўлиб чиқди. Дарров тушиб, иккови мингашиб, тогдан бериги бовурга тушиб, текисликда тултор оёғида кечгача юриб, Кўкланг деган туркмандар уругидан ўтиб, такани оралаб, ёвмитга ётдишлар. Кечқурун бир ерга келиб тушмакчи бўлдилар. Шунда Гаждумбек мени отдан суяб ол, деб бир сўз айтди:

Қизил гуллар очилмайин сўлибди,  
Ё билмайман, паймонам ҳам тўлибди.  
Тақдир ҳукми билан Ёвмит элига  
Гаждум оғанг тупроқ тортиб келибди,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Албатта, дунёга устун бўлмайман,  
Чирогим, рози бўл, тирик қолмайман,  
Эсим оғиб, ақл-хушим билмайман,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Узоқ-узоқларга кўзи сузилди,  
Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,  
Равшан кўрнинг тиззасига бош қўйиб,  
Шуйтиб Гаждумбекнинг жони узилди.

*Ҳай аттанг, Равшанга бўлди қиёмат,  
Дод айлаб чекади оҳу надомат,  
Қулликда қутқарган Равшан шўрлини,  
Қаёқдасан энди Гаждум валиомат.*

*Равшан ўзи кўзи ожиз фидойи,  
Ҳам кўришининг, ҳам ёрининг гадойи.  
Бу кимсасиз чўлда нима қиласди,  
Не савдога дучор этди Ҳудойи.*

*Шутиб Равшан кўр Гаждумбекнинг жасади олдида ҳайрон бўлиб ўтирганида, уч бозорчи шу ерга келиб қолиб, Равшан кўрга ёрлашиб, йўлнинг бошидан битта гўр кавлашиб, улай-булай қилишиб, Гаждумбекни расмлаштириб, шунда кўмдилар. Равшан кўр бозорчилардан ўзининг Жигалибекнинг ўғли ва Гаждумбекнинг Оғалибек ўғли эканини яшириб, Қизилбошга асир тушиб кетган туркманларданмиз, қочиб кетяпмиз, деб қўяқолди. Равшан кўрнинг кўнгли учун уч бозорчи шу ерда тунашиб, эрта билан Равшан кўрни ўз отига миндириб, отни етаклашиб, чошгоҳ вақтида Ёвмитнинг бозорига етиб келдилар, Равшан кўр ўйлаб: «Ардисари ишим чапга сўққан баҳтсиз йигит чиқдим. Энди туркманга келдим, нима бўлдим. Менга от энди нимага керак», — деб ҳалиги бозорчилар билан от бозорига бориб, Кўктомирни харидорнинг сўраганига сотиб юборди. «Гаждумбек нималар қилмаган, энди унинг йўлида худойи, хайрия қилиб, дастурхондан элга ош бераман, десам, кўзим йўқ, ўзим бир мунгадек бўлсан. Кел, Ҳудо кўрмас жой йўқ. Шу отнинг пулини бозорда сочиб юборай, буюрган кишилар олар», — деб тангларини от бозорида сочиб юборди.*

*Туркманда бирор воқеани тезда унугиб юбориш одати бор. Шутиб Равшан кўрни ҳеч ким Жигалибекнинг ўғли эканини билмай: «Бу бир ажойиб савдои дарвеш экан», — дейшишиб. Равшан кўрга:— Сен художўй бўлсанг, хонақога бор, — деб эргаштириб, бирорлари хонақога келтириб қўйдилар. Ана шутиб, дарвишнинг бошқа ватани йўқ, Равшан кўр шу хонақода қолди. «Мен энди бу шаҳсларнинг овқатига текингина шерик бўлмайин», — деб, самоварда дамловчи бўлиб шу хонақода бир ўлмас кунини ўтказа берди.*

*Қирғий амаки билан ота-бала мақомида, балки улардан авлороқ бўлиб, э, бор Ҳудоё, кўрсатган кароматингга балли, деб кунни тунга, тунни кунга улаб яшаб ётибмиз. Амаки бир туркум достонларни*

навбати билан менга айтиб турибди. Бахши эмас, баъзан илгари ёд олган айтимлари шартта ёдидан чиқади. Шарт пешонасига муштлаб, қолган давомидан куйлай беради. Оҳ, бу қумқулоқликнинг хосияти нақадар зўр экан, дейман, ҳавасим келади. Жебасини келтириб бир нарсалар айтиб берайин мен ҳам деб қоламан, сўнг нўноқлигимдан ўзим уялиб юраман. Қиргий амакига Худо юқтирган экан-да, дейман. Ўзи айтиш санъатиниям эгаллаш керак экан. Қадимдаги дарсларда ўқишдан кўра ёдлашга кўпроқ эътибор қилингани бежиз эмас экан-да. Сўзга чевар деб шуларни айтади. Сел бўлиб кетди-я амаки.

Бир кун ўтди, икки кун ўтди. Қиргий амакининг рангига ранг қўшилгандаи бўлди. Достонларниям у азбаройи кўнглида хотиржамлик ўрнашгани учун тўлиб-тўлиб айтиётир чамаси. Кўзларидаям алла-нечук ўт чаңаёттандек назаримда.

Гурунг қиламиз, билган овқатимиз — қоқ тўштни қайнатиб шўрва пиширамиз, унга бўлқадан тайёрлаган нон-қоқиларни бўқтирамиз, устидан чойни бостирамиз.

Бизнинг тутқунлигимиз эркин тутқунликка ўхшарди: устимизда қамчисини ўйнатиб турган назоратчининг ўзи йўқ, саҳро бўйлаб пойи-пиеда кетаверишинг ҳам мумкин. Бироқ азбаройи чўлнинг ўртаси бўлгани учун қаергача бориб тинка-мадоринг қуришини билмайсан, ит ўлимига йўлиқмасам, деб қўрқасан, холос.

Қиргий амаки энди ном-нишонсиз ўлиб кетишига мутлақо ишониб, ёзугим шу экан-да, дея рози бўлиб ўзини ўзи чўқтириб қўйган экан. Жони кириб қолди балодай.

Мезоннинг ҳам охирлари эди чоги, аҳён-аҳёнда шу овлоқ чўллардаям юзингга мезон урилади. Менинг «қазо қилганимга», ҳисоблаб кўрсам, йигирма бир кун тўлибди. Қиргий амаки шароитга тоза мослашган, чекишга носиям бор, батареяли радиони қўйиб, турли қўшиқлар эшитамиз, ётиш олдидан оғзини каппа очиб ясама тишлигини олади-да, белбоғи билан артиб-артиб ёстиғининг тагига қўйиб ётади.

Қиргий амакининг бу ердан қочишгаям ҳафсаласи йўқ эди ёки буни ўзи хоҳламай қолган эди. Ўзининг айтишича бошида икки-уч кунлик йўлларниям чўбир отда бир кузатиб келган, бефойдалигига икрор бўлган, сабаби қайси йўл билан борилсаям барি бир адашади одам, адашмаган тақдирдаям муқаррар қўлга тушади. Чўл бўрилари ўлжаларини бирорга текинга топшириб қўярмиди, дейсиз...

Амакининг тахминига кўра мени ҳам, у кишини ҳам тутқунга олиб келган кишилар бу яқин ҳудуднинг эгалари, чорвани тамом тасаруфларига олган. Гўшт, зотли моллар билан савдо қилади. Қиргий

амакини улар бир синчи керак бўлгани учун бу ерга опкелишган. Ҳамсо-  
ям Сондигой айтиб чиқди уйдан, сойга оптушиб шуларга дуч қилди,  
мени мошинага босиб бойлаб, кўзимга белбоқ тортиб аллапаллалар бир  
мошиндан иккинчи мошинга алмашиб икки кун деганда келдим, дей-  
ди амаки, ҳомуза тортаркан. Қариб беш ойдан ошди келганимга, энди  
тирик кириб боришимга бирор ишонмайди, қўёв. Тирик қочдим, уйга  
бордим ҳам дейин, шу овозадан, бу шармандаи шармисорликдан сўнг  
яқин одамларимнинг ичидагандай яшайман? Ўзи буёғи кўп қолгани  
йўқ. На қиласай, жигарларимни, айниқса неварааларимни кучогимга бос-  
гим, қарилликнинг гашти-майшатини сурсам, дейман. Аммо биз ҳётда  
кўп оғирликни кўрдигу бундай аброрликни кўрмадик. На ўлигинг, на  
тиригинг ойлаб йўқолиб кетса... Э, Ҳудо одамни на у ёқ, на бу ёқ  
қилиб аросатта солмасин экан. Шуйтиб, менинг борганимнинг қизиги  
йўқ. Кимларгадир керакман, бийтиб ўлиб кетаман, деб хаёл қилмага-  
нийдим, на чора, шу қисматда бор экан, рози бўлмоқ керак, сен  
лекин кўнглингга олма, сени Олло икки дунё орасида асрраб, раҳм  
 билан қайтарибди. Бунга пешгирилик қилиб бўлмайди. Шаккоклик бўлади.  
Боришинг, кутулиб чиқишинг керак. Шундай бўладиям Ҳудо хоҳласа,  
кўнглим сезиб турибди. Бироқ ўшаңда мени ўлган деб айтасан, ўлиги-  
ни кўзим билан кўрдим, дейсан. Мен одамлардан розиман, улар ҳам  
мендан рози бўлиб аза очсин, шундоқ бўлгани тузук.

Қиргий, демак, ҳануз руҳан қаримаган, орияти чидамаялти. Бун-  
дан кўра ўлган афзаллигига иқрор бўляпти, холос.

Кези келганда Қиргий амакига Абдумаликнинг баъзи қилгулик-  
ларини, айниқса охирги кунти қилган душманлигини ҳикоя қилиб  
бердим. Абдумалик ўша куни ростдан ҳам рўпарадан келаётган само-  
свалнинг тагига машинанинг рулини куч билан буриб юборган, юк  
машина мен томонга гурсиллаб урилиб босиб кетган эди. Билмадим,  
эҳ, билмадим, бу не бало ахир...

Чўбирга мингашиб чиқиб молларнинг саноғидан ҳабар олишга ке-  
тятмиз. Пешин оққан, ҳамон кун иссиқ эди. Қиргий амаки мезонларни  
тепнатидан олар экан: «Ай, Абдумуталнинг тарвузпалағидан чиқиб қомай-  
мизми ҳозир, а?!» деб юборди. Пешонадан қўёшнинг иссиғи уриб туриб-  
ди. Чанқаганмиз икковимизам. Қўлнинг суви шўр. Чучук сувни фақат  
ичишга ишлатамиз. Муздаккина бир катта тарвузни ерга уриб ёриб то  
тўйгунингча еб, икки палласини икки томонга улоқтирмайсанми. Оллоҳ  
табиатга, одамларга не нэъматлар бермайди. Бироқ ўша нэъматлар ким-  
ларнингдир оёқлари остида ириб-чириб ҳам ётгандир.

Оролда асосан түқай: қаёққа қайрилишингни билмай шошиб қоласан. Куруқ буталар чирмашиб уй каби узун йўлак ҳосил қилган жойда Қирғий амаки отни тўхтатди, қайрағочга нўхтани илдирдида, шу йўлак бўйлаб мени бошлаб кетди. Кетавердик-кетавердик, рўпарамиздан бир тепалик чиқди. Тепаликнинг энг устки қисмида бир кавланган жойни кўрдим. Амаки бормади-ю, ўзим қизиқсиниб бориб қарадим: қабр...

Нима гаплигига тушундим: оқсоқол ўзининг «ғамини ўзи еб қўйибди». Яхши ит ўлигини кўрсатмайди...

Не гаплигига тушунганим майли-ю, туйқус эт-вужудим музлаб кетди. Неча вақтдан бери имкон бўлгандаям қишлоққа бормайдиган, ўзининг тирик эканини билдирамайдиган одамнинг мақсади шунчаки гап эмас экан. Амакининг дадилланганини кўриб, бу гаплар шунчаки чўпчаклек туюлаётган эди. Аммо... тавба, шунақасиям бўладими? Бу иймоннинг кучлилигиданми, орнатданми, нимадан?

Бирдан ўпкам тўлиб йиглаб юбордим. Қирғий бовони кучоқлаб бағримга босдим.

Энди гапни Гўрўғлининг онаси Ҳилолойдан эшитайлик.

Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини бир неча кун Раевшанбек билан Гаждумбекнинг ўйлига қараб, охири шаҳарга келган баъзи туркманлардан воқеанинг анигини эшишиб, жуда ҳам ғамгин бўлишиб ўтирганларида Ҳасанбек кириб келди. Шунда Ҳилолой шўрли Ҳасанбекни кўриб тўлиб ўтирган эмасми, бирдан дод, деб йиглаб, Ҳасанбекка қараб бир сўз деди:

Қабо фалак жафо солди бошима,  
Душман оғу қўшди ичган ошима.  
Янгам йўлдош бўлди кўзда ёшима,  
Туганмас савдога қолдим, ақажон.

Шумлигимдан қайғу келди бошима,  
Дард ўти туташди ичу тошима,  
Холим сўраб ҳеч ким келмас қошима,  
Шундай можарога қолдим, ақажон.

*Гайри юртда мойтарилдим, тойрилдим,  
Уча бошлаб қанотимдан қойрилдим.  
Ҳам оғамдан, ҳам тұрамдан айрилдим,  
Дарди бедавога чиқдим, акажон.*

*Шаҳар ичидә нелар ўтди, билмадинг,  
Ё билсанг ҳам унда парво қилмадинг.  
Бўри уясидә улоқдай бўп боғланиб,  
Синглинг қолди кўзи тўрт, келмадинг,  
Фам ютиб жафога қолдим, акажон.*

*Ҳилолой зор йиғлар бунда нотавон,  
Бошимни қоплади айролик туман,  
Дунёда жудолик жуда бир ёмон,  
Ҳажр отли балога қолдим, акажон.*

Ҳасанбек «Гаждумбек билан Равшан қочиб, орқасидан ўттис минг Ҳунхоршоҳнинг қўшини қувалаб, улардан қутулиб кетган эмиш. Равшанни Ҳунхоршоҳ кўр қилиб, қўзининг хунига бир от берган экан, у от тулпор чиқибди. Шутиб Гаждумбек билан Равшан кўр қизил бошларни тоза армонда қолдириб кетибди», деб эшишиб ўтирганида, Ҳунхоршоҳдан Ҳасанбекка одам бориб, «Гаждумбекнинг бола-чақасини олиб кетсин. Ҳовлиси, моли подшаликка олинди», — деган хабарни етказди. Ҳасанбек бундай ҳодиса-хабарни эшишиб, Ҳилолойни ва Гаждумбекнинг аёлини қўриққа кўчириб кетиши учун икки түя билан дарров жўнаб, Гаждумбекнинг ҳовлисига етиб келган эди. Ҳилолойнинг бу нолишини эшишиб: — Ҳафа бўлма, бўлар иш бўлибди. Энди дод-вой қилганинг не фойда. Гаждумбек бўлмаса, мен бор. Сенга Гаждумбек ҳам, мен ҳам бирдаймиз. Балки ҳали бир сабаб бўлиб ўзимиз ҳам вақти-соати келиб Ёвмитга борармиз. Худо ўлдирмаса, ўшанда бир-биримизни кўрармиз, — деб Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотинига дилгирлик бериб, туяга миндириб, қўриқдаги туркман овулига олиб кетди. Кўриқда Ҳасанбек бу иккиси мушитипарни ҳам рўзгорига қўшиб, катта оила бўлиб яшай берди.

Ҳилолойнинг бўйида ҳомила бор эди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз спат, тўққиз дақиқа ўтиб, Ҳилолойга тўлғоқ пайдо бўлиб, жуда тўлғоғи қаттиқ бўлиб, қийналиб, гоҳ ўзини билиб, гоҳ ўзидан кетиб алаҳисиб, сандираб, Равшанни йўқлаб, Равшан, қўлимдан тут, деб шу сўзни айтди.

*Ҳар доим толиқдим, тутгун қўлимдан,  
Қувватим-мадорим кетди белимдан.  
Йироқлашмасдинг-ку менинг олдимдан,  
Кўринмайсан, қаёқдасан, Равшанжон.*

*Вафо деган шундай-шундай бўлами,  
Ёридан ўзини йироқ қилами,  
Ё бунда киришни уят билами,  
Товушинг йўқ, қаёқда сен, Равшанжон.*

*Доимо айладим сенга вафони,  
Ўзинг билан кўрдим завқу сафони,  
Лозим кўрасанми менга жафони,  
Йўқса агар қиёматдасан, Равшанжон.*

*Ё кетган эдингми акамман овга,  
Томоша қилгани Бадбахтдай товга.  
Мехрим айлар сенга битта ул совға,  
Ҳа демайсан, қаёқдасан, Равшанжон.*

*Мен эдим муштипар, мунглиқ, бечора,  
Тортқилаб айлади момо овора,  
Раҳм айласанг-чи бунда мен зора,  
Билмайсанми, қаёқдасан, Равшанжон.*

*Эшигтгин Ҳилолойнинг оху зорини,  
Олдингда сарф этсин ҳарна борини,  
Одам шуйтиб ташлармикан ёрини,  
Билмай қолдим, қаёқдасан, Равшанжон.*

*Шу аҳволда Ҳилолой қийналиб, турғолмай, охири ҳалок бўлди. Ҳасан-бекнинг кўзи қоронгилашиб, оғир мусибатга қолди. Ҳилолойнинг тавзиясига қўриқдаги барча туркманилар йигилиб келди. Ҳаммасининг мусофири бу юртда мотами янги бўлиб, кечқурун Ҳилолойни тупроққа топшириб қайтдишлар. Шундай қилиб, туркманилар Ҳасанбекникида Ҳилолойнинг ошу сувини қилиб тарқалишидилар.*

*Туркман бир ёғи дарёбод, бир ёғи даشتлик жойда ўтирад эди. Уларнинг гўристони дашт бетида эди. Ҳилолой кўмилгандан кейин гўрда тугди. Одамнинг одам бўлғуси келгандан кейин ҳар нима баҳона. Бир*

чимнинг орасидан гўрнинг ичига оз-моз шонглах тушар экан. Ҳасанбек-нинг бир улуги ўлиб, савдоий бўлиб қолган эчкиси, қўй, эчкилар билан ёйилиб, Ҳилолойнинг қабрининг устидан бориб қолиб, оёғи чимни ўйиб юбориб, ўзи қабрнинг ичига тушиб кетди. Ичкарида Ҳилолой түкқан чақалоқ йиғлаб ёттар эди. Ўзидан-ўзи эчки чақалоққа меҳрибон бўлиб эмиза бошлади. Шундан бошлаб эчки ҳар куни бориб чақалоқни эмизадиган бўлиб қолди. Шуйтиб, орадан не вақтлар ўтгандан кейин бола ўрмалаб, гўрнинг тешигидан ташқарига чиқиб, эчкини эмадиган бўлди.

Кунлардан бир куни чўпон молларини ҳайдаса, ҳалиги эчки дим ҳай-довга юрмай, гўристонликка қараб қоча берди. Чўпон эчкини қайтара-ман деб борса, гўрдан бир бола чиқиб, эчкини эма берди. Чўпон яқинлаша бергандан кейин бола Ҳилолойнинг қабрининг тубига ўрмалаб бориб ўйқ бўлди. Чўпон бориб кўрса, Ҳилолойнинг гўрининг бир томонида бола чиқ-қудай тешикчаси бор экан. Чўпон бу воқеани бориб Ҳасанбекка билдири-ди. Бу куни Ҳасанбек икки туркман билан бирга чўпонга эргашиб, гўрис-тонликка бориб ангниб ётди. Чўпон ҳалиги айтган эчкини қабристонга ҳайдаб юборди. Эчки югуриб, Ҳилолойнинг гўрининг тубига бориб манг-раган эди, қабрдан бир қип-ялангоч бола чиқиб, эчкини эма берди. Ҳасанбек қошида бирга борган туркманлар билан болани ушлаб олмоқчи бўлган эди, бола ўрмалаб қочиб Ҳилолойнинг гўрининг тубига бориб, бола сиққу-дек бир тешикдан кириб кетди. Ҳасанбек қувониб, шунда бир сўз деди:

Шукур этайми, учган қушим,  
Яна қайтиб қўнап бўлди.  
Биздан қочиб кетган давлат,  
Қайта бошдан дўнап бўлди.

Эгам ёндириб чирогим,  
Қўкарибди қўриқ боғим.  
Бузилган қўнгил чортогим,  
Ўз жойига қўнап бўлди.

Дунё ўтар карбон-карбон,  
Ҳилолой эди бенишон.  
Ўрни ўчмаса на армон,  
Энди кўнглим тинар бўлди.

Бу гўдак Ҳилол боласи,  
Олтиндай сочин толаси.

*Бўталиб кўнглим қоласи,  
Бахт-чирогим ёнар, бўлди.*

*Ҳасанбек ғамим олмади,  
Хосил суяқ ушалмади.  
Бахтили Ҳилолим ўлмади,  
Дарахтим пойдор бўлди.*

Бу сўзни айтгандан кейин Ҳасанбек ўзи билан бирга борган туркманларга,— энди бу болани билайлик. Эртага беш-олтита ошиқ билан иккита қўғирчоқ келтириб кўрмоқ керак, деб қайтдилар. Бу кунисига Ҳасанбек қишилогидаги барча туркманлар беш-олтита ошиқ ва иккита қўғирчоқ олиб, қўғирчоқни бўлак ерга, ошиқларни бўлак ерга қўйиб, кечагидай чўпон эчкини ҳайдабди. Ҳасанбек барча одамлари билан қабрларнинг панасида пусиб ётди. Эчки бориб манграб, Ҳилолойнинг гўридан бола чиқиб, эчкини эмиб, тўйиб олиб, ўрмалаб ўйнаб юриб, қўғирчоқларни кўриб қолиб, қўли билан тутуб чанглаб, икки тарафга икковини отиб юбориб, кейин ошиқларнинг ёнига келиб, ошиқларни ушлаб, шу ерда жуда кўт андармон бўлиб ўтироди. Ҳасанбек туркманлар билан болани: «Ўғил бола экан», дейишдилар. Шуйтиб, Ҳасанбек ва барча туркманлар болани тутуб олмоқчи бўлиб ҳар томондан ёпирилишган эди. Болага Ҳилолойнинг қабри яқинлик қилиб, бола тешикдан кириб кетди. Ҳасанбек туркманлар билан:— Эртага эгар олиб келиб қўяйлик. Бола эгарга андармон бўлиб қолган палла бирорвимиз писиниб бориб, тешикка бир нима тиқиб қўяйлик. Ундан кейин болани очиқда ушлаб оламиз,— дейишшиб, маслаҳатлашиб қайтдилар. Бу кунисига бир яхши қизил эгарни олиб бориб, Ҳилолойнинг қабридан тўрт-беш қадам узоққа қўйиб, ўзлари яна кечагидай қилиб пусиб ангниб ётдилар. Чўпон молларини ҳайдаб келди. Ҳалиги эчки Ҳилолойнинг қабри ёнига бориб манграган эди, бола тешикдан югуриб чиқиб эчкини эмиб, тўйиб олиб, ундан кейин шу ерларда ўрмалаб ўйнаб юриб, эгарни кўриб қолибди. Бола эгарга осилиб миниб, жуда мириқиб ўйнаб қолди. Шу вақтда бирор пусиб бориб, қабрнинг тешигига бир нима тиқиб қўйди. Ундан кейин туркманлар ўраб олиб, болани тутуб олдилар. Бола жуда ҳам тибирлаб йиглай берди. Шуйтиб шунда туркманлар маслаҳатлашиб, қани нима қилас экан, деб тешикни очиб, болани қўйиб юборишган эди, бола ичкарига кириб кетди. Бола шу киришида бу одамларни онасининг устига тўхтатиб, энасини дим туртиб қўймади. Унда Ҳилолой тилга кириб, боласига бир сўз деди:

*Жоним болам, туртқиладинг, қўймадинг,  
Мендан бошқа одамларни суймадинг.  
Шунчалар ишорат қиодим, туймадинг,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Мен бу ерда жуда сенга алағда,  
Бўлмаса, кетардим ҳур бўп шу чоғда,  
Сайр этиб юрардим яшнаб гул боғда,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Сени излаб келган одам тоғандир,  
Мени бунда ташлаб, болам, энди тур,  
Тириклар манзили бўлмас қора гўр,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Бор тоғангга, энди сендан тинайин,  
Ҳур бўп беҳишит ичра бориб қўнайин.  
Маҳшарда отангга шарбат қуяйин,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Ҳилолой дер, ҳали гўдак боласан,  
Токайгача қора ерда қоласан.  
Тоғангга бор, шодланасан, куласан,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Бу сўзни бола энасидан эшишиб, ўзидан-ўзи худди онасининг гапига тушунгандай эшикдан қайтиб ташқарига чиқди. Ҳасанбек болани ушлаб, кўтариб уйига олиб қайтди. Ана шуйтиб, Ҳасанбой ҳовлисига бориб, бир катта боқма қўйни сўйиб, тўй қилиб, барча туркманларни чақириб, болага нима деб исм қўйишни сўради. Шунда туркманларнинг кекса бир бобойи: -Бу боланинг оти ўзи билан— Гўр ўғли бўлсин, деган эди, барча маъқуллаб болага Гўрўғли деб исм қўйдилар.*

*Қирғий менга азбаройи суяндими, кўнгли ёлғизликдан кўп зориқканми, кун сайин тиллариям бир бийрон бўлаверди. Ўйладимки, одамнинг ўтқирлигиям, уддабуронлигиям, шунинг орқасидан ортирган обрў-мартабасиям одамлар туфайлидир, агарчи одамлар бўлмаса эди. у ким бўларди. Мана, у ёлғизликда ва тутқунликда ким? Қул*

десак ҳам ярашади. Ҳаётда инсон эгилгиси, сингиси келса осмондан сабаб ахтариб овора бўлмоққа ҳожат йўқ экан.

Биз кунига, кунига бўлмасаям кун оралаб баъзи онлар бир-бири-мизга маънисиз термулишиб қолар эдик. Мен унга, у менга ачинардик. Бироннинг арпасини хом ўрмадик. Бу—тўғри. Аммо икковимиз ҳам муштарак хиёнатнинг қурбони, ўлжасимиз. Қирғий бобо кетишни хоҳласа керак, ори қўймайди. Мен бўлсан, негадир ўзим кетгим келмаяпти. Нокулай, жудаям нокулай.

Қирғий амаки келган кунимдаёқ мени кет деб ундалган эди. Бора-бора ўзиям ўрганиб қоғдими, қистамай қўйди. Кейинчалик хаёл жойига келавергач, бу туриш-турмушимиз тушнинг ўзгинасига ўхшаб қўри-наверди. Эҳ, биродар, ҳали тақдир ҳукмингда яшамоқ, интилмоқ, хуллас, ҳаёт аробасини ҳали тортмоқ заҳмати ёзилган экан-ку.

Отақул Қирғий деганлари ҳаётнинг аччиғиу чучути, паст-баландини етарли сифатлари билан кўриб бўлган. Умрнинг оқар сув, зинҳор у ортга оқмаслигини бизга нисбат бериб айтилса, тажрибасига биноан юз карра яхши билади. У яшамоқ истайди, албатта. Ҳаётни, ҳаётнинг лаззатини биз каби ширин кўради. Аммо унинг каби ҳамма давраларда ҳам обрўсини мудом тўқмай азамат виқор билан келиб, сўзи шамшир каби кесиб юрган мартабали одам бир аҳволда, яна дeng, ўғирланган, қаролсифат, аллақандай чўл безориларига алла-пайт текин ишлаб берган киши туйкус... йўқолди, ўлигиям бир талай вақт топилмади деган надоматларни кўтариб юриш... ҳай-ҳай... киши белини эгмас, балки қирс этиб синдириб юборар.

— Сенга танбеҳ бераман деб ҳеч қулайини тополмадим, — деди бир куни Қирғий бово. — Нега энди қитмир дўстни қабатингга ола-сан, демоқчи эдим. Қарасам, ўйлаб-ўйлаб қарасам айбни сенга тўнка-сам бўлмас экан. У бўлган-бу бўлган, шуллукдай сенга қапишиб ўрнашиб олган. Алами ортиқ экан-да сенда. Кўролмаслик ёмон нарса, бунинг устига уйланаман, деганини сен илиб кетдинг. Бу кечи-рилмас иштир-да, энди у учун. Отаси майда феъл одам-да. Ўзи па-канда одамнинг алами ёмон бўлади шекилли. Сен «ўлиб» у ниятига етгандир, бошлиғинг билан байрам қилаётгандир, бу номарднинг иши. Лекин, билмайдики, бу билан у бари бир бошлиқ билан оғиз-бурун бўлиб кетолмайди. Чунки бошлиғинг сени, сен уни ёқтиромайсан, холос. Сен билан курашиш, олишиш нияти йўқ эди унинг. Аб-думалигинг бўлса худди бошлиғингнинг нафсини тўла қондирган-дай керилади. Ҳақ бермайди у бола. Бошлиғинг энди бу боланинг

Қўлидан хиёнаткорона ишлар келаверишини билиб олди. Бунақа одамни ҳеч ким дўст тутмайди. Кўрасан, қараб тур ўзинг.

Амаки энди мени кетишга чинакамига даъват қилди. Ўйлаб қарасам, қачонгача бундай дардисар, дарбадар юраман. Қирғий амаки бу ердан қочган маъқулмикан, деган маслаҳатни берди. Лекин менга маъқул келмади шу таклиф. Нетаки, камина бу ерга қийин-қистов билан келмаган одамман. Отнинг юганини ечиб қўйиб юборсанг даштга улоқади, аммо у хонаки ҳаётни қўмсайди. Бизнинг ёввойилигимиз ҳам вақтинча. Отам, онам, қизим, ўғлим, хотиним—бариси бир-биридан муштипар бўлиб кўз ўнгимдан кетмай қолди. Мен ортга, шаҳарга эмас, қишлоқда бормоқни ният қилдим. Амакига айтдим: бу хулиганларингиз мени судраб опкелгани йўқ-ку. Илтимос қилсан, кетай десам, йўқ демас.

Амакининг шубҳасидаям жон борга ўхшайди: булардан ҳар балони кутса бўлади. Бари бир ҳам сўраб кўриш лозим. Менинг сизларга фойдам тегмайди шекилли, деб узр сўраб бошлиман. Шоввозлар бир ойда икки-уч карра келишаркан. Мен ўйлаган эдимки, аввал бир кишига етадиган егулик ташлаб кетишарди, энди у икки баробар кўп бўлди. Шу ишни бир кишиям бажараётувди-ку, жавоб берсак берибмиз-да, деб қўйиб юбориша зора. Тўғри ўйлаган эканман, ёхуд улар ўзлари кет сен деб айтишга тайёр туришган экан, келган заҳотиёқ дарров кўна қолишиди. Қирғий бовоям ҳайрон қолди. Лекин бир оз ўтиб шоовозларнинг феъли айниб қолди: кейинроқ кетарсан, дейишиди. Ялинавердим, худди йиғламоқдан бери бўлиб. Бўлти, кетавер, леди охири корейсга ўхшаган қийик кўз, хўппа семиз бири. Аммо бу ҳансираб ётган адоқсиз чўлнинг ўртасида туриб қаёққаям бораман бир ўзим.

Хуллас, аканг қарагай бир пасда йўлга отлана қолдим. Амаки билан хўшлашдим. Кетмайсизми, дедим. Кўзларидан сезилиб турибди, жуда кетгиси келяпти чолнинг. Нечундир ёш бола каби илтижоли термулаётгандай туюлди менга. «Ўша гап» деди.

«Ўша гап» шу эдики, мен амакининг уйига бориб «бовоининг ўлигини чўлда қўрганим»ни айтиб қўйишим керак эди.

Амаки билан хийла бўшашиб хўшлашдим, туриб-туриб хўрлигим келдими, билмайман, хўнграб ёпишиб қолибман. Қарасам, эмранишиб қолиб кетадиганман, апил-тапил «Жип»га чиқиб олдим, йўлдаям гўдакка ўхшаб анчагача шўрқиллаб бурун торта-торта кетдим, аммо ўзимни тутиб олдим, қайсиdir белгиларга қараб бу ерни мўлжал олмоқчи эдим. Аммо йўлнинг бирор хусусиятини тополмайман. Охири

умидимни узар чоғим олисдаги қорамтир-күк чизиқни пайқадим. Демакки, у сув. Ҳайдаркўлнинг чек-чегараси кўринмайдиган суви. Сув мўлжал қилинади. Йўлда на бирор дараҳт, на бирор из кўринади. Юрган изинг изгиринда тағин қўмилиб кетаверади. «Жип»нинг масофа ўлчалич рақамига қарадим. Йўлда икки канистр бензин қуйиб олишгач, рулга бошқаси ўтириди, роппа-роса беш юз етмиш тўрт километр юрилгач, қош қорайиб қолган чоқда мени бир асфальт йўлга чиқиб тушириб қолдириши. Мен ўнг томонга қараб кетсан Жетисой тарафга чиқарканман, улар тўғрига, қаёқча кетиши — билмай қолдим. Аммо машина рақами хотирамда қолди.

Камина энди нариги дунё тутқунлигидан ҳам, бу дунёning қамоғидан ҳам қутулганимга шукур қилиб йўл пойлаб турибман. Жетисойга бир соатча юриларкан, ундан Мирзачўлнинг маркази — Гагарингача етиб олдим. Бу ёғи марра бизники. Аммо энг ёмон хавф бор: камина-нингтириклигини ўзим бориб билдириласлигим керак. Бунинг ҳам йўлини топдим, кечаси шу ердаги меҳмонхонада тунагач, эрталаб автобекатга чиқдим. Кўринишимидан бирон киши алазамонлар аввал зиёли зот бўлганимният тасаввур қилолмас: бир абгор аҳволдаман.

Ўйлаб қўйдим: такси тутаман, ҳайдовчи билан тўғри қишлоқча бораман. Уйдан бир чақирим бери тўхтатиб бирорта болани таксига ўтқазиб юбораман-да, суюнчи олиб тур, орқаларингдан бирор ярим соат ичиди етиб бораман, дейман. Ҳар ҳолда «ўлган» одам тириклардан кейинроқ боргани, ҳовлиқмагани маъқул...

Албатта, бундай дардинг борлигини такси ҳайдовчигаям, йўлдан чиқсан бошқа йўловчигаям батагфил тушунгиришинг шарт эмас. Аввал одамга малол келади, сўнгра файритабиий бир ҳодиса. Мўлжалимдагидай бўлди. Жиззахдан ўтгач, ҳайдовчидан бошқа йўловчи олманг деб илтимос қилдим. Фақат йўлда бир тўхтаб тарвуз сотувчи деҳқонлардан бир кичикроқ тарвуз сотиб олиб едик. Оҳ-оҳ, Қирғий амаки билан палак бошида, қўлинг билан палакдан узиб олиб сўйиб ейишни қанча орзиқиб эслаган эдик. Лалми қайроқи тарвузлар мезон еган, ширинлигига таъриф йўқ. Бай-бай, лаззатнинг чек-чегараси бормикан?

Бироқ юрагим ҳапқириб, ўпкам тўлиб кетаётир. Чўкиб қолган ота-онам, хотиним, ўғлим, уларнинг нафасини сезиб турибман. Эҳ, адойи тамом бўлишган чиқар. Кетган одамнинг келиши, бу — бир афсона. Узилган умид иплари, дард, фиғон, факат сабрга таяниб кечилаётган фойдасиз бир ҳаёт.

Шундай ҳолатда мен ҳам ўзимни, ҳам уларни асрашим, авайлашим керак. Қишлоқчача етишга сабр қилмадим, бир қишлоқ беридা

тош йўл чеккасида янтоқ чопаётган икки йигитни кўриб, бирини чақирдим. Қишлоқ жой, мен уларни танимасам-да, улар мени кўрган заҳоти тахта бўлиб қолиши. Аҳволни қисқа тушунтирдим. Бирорла-ринг мошинага чиқиб бориб шундай деб тушунтириб турсанглар, дея илтимос қилдим. Йигитларнинг икковиям мошина кабинасига уриб кириб кетиши. Бундай гаройиб воқеа учун суюнчи олиш... ҳали кўрилмаган иш. Ҳам завқди.

«Волга» мени чанг-тўзонга ботириб олға кетди. Орқасидан кетяпману на чангу тупроқда, на почаларимга, оёқларимга урилаётган ёввойи ўтлару чала тўшалган қайроқ тошларга парво ҳам қилмас эдим. Алланечук бир вазнисиздай эдим.

Аслида дунёning ўзи бир ғоясиз кўринди. Нуқул кўз ўнгимда Яхшигул жилва қиласди. Негадир унинг биринчи марта менга розилик билдириб хат ёзганию хатни почтага ташлагач, худди бу «уят иши»ни ҳамма кузатиб тургандай уйига довур «қочиб» боргани эсимга тушиб йиғлагим келарди.

...Бозор кунига айтиб кўйишган экан «қирқ»имни. Икки кун аввал кириб бордим.

Тўрт кун зўрға чидадим. Қандайдир уяласан, тортинасан одам: армиядан, жуда бўлмагандан қамоқдан келган бўлсанг ҳам майли эди.

«Қирқ»имга Абдумалик келмади. Ҳар ҳолда узоқ йўл, балки кечроқ келар, деб кўп кутдим, келмади. Ўсал бўлдим. Ҳафа бўлдим. Худди ундан қасос олиш учун тирилгандай эдим-да. Шундай бўлгач, дунёning телбалиги га тағин бир иқрор бўлгани маъқул-да.

Абдумалик дунёга тез эга чиқиши хоҳлади. Аксарият кўп ишнинг уддасидан ҳам чиқади. Аммо бу сафар... менинг ҳаётимга шумғиядай ёпишиб олиб... панд еди. Худо панд берди.

Үйдагиларга айтдимки, тириклигимни шаҳардаги ўртоқлар ҳам билсин. Боз устига ҳамма жойлардан менинг фамилиям устига қора чизиқ тортилиб қавс ичиде «ўлган» деган ёзувларни тиркаб кўйишгандир. Ўзимнинг тириклигимни исботлаш учун ҳам бирмунча тиришишга тўғри келди. Балки чиндан ўлиб-чириб кетмаганимни аниқ исбот этиш учун комиссия туздилар. Файриодатий бунақа текширув қанақа бўларкан. Бирор-бир қолипга, бирор-бир қоидага сифмайди-я. Комиссия охири хуноби чиқиб бундан кўра... ҳамманинг тинчини бузгандан кўра... ахир бизниям тушунинг-да дўстим, деса-я. Ўлиб-тирилди, дея қайд этиш ёқимсиз иш эмасдир-ку, тажрибада йўқ воқеа-да. Фалати.

Хечқиси йўқ, буниям Абдумаликка кўйиб берсак эплайди...

**Худди Абдумаликнинг ўзига...**

Гап бор-да: мен энди унинг тириклик дунёсидаги барча ғалабала-ри билан қутлаб, бундан буёқ ҳәтига би-ир берилиб томоша қилмоқчиман...

Ахир, ҳәётда бундай бемисл томоша учрарканми?..

Ҳеч ҳам учрамайди!

Кайвони оқсоқоллардан тўрт киши қўшилди. Кетаётганда йўлда Яхшигул нечукдир менга бир нарса дегиси келиб, яна ютиб юбораётгандек эди. Бу воқеанинг туш эмаслигига энди зўрға ишонаётгандай эди. Ахир бир марта эмас, тўрт кеча ухлаб турди, ҳар эрта мени жони бор кўрди,—ишонса бўлар.

Одам — омонат.

Жон ҳам омонат.

Буни Яхшигулдай чуқур фаҳмлайдиган йўқ ҳозир.

Фақат у ҳар сафар мени ушлаб-ушлаб кўришга тортинарди, холос.

Бироқ айтар гапи бор экан, сезмабман. Боргандан сўнг жўрангиз билан алоқангизни узинг, лекин гапирманг, уришманг, демоқчи экан.

Яхшигул билан қовушган ўша узун ва сўлим кечаларда унинг ота уйи, боғи ва албатта, қисқа муддат бирга яшаган бўлсак ҳам бизнинг қишлоқдаги ҳовлимиз, оталар, оналар, сингиллар, укалар, янгалар, уларнинг феъл-атворлари, қиликлари ҳақида гурунглашиб, эслашиб ётамиз. Сўлим кунлар эди. Яхшигулнинг ўша мен боргандан чиқмай ноз қилишларини эслатаман. Ростини айтсан жудаям сиз томонга шошилиб, кўргим келиб турардим, аввал ойнадан кузатар, томоша қилмоқчи бўлардим. Аммо дарров пешвоз чиқақолсан, сиз нима деб ўйлардингиз... дейди.

Ҳа, дарвоқе у ҳечам ўз тилидан розилик бергиси келмасди. Сукут ва батзи аломатлари илиа розилигини сезиб росмана ўзимники деб ўйлардим, холос. Аммо бир оғиз гап йўқ, бари бир хавотир турарди кўнгилда, ахир отаси отамни икки марта, акамни бир марта «айланиб келинглар» деб қайтариб юборишиган . Йўқ ҳам дейишмаган. Кейин анча палла уйдагилар у ёқقا қадам босишига тоблари келмай юрган. Бу орада бизга қиз бергувчилар кўпайиб, баъзилари ҳатто онам орқали оғиз солиб кўришган. Күёвга совчи бўлиши... Тавба. Шундан сўнг камина буларнинг тагида бир фитна борлигини сезиб гоз туриб айтганманки, ўзимизнинг қишлоқда бизга тўғри келадигани йўқ, олиб берсанглар ўша — Яхшигул тузук экан, бўлмаса қўяверинглар, деганман.

Бир куни Яхшигул дугонаси билан Жиззахга тушган. Шаҳарлар аро телефон тармогига кириб менга, ишхонамга сим қоққан.

— Мен Яхшигулман, — деди у.

— Ие, — дея ҳовлиқиб ҳол-аҳвол сўрай кетдим.

Лекин у бирор гапимга жаоб ҳам бермай, индамай тураверди. Нима бало, узилиб қолдими, деб трубкага пуфладим. Бирдан унинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Розиман.

Шу билан телефон узилиб қолди «тут-ут»лаб. Кувонаримни ҳам, хафа бўларимни ҳам билмай қотиб қолдим. Кейин-кейин қўнглим ёриди. Уйга бир энлик хат ёзиб юбордим — «Яхшиуглга совчи бўлиб боринглар» деган мазмунда. Аммо, негадир уйдан на хат, на бир хабар бўлди.

Абдумаликнинг онаси онамга Яхшигулни роса ёмонлабди. Кейин онам совчи жўнатишга қўнгли бўлмай эзилиб юраверибди. Охири ўзим қишлоққа бориб бу гапларга эътибор бермай акамни совчиликка жўнатдим. Хуллас, масалани бир ёқлик қилиб келдим.

Яхшигул ҳар замон эслаб кулади:

Ўша телефон қилганимда шундай уялиб кетдимки, худди бирор пойлаб тургандай телефонни қўйибоқ, кўчага қараб қочдим. Кўчадаям одамлардан уяламан. Ҳамма мени томоша қилаётгандай, масхара қилаётгандай бўлаверади. Автобус бекатида Зарифа кутиб турган эди. Унинг олдига келиб ўзимни тутолмай йиғлавордим...

Чунки, — дейди у яна, — Абдумалик ақадан ўша кунлари деярли ҳар куни совчи келди. Яна бошқа ёқлардан ҳам кела бошлади. Менга... сиз маъқул кўриндингиз.

Абдумаликнинг онаси ўша кунлари совчини у ёқقا жўнатиб, бу ёқقا ёлғон фийбат ташиш билан овора бўлган.

Бор-йўқ совчи тарихимиз шу.

Лайли-Мажнун, Кумуш-Отабек бўлмадик. Лекин тинч яшадик. Бир-биримизга тамом қовушиб, ўргандик, нафас олишимизданоқ фикри-зикримизни тушунадиган бўлдик. Бирин-кетин ўғлимиз, кейин қизимиз туғилди. Энди бизни боғлаб турган ипни бирор узмас эди. Узид юборади деб хаёлимизгаям келтирмасдик.

Саргузашт бу қадар катта бўлиб кетади деб ўйламасдик. Ақалли тушимизгаям кириб чиқмаган.

Қисса сўнгида айтиб қўяверай: дўсти содигим Абдумалик ҳали «танам совимай» Яхшиуглга оғиз солишгаям улгuriбди. Бундан ортиқ тубан кетиш бўларми?!

Менинг ҳали-ҳамон тирик вужуд әканимни, ўшандада «адашиб» ўлғанимни, кечирасизлар, тагин тирилиб қолди, деган маънода расмий ҳужжатлар тайёрлашниям атайлаб унинг гарданига юкладик.

На илож, «пешонамда бор экан шул ҳам».

Бу ёғи тагин ҳаёт, демакки, яна — кураш.

Чамбилбел даштларини бирров ҳазиллашиб кезиб чиқдим-да.

Сизларни суюман, мунис одамлар. Шунинг учун келдим. Мен ҳам бир гуноҳкор бандаман. Орангиздан жой беринг...

## **ИНҚИЛОБ КЕЧАСИ**

### ***Йигирма йил кечикиб қилингани дийдиё***

Аввалига ўша кунлар, ўша жойларни эсладиму юрагим гупуриб кетди: оҳ, у кунлар! Жой эса... жой ўша осойишта, имиллаб ўтувчи, бироқ севги, рашқ, демакки, юракда тўполонга тўла кунларни беихтиёр ёдга туширувчи восита, холос.

Хўжалик марказига қариб ўн чақирим масофадаги, овлоқ дейиши гарчанд ўнгайсиз туюлса-да, атроф-жавонибда доимий истиқомат қилувчи бирон одам ё оила учрамас, қип-қизил чўл ҳам эмас, аксинча, теварагинг пахтазор, фалладан бўшаган ангори ерлар, бедазору жўхоризор, квадрат тушган каттакон экин майдонлари атрофидаги лоток ёқаларида ёввойи тол, ўрис дарахтлари солланиб соя ташлаб турарди — жойимиз шу.

Дарвоқе, гоҳо пахтазор четларидаги туйқус полизларга дуч келиб қоламиз. Эси бор деҳқон одатда қовун-тарвузини биз каби очофат ҳашарчилар келгунча йиғишириб олиб аллақачон омборига юклаб қўяр ёки тезроқ пул бўлсин дея бозорга опчиқарди. Аксинча бўлса, яъни ҳали қовун-тарвузи палагидан узилмаган бўлса ва биз каби оғатилар назарига тушиб қолса борми, нақ ўлат тегди деяверинг, ўлат десак, қўпуроқ эшитиларкан, мисол, чигиртка босди, шунга ўхшаш деб қўя қолайлик. Томоққа текин ширинлик тегиб турганда на кеча, на кундузни биламиз. Комиссар, командир ва бир неча домла чўпонлик қиласидаги подага айланниб кетамиз.

Домлаю командирлар масаласида, мана, орадан бир йили кам йигирма йил ўтиб ўпкалайдиган, гина сақлаб турган жойим йўғ-у, аммо ажаб таассуротлар қолди. Ўзи гап ҳам айланниб, шуларга тақалади.

Соат бешда аzonги хўроздай самоварчи Шурик бутун баракни «подём»лаб бошига кўтариб юборади. Соат олтида эгат бошида бўлишимиз даркор. Олтида-я, олтида. Аскарлардан қаеримиз кам?

Асли исмини эслаёлмаётубман, Қорин домла дердик, еттилардан ўтиб уйқудан турарди, ўғил болалар ҳожатхонасини нақд қирқ минут

банд қилиб тургач, ҳар гал домлаларга мұлжалланған құл югичда сув тополмай, самоварчига бақира кетар, юз чайди-құл чайди ири-мини қылғач, биэларни линейкага чорларди. Саҳар мардондан линей-кага жамланған болларга кече кечқурунги штабда деканимизни роса тузлашганини үзиче тутоқиб уқтирап, тұрт-беш боланинг фамилия-синаи айтеб пүстегини қоққан бұлар, ундан ҳам қызиги, атай оғиз жуфтлаб, тайёрланиб, ахир тушунсанглар-чи, пахтадан порох тайёр-ланади, дерди. Кейин гүё гапи мұлжалтаға етиб бормаган сингари бош-қачароқ, дадил оқанға: ҳей болаларим, фарзандларим деб айтайн, тушунинглар, бу пахтадан порох тайёрланади. Космик кемаларга иш-латиладиган жойлариям бор. Буни алоқида тушунтириш керак. Неуже-ли тушунмайсанылар! Тушуннинглар керак! Үртоқ комиссар, сиз бу-нинг ҳар бирига якка, якка тушунтириңг ахир. Шунинг учун сизни комиссар қип қўйипмиз. Бўлмаса, қўлдан келмаса йиғиштириңг. Түё-ғингизни шиқиллатинг бу ердан, дерди.

Бу билан у гүё биринчи уринишда баландликка сакраёлмай, ик-кинчисида ёхуд ниҳоят, учинчи галда сакраб ўтган спортчининг ма-қомида бўларди. Менгзаса бўларди дейман-да: жиллақурса комиссар-нинг мулзамити унга роҳат бахш этарди.

Кейин комиссаримиз худди эчкию улоқларни қувлаган сингари баримизни улоқиб кетишимизнинг «олдини олиб» эгатнинг дам на-рёғида, дам берёғида юрган куни эди.

Талабалар далага тарқалишгач, Қорин домла бир товоққина гүштини ошпазга қовутириб нонушта қилиб олиб тағин пичагина пинакка кетиб олар, домла пинагини тамом қилганда Жалол нашаванд ҳам асл уйқусини баравар тамомлаб на юз-құлни ювиш бор, на бир пиёла чой ичиш бор, ёғли пахмоқ соchlари тиккайғанча елкасига этакни ташлаб судралиб эгат бошига жўнайди. Бу олифтага на Қорин домла-нинг, на бошқасининг гапи ўтади. Домлаларни шунчалик одам ўри-да кўриб атай пахтага келганига хурсанд бўлишимиз керак эмиш ко-миссарнинг айтишича.

Нашавандни пахта бошида Ситора деган қиз кутади. Унга деб пахта теради, унга деб егулик кўтариб юради, унга деб елиб-югура-ди, у ҳақда кимдир ёмон сўз сўзласа тикка туриб олишади. Тузукки-на, сутга чайгандеккина оқ-сариқдан келган бу шаддодроқ қиз ни-масиниям яхши кўради нашаванднинг — ҳамма ҳайрон. Олифта, ювуқ-сиз, нашаванд, бирор марта иримига бўлсин, китоб ўқимаган, бун-дан кейин ҳам ўқимайди, ўқиганларни оёғининг учидаги кўрсатади, шу туфайли у учун ҳамма нарса, шунингдек, Ситорадек туппа-ту-

зук, момиқдай қиз ҳам ҳайф. Ситорани у оёгининг остидан чиққандек кўради, ошириб сўкади, шу ҳолида Ситора уни севади. Худди Александр Блок ароҳхур Россияни севгандек севади.

Буям айтса арзигулик бир гап-да, энди сирасини айтганда узумнинг сувидаккина, беданадай чулдираб турувчи қизларнинг кони эмасмиди бизнинг даргоҳ. Аммо сатта камбағалдан чиқаётган, қорни нонга тўяр-тўймас-у, тумшуғига шоти билан чиқиб бўлмас ўр, олифта бир бало эканмиз. Қадрига етмаганимиз у қизларнинг.

Орзумиз ҳолимизга яраша эмасди. Чунки бори келажак олдинда чайқалиб, ялтираб ётарди, бугун-эрта ёки индинга албатта у бизники бўлишига зарра гумон йўқ эди дилларда.

Биздан бир погона юқорида ва биздан бир погона паст курсда ўқигувчи рус гуруҳлари ҳам бор, одатдагидек бу гал ҳам улар билан бир баракда, икки қават нарапарда остма-уст, чойшабу одеялу фартуқлар билан ўралган «кулбаларимиз»да кечаларни ўтказардик. Ҳа, узун ва қисқа кечаларни.

Биздан бир ёш кичик руслар орасида Марина дегани бўларди. Аломат гўзал эди бу қиз. Сочи белига етақа, қўнғиртилла, кўзлари бирам чукур, юзи каби бирам тиниқ эдики, бизнинг ҳар қандай ўжарлигимиз, ҳар қандай гайиригимиз иллари Маринанинг маҳлиё этувчи жозибаю ҳусни қошида титраб ечилиб кетаверарди.

Ҳамманинг сочи кир бўларди, ҳамманинг сочига хас, барг ёпишарди, бироқ ҳеч қачон Маринага гард юқмасди. Унинг кийимларига-да чанг ўтирмас, ҳатто қуёш ҳам урмасди. Овози ҳам дилбар ва маъюс қизларга хос, шу боис у фақат эркалашга, эркаланишга, ўзини адл тутиб юришга муносиб, ҳа, муносиб эди. Энг ғаддор шоири миз ҳам бу масалада лойга ботган машина сингари чунон чайналиб қоларди. Мароқ билан сўзлашга уни недир қўйиб юбормасди. Тақдирни қарангки, шоир кунларнинг бирида, ҳа, кунларнинг бирида тўсатдан ҳақ бўлиб чиқса ва бу исботини топса...

Маринамиз ҳозирча тинч тура турсин.

Ҳамма завқ, ҳамма қизиқонлик еттинчи ноябрга довур бўлади. Еттинчи ноябр. Ул замон шундай замон эди: еттинчи ноябргача деб кўп ваъдалар бериларди ва аксарият уддасидан чиқиларди. Уддасидан чиқилмаса, биз баҳти қаро талабалар каби саксон икки кунлаб Сирдарёнинг бир чеккасида кундузлариям қоронғулашиб кетган кунларида эгнию бутларини битларга, соч-соқолини сиркага тўлдириб олиб юрган кунлари эди.

Хўп, аввал еттинчи ноябр келсин.

**Байрам тұфайли ҳамма табрикланади.**

Қызлар-да атир, жуда бүлмаганда атир совун билан сийланади. Бир-икки стакан шампан қуйлади. Ҳайтовор биз каби бўз йигитлар ҳам томоқ хўллаш қиласиз. Кимларнингдир ортидан одам келиб сийлов тегса денг, Худо ана берди! Ана берди!

Комиссаримиз Маҳмуд ака ағфон урушида бўлиб қайтган, чап қулоғининг ярмини ўша ёқда қолдириб келган, биздан уч-тўрт иштон аввал адо қилган ҳамтенгларининг ривоятича белида, болдирида, бошида қиёмат ўқи ялаб ўтган жойлар бор.

Комиссарнинг ҳарбий дарслардаям соч олдирмай қулоғини кўмиб юришларининг маъносини энди тушунамиз. Бир газаби қўзфаса тўхтамай, яъниким жаҳли тушиши қийинлашиб қолишига-да маъно берамиз: ағфон касаллиги — контузия. Биздан икки пофона қуйида ўқийдиган Гуля — ўзининг ҳамюртини яхши кўрармиш акам, буни биз унинг гап-сўзидан биламиз, ҳаракатидан сезамиз. Аммо ўзи доим ҳам ўралашавермайди у қизга, баъзида пахтасини кўтаришган бўлади, ўша кунлари иккови орасида жиққамушт уруш чиқади, талаба эли, биласиз, томошага ўч, ажаб кўргазмали урупига гувоҳ бўламиз.

Бу шунчаки уруп эмас, иккови анча жойгача бориб қолади, кейин анча муддат гаплашмай тумшук қилиб, ҳар бир талабага бир-бирини обдон кўпиртириб ёмонлаб юради. Бироқ кунларнинг биррида қарасанг, комиссаримиз инқиллаб-синқиллаганча пахта уйилажак тележка томон парининг икки фартугини елкага осиб кетаётган бўлади. Ҳамма билади: ўша куни ёки эртасига тағин жанжал чиқади. Комиссар янга мулзам, янга домлалардан дакки эшигтан, обрўи тушган, партияга ўтиш умиди узилган ва ҳоказо.

Бу қизга қандай муомала қилишга ҳайрон, боши қотади. Гуруҳимизнинг энг босиқ, айтиш мумкинки, ягона мулоҳазакор қизи Диборомдан сўрабди: ўзи Гуля мени яхши кўрармикан, а, Дибором, агар яхши кўрса, бунинг аломати қандай бўлади, айтинг, жон синглим, тоза қон бўлиб кетдим!

— Қон бўлиб нима қиласиз, Маҳмуд ака. Гуляни бир кучоқлаб ўпид олинг, тамом, сизни яхши кўриб қолади.

— Ие, вой, Дибором, ўзингиз гапирияпсизми шу гапни, қандай, ўй, уялмай-а, акангиз қатори кишигя-я. Оббо Дибором-эй! Мен аммо сизни ҳеч бунақа деб... йўқ, сиздан бунақа гап чиқади деб ўйламаган эдим. Балли-е...

— Қызларга ўхшаб, қанақа, унақа, бунақа, нега, деяверасиз. Сиз қаториларнинг икки-уч боласи бор. Севдим, ўламан, деяпсиз. Гуля

шаддод қиз, уни ҳеч ким ўпмаган. Биринчи бўлиб сиз ўпсангиз сизни, бошқаси ўпса бошқасини севади-қолади. Қиз бола шундай мурт нарса, ака. Ҳе, довдирашини...

— Йўғ-э, астопурулло, астопурулло! Шундай деб ўйлаяпсизми, а? Ростдан шунақами? Оббо...

Маҳмуд акамиз контузия бўлган бошини обдон қашилаб нари кетади. Кетади-ю, узоққа бормайди. Шўри чиқиб кетган шляпасини бостирганча тагин келади.

— Дилором, — дейди. — Мен бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман. Қаранг-а, вей. Сизга анақа... кўнглингизга олмайсизми, бир гап...

— Сўранг. «Бошиңгиздан ўтганми» демоқчисиз-да?

— Ҳа-ҳа, шунақа демоқчийдим, роса топдингиз-да аммо.

— Бешинчи синфдалигимда бир бола кўчамизнинг бошида велосипедини тузатаётган экан. Бориб унга ёрдамлашвордим, танирдим уни — тўртинчи синфда ўқирди. Раҳмат демоқчи бўлдими, ишқилиб миннатдорчилик билдиригиси келди шекилли, чўлл этказиб ўпиб олди. Яхши кўриб қолдим, ака. Ҳеч хаёлимдан чиқмайди. Мана, Йўлдош укангиз ҳар куни бир қулоч хат ёзади. Маҳмуд ака, жуда таъсиранаман, Йўлдошга кўнгил қўйтим келади. Лекин... кўнгил у ёқда. Наҳотки йигирма олти ёшга кириб ҳалиям қиз боланинг кўнглига йўл тополмайсиз. Ҳаммага томоша бўлиб жанжал кўтарганингиз-чи. Тавба қиласман-да. Қотаман, Маҳмуд ака, шуям иш бўлдими?

Маҳмуд ака шундан сўнг ҳаммаси расво бўлди деб юрди. Шунақаям қип-яланғоч бўладими, қиз бола бўлатуриб, мендан олти ёш кичик бўлатуриб, қаранг, топиб айтган гапини. Мен энди... шу ёшга кириб... оббо, ҳеч беш кетмадим. Беи кетмадим бу ҳолатгаям, Дилюромигаям, ҳаммасига. Қойил аммо, қойил.

Бош чайқаб ҳайрон бўлганча Дилюромдан ҳам, худди ўпиб қойил қилиб қўйгандек, йўғ-э, уят иш қилиб шармисор қилгандек Гулядан ҳам қочиб бошқа эзатларда бошқаларга ҳайқириб юрди.

Еттинчи ноябр, яъни орзиқиб кутган кун эди ҳаммага. Эл қатори, гарчи дала шароити бўлса-да, байрам жиддий қабул қилинарди. Ҳудо билсин, ўша 7-8 ноябр кунларида терган пахтангга икки ҳисса ҳақ тўлашни ваъда қилишарди. Бу нарсанинг уволяим, савобиям биз каби ўртачалар учун татимаган, сабаби, энг кам терувчи шаҳарлик бир-икки нозик хонимқиз ҳамда баскетбол турнирларида мақтov эши-түвчи, бироқ ҳарчанд уринса-да, эгилса қўли ердаги пахтага етмовчи Андрей, Славик, Тарас Шмидлардан ўн беш-йигирма кило ошириб

терардикки, уларга теккан калтакнинг учи мудом бизгача етиб келган эмас. Ўзимизча шумлик қилғандирмиз-да.

Лекин байрам куни кам термоқ имтиёзи йўқ эди. Қорин домла одатича эрталаб пахтадан порох олинишини яна икки ё уч қайта таъкидлаб, сўнгра космик кеманинг ҳам, ҳатто шундай катта домла бўлсада, аниқ билмайдиган бир жойига ишлатилиши, бинобарин бу жиддий иш, ҳазиллашиб бўлмаслигини уқтириб бўлгач, бутун кечкурун, ниҳоят, қирқ бешинчи куни ош бўлишини баландроқ пардада айтардики, байрам учун айтилмаган ура-уралар ош учун қулоқни қоматга келтирап даражада янграб кетарди. Бир юзу ўн бир килолик Андрейимиз митти темир косачасини кўтариб ошпаз боланинг олдига уч-тўрт қайта келишини дарров кўз олдимга келтираман, бу дароз-гўдак билан доим овқат жанжали устидан чиқасан. Қорин акам бўлса эринномасдан уни шу масалада койиди, терган беш кило пахтаси икки пиёла чойгаям етмайди, деб кулгу қиласди. Андрей аввал қизаради, ерга қарайди, ўлчами қирқ олти ёхуд қирқ саккиз кирза этиги билан ийманиб ер чизади, охири бўлмагач, СССР конституцияси ва меҳнат кодексларида балоғат ёшидагилар саккиз соатдан ишлашлари ёзилганини айтади. Қорин акамиз бўлса ўша заҳотиёқ тутаб кетади, саккиз соат тутул ўн олти соатда еган-ичганингни оқлаёлмайсан-у, сен яна қонун талашишингни қара, дейди. Мен жўрттага юрибманми иссиқ жойимни совитиб, шаҳарда юрган эдим, вақтида ошимни еб, вақтида чўмилиб, шуям ҳаёт бўлдими менга, роса кетгим келади маниям, мана, ҳозир наварам кўз олдимга кевотти, дейди ва филтилаб кўзига ўш олади. Шимининг орқа чўнтағидан рўмолчасини чиқариб кўзини артаркан:

— Ничево, чидаимиз! — дейди мағрур. Партия, шахсан Леонид анақаевич... анақа... Ильичмас, ҳа, Ильич Брежнепинам Шароп акам Рашиду бизга кўз тикиб туришибдики, қачон шулар олти милён қиласкин, майли биламиз, ёмғир, қор тагида қоп 'кетвотти мани студентларим, жа қийналишвотти, аммо бир дона чигиттиям далада қолдирмиймиз дейишвотти. Мана, биза ўшанга анақа қивопмиз, ту шундиларингми?

(Брежнип бува қазо қилган кейинги йилиям домла Қорин хабар бергич бўлган. Ўшандаям Сирдарё далаларида пахта териб турғандик. Йў-ўқ, ўша куни қор ёққан, баракка биқиниб, дийдираб ётгандик, муҳтарам Қорин домла ҳаммамизни ташқарига — мотам митингига олиб чиқиб, билмадим, ростдан эди шекилли, бурни шўрқиллаб эълон қилган, чинакамига оғаси ўлгандек йиғлаган эди, биз ҳам йиғласак

бўларди, лекин шунақа одам ҳам ўлиши мумкин экан-да дея тант қотиб тураверганмиз, аммо сукут сақлаб «доҳий»нинг ҳурматини қилганимиз. Домла бўлса бизнинг ҳам йиглашимизни кутган, ватанпарварлик туйғумиз этишмади, шекишли, безрайиб тураверганмиз. Радио, телевидение ҳам уч-тўрт кун мотам қуи чалиб роса эзган. Домла Қорин магнитафон қўйдирмайди, қўшиқ айттирмайди, роса қон қилувди. Бу ёқда қор. Ташқаригаям чиқолмайсан. Тириклигинги зига-ку ҳамма чидаб турувчи, лекин ўлиб ўлигингизни бунча ташлаб олдингиз, Брежнип бобо, дейишимизга сал қолган.

Домла, ахир, пахтадан порох олинади-ку, — дея чигирткадай чийиллаб қолади сурхондарёлик Муяссар деганимиз.

— Во, беş санга қизим. Борганда сўрамасдан зачётингни қўйиб бераман. Мана, кўрвотсанларми, бу қизимиз ўзи бургадай келади, лекин манави, ким эди, ҳа, Абдилаким тракторчининг тракторидан кўп теради. Ўрнак олларинг.

— Домла, ўттан йили мангага зачёт қўювдийз, ака-ука Люммлар бор-ку, анави французлар, ўшалар кино олишни бошлаб берганини айтиб берувдим.

— Ўзи ман пақат шуни сўрайман-да. Аслида шуни билмаган одам умрбод киношунослик фанини эплаёлмайди. Малик Қаюмов, масалан, шу нарсанинг тегига обдон етган. Оббо, бўлди, қуёш чиқиб кетвотти. Ҳамма далага! Ош бўлади бутун, шуни билларинг. Кўп терган болларга тағин сурприз бор, обедда эълон қиласиз.

Домлани на шаҳарда, на далада бўлсин, ҳеч ким ёмон кўрмайди, ахир теримдаям, дарсдаям ҳеч кимни қийнамайди, ўзиниям сира хафа қилмайди. Дарсда ака-ука Люммлар кинони кашф этишганини, улар французлар эканини сўзлайди, албомлар, расмлар кўрсатади, кинога тушамиз дейди, кейин биз кинога тушамиз, синов маҳали ака-ука Люммлар асли французлиги, кинони кашф этишганини билган одам борки, тикка туриб ўтиб кетаверади.

Домланинг фан номзоди бўлиш жараёнида бўлак китоблар, жумладан, Ленин, Маркс, Энгельс кабиларнинг асарларини-да титкилаганига шубҳаланмайман. Бироқ... ҳай-ҳай, қорни хунук — ичи тўла сув ёки ҳаво, шунчаки қорин эмас бу, эҳтимол, Люммлардан бошқаси хаёлдан фаромуш бўлиб кетавериппитетаям қорин анча-мунча монелик қилар-ов, сабабки, шу тахлит фикрларни Гюгоми, Бальзакми (ҳар қалай Люммлар эмас) айтган. Балки Сталиндир. Камю бўлишиям мумкин. Ҳозиргина айтганимдай асло Люммлар эмас. Балки ака-ука ихтироичилар бундан-да дохиёна фикрлар айтишга қурблари етарди,

бунга-да гумон құлмаймиз, аммо Қорин аканинг ўзи у зотларни биз-  
га шу қадар қашшоқ қилиб құрсатиб қўйганки, гўё Люммлар ҳам  
бутун умр «порох-порох» деявериш билан порох кашф этилгани каби  
«кино-кино» деяверишгач, кино ихтиро бўлиб қолгандек. Каллани  
совитиб ўйласа-ку, бундоқ эмас аслида, шунақа тасаввур ва фаразлар  
уйғонган-да одамда — шуни таъкидлаётирман.

Дарвоқе...

Ҳа, дарвоқе, байрам эди. Байрамнинг ҳам улкани эди. Акс ҳолда  
бу телба-тескари, бирор қолипга сифмайдиган, бинобарин бир-бири-  
га сира қапишмайдиган (ўзи пировардидаям обдон елимлассанг ҳам  
ёпишмайди) бир-бирига чунон урсанг-да, ишқалассанг-да, уйқаш овоз  
чиқармайдиган одамлар ҳақида сўзлашнинг ўзи бир малол келадиган  
юмуш.

Байрам эди, кун қүёшли эди, қүёшли кунда ҳаво жазирама ис-  
сиқ эди, ёмғир ёғарди — ёғса арқондек эшилиб, қирқ ўрим сочдек  
солланиб ёғиб ётарди, қор ҳам ёғарди — ёғса ростдан-да гупиллар  
эди, кўрпадай қоплаб қоларди, чинакамига ариқлар, йўлаклар ва  
кулоқларни музлатиб қўярди.

Назаримда ҳавоям, домла, комиссар, командир, шоир, Марина  
каби рўй-рост сўзлар эди. Ҳа, худди шундок.

Пахта қарталари ҳаддан ташқари катта ва шу каби кўп, қара-аб  
турсанг, нарғини кўз илиб-илмайди. Комиссар ҳарчанд у ёғу бу ёқдан  
улоқкан талабаларни қайтариб эзатга солсин, бефойда — бари-бир  
эплаёлмайди. Боз устига жуда кўп қарталар одам тугул мошина оёгини-  
ям кўрмайди, қор босиб қолади, белинг оғриб фартуқ узра чўкиб  
осмонга қараб ётганингда ўзи эгаси кимакан бу жойларнинг, деб  
хаёл сурсанг ҳам бўлади. Яхшилаб суриштиранг кимлиги дарров маъ-  
лум бўлади-ю, шарт эмас — шундайи маъқул, бепоён, ястаниб ётсин  
дала дегани, пишиб, тўқилиб, оқиб ётсин ҳосили. Юракни кенгроқ  
қўяберган яхши деймиз-да.

Ҳадемай мезон оралайди. Мезонда қуёш еган мева шира бойлайди,  
қишига чидайди. Барак аҳолиси бу учун қайғурмайди албатта, аммо  
билган дуруст. Хуллас, ўша куни эрталабдан ёмғир щивалади. Ёғибам  
ёлчитмади, ари-сари қилди, очилиб ҳам кетмади ҳаво: безрайган бир  
кун бўлди. Муяссаримиз шу ҳўлгарчиликдаям анъанасига тамом со-  
диқ қолиб тушгача юз етмиш кило топширибди. Офарин! Бургадай  
бўлса-да ҳаққост рост — трактордан кўп теради. Мана, байрам куни  
тракторлар шпинделларини ювган кўйи қолаверади, эзатга оралашга  
иложлари йўқ, демак, трактордан Муяссар афзал. Ўзи бурга деб кала-

ка киламиз-ку шу қизни, — баъзилар ҳатто у ўқишига эмас, пахта теришга кирган, бўлмаса Сурхонда обрў тополмай ўтиб кетарди дейди... Аслида биз каби яратмас-ёлчитмасларни шу қизга пишириб берган одам савобга қолади. Гапнинг индаллосиям шу.

Ҳа, бизга қолса, ҳаммаёқ бир пасда ивиб лой бўлиб кетсину баракка бориб ётиб олиб китоб ўқисак, шахмат, қарта ўйнасак зерикканда ҳаммани безор қилиб, баракни бошга кўтариб, хўр ва жўр бўлиб ҳеч келишмаган қўшиқларни бўкириб куйласак. Қўйиб берса, чўнтақ кўтарса, тополсак қултамиссиндан ҳам урамиз-у... Кўрмайсизми, файрат зўр, бироқ кўл калта.

Корин аканинг кўнгилчанлигиям бор. Байрам куни кечқурун юз граммдан ичишга, ҳа, ичишга рухсат бериб юборди. Сирасини айтганда буям бир мардлик. Тушда айтаман деган сюрпризи шу бўлиб чиқди. Биз пул Йигиб берадиган, оишпаз ёрдамчиси Мансурвой Абай совхозидан келтириб берадиган бўлти. Пул Йиғдик, пул бермаганлар ичмас бўлди.

Кейин эшитдик: домла ўша кўк «Жигули»сига бир фартук гўйит ортибли-да (ҳа, адашмадингиз — бизнинг ризқимиз) Абай совхозидан ўнта ароққа алмаштириб келиби. Йигилган пул ёнига қопти. Бу, энди, эшитар қулоққа гап, ким келиб-келиб домла билан суришиб ётади дейсиз. Бизга не увол-савоби бор бунинг. Шахсан менга қўйса ўша одам «порох-порох» деб шу ерда юрганиям маъқул. Акс ҳолда...

Институтта кирган Йилимиз бир заҳаролуд декан ўринbosаримиз бўларди, эсимдаки, нормага етқизолмаганларни ярим кечада тракторнинг чироғи ёғусида пахтазорга оралатган. Бундай жарима каминанинг чекига ҳам талай марта тушган ва даргоҳдан неча маротоба ҳайдалмоқни бўйинга олишга тўғри келган эди, айниқса ўрис гуруҳидаги ўн-ўн беш чоғли қизу йигитлар безиллаб йиглай берганди, айтишардики, чет элнинг анча оғир колонияларида ҳёт бундан коз карра енгилрок деб. Тавба, нима қиласан тортишиб, мана, етмишсаксон кунгина экан, замдеканга ёмон кўринганинг қолди. Билдинг, у на этагингга, на зарингга, на зўрингга эътибор беради. Худонинг боқиб қўйган бир балоси.

Аммо нечукдир ҳар иккиси-да шоирларни хуш кўрмайди. Сабоқ дошимиз, шоири замон ҳам шеърларида рамз ва ишоралар ила домлаларга салбий муносабатини изҳор қилиб қўярди-да — асли ўзидан ўтарди, қўй, шулардан яхшиси йўқ-ку, ёссанг, Есениннинг бобоси айтган янглиғ сулини ёз, бия ҳақида ёз, нима қилардинг буларга илакишиб. Сал оёғинг тойса, суюб қолгувчи шулар, суюмай қўйса —

кетдинг. Ўхиси севги ҳақида ёзақол — ҳеч кимга малол келмайди, ҳеч кимга тегиб кетмайди. Уфф, бунинг севги ҳақида ёзишиям бир ғалва. Ўзи-ку жамалаксоч, қирқ ўримсоч, қоши қийғоч, лаблари бодом, ёноқлари қирмизи олма қизни, — борми ўзи шу зот шу ҳаётда ё шеърга кириб қолган, ҳавойи образми — Худо билсин, — яхши күради, шунга монанд келмаган ҳамасбоқ қызларимизни жуда ёмон қилиб ясаб кетади-да. Кейин бечоралар ёзғириб юришгани. « Шоир бўмай кетсин, шунақаям қўпол бўладими? Вой, ел олсин-а, ел олсин! »

Мисол, ёши ўтингираган қызларни эркаклаган сабзиларга қиёслаган жумласи бор эди. Хўш, у кимга тегишли: Рўзигул опа, Санам опа, Гавҳар опа, қолаверса, Дилором, Саида, Раҳима — ҳаммасига тегмайдими? Энди улар шу кунгача эрга чиқиб кетмаганига гуноҳкорми, масхара қилиш керакми? Таъба, «эркаклаган сабзилар» эмиш. Шоир деганиям шунақа хунук ўхшатиш қиласидими? Боз устига, биласиз «эркаклаган сабзи» дегани бултур полизда қолиб кетган ичи ёғочга ўхшаб қотиб қолган сабзи, уни уч кун қайнатсанг-да на пишади, на таъми чиқади. Шу энди шеърга, шоирга ярашиқли гапмиди? Ҳай, майли, гап бундаяммас, шоирда.

Қорин домланинг шоирда пича тиши бор. Эсда борида айтиб қўяверай. Бултур қайсиdir бир байрамда нариги гуруҳдаги комиссарликка даъвогарлик қилиб юрувчи Собит институт комсоргининг машинасини миниб Тошкентта кетганди, уч-тўрт кун юриб қайтиб келди, кечаси эди, домлага хушомад учун бир пакет кўтариб келди. Иттифоқо у шоир билан менга дуч келди. Пакетнинг ичидаги ароғи бор экан. Ароқни чиқариб негадир бизга тутқазди-да ҳозир чиққунимча қараб туринглар илтимос, деди. Аввалига энсамиз қотди. Машинасининг капоти устига қўйиб гурунглашиб турувдик, Тошпўлат соқол келиб қолди, «иё» деди. Ҳой жонивор, қаердан чиқди? Собитники, дедим мен, ҳозир чиқиб опкетади, домлага опкелган экан. «Бу-ку майли, — деди. — Тош мени кўрсатиб Шоирга. Бўлгантургани шу, сиз нега индамай турибисиз, бутун дунёнинг лаззатини увол қилиб». Шоирга бу таклиф шунақа боп тушдик, дарҳол: — Олдик, кетдик! — деб юборди ҳаяжонланиб. Уч киши эгат оралаб қоронгуликка шўнғидик. Кўп ўтмай Собитнинг товуши эшитилди:— Йўлдош, ҳой, Йўлдош! Ҳазиллашмаларинг, домла кутиб қолдилар.

Шундай бўлишини билардик ва вазиятни сурбетларча ўзимизнинг фойдамизга ҳал қила олдик. Яъни қултомиссини очиб, бемалол навбатма-навбат «сен ол, мен ол» қилиб қултиллатиб ютабердик, газагига кўсакни ёриб ҳидладик. Сўнг кимнингдир фуфайкаси

чўнтағидан битта бош пиёз чиқди. Шоир қалампир етувчи эди, ўзи уни газакка олди. Охири Тошдан ғоя чиқдикки, кўлтиқса икки бармоқни юбориб ҳидласаям бўлаверади, бизларнинг қирқ кун сув кўрмаган қўлтиғимиз жа-а боп тушади – кесади ароқни.

Ароқни кесиш-кесмаслигини билмадигу, бу айни жинниликтан бошқа нарса эмаслиги аён. Қизифи шунда эдики, бу вазиятда Собит ҳамон умидвор овоз билан бизни чақираврди. Буям етмагандай Қорин домланинг ҳам бир неча марта овозини эшитдик. Уям астойдил гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қараб:

— Қаттасанлар, ў, Шоир, ў, Йўлдош, бўйинларингни узиб олмасам агар...

Шундайм гирт этмадик.

Демак, сурлигимиз ўзимизга етарли экан.

Аммо бари бир одамнинг виждони қийналиб туаркан. Бизни овунтириш учун Тош айтдикки, домла кассир Қадамбой билан бизнинг терган пахтамизга тўланадиган иш ҳақимизни тuya қилади, Қадамбой уч сўм еса, бу беш сўм ейди, гўштдан, сариёғдан, гуручдан уради, сотади, уйига элтади... Одамни сал ёмон кўрсанг, унга пича зуфум қиласанг-да унча юрагинг эзилмайди.

Эртаси куни Собитга айтдикки, сени кутавериб тоза қийналиб кетдик, охири ароқларни машинангнинг капоти устига қўйиб биз нариги баракка кетдик, нима, биз сенга чоракорми, эрталабгача ароғингни қўриқлаб чиқсан!

Собит балки кечирса кечиргандир-у, аммо домла кечиролмади. Ёмон томоғи тушган экан. Шоирни, айниқса душманидай кўриб қолди. Нега деганда, шоиримиз теримда ёмон эмасди, балодай терарди, аммо домладан дакки эшитгани-эшитган эди, жуда бўлмаганда кийим-бошига, борингки, овқатни чапиллатиб чайнашигача масхара аралаш танбех эшитиб юрарди, Шоирнинг ўзи бўлса бунга кўпам эътибор бериб эзилиб юрмасди, аксинча унгаям ўз муносабатини орқаваротдан билдириб, салбий бўёқларда таърифлаб шеърларига киргизиб юборар, ҳар оқшом ёки кун ора уюштирилувчи базмларда баъзи шеърларини тинглаб турган онгли инсонлар у ким ҳақида, қайси муносабат билан битилганини англаб, боплабсан, деб қўйишар, баъзи ўзига тегиб кетадиган жиҳатларини билиб турганлар асарнинг анчайин бўшлигини изҳор этиб, шу боладан ҳам шоир чиқиши мумкинми ё йўқлиги хусусида мулоҳаза қилишиб, охирида ёғ босиб кетган бошини ва шунингдек, шохлаб кетган кир соchlарини иссиқ сувда кир совун билан бўлсаям ювиб турса кони фойда, зора шоир бўлиб кетса,

дэйишарди астойдил. Лекин афкор талаба борки, чукур тушунар эдик: бошни илиқ сувда кўп-кўп ювишнинг даҳо шоир бўлиб етишмоққа нафи кўп эмас. Қаҳҳор домланинг ўтитига чунон амал қилиб хулоса қиссан, ўн фойиз истеъодга тўқсон фойиз меҳнат зарур, оқибатда, яъни Қаҳҳор каби ишласалар маймун ҳам бинойидай ёзувчи бўлиб етишади.

Байрамнинг шодиёнаси бўлакча. Биздан бир ёш қатталар ичida кечасиёқ уч юз килодан пахта дўндирган икки ўелон бор. Албатта, улар чиндан ҳам ухлашади, кечаси Колхозчиларнингми ёхуд нариги факультет талабаларининг хирмонидан ташиб бир ерга тўплаб қўйгани кам деганда ҳар бирига уч юз килони ташкил этади. Улар кундуз куни далада кўпам ўралашишмайди, қайсиdir қуюқ сояли бир чеккароқ жойни мўлжал қилиб жўнаб қолишади. Тушуниб турибсизки, ул теримчиларнинг ҳеч вақт қўллари қабармайди, жуда кўп келса беланги бўлишади, холос. Аммо, очиқ гап, уларга ҳавас қилса бўлади: кун бўйи бекор юришади, уйқуни уришади, қартабозликнингда додини беришади, бироқ бундан-да жилла фойдали ишга зинҳор қўл уришмайди, албатта илмда, ёхуд ижоддаям шу даражада улдабурон бўлишганида борми, шу ғайратларига яраша ўлдим деганда Маяковский каби шоир бўлишарди.

Аммо ноумид бўлмаслик лозим. Теримчилик ҳам ўта юксак мақом. Қолаверса, ҳаммаям Маяковский бўлиши шарт эмас. Мана, кунлар келиб яхши ва ёмон ғоялар шартта иккига ажралди. Маяковский бечоранинг қанча хизматлари бекор кетди. Зукко шоир балки бу фоний дунёда тамом адашганини охир оқибат англаған чиқар — ва шу туфайли ўз кўксига тўплонча қадагандир. Бу ҳам ўзни кечирмасликка киради.

Майли, бу биз муҳокама этадиган масалага кирмайди. Биз учун муҳимроқ ҳангомалар ҳали олдинда.

Руслар сув парисини Русалка атashади. Ҳеч шубҳа қилмайман: Марина барагимизда етмиш нафар йигитнинг ҳар қайсисидан шу эркатой таърифни эшлитишга муносаб эди. Аммо ҳаммаям ботинавермасди. Биз кабилар боз устига рус тили бобида анчайин бадбаҳт эдик. Шу боис ҳануз ўзимизни кечиролмаймиз. Биз қуи курсдаги бир Олга деган қизга мулойим илтифот кўрсатишга ярардик, сабаби у кўпроқ жайдари ҳалқ ичida ўсган: ё Хатирчи, ё Оқтош, ишқилиб ўша томондан, инқиљаброқ ўзбекчани гапира олар, биз каби ишқибозлар унинг сўз бойлигига икки-учта сўз киритиб қўйиб, гёё шу муносабат ила табассум совға олиб, бутун мурод-мақсадимизга етган

каби юрг бузиб юрар эдик. Қишлоқилик ҳам куриб кетсин!

Ичимизда Тоҳир ака деган ёши анчайин улуғроқ кишимиз бор эди. Папиросни сўраб чекса-да, кетини узмай чекадиган хилидан. Аммо шу қадар усталик билан сўрайдики, беихитёр қайта-қайта сигарет бериб юбораверасиз, то қораси учиб кетгунча уни ёмон кўргингиз ҳам келмайди, шу қадар гапга уста, гипноз қилиб ташлар эди. Шу, уч фарзанднинг отаси, ўттиз бешни уриб кўйган одам, хотинининг ҳам аллатовур илмий дараражасими, лавозимими, бор десангиз, Маҳмуд ақага келиб: — Маҳмуджон, сиз шу қадар тиниқ севмокдасизки, беихтиёр менинг ҳам севгим келяпти, — дебди.

Ичи тўла армон, қиз болани ўзига бўйсундирмоқ учун инсон албатта ундан муччи олиши шартми, шарт эмасми, деган саволга «кatta мутахассислардан» ҳам тузук-куруқ жавоб ололмаётган бир киши, курсимиз оқсоқоли, комиссар ва бало-баттар унвонлар эгаси Маҳмуд аканинг бўлса тоза жаҳли чиқибди. Азбаройи келиб-келиб шу одам мени масхара қиластириб деб ўйлади. Масхара қилмаётганига Тоҳир ака илла-базўр ишонтириди, кўп нарсалар вайда қилиб, ўзининг ўпка касал эканига, силдан одамлар кўп үлаётганига, демакки, мен ҳам ичларингда омонатман дегандай қилиб, бир илож билан калтакдан кутулиб қолди. Бўлмаса «контужен»га ишониб бўлади дейсиэми?

Мен ўйлар эдимки, бу офтобрўда ҳамма Маринани севади, аммо ўзларини чалғитиш учун бошқаларга севгичалар изҳор қилишади.

Маринанинг бори ҳамма нарсаси, ўзи тўзал, уни суймаган, жуда бўлмаганда бир термулмаган, маҳлиё бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. У ҳеч қачон қаримайди, ҳуснига доғ ҳам, ажин ҳам тушмайди, у адасиб, биз каби бадбаҳтлар ичиди юрибди, холос. У ҳеч кимдан даккиям эиштмайди, ўзиям ҳамма нарсани билади. Билмаган, англамаган илмиям қолмаган.

Факультет комсорги Дилшод — силлиқцина, қора сулувдан келган, сочи орасидан парқ очиб сипогина юрувчи, ясама маданиятли, аммо ҳеч бир нарсага аралашмагувчи йигитгина ботиниб унга пахта териб бера олади, фартуғини уялмасдан тарозигача опкела олади. Уялмасдан дейишга сабаб — у катта бўлиши лозим бўлган йигит, аллақа-ёқдаги бир қизлар билан ўралашиб, кўнгил бериш, булар унга жудаям халал берувчи хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Жаноб партияга аъзоликка номзод бўлган, бу дегани омма орасида нуфузли универсиада ғолиби бўлган боксчидан кўра жиддийроқ таассурот қолдиради. Шунга яраша у жиддий бўлиши керак. Севги-певги деганлари ўткинчи, ножиддий бир нарса, унга боғланиб қолсанг, порлоқ келажак хароб

бўлади. У ана шу харобликдан қўрқади, айни дамда бу дунёнинг англаб бўлмас Марина каби жозибаси ҳам борки, бундан ҳам кечиб юбориш учун жуда катта матонат талаб этилади фуқародан. Индалосини айтганда, борингки, уни Дилшод севди ҳам дейлик чинакамига, нима қипти, ёмонми, партия низомларида шу таъқиқланибдими. Шундайликка шундайку-я, аммо эҳтиёт бўлган маъқул-да. Дилшодбек шу туфайли эҳтиётроқ бўлиб севмоқни афзал билади.

Байрам эса...

Байрам кўп нарсани издан чиқарди.

Байрам бўлгач, ичилади. Ахир студент ҳам одам. Қорин домла буни яхши англайди, бинойидай ақли етган, бир эркинлик берай, фақат ўзим ичгунча шу ота-онасидан, иссиқ ўрнидан узоқда юрган нотавонлар ҳам бирров чечилиб-яйрасин, деган.

Ана шу кўнгил бўшлиги ўз бошига кулфат бўлишини тасаввур қилмаган, албатта. Акс ҳолда...

Ўша кунлари денг, учта барак ўртасида кўчиб юрувчи кўчма қизил байроқ ҳам бизнинг баракка келган. Худо билсин, анави Муяссар-трактор ва иккита пахта ташигич гигантларнинг хизмати бу, чунки шуларнинг тергани бир ёқ, қолган юз йигирма кишиники бир ёқ, қўйиб бераверсанг шу учови бошқалардан ҳам кўпроқ териши мумкин, анави ўғлонларники тұхмати эканини айтдик, лекин Муяссар тракторимизники ҳақиқий, ҳеч алдам-қалдами йўқ. Яна айтиб қўяй: бургдан сал каттароқ гавдаси билан, балки Синчалак атаса бўлур эди, яхшиси биз бургага менгзаб қўяқолайлик, кўрганлар ҳазиллігини тушунар, маломат қилишмас. Ўша куни норма бажарғанлар эртароқ келиб ювенишар, бизга ўхшаб кечроқ келганлар ҳам бош-мошимизни ювиб олардик.

Қизиги фирт даштнинг ўртасида, нақ барагимизнинг тумшуғида бир шланга ётарди, шлангадан денг илмилиқ сув отилиб ётарди. Қаерга уланган бу, нега илмилиқ сув — буни бирор изоҳлаб беролмайди, яхши томони шу эдики, эрталаб биз жирканмай юз-қўл ювамиз, кечда баъзан бош ювамиз, қизлар ҳам шу. Аммо унинг қадрига етмаймиз, шу сабаб унинг учини буқлаб сим ила ўраб қўйишга эриниб шундоқ ташлаб қўямиз, оқибат шу бўлдики, шлангадан чиқиб ётган сув охири ҳонузга айланди ва биз ҳовуз оралаб сувга боролмай қолдик. Буғ кўтарилиб алламбало бўлиб ётар, унга бораман деган кимса балчиққа ботиб қолиши хавфи бор эди.

Хуллас, бор эди шунаقا нарса, буни билдингиз, яна айтдикки, кўчма қизил байроқ барагимизнинг манглайида осиғлиқ. Қип-қизил, бўрттириб айтамиз: алвондай ёниб ётипти.

Бир беҳининг остидан стол-стул ясаб олганимиз. Аммо бу жойга ўтирувчи даъвогарлар шу қадар кўпки, эртароқ келиб орқангни қўйиб олмасанг, бемалол жойдан қуруқ қоласан. Қуриган хас-хашак устига чўнқайиб овқат ичишингга тўғри келади ўшанда. Байрам куни энди шундай қилиб ўтиранг, жуда алам қиласди-да.

Беҳига осиглиқ фартук ичидан коса-қошиқ, кружкаларни даранглатиб оламиз. Қозон бошига бориб навбатда турамиз. Учта катта самовар ҳам шу ерда қайнаб ётади, чой қуйиб олишда тўқилавериб, атрофи билчиллаган лойга айланган. Баъзиларимиз қўлларимизга иккичи идиш олиб егулик тегишимизни кўпроқ ундиришга интиламиз. Ҳолбуки у косалар асли кетиб қолган биродарларга тааллукли. Ошпаз ҳам анои эмас, коса-товоқларни ранг-бошидан, сири учган жойларидан жуда таниб қолган. Ҳолмуродга десантгиз, Тохивойининг косаси-ку, дейди кўзини лўқ қилиб, гап қайтариб бўлмайди, биласиз, бу биёбонларда ошпазлик ҳам ўзига яраша мансаб, у кимнингдир эркаси, ҳадеганда бетига сапчиб панд еб қолишинг мумкин, беихтиёр ён берасан, худди Ҳолмурод марҳум бўлиб кетган-у, унинг ўрнига бир чўқим ош ейишга ҳаққинг йўқдек.

Шунаقا изза қилишади-да булар.

Домла шу куни аввал юқори курс талабалари, сўнг биз билан шахсан ўзи «юз-юз» чўқишириб чиқди, бу бизда улкан гурур ва ўша вақт таъбири билан айтганда «зўр мамнуният туйғуларини уйғотди».

«Зўр мамнуният туйғулари уйғониши» баробарида йигитлардан баъзиларининг кайфи ошиб қолаверди. Одатдагича шу куни ҳам базм уюштирилди. Юқори курс йигитлари пишиқ чиқишиди. Аччиққина совуқда турсичанг чиқиб олиб уч йигит беш-олти кўшиқ куйлашиди, шунаقا оҳангда куйлашдики, уларни лўлилар деб тасаввур қилдик. Лўличасига зап куйлашди. Кейин бири чиқиб олиб қанордай китобни ёйиб ўтириб олди, кимдир уни буюк ёзувчи даражасига етган ичимиздаги кўз илғамас гений дея танишитирди, у рўмондан боб ўқиши керак экан, китобнинг у ёгини титди, бу ёгини титди, ярим соат ўтгач, энг мазмундор жойидан ўқиди: «У энди барча аламларини меҳнатдан оларди». Кейин «диктир» эълон қилдик, ўзи рўмон бор-йўғи шу бир жумладан иборат, аҳамиятли жиҳати шунда эдики, бундоқ сермаъно асар ҳали дунёга келмаган.

Куба, Гавай оролларида хизмат кўрсатган артистларнинг кўргазмали чиқишлиари. Конференс Асқарали телпакни бостириб олиб, пайтаваси судралиб юрувчи резина этигини тиззасигача чиқариб, буям етмагандек, бўйнига ранги унниқиб кетган фуфайка орасидан зўрга

кўриниб турган капалак нусха галстукни қўндириб олиб абжирлик билан эълон қиляпти:

— Саҳнага трактордан тез терувчи теримчилар чақирилади. Муяс-сархон. Қадам оға, э, йўқ, у киши кассир, Қурдош ака, яна Абсалом ака. Уларни табриклаш учун Абдуқорин, кечирасилар, Абдуқаюм, оббо Абдуқаюмов домла, кино фанлари номзоди — саҳнага, марҳамат, ура! Ура, ўртоқлар! Ура, ҳа, жон борича бўкирингиз! Акс ҳолда байрам байрамдек бўлмагай!

Қорин домлайм қизишиб турган экан, шу гал жаҳли чиқмади, аксинча жигар жигарга қаттиқ галиргандек, конференсга:

— Ўл! — деди. Тамом. Шу билан ҳамма муносабатлар тушунарли бўлди ва вазият кулгига қараб оғиши осон кечди, умумий кайфиятга заҳа етмади. Трактордан баттар уч теримчига вимпель, ўн сўмдан пул мукофотлари топширилар экан, рубобда, тантанали куй янграр, кўчма қизил байроқ каттакон баллоннинг олови ва қора қурумлари узра елпиниб турди. Уни чойчи Шурик елпирди.

— Шурик, — дея қичқирди Шоир, — байроқни ёқиб юбора қолайлик, энг катта байрам шу аслида. Давай, ташлавор оловга!

Шурикнинг ҳам баданида бир қамчи бор, оловга бир текизиб олди байроқни. Байроқнинг учи кўйди. Бу ёмон гап эди. Турган битгани, кам деганда жиҳоят, бу жиноят учун нафақат Қорин домла, бутун бошли факультет йўқ бўлиб кетиши мумкин эди.

Байроқ дарров ичкарига опкириб кетилди. Базмга якун ясалди.

— Ўлларинг, моллар! — деди Қорин ака. — Санларни одам ўрнида кўриб сийласанг, эшак бўлиб тепасанлар!

Умумий ҳолат талабига, эҳтиёжига кўра ҳануз байрам давом этиши керак. Комсорг аллақайга гум бўлган, комиссар Қорин домланинг ортидан оёғи чалишиб зўрга эргашиб юрибди. Қуий курс қизлари ўзларича сюрприз қилиб катталарни кутламоқчи, рубоб куйига ўйинга тушиб бермоқчи, кимлардир давра баҳона шеър, баҳру-байт ила қалблари тўла муҳаббатни изҳор этиш тараддуудида. Оқ, оппоқ лиbosлар кийиб олганлари, яна бир саҳна асарлар кўрсатишга ҳозирланаётгани қайси.

— Маҳмуд ака, айтинг домлага, — дейди қизлар, озгина байрам қилайлик, қанча кутдик бу байрамни, энди битта аҳмоқни деб ҳамма ўйин - кулгудан маҳрум бўлиши керакми?

Комиссар ҳамон домлага эргашади. Охири домлани тутиб олгач, секин чеккага опчиқиб сўрайди:

— Аммо узр-а, домла, мисол, бир қиз айтди, севган қизингни

ўпиб олсанг, уям сени севади, ўша заҳоти севиб бошлайди, деб. Мен унча ишонқирамадим. Сиз... узр аммо, домла.

— Ўл, чучмал, гўсаламисан, ман сани бола-чақали деб юраман, ўлишдан гапирасан.

— Энди, домла, дардим бор-да.

— Манинг давримда ўшиш йўғийди. Энди чиқди бу иш. Наварали бўлдик. Кеннойингни ҳалигача ўпмаганимга пушаймонман.

— Йўғ-э, ростдан-а, оббо, домлажон-э, — дея хурсанд бўлди комиссар. — Яхши қигансиз ўтмай, аммо яхши қигансиз.

— Намунча тиршанглайсан, ў, комиссар, анави шоирингни тий-иб кўйсанг бўларди, эртага, билиб қўй, ҳозирги қилиги учун санам, манам бошимизминан жавоб берамиш. Аҳмоқ экан бунинг! Фирт аҳмоқ экан. Шонли коммунистик партияning анақасига тил текизвотти. Кўрдинг-ку. Ҳайдаттираман. Лично ўзим ҳайдаб, изини куритиб юборраман.

— Яхши, домла ҳайдаймиз, жа-а ҳаддидан ошли, ҳеч ким ҳайдамасаям икковимиз ҳайдаймиз. Жуда... қаранг, аммо сизга раҳмат, — деди комиссар орқага тисланиб узоқлашаркан.

Қайта-қайта раҳмат айтиб йўқ бўлди. Тўғри Дилоромнинг ёнига борди.

— Бекорчи гапни айтибсиз, Дилором, — деди. — Сиз ўшишни биринчи ўринга қўясиз. Бу бўлмайди. Тўғри келмайди. Одамлар тарихда ўшишмай яшаган, билдингиз?

— Хўп, Маҳмуд ака, мен нотўғри гапирган бўлсан узр. Айтдим-кўйдим-да, ҳазия эди. Тавба қилдим, — дея юзини бурди Дилором.

— Сиз-ку, сиз ҳазил қилмадингиз, жиддий гап айтдингиз, бир балони биласиз. Аммо-чи, аммо моҳият-эътибори билан олиб қараганда-чи, Дилором, мен шу нарсани нотўғри деб ҳисоблайман. Нега денг, нега? Чунки, қаранг, мисол лично Қорин домлаям...

— Уф-ф, бас қилсангиз-чи, Маҳмуд ака, ким сизга бирорни ўп деб айтиди. Бекорчи гапни айтибди ўша. Билганингиздан қолманг. Ҳеч кимни ўпманг. Тамом-вассалом. Жинними? Бираам ёпишиб олади-ей.

Дилором тўнини тескари кийишга тушди.

— Аммо-лекин қайтиб келаман, бу нарсани доказат қиберасиз, узр-а, узр, мастилик — ростлик, хўлми, келаман.

Жалол деганимиз, у — агрессор, қип-қизил безори. Маҳмуд-паҳмудларни комиссарлигига қарамай бир чақага олмайди. Безрайиб тургани-турган. Қизифи шундаки, уни безрайтириб қўйиб Ситорадай тузуккина, бир уйнинг гули бўлгулик қиз кафтига қўйиб авайлайди,

яхши кўргандан яхши кўрадики, комиссаримизга бир олам жумбоқ бу. Ўйлаб қуядики, баъзан Дилором айтгани каби бир марта обитобини келтириб туриб ўпид олган чиқар. Бўлмаса бунчалик... Йўқ, Дилором билиб гапиради, билмаса бундай демас эди. Мен унга ёш боламидим, масхара қилса.

Ўзидан сўрасам-чи Жалолнинг. Акаси раҳматли билан бирга хизмат қилувдим. Акаси тилла йигит эди. Ўлганда ёнида эдим. Буни ўзијам билади. Ҳозир самоварчи Шурикнинг хонасида бўлса керак ҳойна-ҳой.

Чойчи Шурикни ташқарига чиқариб юбориб Жалол, завхоз Мадамин, Ситора ва қўёнгул Мадина ўтиришган экан. Комиссарларча бостириб кириб борди. Нега келдинг, дегандек безрайиб тураберишиди. Ҳатто қизлар ҳам келинг, Маҳмуд ака, деб қўйишмади йўлигаям.

— Ҳо, байрамми, — деди Маҳмуд ака. Лекин бошқа нарса демоқчи эди. Илтифот кўрмагач, ўзини камситилгандек ҳис қилди ва оғзидан ушбу сўз чиқди.

— Нима, байрам фақат сеникими? — деди Жалол.

— Жалол, ука, ҳозир уришиб қоламиз, таёқ ейсан!

— Манми? — деди Жалол.

— Худди сан, — деди унга монанд Маҳмуд ака. — Санга ўхшаган тагин ўнтасини мана шу нимжон қўлларим билан бувлаб тиқиб юбораман, билдингми? Бу ёққа чик!

Қизлар чий-чийлашди. Мадамин уриш чиқмасин, деб ҳай-ҳайлашга тушди. Лекин комиссаримиз Жалолни наранинг биринчи қаватида ўтирган ўрнидан шундай енгиллик билан сууриб олдики, Жалол вазнининг бу қадар енгиллитидан эҳтимол ўзиям ҳайрон қолгандир, ўргадаги овқат, ароғу газагу пиёлалар ҳар ёнга учди ва синди.

— Ташқарига чик, олигта, қизларнинг олдида жўжаҳурозлик қила-вермасдан, — деди унинг кўзларига тик қараб комиссар.

Жалол Ҳудодан қайтган йигит. Столдан ерга учеб тушган ошпи-чоқни олишга уринди. Ситора пичоқни тез олиб матраснинг тагига тиқди, комиссарга ялина бошлади кетинг, деб. Бўлмаса сизни ўлдириб қўяди бу, деди.

— Мени-я! Шу-я! — деди Маҳмуд ака тамом ҳушёр тортиб. — Менинг кимлигимни биласан-а, Жалол? — деди бир оз юмшоқ оҳангда. — Ақант Азимжоннинг қўлимда жон берганини биласан. Кийимларини, альбомини уйингга обориб берганман. Тирранча эдинг унда, ҳозирам тирранчасан. Шуни бил: сен худобезорисан, тамом, мени кўрқитолмайсан!

Жалол Мадамингга тутқыч бермай ўшқиради. « Ўлдираман! Ўлдираман! » — дерди пишқириб.

— Кўлингдан келмайди, — деди комиссар, ўзини хотиржам кўрсатиб, бироқ тамоман қони қайнаб.

Жалол Мадаминнинг қўлидан ситилиб чиқолмай оёғини бир узатди. Комиссарнинг бикинига ўхшатиб тепди.

— Кўйвор! — деди Мадаминга комиссар.— Кўй, дедим! — Шу даражада важоҳат билан ўшқирдик, Мадамин беихтиёр қўйиб юборганини билмай қолди тутқунни. Кўйган заҳоти Жалол ҳам ишидан узилган итдай тирмашмоқчи бўлган эди, комиссар унинг қўлини десантчиларга хос эпчиллик билан қайириб ерга ётқизиб олди ва ташланиб унинг кўкрагига тизза қўйди. Эзиб, ўзи чамаладики, камида бир хўқизнинг оғирлиги билан босди. Кўйиб юборгандан сўнг ҳам Жалол ўрнидан туравермади. Қўлини ҳам қаттиқ қайиргани ҳолда. қовурғасини синдириб юбордим деб ўйлади. Аммо жаҳл устида тишини тишига шундоқ қаттиқ босиб турибдик, беихтиёр олд тиши синиб кетганини сеҳди.

Жалолнинг бошида ҳамшира билан Ситора ўтириб чиқди. « Ўламан! » деди у. Ситора баттар бағрига босди. Маҳмуд акамиз бўлса баракка кириб ўз ўрнида кийим-бошини ҳар ёнга итқитар экан, ўқраб йиғлаб юборди. На бўлғай, ёнига энг кўнгилсоз одами — командирниям йўлатмади.

— Вой хунаса! — дея полни гурсиллатиб муштлар эди у. Кейин тура-тура уфф тортиб юбориб, бесабрлик билан Жалолни сўйман деб нарадан ириб тушарди.

Жалолнинг олдига бориб, унинг ўзига қелмай ётганини кўриб: « Тфу, сволоч! » дея тағин қайтиб келарди. Алами қонмаганидан на ётишини, на туришини биларди, чамаси Жалолни бурда-бурда гўшт қилиб ташламагунча тинчимоқчи эмасди.

Комсорг қай гўргадир йўқолган, штабга кириб Шоирнинг устидан рапорт ёзишга чоғланган Қорин домляям шошиб чиқиб комиссарни босишга уринди. Аммо комиссар униям жеркиб итариб ташлади.

Домла ўйлаб қолди: бу масалаям жиддийга ўхшайди. Тавба, контужен деганилари шунаقا — босар-тусарини билмай қоларкан-да. Шоирникоидан буники ошибб тушди-ку.

Ташқарида, ўламан деб лишиллаб турган гулхан атрофида бешолти йигит-қиз дунё билан ишлари йўқ, шеър ўқибми, гурунг қилиби ми ўтиришибди. На бирорвнинг кўзига тик боқади, на шовқин кўтаради, на бир нарса даъво қиласи булар...

Бироқ сал нарида, қоронгуда оғир этикнинг дурсиллашига монанд «хув-хув!» дея шоир ёки шоирбаччалардан бири шеър ўқиётир. Бора-бора унинг овози сўнади.

Яна лоток бўйида бевош йигитларнинг дам-бадам қарсилиаб кулганлари кулоққа чалинадики, бу байрам ҳар кимга ҳар йўсин кайфият улашганидан дарак беради.

Тун алламаҳал бўлди. Движок учди. Ёввойи товушларнинг ҳам уни эшитилмай қолди. Ташқариде командир гўнғирлаб ивирсийди. Шу кеч анави камгап мелисага-да тиним бўлмади. Фонарини ёққан кўйи у бурчакка борди, бу бурчакка, охири ҳафсаласи пир бўлди чоги, қизлар ила давра қурмиш, эҳтимол аллақачон тун алласига берилиб уйқуга чўммиш ҳамширани қидирмоққа тутинди...

Номозшом кўнгилга кўтири жомашов. Тун эса... Ҳа, буузун тунни узоқ вақт эслайдилар. Бу тун Шоирнинг, Маҳмуд аканинг, малаксиймо Маринанинг кўнгилларига-да инқилоб ясаган тун бўлди. Ва ғалат таассуротлар, ғалат битиклар ила қалбларга муҳр босди. Ўз муддаосига етишгач, пардалари йиртила-йиртила саккизинчи ноябрга қараб оға тушди.

Шоир ҳамон ухламаган эди. Уйқуси келмагани ёхуд шеър ахтаргани учунмас. Алвон тусли байроқни гулханга ташламоқ каби бир қалтис даъват эгаси бўлиб қолгани ваҳмидан ҳам эмас. Шундоқ, тун кўйнида домлага тушунтироқчи бўлган гапларини роса эзиб ўйлай-ўйлай чарчади. Домла, ўзингиз тушунарсиз, камина шоирликни ҳавас қиласман. Машраб бўласман девдим, ўлишимга бир баҳя қолди. Шурикка айтмоқчийдимки, жўра, ука, байроқ ҳам олов рангида, олов байроқ тусида, икковининг ранги оталаримиз, аждодларимиз қони сингари қип-қизил, келинг, энди шу улуғ кунда ўлик ва тирик қонлар бир-бирига қоришиб кетсан. Шундай демоқчийдим. Буёғи, ўзингиз рухсат этдингиз, ичимиизда пича градус бор, ҳар нарсани гапиртиради, соғ бўлсак индамас эдик, домлажон. Хўп деяқолинг, ўлиб қоппиз. Эмон ўлиб қоппиз.

Шоир ўлақолса бундай демайди. Домланинг нимасигаям хушомад қиласин. Билим, билим у ёқда турсин, тузук саводнинг ўзи борми? Қорнидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Шу туфайли таъзим қиласинми. Эви билан-да ҳар нарса.

Бироқ... ҳайдаттираман, деди домла. Ундаям фурур бор. Жуда фурур бўлмагандаям, сиёсий томонини айтинг. Энди бу куйган байроқни нима деб изоҳласин, яхшиси менга ё Шурикка тўнкаб қўяқолади. Шурикдан кўра менга хавф кўпроқ.

Камбағалнинг боласи экани, ана-мана буюк шоирларга етака асарлар ёза бошлагани, ҳадемай ўқиш ҳам тугайди, қаергадир, балки Тошкентда бирор жойга кириб ишлаш иштиёқи, китоб чоп эттириш, турли мактovлар, унвонлар... булар бир-бир кўз ўнгидан ўтаверди, ўтаверди ва тавба, деди. Юрагига сифдира олмади. Бора сола кўрпага буркангиси келди. Бари бир уйқуси келмайди. Уйқуси келмасаям кўрпа билан ваҳмни, хаёлни жиловлашга интилади.

Баракнинг сўнгроги, кўримсизроқ, яъни кўзга ташланмайроқ тургувчи каравотига гугурт чақа-чақа кирза этикларга туртила-туртила етишиди. Етиб «эшиги» — одеялни кўтариши ҳамон қизнинг чўчиб ҳаяжонлангани эшитилди. Шоир қотди-қолди. Бу шаршарадек эҳтиросли товушнинг эгаси ким бўлди экан, тавба. Нега энди, шундан ҳам қўрқиш керакми. У аввал гугурт чақди, сўнг дарров пардани кўтарди: Маринанинг чақноқ, мовий кўзлари ялтираб, эҳтимол, товланиб кетди. Сочлари, ҳа, ўша, талаба элининг жон бўғинларигача бўшаштириб юборгувчи, эҳтиросларга кўмиб юборгувчи олам-жаҳон тилласочлар — улар-да товлана етди. Ҳайкалдай қотганидан унинг қошида яна кимдир борлигини, бу кеча чинданда инқилоб кечаси эканига ишонолмай бармоқларини гугурт олови куйдириб юборгунча англаётмай турди. Кейин дарҳол иккинчи чўпни чақди.

— Шоир девомман, — дея ижирғаниб, товушсиз, бақириқсиз ўшқирди Дилшод. — Бирпас кутиб тургин, биза ҳозир... жон дўстим. Хўп де, шарманда қилма!

Шоир шарманда қилиш ҳақидамас, дунё латофатининг асл тимсоли бу даражадаги ҳароб гўшага кириб ҳароб бўлиб ётгани ростми ё тушибими — шу ҳақида ўйларди.

Ташқарига чиқиб ўзини тутди. Мелисага айтсамми, деб ўйлади. Хоҳламади. Сўкинди. Айланиб келиб тағин баракка кирди. Нега энди менинг каравотимда... Нега? Бораётib бошқа ёққа бурилди. Тошпўлатни топди. Ёнингдан жой бер демоқчи эди. Аммо у қайф экан. Ётибди — бошда телпак, жун шарфни ўраб, кенг фуфайкага ўралиб, этикниям ечмай. Бироқ, негадир турсикчанг...

Бугун ҳаммани Ҳудо урибди ўзи, деди ўзича. Тепада қизларнинг бири қўйиб, бири олиб кимнидир гийбат қилаётгани, сўнгра тинимсиз кулишлари эшитилиб турибди.

Эшик тарафад ҳамон комиссарнинг сўйиш, ўлдириш иштиёқидагиг оташин қичқириғи, баралла сўкиши худди касал одамнинг доимий инграшидай ҳаммага кўниши туйғусини туғдириб бўлган, қич-

қириқ ортидан бир талай хурраклар ҳам баравар симфоник күй мақомида янграб ётибди.

Күп үтмади. Дилшод ташқарига чиқди. Шоирни чақирди. Илти-фотсизгина кечирим сўради.

— Ничево, — деди. — Эртага ўзим сани ҳимоя қиласман. Келишидиг-а, фақат биза ҳақимизда, тсс... Хўпми, оғайнижон?

Шоир тўла англаб бўлмайдиган бир оҳангда:

— Нимага... — деганича қолаверди. Дилшод тез-тез юрганча лоток томонга айланиб кўздан ғойиб бўлди.

Эртаси баракни ҳеч ким уйғотмади. Уйғотадиган зотлар да чоишгоҳ қадар сасиб ухлади.

Бир замонлар чой ичмоққа команда бўлди. Чой ичилиб биринсирин темир идишлар шақир-шукур йигинтиришларкан, кузнинг тафтасиз қуёши пешонадан уриб турар, домла чиқиб уйқуга тўймаган, бироқ шишиб кетган кўзларини лўқ қилиб, бугун линейка бўлмаслигини, ҳамма далага жўнайвериши кераклигини айтди, командир қадимги мубоширлар сингари буни оммага қичқириб рус ва ўзбек тилларидан етказди.

Гужумлардай бўлиқ ва думалоқ шакл олиб ўсиб ётган тутзорлар аро йўналган оқим ортидан командир юргургилаб етиб олди ва Шоирни чақирди.

— Комиссар икковингни штабга чақиряпти домла!

Шоирнинг юраги шиф этди.

Одам ўлдиришдан ҳам ортиқроқ жиноятни ҳамма билиб қўйганидан уялган каби «секинроқ гапирсанг ўласанми?» дегандек, секин, зўрға, боз устига тепадан туриб қайрилди. Бу қайрилиш «нима гап ўзи?» деган маънони англатиши лозим эди Шоирнинг наздида. Ўзиям қаторнинг бошида пода олдига тушган серкадек шитоб или кетаётган экан. Обдон ўсал бўлди. Ичидан бутқул эзилиб тушди.

Командирнинг чуқур ботган кўзларидан бирор нима англаш маҳол. Аммо унинг иршайиши яхшилик аломати эмасди. Бу истеҳзо аллакачон комфорирка аъзолигига қабул қилинган, лекин шу туфайли ҳам Шоир ва унинг бир талай шериклари томонидан масҳарага дучор бўлган командирнинг пайтини топиб, айнан нишонга олиб берган жавоби эди. Бироқ Шоир бу ҳақда ўйлагани йўқ, қандоқ бўлмасин вазиятдан кутулиш талнасасига тушди. Командир агар уни қутқараман деса, уни чўлп этиб ўпиб олишга, буям гапми энди, хизматкори бўлишгаям тайёр эди.

**Шоир секин сафдан чиқди. Командир сафни ёнлаб келаверди. Шоир тураверди.**

— Раҳмон ака, Дилшод ҳеч гап бўлмайди, деб эди-ку, — деди командир то унинг қошига довур келтач.

— Пожалиста, таглашинглар. Шахсан деканнинг ўзи бўлади. Университет парткомигаям етибди бу гап. Уям келади ё бўлмасам жавоби-ни кутади бу ишнинг.

Оёқларида жон қолмади Шоирнинг.

Жонсиз оёқлар ила баракка қараб судралди. Командирдан нажот сўра-гиси келди. Лекин командир уни очиқ тусда истеҳзо билан кузатар экан:

— Ҳайдаймиз деса, қаршилик қилманг, — деди.

Шоир ялт этиб ўгирилди.

— Бундан баттаридан Худо сақласин, — деди тагин командир, қув кўзларини тик қадаб. — Ҳўп, омад сизга, Шоир.

Шоирнинг ичидаги қаршилик пайдо бўлди. Булар бариси майдада одамлар, жудаем майда, бинобарин буюк орзулар қилишга, буюк истиқболни қарши олишгаям ярамайди. Шоир яна ўйладики, ўша кунлар бари бир келади, келмай иложи йўқ, буни бирорвга айтиб ҳам бўлмайди, аммо мана бунақа одамлар ўшандаям шулар эгалик қилса керак ҳаммаёқса, ўшандаям менга ўхшаганлар масхара бўламиз.

Ҳайт! Аммо келади у кунлар!

Баракка етгунча ўзининг кўнглини ўзи кўтариб, ғўнғирлаб шеърлар ўқиб борди. Барак қошига боргач ҳар куни кўзи тушавериб пишиб кетган байроқнинг ўрни бўшлигини кўриб бўшаши. Сабил қолиб кетмасмиди шу матоҳ! Негаям аралашдим! Тилим кесилса рози эдим!

Чинданам тили кесилмоқлигига рози эди.

Штабга киргач, куйган байроқни ёзиб қўйиб шумшайиб ўтирганларни кўриб яна бўшаши.

Унинг саломига алик ҳам олмади домла.

— Саниям, саниям, саниям анави трактор қизимга қовуриб едирса, а. едирса, ўшандаги савоб бўлади. — Домла самоварчини, Шоирни ва комиссарни нуқиб кўрсатди.

Шоир комиссарнинг ҳам шу ерда бош эгиб турганини кўриб лол бўлди. Балки уям қилмиши учун жавоб берадётгандир. Расво бўлди ҳаммаси. Тинчгина кетаётувди-я ишимиз.

Комсогр бирдан бошини тик кўтариб домлага қаради.

— Ман буни кафилликка олдим, жавоб бераман ҳаммасига, ком-

сөрг оталиққа олди. Кейин бундан иш чиқмаса, бошқача чора күришингизга розиман.

Шундай дея у Шоирни күрсатди.

Шоирнинг ҳам юриши тұхтаб қолаёзган томирларига жон ингандек бўлди. Бирданига тетикланди. Минг гапни ўйлаб, қулагини тополмай, ич-этини еб ўтирган эди.

Домла кутилмаганда комиссарга амнистия эълон қилди. Лекин шарт кўйди:

— Обедда декан билан партком келади, ўшангача байроқ чиройли бўлиб жойида турсин. Анақа, ўртоқ политбюро аъзоларидан бири тагин анақа бўпти, деб эшидик. Агар траур қилишга тўғри келса, байроқни уч кунгачайин анақа қилишга тўғри келади. Тўғри тушунларинг, бу обшем серёзний масала. Ўшанга... тушундиларинг-а, гап нимада?

Ҳамма бараварига «тушундик» деди.

Кейин комиссарга тикилиб уқтириди: Жалол санга даъво қилмади. Эркакчасига гаплашиб олдук, силаям индамаларинг, деди манга. Буни инобатта оламиз. Бўлмаса нақд... кетган эдинг.

— Байроқни-ку бир илож қиласмиш, — деди комиссар ҳам мағлуб оҳангда. — Жалолнинг ўзиям тинч юрсин. Тирик қолганига хурсанд бўлсин.

— Уни ўлдириб сиз тирик юрармидингиз? — деди домла зардаси қайнаб.

— Айтдим-да, ўзи тинч юрса бўлгани. Мен ундан бошқа нарсани сўрамоқчийдим. У бўлса, сапсем... бошқача тушунди.

— Ўпсам майлими, қизларни қанақа ўпади, сўнг нима бўлади, демоқчи бўгансан-да?

Комиссар бирдан сесканди ва домлага жиддий тикилди. Домла комиссарнинг ўрайганини кўриб суюқ гап қилганига икрор бўлди чамаси, тўплангандарга олазарак қараб чиқди-да:

— Қани, марш далага! — деб юборди.

Ташқарида мелисага булар авф этилганини тушунтириди.

Кеча гуноҳга ботганларнинг ҳаммаси эгатлар оралаб пилладек шитирлашиб, гап-сўзсиз, бир алпозда термоқ ва шунга овумоқ илинжида, тезроқ кечаги гаплар туш каби эсдан чиқиб кетишини хоҳлар эдилар.

Ўзи баъзан ҳайрон бўласан: тунда бошқача, кундузи бошқачароқ бўладими дейсан одам. Ҳозир буларга термулиб кечаги, оқшомдаги завқ-шавқча тўла, жиннилик қилишни ҳамма нарсадан устун қўювчи йигит-қизлар ўшалар эканига бир зум ишонмай қоласан.

**Сулувлар сарвари Марина-чи?**

Уям бир чеккада гимирсиб юрибди. Ҳамон сочи товланади. Баданига хиппа ёпишган оппоқ водолазкаси, қип-қизил шими ҳамон яратшиб, ҳамон гўзал кўрсатиб турибди. Ҳамон у бегуноҳдай, безаволдай.

Эҳ, шоирларнинг зўри уни қайта-қайта шеърга солган эди-я. Бу шеърий сатрларни биз фақирлар ҳам такрорлаб, ёнимиздаги фариштани таърифлаб турар эдик. Дунёи дунимизни парчаладинг, Марина!

Эҳтимол, фаришта бошиқа шоирнинг ақидасига омин қўлган чиқар!

*Қисмат майин ичдим: аччиқ ва тахир.*

*Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.*

*Одамзот дунёда яшамас ахир,*

*Фақат иродасин синамоқ учун!*

Балки тасаввуримиздагича чидам, саботнинг ўзи йўқдир унда. Балки...

Командир комиссарни кутиб турган экан. Эски дўстлар дарров четга ўтиб гаплашиб олдилар. Командир эгат ичра қизлар тарафга кетди. Комиссар Шоирнинг ёнига келди.

— Мен аҳмоқми, десам, сиз мендан баттар экансиз-ку, ўртоқ, — деди.

— Э, бир бўлиб қолди-да, ака. Мен куйдирганим йўқ-ку ўша нарсани. Анави маҳмадона қилди-ку. Гапирган мен, тўғри. Лекин куйдирган у-ку.

— Гапирганингизни ҳамма эшилди-да. Шурик бўлса бехосдан оловга тегиб кетди, мен ҳукуматни олқишаётган эдим деб тураверди. Лекин, ўртоқ, яхши ишлар бўлмади, аммо, тўғрими? Бўёғига манавиндай қилиб юриш керак, — деди у муштини сиқиб кўрсатаркан.

Шу пайт комиссарни командир чақириб қолди. Комиссар у билан учрашдию яна Шоирнинг олдига келди.

— Тавба, қизиқ ишлар бўляпти-да, Шоир, — деди. У хурсанд эди.

— Байроқни буям тузатмоқчи эмиш. Орқасидан борсаммикан, бормасаммикан?

— Нима қиласиз бориб?

Комиссар унга тушунмадингизми, у менгаям-сизгаям яхшилик қилмоқчи-ку? — дегандай қаради. Бироқ шоир бефарқ эди. Комиссар тушунтиргиси келмади ё бундан сирдош чиқмас экан, деб ҳафсаласи пир бўлди шекилли:

— Энди-да, — деб қўяқолди.

**Кимгадир ёрилгиси келди бары бир.**

Этатларни кўндалангига кесиб одам излади. Бирор кўнгилга яқин олса бўладиган одамни. Ўтириб шеритим Кенжанинг бир дона «Астра»-сини алмашиб чекишиб ётсак, бизга рўбарў бўлди. Ердан олиб, ерга солиб тоза масхара қўйдик ўзиниям. Сизлардан одамгарчилик чиқмайди, биламан, деди. Одамгарчилик нима, эсон-омон қутулсангиз шунга хурсанд бўлинг, одамгарчиликни одамга қиласди-да, сизга қиласдими?

Ўзиям кулади. Одамгарчилик чиқмасаям ёмонлик чиқмаслигига қўзи етади. Қўрқмаса бўлади биздан. Кечаги синовли тундан ҳам оқ чиққанмиз. Юртошлар кечаси даладаги бир чайлада ўзимиз ош уюштирганмиз. Не гап бўлса ўша ерда гаплашиб, не улфатчилик бўлса ўша ерда қилганмиз.

Гуля деган пари хусусида ҳам бир-икки оғиз тўхталмасак бўлмас. Пари зоти-таги бирла Маҳмуд аканинг туманиданцир. Сочини ёши қизлар каби икки шоҳ қилиб юришни хуш кўрса керак, аксар ҳолларда шу алфоз кўрганмиз. Шунда у чинданам ёш қизлар мақомида бўладики, ажабланмай ва бўй етган, балки ўтиброқ бораётган қизнинг бу қадар яшариб кетганига ҳайратланасиз. Яна шуниси бор эдик, пари не кийим кийса ярашар эди. Аммо топ жинсида юрардики, бу уни тагинда чаққон кўрсатарди. Чуст дегани асли ўзи чаққон маъносида эмиш. Маҳмуд акамиз ҳам тоза чустийлигини ҳисобга олсак, булар обдон мос тушганлигига иқрор бўлар эдим.

Лекин...

Майли, «лекин» тўғрисида кейинроқ тўхталишни вайда қилиб парининг таърифида яна озроқ тўхталсалак.

Тезоброқ. Лаҳза ичиди тўрт-беш бўлмаса-да, икки хил кайфиятда кўрасиз. Жуда таъсиранувчан. Оғзингиздан чиқаётган гапда жузъий хатолик бўлса, майли-да, деб қўяқолмайди, дарров тўғирлаб қўяди, хоҳ хафа бўлинг, хафа бўлманг — фарқи йўқ. Ўзига-да сира сув юқтирумайди. Тағин спортчи. Уқувлигина спортчи. Инстиут кўл тўпи командасининг сардори. Жуда тез югуради. Оқкувадан келган, сочлари бир хил сариқ, аникроги гунгуртрангга мойил. Бизга ўҳшаган оғиркарвонроқ зотлар билан, табиийки, мижози батамом тескари. Йўлимиз кесишмаганиям маъқул дейман бундайлар билан, акс ҳолда бир эснаганинг учун ҳам кўп замонлар маломат эшитиб юрасан.

Майли энди, бу ёфи ортиқча гаплар.

Сиртдан қараганда тезоб, чаққон. Аммо шундайки, бир жозибаси борки, эркалагиси келади одамнинг. Туйкус қўлингизни тишилаб олишидан эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

Маҳмуд ака бир фаройиб зот, шунга етишмаса жони чиқиб кетади. Аммо ҳеч кашф этолмайди қизнинг феълини. Кейинги вақтларда

худди қиз томонга қалит топилгандай ўпмоқ чорасини ахтаради. Бундан ўзга йўл йўқ. Ўпсагина пари таслим бўлади. Хоҳлаган мақомига йўргалатади.

Лекин негадир, пари ратъ қилиб дeng, тағин Маҳмуд ақага юклатилган юмушни бажаришга чоёланиб, њеч иккисини баракка кетибди.

Бориб байроққа чора топибди десангиз. Учидан бир қисмини қайчида кесиб, қорайган жойини билинтирмай опташлабди. Қирқилган жойини бир энлик қайириб тикиб қўйибди. Яна баъзи чўф теккан, қорайган жойларига қизил лак сурибди.

Буни ҳандоқ тушунмоқ керак энди?

Маҳмуд акамнинг юраги орзиқди. Энтикиб кетди. Оёғи ерга тегиб-тегмай учиб юрди. Нихоят, мана, Жамолунгма чўққисини забт этишдек машаққатли юмушни адо этгандек ғолибона ҳаракатлар қиласади. Бефарқлар буни билмайдилар. Кўролмаслар куядилар. Улар орасини бузишга ҳаракат қиласадилар.

Акамиз учиб-кўнди, учиб-кўнди. Тиллари бийронлашди. Парига бир муддат яқинлашиб буқчайтан кўйи унинг паҳталарини тарозига злтди! Уку майли, дугоналарининг ҳам ҳосили хирмонга белогриқиз етадиган бўлиб қолди. Парининг ўн килоси ўн беш кило, ўн беш кило паҳтаси йигирма беш кило бўлиб ҳисобга ёзилаверди. Ҳар қалай, Комиссар ҳам бир кичкинароқ ҳукумат дeng, чоғлана берса бир хил ишлар қўлидан келади.

Аммо шу кунларният Худо «ҳукумат»га кўп кўрди. Иккови илгариям кўп гувоҳи бўлганимиздек, ошкора жиқиллашишди. Бу сафар Маҳмуд акаям бақира берди. Пари бўлса комиссарнинг нақ сочини юлиб ташлаёзди, важоҳати кучлик эди.

— Шуни билиб қўйинг, — деди пари. — Ҳар хил фисқ гапларни ишлатишдан кўра ўзингизни ўйланг. Лақмалигинги учун, ҳа, лақма комиссар бўлганинги учун охир замондаям Гуляни ўполмайсиз. Тошингизни теринг.

Шундан кейингина акамиз мутлақ таслим бўлди. Таслим бўлиш ҳам гапми, тоза шалвираб қолди.

Барбод бўлди ҳаммаси.

Тил қурсин, тил.

«Севиб хато қилдим, севгилим.

Ўлиб хато қилмасман», деб юборди.

Қизлардан бири етказган. Бу аниқ. Дилоромдан кўрди. Сўнг туриб-туриб унинг айтганига ишонгиси келмади. Ахир ўзи ақл ўргатди-ку, — деди. Бунинг тагига етаман, — деб ўйлади.

Лекин билганинг фойдаси йўқ энди.

Шаҳарда дарсхоналарга кириб, лексия тинглаб чиқиб, кутубхона, ётоқхоналарга шошиб юриб одам бир-бирини тузук синай олмайди, вақтнинг тифизлиги бир-бировини чуқурроқ тушиунишга мудом халал бераверади. Пахтада эса истасанг-истамасанг атроф-теваракдагилар ва сен бир хил одамга айланасан, аникроғи, вақтинча ҳамманинг қисмати бир хил бўлиб туради, фазилатингу қусурларингни ўзинг билиб-бilmай намоён этаверасан. Севсанг чинакамига севасан, севилсанг ҳам ростакамига севиласан. Боз устига, бошқаларни билмадим-у, бизнинг ҳамсабоқлар ҳарчанд тоза йигит-қизларлигича қолишиди. Буни камина овозни бир парда кўтарибон айтсан-да ярашади. Бошқаларда учраб тургувчи ахлоқий бузғунчиликлар биздаги қирқ уч нафар йигит-қиз ўргасида учрамади. Бўлиши мумкин эди, лекин Маҳмуд акага ўхшаган бир хил «ненормалний»лар бор эдикি, чаёндай тирмашиб сўроққа, терговга тутавериб, ёпишавериб гаранг қилиб юборарди.

Ўзи бўлса йиллар давомида бир қизнинг лабидан муччи ололмай армонда ўтди.

Йиллар бизнинг тасаввуrimiz ва ҳайратимизни висанд қилмай, яъни биз илғащимиз мумкин бўлган нарсаларни илғаб олишга ултурмай, шамолдай тез ўтдилар. Йиллар шунингдек, гўрликларимизни синдириди, тарашлади, қарорларимиз, аҳдларимизни-да ўзгартириди. Ўзимиз кутган ва кутилмаган ёқларга сочилиб, лекин аксарият ўзимиз кутмаган қизларга уйландик. Қизларники сал бошқачароқ. Мисол Маҳмуд акани кўпинча қармоғига илдираман деб юрган Мұхабbat деган опамиз ўттиз уч ёшида, яъни ўқиш тугагач салкам олти йилдан кейин эрга чиқибди, аммо дарров ўғил кўрибди. Дилором бўлса, чинданам велосипед тузатагётиб муччи олган, ўзидан икки ёш кичик йигитта турмушга чиқди. Бир этак бола туғди.

Гуля паримиз бўлса Шимолга, Корақалпоғистонлик бир банкда ишлайдиган йигитга хотин бўлди. Бир талай қиз туққанини эшигидик. Ҳайтовур бахтлидир-да десак, ажрашибди деган гап чиқди. Бу Маҳмуд аканинг дуои баъдидаандир деб ўйладик. Балки.

Йигитнинг гулини увол қилди-да ахир.

Дарвоқе, «Йигитнинг гули» ҳам, исмини эслаёлмайман, қўшининг қизини олди. Тўрт ўғил кўрди. Аммо ўша шашти, ўша файрати сўнмади. Янаям қизиги Гуляни ҳануз яхши кўради. Гап салтини у ёққа бурсанг энтикаберади, ўртана беради.

Қиссани ушбу нуқтада тутатиб қўяверсак ҳам ноинсофлик бўлмасди. Лекин баъзи жиҳатлар борки, уларни ақлдан фаромуш қилсак, қўнгилда хижиллик қолади.

Гарчанд ҳар куни кун бўйи белинг оғриб, қўлинг қавариб пахта термаган бўлсанг-да, қарийб уч ой далада сарғайиб юришинг ҳар қандай бардошли инсониям безиллатиб кўяди, учча-мунча нарсага, жумладан эгат оралашга ҳечам юрагинг бетламай қолади. Узлуксиз қорли, ёмғирли кунлар тақрорланадики, дунё қўзингга рутубатли кўринади. Фақат еб-ичиб, валақлашиб, кун бўйи китоб ўқиб ётганингда ҳам ўзгаришсиз қолаётган бу ҳаёт қалбингда узлуксиз норозилик уйғотиб боради. У ҳаётни одилона янгилаш чораси йўқ эди. Биз учун ҳам, бошқалар учун ҳам. Тобелик, иқрорликни ёқтиради дунё.

Уч кун, тўрт кунга рухсат сўраб кетганинг бироргаси уйидан қайтиб келмасди. Улар бориб оғирроқ касалга чалинишарди. Ишонмасангиз, шапалоқдек қоғозига термулиб иқор бўлардинтиз. Чин касаллар ва соҳта касаллар учинчи ойга бориб буткул теримчи-талабаларнинг барақасини учирди. Бирин-сирин баракдан кириб чиқувчилар сони нари борса ўн бештани ташкил этарди. Домлалар ҳам, тарозибон, кассир, ошпаз, командир, комиссар — барчаси суст, аксар хомуш юришарди.

Республика пахта режасини бажармаган эди.

Республикани ўйлаганлари учунмас, азбаройи бу бемаъни юришлар жонларига тегиб бўлгани учун шундок эдилар.

Марина, Гуля, бошқа шақилдоқ қизлар ҳам йўқ. На кулба, на далага файз киритиб турадиган бирор жон йўқ. Ҳамма кетмоқни истарди, холос.

Менинг сал-пал юрагимни илитиб турадиган биргина куч бор. Бу — Дилором. У жудаям иродали қиз. Эркак билан гаплашгандек ҳаётнинг кўп икир-чикирларини батафсил сўзлашсанг бўлади. Кўзларида ҳам нимадир чуқуроқ маънолар яширин, менда шу сирларни аёнлаштиришга қизиқиш бор эди. Аммо уни яхши кўриш мумкинмас. У эгали. У «ўпилган». Демак, кўнгли боғлиқ. Бирорвга таслим. Мен учун уни оғдиришга интилиш бефойда, мутлақо маънисиз иш.

Ўзи, Маҳмуд аканиям йўлидан адаштирган шу қиз-ку. Маҳмуд ака тимсолида биз ҳаммамиз журъатсиз эдик. Энг журъатли инсон Жалол эди. Жалол учун икки дунё бир қадам, худди шу туфайли унга ҳавас қилолмасдик. Боз устига мана шу журъатсизларнинг ҳаммаси ота-онасининг муштипар, йўталса қўлтиғига йўталадиган фарзандлари эди.

Марина кетди. Гуля кетди. Дилором кетдию, қайтиб келди.

— Аслида ҳаммаларингиз Маринани севасизлар, лекин бирортангиз унга тегишишга журъат қилолмайсизлар.

Бу Дилоромнинг тўғри гапи. Бироқ ҳамма тўғри гапни тўғри деб бўлармиди, мисол, Марина Маҳмуд ака ё менга хотин бўлармиди. Асло.

У ўзига ўхшаган чиройли, йўли, қўли очиқ бир йигитга мос. Ўшандаям унинг чин содиқ яшашига умид йўқ. Гапнинг индаллоси шу.

Лекин тағин бир ҳақиқат ҳам борки, Марина бирор шарт қўйиб, ўша шартда ғолиб чиққанга муччи бераман деса, кўпчилигимиз ўзимизни томдан ташлаб юборишга тайёр эдик. Қурмағурнинг бошқача латофати бор-да. Дилором бўлса, атайн одамнинг ичини куйдиргиси келади. Бир хаёл мен ҳам ўйлайман: Марина билан шунаقا опоқ-чапоқ бўлиб кетсамки, Дилором ичини уриб ётса, Марина бўлса қўярда-қўймай менинг кир-чирларимни ювиб ётса, кўчага отланар бўлсан қабатимга кириб билагимдан ушлаб эркаланиб юрса. Оҳ! Бунга Дилором ўлақолса ишонади. Ўзим ҳам ишонмайман.

Бироқ Николай Гогол узоқ замонлар «Ёшлик шунинг учун ҳам жозибалики, унинг келажаги бор» деб ёзган эди. Марина ва Дилором қарамади деб ўзимизни жувонмарг қилишимиз керакми. Ана, олдимизда гулдай келажак ястаниб ётибди. Биз ҳали бир инсон бўламиз, бир инсон бўламиз, кўролмай куядилар, кўролмаганларнинг кўзини ўямиз.

Нима дедингиз, Маҳмуд aka?

Маҳмуд aka мени ва шеригим Кенжани ўзига яқин олади. Пахтадан кейин сизлар икковларингникига бораман, дейди. Борса борар, пахта қачон тугайди, ҳай, деб юборсак, акам астойдил, опкетмасак бўлмайди. Ҳар ким ўзича шипиллаб уйига жўнаб қолгиси келади ўша кез. Кўнглингта сира меҳмон ботмайди. Буям энди уйига кета қолмайдими? Кенжа иккаلامизга шу гап оғир тушди.

Шаҳарнинг чеккароғида бир инжиқроқ ўрис чолникида ижарада турамиз. Борамиз, автобусдан тушамиз ва квартирага қараб гумдон бўламиз, комиссар уйимизни билмайди, табиий, қолиб кетади. Кетишдан анча бурун Кенжа билан шундай эзгу режа туздик.

Сирасини айтганда ўн беш-йигирма чоғли талаба кетганларнинг — сонда бору, саноқда йўқларнинг юклариниям автобусга ортиб боришта мажбурмиз, кўпчилиги қишлоқларига жуфтакни ростлашганки, шаҳарга етгач, уларнинг юкларини-да ётоқхонага ташиб тайин қилиб қўймоқ зарур.

Бу муаммо ҳам Маҳмуд ақадан қочиб қутулиш муаммосидан кам эмас. Ўша орзиқиб қутилган кунлар келди ҳам. Режадаги ишларни амалга оширдик ҳам, бироқ комиссардан қочиб қутулиб бўлмади. Табиийки, нафақат кўрпа-ёстиқлар, ўзимиз ҳам бир энлик кирга бурканганимиз. Сочларимиз ҳам ниҳоятда ўсганидан шох ва бутоқлар чи-

қарған, фақат баргламаган, холос. Шуларни саранжом қилиб эртага бирор автобус ё поездга осилиб кетармиз дея кечаси түшакка чўзи-лаётсак, комиссар бизни қочоқликда айблай-айблай эшиқдан кириб келиб турибди десандиз.

Худо ураман деса, шунақа усууллар билан ҳам уради одамни. Энди уч-тўрт кунлик таътил ҳам татимайдиган бўлди. Қоронги қишда олис тоғ йўлида меҳмон еталаб мошин кутиб умримиз ўтади энди.

Ва шундай бўлди ҳам.

Кенжা Нуротаниг Қоратов буржида, мен Оқтов буржида яшаймиз. Орамиз тикка кесиб чиқса етмиш-саксон чақирим чиқар. Катта йўл билан бир-биримизникига бориш шу қадар ўнғайсизки, эрталаб чиқсангиз тушдан сўнг Тошкентга етиб оласиз, бироқ Оқтovдан Қоратов буржига кечга довур етишингиз амри маҳол. Бунинг устига Тошкентдаги калиш бўйи қор бу ёқларда тиззадан ошар бўлиб ётибди.

Тағин гупиллаб уриб турибди. Шаҳардан поездда Самарқандгача бир оёқда қандоқ тик туриб кетган бўлсак, Самарқанддан туман марказигача ундан-да баттар аҳволда етдик. Нарёғи осонроқ кечди, яъни бизнигича йигирма икки чақирим йўлни поий-пиёда, қўнжли ва қўнжсиз туфлиларда дижираб босиб етиб олдик. Бизникоида икки кеча тунадик. Меҳмон бизниям, ўзиниям қийин аҳволга соглан эдики, шу аҳволда унинг қош-қовоғига қараб ўтириш обдон нашља қиласди одамга. Учинчи қуни қўзгалиб қайдасан, Қоратов, қайдасан Қўрғон, Қайдасан, Совуқбулоқ дея Кенжаникига йўналдик. Бизнинг совхоздан унинг совхозигача эллик чақирим келар, дам пиёда, дам йўл-йўлакай сал нарироқда юқ машиналарига тирмашиб ола-ола совхоз марказига етибмиз. Нарёғи қирқ беш чақирим яна йўл босмоқ керак. Кенжা бемалол сигарет тутата туриб айтдик, бу ёғига ўзи кўпинчя яёв кетамиз. Кун иссиғида бўлимнинг юқ мошини қатнаб тургич эди. Худо билсин, бу қорда юрмаётган бўлса керак. Секин ҳайдайберамиз энди.

Меҳмон бизникоида ёнбошлиб ётиб «тавба қилдим-ей, шу ерларда юриб Тошкентни қандай топиб олгансилар-ей, на йўл, на свет бор, қанақа ҳаёт бу?» дея ёзғирган эди. Мана, бизникоидан кўра чандон хуш манзилларни-да томоша қилаётir.

Ўттиз чақиримча йўл юрганимизда нақ дод солаёзди комиссар. Тун оғиб қолган эса-да, атроф ёп-ёруғ — кетаяпмиз меҳмонжонни етаклаб, қоши-қовоғига қараб. Йирик бир қир бор эдики, шундан оишак, нарёғи яқин қолади, аммо ундан ошиб ўтмоқлик ҳам гирт машаққатнинг ўзгинаси. Симиллаб кечки аёз қулоқларни қотириб, бурунларни чимчилаётir р.

Орқадан бир мошиннинг чироғи, сўнг гуриллаб ўзи кўринди. Биз чопиб орқага, сой бўйи — текисликка тушдик. Акс ҳолда олди ўрда машина тўхтаёлмайди, биз ҳам унга илашолмаймиз. Олти оёқли «Зил» мошин, барака топтур тўхтай қолди, чиқиб кўп юрмадик, ер қақшаб музлаб кетган экан, тиқилди-қолди. Бу шўринг қурғурлар шу қоронги изғирин қишида Жонбулоққа тўйга кетишаётган экан, ҳе бор бўлинглар, азаматлар, ана, зўр тўйнинг устидан чиқамиз, бориб тезакларда қизиб турган печлар атрофида би-ир меҳмон бўлишсин. Бизниям таклиф қилишяпти.

«Зил»ни қарийб қирнинг устигача итариб чиқдик, хайриятки, нарёғига, яъни энишга қараб итармасаям ўзи кетди. Шунда комиссар зўр фифон билан айтдики, афғон тупрогидаям бу азобни кўрмаган эдим, қалай гап, яшашми шуям? Яшаш-да. Яшаш бўлгандаям япяшаш, ака. Мана, минглаб одамлар минглаб гектар ерларда, яйловларда тоза майишиатни қилиб яшашётир.

Кенжанинг уйи тўйхонадан икки чақирим нарида. Кирмаймиз деб турдик, қарасак бўлмайди, қорин ҳам пиёзнинг лўсти бўлиб кетган, тағин ичимиға сал иссиқ кирар шўрва-пўрва ичиб олсан.

Кенжаникига етдик, донг қотиб ухлаб ётган экан бариси, икки қават кўрпани ёпиниб ечинмай ётдик, тушга довур ухлабмизки, туриб қарасак, новчароқ одамнинг белига келар қор ёғибди. Деразанинг ярмигача кўмиб келган.

Учинчи кун деганда Кенжанинг ён қўшнисиникига меҳмонга чиқа олдик, холос. Валломат киши экан, бир така сўйди, гўштни gox шўрва, gox кулчатой, gox қовурма қилиб бераверди, биз уриб туравердик. Ора-сира вино-лино деган нарсалардан ҳам татинган бўлдик. Аммо ул матоҳнинг заҳираси кўп эмас чоғи, тамшаниб қолавердик.

Қолган икки кунда ҳаво илиб берди. Қор гуртуклари анча пасая тушди. Бироқ совхоз томонга юрадиган, ярайдиган транспорт йўқ. Куёш ялтираб чиқсан кейинги олтинчи куни Нурота совхозига тескари томонга ошиб тушдик. Соядаги қорлар усти қотиб музлаб кетган, тойиниб, сирпаниб юрсанг бўлади, бироқ пишиқ гуртуклар ҳам борки, бир қадам силжишинг учун бир пуд қорни олдинга суришинг лозим. Нечакир, неча сойлардан ўтгач айтишидик, шу сойнинг адоги Нурота совхози. Сойнинг адогига келсак, ортимиздан иккита, учта-тўртта бўлиб одамлар келишаётир. Кенжа улар ҳам Тошкенттга кетадиган талабалар деб тушунтирди. Маҳмуд ака тант қотди. Мен тушунтирдим: қанча олимимиз, профессоримиз, ҳатто бир академигимиз ҳам бор, булар ўқииди, ишлайди, ҳамма сизга ўхшаб Гулянинг кетидан юрибдими бу дунёда?

**Олиша кетамиз.**

У айтди: оёғимнинг қон томирлари шишиди. Бир операция бўлганман. Ўлай агар, яна операция бўламан шекилли.

Мен айтдим: операция бўлсангиз бўларсиз, лекин ўлмайсиз. Ўлгиси келган одам афғонда тинчгина ўлиб кетарди буйтиб ҳаммани овора қилмай.

Сойнинг адоги Нурота совхози эканлиги чин экан. Ҳамма жонзот ғимирлаётир, товуқлар қақақлаётир, сигир кавш қайтаряпти, бузоқ шаталоқ отяпти, улоқ-қўзилар бир-бирини қувишяпти. Одамлар молларнинг тагини тозалаб нуриларни молхоналарнинг маҳсус тешикларидан ташқарига итқитишияпти. Ҳаммаёқдан ёқимли ҳовур кўтарилмоқда. Болалар бўлса, аллақачон ҳовури кўтарилган лойсувоқ деворларни миниб ўйнайди. Кимдир молини сувга ҳайдайди. Тип-тиниқ сой сувларидан-да ҳовур кўтарилаётир.

Бутимизгача жиққа ҳўл бўлгач, ниҳоят қишлоқ бошланишидаги тош йўлга чиқиб шимларимизнинг болоқлари, пайпоқларимизнинг сувларини тўқдик.

Деворга миниб олган болачалардан бири биз томонга қараб:

— Эй бола, кўтинг чала, — деди.

Мен ўқрайиб қарадим ҳалиги болага.

— Кимга айтяпсан?

— Анави, — деди Маҳмуд акани кўрсатиб.

— Менгами? — деди ўзининг кўкрагига нуқиб Маҳмуд ака.

— Ҳа, сенга, — деди болакай киприк қоқмай.

Маҳмуд ака пўписа билан унинг қошига борди.

— Нима дединг мани? — деди қарийб ўшқириб.

— Эй бола, кўтинг чала дедим, — деди ҳалиги бола ва тепа лабидан пастки лабигача ялтираб оқиб келган миширигини енги билан чўзма лағмон каби чўзиб артиб олди.

— Ана, холос, — деди комиссар тисланаркан. — Оббо, ярамас. Ўлганинг устига тепган, дегани шу-да. Ўзи миширигини йиғиштириб ололмайди-ю, шуям менинг устимдан кулади-я. Ярамассан, сан — билб қўй, дадангта шунақа де, хўпми? — дея у хоҳолаб кулиб юборди.

Болаям қиқир-қиқир кулди.

— Ҳазиллашдим, — деди қичқириб.

— Сизни фақат Гуля масхара қиласадими десам, шуларам биларкан кимлигингизни, — дедим комиссарга.

У келиб менинг бўйнимдан қайириб сиқа кетди.

— Бўпти, бўпти, — дедим. — Бу болага ҳозир чакана одаммас,

комиссар эканлигингизни тушунтириб қўяман. Кейин чала жойла-  
рингизни бетингизга солмайди.

Тоғликлар иссиқнам, совуқнам қўтара берадиган чидамли халқ, Манови болалар шу совуқдаки, бурнини тортиб қўйиб қўйлакчан юраве-  
раркан, ёзниң жазирамасида ҳам кетига яримта турсикни илиб олиб сой  
бўйларида олма, дўлана, зардоли, шафтоли, олча, беҳи еб қоп-қорайиб,  
ҳеч бир парвариш кўрмай чиникиб ўсаверади. Уста Худойимнинг ҳикма-  
тини қаранг: шаҳарда обдон қишикийимга ўралган болаларнинг боши  
тумовдан чиқмайди. Мана шу болалардан бирор ишни қўйналмай удда-  
лайдиган иродали олижаноб одамлар чиқади деса шубҳаланиб ўтируманг.  
Фаннинг кўп заҳматкашлари-да шулар орасида қийқириб юрибди ҳозир.

Маҳмуд ақам совуғу иссиқча, шароитнинг обдон ноболлигига бе-  
писанд одамларга, унданам қизиги Тошкенту азимнинг қайдалигини  
қўли билан ҳам кўрсатиб беролмайдиган қарийб ёввойи инсонлар эр-  
тага шаҳарга боргач, бемалол одамларга қўшилиб бинойидек тирикчи-  
лик қилиб кетаверишига ҳайрон. Ҳайратланди. Йўл-йўлакай шуларни  
лақиллаб кетди. Аммо бу йўллар шу қадар нобопки қиши-ку қиши экан,  
ёзда ҳам бирор транспортга илашолмай ё бўлмаса транспортни қутга-  
нинг кўйи сарғайиб қолиб кетаверасан. Ӯшанда ҳам худди шундай бўлди.  
Кутавердик. Қарасак, кечки салқин тушиб ер музлаётир. Не қилари-  
мизни билмадик. Маҳмуд ақам тоза безор бўлган экан, пиёда бўлсаям  
кетамиз Тошкентга деб туриб олди. Қайдасан Нурота дея узун-қисқа  
бўлиб йўлга пиёда отландик. Совуқ изиллаб ўтиб бораётир.

Қизилчанинг ярим йўлинни шу тахлит босиб ўтибмиз. Шом тушган-  
да ортимиздан бир самосвалбашара «Зил» машина этиб олди. Ҳай-ҳайлаб  
тўхтатиб олдик. Нуротагача етказиб қўйишга ҳарчанд ялиниб кўндиридик.  
Ҳаво очиқ. Осмон тиниқ. Юлдузлар чараклайди, жимиirlайди.

Ҳўл болоқларимиз, туфлилар, пайпоқлар тараша сингари қотиб  
қолди. Оёқларимиз, қўлларимиз усти очиқ машинада жонсиз, сезим-  
сиз бир аҳволга келди. Маҳмуд aka мен ўламан деб бўзлаб юборди.  
Машинани тўхтатиб уни бир амаллаб кабинага тиқдик. Амо у Нурота-  
га етганда ҳам оёғим бирорвоникуга ўхшаяпти деди. Кенжанинг олис-  
роқ қариндоши бор экан, ўн беш-йигирма чоғли талаба урсаям-сўксаям  
майли, дея уриб кириб бордик. Ҳайрият, қовоқ уймади. Иссиқ чойни  
ичиб музларимиз зригач, лоҳас бўлиб ухладик. Тарракдай қотибмиз.

Эртаси куни Навоийга қараб йўлга чиқишиди улар. Мен Қўшра-  
ботга қараб йўлга чиқдим. Аммо уч кун қолиб кетдим. Йўл очилма-  
ган, машина юрмаётган экан. Чашма ёнидаги кўримсиз меҳмонхо-

надан жой олиб кутиб ётавердим. Учинчи куни аллақаёқдан бир адаш-  
ган автобусча келиб қолди. Машина эгалари ароқ ичаётib гаплашиб  
үтирганида эшитиб билдимки, биз томонга кетмоқчи. Кетсанглар  
каминаниям ола кетинглар, дея илтимос қилдим. Ишимиз битса  
опкетамиз, кутиб ўтири, дейишиди. Ҳайтовур эртаси куни шулар би-  
лан Қўшработгача етиб олдим.

Келишганимиз бўйича ўн кун дарсдан прогул қилишимиз ке-  
рак. Менини нақ ўн беш кунга чўзилди. Пахтадан кетиб қолганлар  
уч кундан сўнг дарсга қатнай бошлаган, демак, улар оппоқ одам-  
лар, биз ўн беш нафар киши бир йўла ҳайдалишимизга бир баҳя  
қолди. Кўпчилик эканимиз фойда берди чоғи бир қошиқ қонимиз-  
дан кечиб, шахсий варақага ёзиб қўйиладиган энг қаттиқ хайфсан  
эълон қилинди ва рўйхатимиз факультетнинг энг кўринарлик дос-  
касига осиб қўйилди.

Марина яйраб-яшнаб юрибди.

Гулпари эгалик бўлибди. Бир хипчадан келган йигит келиб ҳар  
куни танаффусда уни бурчакка қисиб гаплашади. Маҳмуд aka пешо-  
наси шўр эканига иқкор бўлди. Аммо ҳар куни кўз-кўзга тушаверга-  
ниданми, унуголмади шекилли, туриб-туриб тентакларча ҳайқириб  
қолардики, бунга чора йўқ эди.

У ҳамон ўзини айбдор деб билади. Қизнинг нозик жиҳатларини  
билмас эканман, дея пейтонасига уради. Белки тағин ўпич олмоқ ма-  
саласи уни қийнаётгандир.

Журъатсизлик курсин.

Дилором барибир тўғри айтган экан ўшанда.

Нечови қиз, нечови ўғил эканини билмадим-у, бироқ тўрт фар-  
занд кўрганини эшигдим Гулянинг. Дилором бўлса тўрт ўғил кўриб-  
ди. Бирор беш йилдан бери сира ҳабарини эшигмадим. Эҳтимол қиши-  
логида бир этак бола билан овораси чиқиб юргандир. Энди у мени  
айбламасаям керак. Чунки Худо баҳтдан қисмади каминаниям. Ўз на-  
вбатида камина ҳам ўринсиз ўқинишдан ўзимни тияман. Демак, биз-  
нинг тарихимиз оғир кечмапти.

Маҳмуд aka бўлса...

Уят ҳам яхши гап баъзан.

Ўғли шифт бўйи бўлган. Ҳовлиқиб келиб қолади-да, йигирма  
йиллик тарихни қайта қўзғайди. Аммо ҳеч унуголмаяпман, дейди. Ўша  
ёқларга хизмат сафарига жўнатсайди, деб ер муштлаб юборади. Тайёр  
баҳона бўларди. Есенин айтганидек «ўта туриб боққим келди дарчанг-  
дан холос» дея уйига мўралардим.

**Ҳа, ажойиб шеър.**

«Зор эмасман сенга, фақат бу оқшом бехос,  
Ўтатуриб боққим келди, дарчангдан холос».

«Зор эмас»-у, ошиқ-да шоир. Шуни ўзи айтиб қўяётир.

Маҳмуд ака бир куни чунонам тўс-тўполон кутариб келди. Гуля ажраб кепти эридан дея эшитибди. Дўстлари билан чойхонада улфатчилик қиласётган экан, маст-аласт ҳолатда дўстларининг қуршовидан ситилиб чиқиб кўчадан такси тутибди, парининг қишлоғига, уйигаям борибди. Дарвозани бўкирганча тақиллатаверибди, тепибди, муштлабди. Бахтига ҳеч ким чиқмабди. Ярим тунда балки қўрқишгандир. Мен аҳмоқ, мен тентак дея бошини чангллайди «комискар», чиқиб қолса нима дер эдим. Бу ишим нотўғри-да, тўғрими?

— Тўғри - нотўғрилигини ўйлаясизми? — дедим. — Эстафетани ўғлингизга беринг энди.

— Оббо ярамас, аммо Гуляга уйлансан керак энди. Кўнглим сезиб турибди аммо. Ишонмасангиз ишонманг, лекин, мана кўрасиз.

Эҳтимол, уни ҳануз шаштидан қайтариб бўлмас. Балки кўп гавғоларни ўзига сотиб олар-да, бошқача ҳаёт бошлар, масалан Гуляга тўрт боласи билан уйланиб олар.

Сочининг қулоқ атрофи ҳудуди аллақачон оқара бошлаган. Маҳмуд Петрович деганимиз шунақа одам. Ҳамон унинг ҳис-ҳаяжони ўлмаган, демак, болалиги уни ташлаб кетмаганига ишониб қоламан — шундай кезларда. Баъзан эса бесабр, тормози ишламайди дея ўйлайман.

Кўз олдимдан Сирдарё чўллари ўтаверади, баъзи нарсалар жонланаверади, ҳамма тинчиди кетди. Ҳеч кимнинг, ҳеч қайсисининг уни ҳам чиқмайди.

Ўша шабадаларни кўзғатиб Маҳмуд ака юрибди. Ҳануз комискар. Ҳануз бизни йўлга солмоқ бўлади. Бироқ ўзи... хол қўяди.

Яқин орада курсдошларни ўзининг тўйига айтиб қолмаса-ку деб ҳам қўяман.

Ўшанда мен Шоирни, яна талай серзавқ дўстларни кўргим кела-ди. Ва албатта чечилиб ўтирганда ёруғ дунёning яккаш сулуви — Марина ҳақида гап очилади.

Тонг отиб кетади ўшанда.

...Болаликнинг, талабаликнинг бир шамчироғини ёқиб қўйгим келган эди, зериктириб юборган бўлсам маъзур тутинг, азиз ўқувчим. Аммо кўнгилда ҳали анча-мунча қизиқ гаплар қолди.Худо кўриштирса...Қолгани кейинги сафар...

## ШАФФОФ МАНЗИЛ

*Сен томонга ўзингдан бошқа ким йўл кўрсатади,  
Бекик йўлни ўзингдан бошқа ким очади?  
Хофиз Таниш Бухорий*

*Энг ашаддий душманинг – ўзинг.  
Халиқ ҳикмати*

## КУНДАЛИКДАН. ВОҚЕА

«Шаҳарнинг Машраб кўчасида ўн икки йилдан бери яшайман. Бир ҳисобдан кечки бўлимда ўқиганим ҳам маъкул бўлган экан. Негаки, ўртоқларимдан қанчаси етти-саккиз йиллаб, баъзилари ўн йиллаб уй олишолмади. Нолимайман – уйим бор. Демак, энди гирт шаҳарликман. Туғилиб ўсган қишлоғимни ҳам соғинаман, бироқ ишлар кўплигидан унисини тугатиб олай-бунисини тугатиб олай, деб юравераркансан одам. Хотинимдан эса кўнглим тўқ. Доим ичимдагини сезиб, шунга қараб муомала қиласди. Шу туфайли ҳам уни ҳурмат қиласдим. Лекин уйланишимда онам норози бўлган. Қишлоқда қанча қиз турибди-ю, келиб-келиб... шунга уйланасанми, деб. Бу гаплардан бўлажак келин – Фотиманинг ҳам хабари бор эди. Аммо биз батзан китоблардаги қаҳрамонларга ўхшаб бир-биirimizsiz турмуш кечиришини тасаввур қиласдик. Охири оёқ тираб туриб олганимдан кейин онам ҳам рози бўлди. Мана икки фарзандимиз ҳам бор. Улар – Руфат ва Ринатни ҳам олиб, апрелнинг охирги куни қишлоққа борадиган бўлдик. «Москвич» олганимгаям бир ой бўлиб қолди. (Машинамни сотиб олишга қайнотам ёрдам берди. Камига Фотима иккаламиз маошимиздан ортирганимизни қўшлик. Ростини айтсам, машинага унчайм қизиқмасдим-у, хотиним кўймади). Жўнаётганимизда дўстим Раҳматиллага юр-юр қилдик. Уям маъли, қишлоғингни бир кўриб келарканман-да,

деб чөглана қолди. «Қишлоқдан шева йигиб келамиз» деди у катта йўлда кетаётганимизда. Дарвоқе, иккаламиэнинг илмий ишимиш ҳам диалектологиядан».

## ЧЕКИНИШ. ЯНА КУНДАЛИКДАН

«Катта энам мен аспирантурага кирганимдан сўнг икки кун ўтиб қазо қилди. Аза куни қаторда таёқ ушлаб турдим, товуш чиқардим-у, кўзим ёшлинимади. Фақат маййитни тобутга солаётгандарида онам, янгаларим ва холаларим энам уларнинг жонларини ҳам олиб кетаётгандай чинқириб йиглаганлари, қариндошларимнинг эса йиглай-йиглай тобутнинг устидан «ҳалол пулим» деб исқот сочганларида баттар эзиlldим. Бирдан энам бундан икки ой бурун бетоб ётганида: «Болам, бу келганингда ё борман, ё йўқ», деб қасавасининг бир четидан пенсия пулини чиқариб узатгани эсимга тушди. Шунда бурним ачишиб, кўнглим юмшаб, бирдан... ёш боладай хўнграб йиглайвердим. Аммо елкамдан тоғ афдарилгандек анча енгил тортиб қолдим. Ҳатто терлаб кетдим. Бурнимдан сувим, кўзимдан ёшим шўргалаб қабристонгача шу алпозда қоқиниб-суриниб бордим, тобутга елка талашаётгандардан кимдир мени суяб олди. Шуларни эсласам, асли кўнглим бўш эканлиги, ҳали тош бўлмаганини ҳис қиласман. Кейинчалик шу маросимда кўрганларимни ўйлайнериб, ўзимча ҳаётнинг яккаш қонунини кашф қилгандим: инсон боласи ким бўлмасин, ми-яси қанчалик зўр ишламасин, бари бир у инсон бўлгани учун битта йўлдан кетиши — қалбга интилиши керак. Ҳаётнинг чин моҳияти шундай бўлиши керак. Ҳали бора-бора одамлар шунга мажбур бўлишади. «Тобора кичрайиб бораёттган шу заминла» яшарканлар, ҳеч иложлари йўқ бусиз. Эзгу ҳисли қалбларга интилмаслик мумкин эмас. Афсус, афсуски, инсон шунга мажбур бўлган замонда ҳалокат ёқасига бориб қолган бўлади. Қизиқ, одамлар бундай ҳолда ўзларига кимни бошлиқ қилиб сайларканлар? Кимни? Ўзимча бунинг ҳам жавобини топаман: Ер юзининг энг зўр шоирини! (Қачон одамлар шоирни ўзлари учун йўлбошчи қилиб кўтаришган, дегувчи одам йўқ!) Ахир, ишонинг, одамзод техникани ривожлантириб охири чарчайди, бир-бирини тушунмасликдан чарчайди. Сўнг улар шоир, яъни шоҳ ҳузурига шеър тинглашга борадилар. Ўзлари-да шеър битмоққа ҳаракат қиласидилар. Сўнгра, куй, кўшиқ... дунё бўйлаб бир-бирини тушуниш, меҳрибончилик иши! О, менинг учқур хаёлим! Биз ҳам ўша замонларга ета оламизми?.. Йў-ўқ, биз анча берида қоламиз. Бир неча насл қабат

берида. Демак, биз — ўша замонларнинг қурбонлари, инсоният тарақ-қиёт арқонининг ушбу босқичида узилган иплари бўламиз. Чунки биз юракни занглатиб қўйдик. Одам учун йиғламаймиз, аксинча, йиғланларнинг йўқлов сўзларидан ёзиб оламиз, таъзим қиласми...»

## РОВИЙ

Ушбу парча кундаликнинг, илмиёна айтганда, кульминацион нуқтаси эди. Дастребки парчаларни муаллифнинг ўзи менга кўрсатган. Кейинги, ҳозир сиз танишаётган нусхасини эса хотини — Фотима келтириб берган. Бундан мақсади эрининг дардига малҳам излаб, мендан маслаҳат сўраш эди. Дафтарнинг анчагина қисми муаллиф, яъни Хотамнинг Яшин деган шоир дўсти билан хаёлий сұхбатлари, юракёрагида нолаларидан иборат эди. Бу хуфёна муносабатларни ошкор этиш менга виждонисизлик бўлар эди. Биз ундаи гапларни замонавий ва маданиятли тиъда «қалтис» деймиз. Касаллигимиз қўйнаб, иситмамиз тошганида ҳам «бу енгил дард» деяверамиз. Шунга кўникканмиз. Хотамнинг касаллиги ҳамма бизга ўхаш кишиларда (кўпроқ илм аҳлида демоқчиман) учрайди. Аммо уники оғирроқ. У ўлим билан баҳсласиб ўтирамайди, тикка боради. Аммо минг бир таассуф билан мен бу дафтар муаллифининг шу осмон остида, шу замин устида, сизу биз билан қўшилиб нафас олаётганига ишонмаслитимни айтиб қўйишм керак. Ҳам кескин, ҳам юмшоқ қилиб айтсам, фикримча, «ғам тўла руҳининг лочини тан қафасидан парвоз қилган». Ҳар ҳолда шахсан менинг холосам шу. Сиз қандай фикр айтасиз? Ушбуни ўқиб ўзингиз бир қарорга келарсиз. Охирида камина — муҳаррирнинг устидан ҳукм юргизсангиз ҳам майли.

## КУНДАЛИКДАН

• «Олдинига буни мақола қилиб, редакцияга олиб боргандим. Муҳаррир бирлас ўйлаб турди-да, «ҳикоябоп мавзу экан» деди.

Шу гапга кўра мен уни қайта ишлаб «ҳикоя» деб қўйдим ва ўзим насрый асарларнинг мунқару накири деб ўйлайдиган кишига элтиб бердим.

— Ие, тилчилар ҳам ёзувчи бўлиб қолишибдими? — дея кулди у. Ёзганимни ўқиб кўргач эса:

— Адабиётда анча таноби тортилган мавзу-ку бу, — деди. Яна қўшиб қўйди: — Бошқа эпопеялардан йўқми? Ўқиб кўриб танлардик.

— У менинг танишим, ҳам құшним эди, шунинг учун бўлса керак, хафа қилгиси келмади.

— Йўқ, — дедим чўрт кесиб. — Бошқа асар ёзмасам ҳам керак. Бироқ мен шу ҳикоянинг чиқишини жудаям истайман. Яна билмоқчиманки, менга ўхшаб ўйладиганлар ҳам борми ўзи бу дунёда, ё?.. Бир улуғ ёзувчининг ҳам гапи бор-ку, нима дейди: «Юрак сўзлаб турса, нечун жим турай?!» дейдими. Умуман, энди мен ҳам шунга ўхшашроқ қилиб ёзиб келган эдим-да. Сиз ўзингиз мендан кўра яхши тушунасиз-ку, ёзувчи одам. Ўқи-иб, бир маслаҳат берармикансиз, дегандим. Балки мендан ўлгандаям ёзувчи чиқмас..

Муҳаррир бир қарорга келолмай ўйланиб қолди.

— Агар хоҳласангиз кундалигимдан кўчирмалар келтириб бераман. Балки шундан парчалар тарзида берарсиз. Маъқул бўлса. Бор-ку шунақа асарлар.

— Борлигини биламиз. Лекин, дўстим, бизга омма учун ёзилгани аниқ кўриниб турган асарлар керак. Бу ерда жаргон, шева, касбингизга оид сўзлар тиқилиб ётиби-ку. Энди-и, тилчиман-ку деб қўшавераркан-да ҳаммасини. Шуларни бир бошдан гуручининг курмагилай териб ташлаш керак эди. Иккинчидан, унча йиглоқи ҳам бўлмасин. Ўқувчиларимиз ҳозир йигламасликни, бардам бўлишни, ишонишни истайдилар. Хўп десантгиз, шу гаплар, дўстим.

Мен бу шартга кўндим. Начора, аввалдан ҳикоя ёзиб юрган бўлмасам. Ёзувчи одам билади-да ҳартугул.

## КУНДАЛИК БОШИДАГИ ВОҚЕАНИНГ ДАВОМИ

... Атроф гуллаб ётиби. Бу трассадан биринчи марта машина бошқариб кетаётганим қандайdir хуш ёқарди ўзимга. Шу кетишпимиз бўлса, пешинга етиб боришимиз мумкин эди. Чамам ногўри чиқмади.

Кишилогимизда уйларнинг бариси деярли девор-дармиёнсиз – ҳар тарафи очиқ бўлади. Машинани қиядан ҳайдаб чиқиб, тўппа-тўғри эшигимизга қараб бурдим. Эшикка нақ тақаб тўхтатдим. Синглим ва акамнинг болалари бизни кўриб қувонганиларидан қичқириб қулишарди. Онам «оч-оч»лаб бақира бошлади. Кейин машинани орқага тислантириб қўйдим. Онам эшикни очасолиб, соғинчини ҳеч яширмай мен томон келаверди.

— Дарду балогинанг урсин-эй, болам. Келадиган кунларинг ҳам бор экан-ку. Йўл қараганимизгаям уч кун бўлди-я. Потмажон, яхши келдингларма?

Атрофимизни бола-бақра ўраб олди. Улардан бири кичик ўслим – Руфатни кўтариб олди. Ринатни онам кўтариб ўпди. Хотиним ҳам онам билан яхшигина, худди қишлоқ аёлларидаи, бағрини бериб кўришди. Хотиним қишлоқча сўзлашга тиришар, бундан унинг менга ва онамга ҳам қандайдир хурматини сезардим.

— Хотамжон, аввалги тентаклигинг қолмабди ҳалиям-а! Мен сизларди ўлиб соғиниб ўтирасам-у, сен бўлсанг уйдан чиқармай қўяй дединг. Бу мошин жўрангникима?

— Ўзимизники, — деди Фотима мендан аввалроқ. — Тўлка яқинда сотиб олдик. Энди ҳар доим машинада келаверамиз.

— Э, чиниминамма? Кулли бўлсин. Айланайин-эй. Айтмайслиларда шуйтиб, фарзандлари мошин олади, оналари билмай юради бу замонда. Бир эшгирайин дегансан-да.

Гўё бу гапларнинг ўзи учун унча аҳамияти йўқдай, яна невараларига овуниб кетди.

— Болларинг ҳеч сенга ўхшамайди-я. Мунча тортичоқ. Икковиям онасига тортганми? Айланай, кўзи кўк небараларимдан..

Укаларим ва сингилларим билан бирма-бир кўришарканман, «Аясига тортган-да», дедим. Акамнинг ўғиллари мендан алланечук ҳайикандай ёки ҳадиксирагандай кўришаётганини сездим. Улар иссиқ тупроқда ерда ялангоёқ ўйнаб юришарди.

Худди шу ерларда, худди шуларга ўхшаб бир вақтлар мен ҳам ўйнаб юрганман ва келажак ҳақида, айни ҳозирги кўринишим ҳақида тасаввур ҳам қиломаганман. Бу болалар ҳам бир замонлар улғайишгач, менга ўхшаб қолишлигини хаёлларига келтиришлари қийин. Бир қарашда бунинг эътиборли жойи йўқдай, лекин уларнинг кимларга ўхшашни орзу қилишлари муҳим эмасми? Мен улардан сал каттароқ чоғимда қилилоққа машина миниб келишни ният Қўлгандим-ку. Мана, қанча йиллар ўтиб бу ҳавас амалга ошиди. Лекин мен ҳозир сира ҳам ялангоёқ бўлиб, шу ерда бола бўлиб ўтириш имконига эга эмасман. Бу орзу ҳам эмас, мабодо, орзу бўлганда ҳам бошқа орзулар ерники, буниси осмонники бўларди.

Раҳматилла улар билан қуюкроқ сўрашарди. Чўнтағидан ҳар бирига биттадан сақич улаша бошлаганида бу нарса менинг хаёлимга келмаганидан хижолат бўлдим. Аммо Фотима ҳушёр экан, у сумкасида турли хил кўзни кувонтирадиган ўйинчоқлар, значоклар олиб келибди.

— Олдин уйга киринглар, совға-саломларинг мендан ортса, кейин тарқатасан, — деб ҳазиллашди онам. Уйга киргач, тағин ҳадеб мен билан сўрашаверди: «Машинангни қанчага олдинг?», «Кандидат

бўламан девдинг, бўлдингма?», «Домлангни опкемоқчийдинг, нега опкемадинг?», «Фалончи-фалончиларниям қўриб турасанми?..»

Онам нимагадир бу гал ҳар сафар тўшайдиган эски кўрпачани тагимга ташлашни унугти. Эҳтимол, унумагандир-у, дўстимнинг олдила ундаи қилгиси келмагандир. Аммо девордаги газета ва журналлардан қирқиб олиб ёпиширилган расмларни ҳам бугун кўрмадим. Укаларим қириб-қиртишлаб олиб ташлашибди. Мен учун бир азиз нарса йўқдай эди.

— Яхшиям домлангни опкемаганинг, — деди онам бир оздан сўнг, чой дамлаб келгач. — Маъмура холангни бериб қўйдик. Домилланг келса кўнгли бузилиб...

Мен довдираб қолдим, ҳеч эслаёлмадим:

- Ким у Маъмура хола?
- Қирдаги Тошбой тогангнинг энаси-чи?
- Тошбой тоганинг энаси-и?
- Вой Худо, ҳали танимасанг эди?..
- Эслаёлмаялман, ростдан. Қанақа?.. Семи-из аёлмиди?

Семизамасийди унча. Икки қошини қўшиб турадиган майна холи бориди. Шўх, шарақлаган камлирийди. Катта, мис сирғаси бор...

Анграйганимни кўриб, онам хафа бўлгандай туюлди.

— Ҳали қариндошингни ҳам билмасанг эди сен. Ана қизиқ. Тавзияда сени холамлаб йиғлади, деб ўтирасак, ҳали шаҳарлик бўлгандан кейин шуйтасилар экан-да. Бориб-бориб бизларниям эсдан чиқарип юборарсизлар-ов. Э, айтмоқчи, бизларга бориш лозимат, болам.

— Ҳа, бечора-ей... — дейман, барибир эслай олмайман, лекин ўзимни ачингандай қўрсатаман.

Биз бир вақтлар ўша ерда — қирдаги овулда яшаганмиз. Қариндошларимизнинг кўпчилиги ҳам ўша ерда. Ҳаммасини биламан, аммо Маъмура хола... Тавба, Тошбой тоганинг энаси бормиди ўзи?

— Бошқа вақтда ўлса бўлмасмикан? — дедим охири.

Онам кўнгилчанлик билан кулди:

— Жўрангниям товга ияртиб чиқиб томоша қилардинглар. Холангни эртага абитдан кейин чиқаришармиш. Бугун борсак, яхши бўларди, менам чошгоҳга бораман девдим, хаёлимда сен келаётгандай бўлавердинг, бир эгарланган отда келяяпсан-а, болам. Олдинга бир узун оёқли қуш. Лайлакми?.. Бугун бориб келсанг, маёпкаларингни эртага қилаверасилар, нима дединг?

Мен унча парво қилмай гапириб юборган эканман: онамнинг ҳатто маёвкамизни ҳам эсидан чиқармай ўтирганига кулдим. Лекин

иچ-ичимдан алам қиласы: нима учун танимадым? Қайси холам? Нашотки шүнчалик миям суюлиб, хотираң сўниб кетгандар бўлса? Шу билан бирга Раҳматилладан ҳам уялардим: у нима деб ўйладиди?

— Ҳа, энди эслаяпман, — дедим бир оздан кейин. — Биз кўп вақтлардан бери борди-келди қўлмай қўйғандик, шекилли. Тўй-маъракаларга умуман келишмайди-ку улар. Ё келишадими?

— Келишарди, — зътиroz билдири онам. — Ўзи озмунча шол бўлиб ётмади-да, холанг. Тошбой тоғанг ҳалиям келиб туради. Кичигини биласан. Зарбувига ўйланган.

Тошбой тоғани танийман, ўрта бўй, бардам одам. Дўхтир бўлиб ишлайди. Укасини ҳам эсладим. Сал жанжалкашроқ эди. Кулгим келди: у сигирнинг жунидан ясалган тўп билан футбол ўйнаганимизда доим фирромкашлик қиласы. Дарвозасидан тўп ўтиб кетса, шундай асабий ўйнай бошлардики, яланг оёқларига кирган тиканларгаям, оёғининг қонаганигаям қарамасди.

— Жуда қизиқ бола эди, — дедим. — Э, қишлоқдан чиқиб кетганимизгаям йигирма йилча бўлибди. Қурилиш, армия, ўқиш, кейин яна иш. Мактабни тутатгандан бери қишлоққа жуда кам келамиз, ахир.

Хотиним гапимни тасдиқлади.

— Биз шунга маҳкум авлодмиз шекилли, — деди Раҳматулла. — Унутиш, шон-шуҳратта мойил.

Аммо бу қадар жиддий гапириш ҳозир ноқулай эканини сезиб:

— Таъзияга бориб келайлик, бўлмасам, — деди бирдан. — Ҳадемай кун ҳам кеч бўлиб қолади, ахир.

— Эртага борарсизлар балким. Ё?.. — Онам бизнинг кўнглигимизни билмоқчи бўлди. — Бизлар борсак, сизлар ўтиранглар ҳам бўлади. Ақангминан отанг ўша ёқда-ку?

— Бориб келамиз, — дедим, — Раҳматилляям боради, Фотимаям. Болларга Анора қараб туради.

— Бугун бормасак, эртага ноқулай, — деди Раҳматилла ҳам. — Таъзияга борсанг-у, ҳам тоққа чиқсан... Тўғри келмас.

## МУНОСАБАТ

Шу ерларини ўқиб, Хотам ҳикоя ёзишга чинақам жазм қилганини сездим. Бари бир илгари фақат ўқиб юрган одам китобийлиқдан қочиб қутулиши қийин-да, унда менга ва сизга — ўқувчига қандайдир тушунтиришга, ён-атрофни барча тафсилотлари билан изоҳлашга

мойиллик бор эди. Мен бундай жумлаларнинг баъзиларини ўчириб – «тахрир қаламини юргизиб» чиқдим. Бунда, албатта... кўпроқ Сизни ўйладим. Мен бари бир Ҳотамнинг мақсадга аниқ интилишини кутлагим келарди. Унинг жонига суюқасд қилиши ҳақида эмас, айнан ҳаётга ташналиги ҳақида ўйлагим келарди...

## ЯНА КУНДАЛИКДАН. РОВИЙ – ҚАҲРАМОН

«Таъзияхонада ўзим куттандек, қўшлоқ аҳли, қариндошлар – ҳамма йигларди. Машинани олисроққа қўйиб, қатор турган кишилар томон юрдик. Фотима онам билан бўлди. Йиглаёттанилар ичидаги отам ва акаларимнинг овозлари баландроқ эштиларди. Бу овозлар менинг юрагимга қанчалар яқин, бошқа таъзияларда ҳам шундай, товушини баланд қўйиб йиглардилар. Ҳозир бизни кўриб улар янада қаттикроқ йўқлай бошлашди. Мен ҳам, гарчи холамни тўла тасаввур эта олмасам-да, одамларнинг кўзи учун йиглағим келарди. Нарёқда аёлларнинг, бу ёқда эркакларнинг аянчли аюҳанносини эштишиб, юрагим эзилиб кетди. «Холам-ўв» деб юбордим бирдан. Менга қўшилиб Раҳматилла ҳам товуш чиқарди. Мен тик турган одамларнинг чидаб бўлмас мусибат оҳангидаги йиглашаёттани учун ҳам уларга қўшилиб йиглаб юборгандим. Чунки ҳеч тоқат қилиш мумкин эмасди. Дастёр болалардан биттаси менга ва жўрамга толнинг янгигина кесилган таёғидан келтириб берди. Уларнинг биргага баралла йўқлашларида ўзимга ҳам қандайдир меҳр сезгаңдим. Мен энди одамларга қўшилиб йиглардим. Эҳтимол, шу меҳрни сезганим туфайли ўзимни қўйиб юборгандирман. Бир оз вақт ўттач, Асад деган ўқитувчим мени ичкарига бошлади.

— Бир қоринни қовзантириб олинглар, кейин... — деди у.

Ичкарида шўрува сузуб келишди. Ҳовлида садр тушиб йиглаётган аёлларнинг ниҳоятда аянчли товушига эътибор бермасликка ҳаракат қиляпман. Деворга ранг бўёқда чизилган гулдор ҳашамга термуланман. Унча яхши чизилмаган бўлса ҳам қандайдир мен учун яқин, болалик ҳисларимни қўзғатиб юборганди. Тепада эса бир аёлнинг портрети, пастроқда ўша аёлнинг бир бола билан тушган расми бор. Ҳолам, дедим, бошқа ҳеч киммас, кўнглим сезди. Мен шунда уни аникроқ эслашга уриниб кўрдим.

Онам айттани – унинг менга «айриплонлар» ясаб бергани, мўлтони чолга холамнинг эски тангаларини берганимни сал-пал эслагандай бўлдим. У вақтда бу ўйлар икки хона, бир даҳлизлик, даҳлиз ўртада жойлашган, икки уйгаям шу орқали кириларди, чамамда. Ҳозир бутунлай ўзгариб кетгандай: ҳовли кенг, шифер, ойнаванд айвон. Шифтнинг

пастроқ қисмидә катта таҳта деворга қозиқлар билан маҳкамланган бўлиб, устида коса, тарелка, чойнаклар ҳийла чанг босиб ётибди. Ҳа, ҳа, энди эсимга тушди-ёв: Маъмура холам худди ўша ердаги тарелкалардан бирининг ичидан бир неча эски йилда чиқсан танталарни олиб берган, мен эса уни серсоқол мўлтонининг қўлига бергандим. Мўлтони нимадир деб омин қилган, шунда холам менга «Сен ҳам омин қил», деган. Ўшанда неча яшар эканман-а? Мунчоқ, танга, ниҳоят, холамнинг оппоқ қасавасини эсладим. Жуда катта қасава боғлар эдилар. Ҳа, мана, ўша қасава. Мана бу расидаги. Холамга жуда яратниб турибди. Икки қошини қўшиб турувчи майна холи бор-а. Мана, қандай ярашиб турибди. Энди холамнинг овозини эслашга уриндим. Аввал мана шундай рухсорли аёлга қандай овоз ярашади, деб ўйладим. Бир оз дағалроқ, лекин меҳрибон овоз ярашади. Онам кейинчалик ҳам айтib юарди, қишлоқ аёлларидан бири менинг гулдор иштонимни ечиб қўйиб юборар, чивиқ билан у ер-бу еримга жазиллатиб ураверар экан. Ўша аёл Маъмура хола эмасмикан? Бир қараща мен Маъмура холани кейин ҳам кўп учраттандай, кўп марталаб ҳангомалашгандай бўлавердим. Сархуш бўлаётган одамдай ўз-ўзимдан ҳаяжонландим – холамнинг овози, ҳаракати, кийимларини ҳаётда кўргандай тасаввур қилдим. Мана бу уйнинг ортида, агар адашмасам, катта лойҳандак бўларди. Шу ерда холамнинг катта ўғли лой қорар, сўнг ҳамсоялари ҳашарга келиб, шу уйнинг устини сувашарди. Лекин улар тоғамизни дангаса дейишарди. У вақтларда «дангаса» деган сўз жуда ёмон туюлармиди, билмадим, одамларнинг кўп бора бақириб сўкинишларини эслайман. Тоғамизнинг сарғини шляпаси бўларди. Менимча, ўша пайтларда фақат ўқиган кишиларгина шляпа киярдилар. Шунинг учун бўлса керак, одамлар «шляпа қутлуг бўлсин» қилардилар. Эркак бажарадиган ишнинг бариси Тошбой тоғанинг бўйнида эди шекилли, у киши эса доим укаси билан уришарди. Укаси акам билан бир синфда ўқиган. Болалигим ва Тошбой тоғани уйғунлаштириб ўйланганимда у кишининг сариқ шляпаси, тиззагача ботиб лой қориб тургани эсимга келаверади. У киши ҳам меҳрибон одам. Онам баъзида унга «қизли бўлсанг, шу ўғлимга берасан» дея ҳазиллашаркан мени кўрсатиб. Шунда Тошбой тоғам бағри кенг одамлардай «эҳ-ҳе-ҳе» деб кулар ва: «Куёв, ҳе-ҳе-ҳе, бизнинг күёв», деркан. Мен уларнинг алқашаёттанини фаҳмлардим ва онам, «Қайнота деб айт бу одамни», деса баралла «қайнота-а!» деб бақирикранман. Улар қотиб-қотиб кулишар, Тошбой тоғам ҳали уйланмагани учунми, қизариб кетаркан, бўлди энди, дер экан. Мен эса уларнинг кулганига нашъа қилиб такрор-такрор бақираверарканман: «Қайното-ов, қайното-о-ов!»

Кейин (балки тўрт-беш яшарлар бўлиб қолгандирман) Тошибой тоға, уялганидан, менга бошқа бундай дема, кел, бир қўшиқ ўргатаман, деган эдилар. У қўшиқ содда эди:

*Рит-та-там, рит-та-там,*

*Ўрис менинг қайнотам.*

Бошқасини билмайман. Чунки фақат шу ерини ёдлаш ҳам, айтиш ҳам жуда осон эди-да. Эҳтимол, онам кейин бу ердан кўчиб кетгач ҳам шу нарсаларни кўп марталаб хотирлаб ўтирганим учундир, ишқилиб, эсимда сақланиб қолган.

Сўнг бирдан яна эски тангаларни ёдлайман.

...Узун чакмон кийган, чўққи соқол, барваста девона жарангдор овозда қўшиқ айтгапти. Матъмура хола бир бола билан уйда овуниб ўтирибди. Шу кунларда тез-тез келаётган мўлтони, девоналардан безори чиққан кўринади — ўзича қарғаниб, боладан битта катта нон бериб юборади. Эндининг девонаси нон-понга рози бўлмайди: пул бер, чол боланинг қўлидан нонни олмагач, у хижолат бўлиб қайтиб келади. «Ўлсин-эй, мунча арзанда бўлмай», дея юлқинади хола. Сўнг даҳлиздаги бояги сопол косадан бир неча эски тангаларни олиб, боладан бериб юборади. Бола аввал бир оз уларни кўздан кечиради. Сўнг жажжи қўлчасига сиқимлаганча, қора соқолли девонага олиб бориб узатади. «Манг», дейди у. Чол аллақандай дуоларни қайтара-қайтара омин қилади. Бола қўлини чўнтағига тиққанча қайтиб келаверади. Даҳлизда турган хола унга имо қилиб «овмин қил» дейди. Бола чолга ўгирилиб, «овмин» деб бақиради. Бу пайтда чол девор ёқалаб кетаётган бўлади. «Овми-ин», деб баралла қичқира бошлайди бола.

Шундай бўлганими аслида?

Бир гал эса ўша бола шу уйга келса, тоғаси приёмник эшитиб, ўзи ҳам ашулага фўнгиллаб жўр бўлиб ўтирибди. У болани эркалатиб, каттакон радионинг устига чиқариб қўяди. «Қўшиқ айт» дейди ва ўзи «паст»да туриб чапак чалади. Бола индамай, тоғасининг бу ҳазилига кўниколмай тураверади. Йиғлагиси келади. Бир пайт радио пичир-пичир қилиб қолиб, бирдан овози ўчади. Тоғаси қарасаки, бола иштонига чоптириб юборган, радионинг ичига томиб, расво қилиби...

Қизиқ, бу пайтда холам қаердайкин? Шу ерда бўлган, эҳтимол, мени ўзича уришган чиқар.

Онам кейинроқ айтиб юргани учун ҳам бу ҳангомалар миямда чуқурроқ ўрнашиб қолган бўлса, эҳтимол. Ўша эски танга воқеасини ҳам эслагандай бўляяпман. Лекин назаримда, мен худди бир кино кўрдиму ўшанда бола ролини ўзим ўйнагандекман.

Ташқаридаги бир аёл кишининг ҳаммадан ҳам кўра қаттиқроқ овозда бақириб йиглагани эшилди. Хотинлар чуввос солиб унга қўшилдилар.

— Чўлдаги қизи келди, — деди чоллардан бири деразадан кўзини қисиб қарапкан. — Вой бечора-ей, ўзини ташлаб юборди. Эси оғиб қолмадими?..

Шундай деб у ташқарига чиқиб кетди. «Кўтар, қарасанг-чи» дегани эшилди.

Мен учун бу ерда ўтириш ниҳоятда оғир кечарди. Бир маҳал Раҳматилла тиззамга туртди.

— Йўқловни эшитяпсанми? — деди у.

Эътибор бериб қулоқ тутдим:

Дод ўлимнинг дастидан,  
Фарёд ўлимнинг дастидан,  
Жош деб раҳми келмайди,  
Қарри деб раҳми келмайди,  
Қайларга бориб дод этайнин,  
Кимларга мен фарёд этайнин,  
Вой эна-ам,вой энам!..

— Шуларни ёзib олиш керак-да. Дарҳол ёзib олмасанг, эсдан чиқиб кетади. Шоирлардан фарқи йўғ-а? Лекин бир хил сўзларни тушумаяпман. Эшилгин, сен тушунасан-ку...

— Ҳозир вақтими энди шунинг?!

— Хотам, улар йўқловни тўқиниадими ё ёдлаб олишганми?

— Билмадим, ҳарҳолда бирор ўлганда айтаман, деб ёдлашмаса керак.

Инжиқ жавобимдан оғриндими, аллапайтгача индамай қолди. Туриб-туриб яна мутаассир бўлди шекилли, тағин нимадир гапирги-си келди. У ён-бу ён қарайверди. Мен эса уни бекор опкелибман деб ўйладай бошладим. Қани энди, у менинг тушунадиган одам бўлсау сал кўнглимни бўшатиб олсам. Мен ахир, оғайни, холамни танимайман, танимаяпман-ку! У эса ҳеч нарсани тушумайдиган, савмал бир бола бўлиб кўриняпти кўзимга. Шу менинг ўртоғимми, наҳотки шу билан ошна-оғайнигарчилик қилиб юрган бўлсам?! Овлоқроқ бир жой бўлсаю аччиқ-тиззиқ гаплар билан узиб-узиб олсам.

— Косаларни йифишириб олинглар, — деди Саъди ака.

— Мулла бова, овқатга овмин денг, — деди яна кимдир. Бир неча одамлар билан қўшилишиб биз ҳам турдик. Ҳовлида, уй девори ёқалаб товуш бериб йиглаётган эркаклар, ичкарида боягидай аянчли,

тоқат қилиб бўлмайдиган даражада бўзлашаётган хотинлар. Уларнинг орасида ёшгина иккита қизча ҳам йиглайди. Оддиларида иккита кампир ҳам бор. «Бўлам-ов, бўлам-ов», деб бақиришарди улар.

— Боврим деялтими? — деб сўради Раҳматилла.

— «Бўла» деялти. Бўласи бўларкан.

Дўстимнинг аграйганини кўриб, «жияни» деб қўя қолдим. Аёлларнинг товуши мени эзид, эзмалаб ташлади. Улар гўё ўлган кишини қайта ҳаётга қайтариш учун чинакам қайгуришаётганга ўхшардилар. Аслида улар ўзларига суюкли бир одамнинг орадан кетгани учун кўйишар, йиглашарди холос. Агар менинг тасаввуримда холам тўла тикланганица, уни ҳис қилолганимда эди, ҳозир шубҳасиз, бўкириб йиглаб юборган бўлардим. Аммо мен боя айтганимдай, онам тез-тез гапириб ўтирадиган ҳикоялар орқалигина холам ҳақида оз-моз билардим, юқорида сизга сўзлаб берганларим менинг тасаввурларим, холос. Энди мен анови тизилишиб йиглаётганлар қаторида туролмайман».

## ИЗОҲ

Хотиралари бирдан тиникиб кетгани учун, Хотам шу ерда холасини ҳар хил манзараларда тасаввур қиласеради, тасаввур қиласеради. Ўзимча, бу ерлари чўзилиб кетган ҳисоблаб тасвирга киргизмадим. Ахир, мен у ҳақиқатан ҳам орамизда яшаяпти, йўқми, бирданнига исбот қила олмайман-ку. Мабодо, унинг тириклар дунёсида йўқлигини аниқ билганимда кундалигига қалам теккизиб ўтирамидим. Марҳумнинг гўрига гишт қалашни айб деймиз. Ортидан гап қилсанг гуноҳлари тўқилади. «Қандай одам эди?» десалар «яхши одам эди» деймиз. Гарчи...

## ВОҚЕАНИНГ ТАДРИЖИ. КУНДАЛИКДАН

«Кимdir келиб билагимдан тутди.

— Халил aka чақиряпти.

— Нега?

Акам йиглаётганлар ичидан менга жим қараб турибди. Бормадим. Раҳматиллага, қирга чиқиб келамиз, дедим. Довдираб тургандан кўра кетган маъқулроқ эди бу ердан. Менинг ҳам улар билан кўшилиб аюҳаннос солгим, ўзимни билмай йиглагим келарди, ахир. Бироқ йиглаёлмаганим учун кетишим керак эди.

Уйнинг орқаси билан қирга ёнлама йўлдан, одамларга кўринмай айланиб чиқдик. Аммо ҳамон эркакларнинг ҳам аянчли, ҳам илтижога ўхшаш овозлари эшитилиб туар, анча вақтдан бери қишлоқда таъзия кўрганим учунми, билмадим, бу менга қаттиқ таъсир қиласарди. Улар ўзларига қадрдан кишининг қазо қилгани туфайли йиғлашётган бўлса, мен эса ўша қадрдонликни истаганим учун йиғлагим келарди. Кечга томон овозлар ҳар-ҳар замонда эшитилиб қолди. Энди азадорлар чарчаган эдилар, фақат янги одамлар келгандагина бирдан бақириб овоз беришарди.

— Одамлар қандай берилиб йиғлашади, а? Нима керак экан шунчалик йиғлаш? — Мен дўстимнинг бу гапларини эшитмаётгандай борардим.

— Обидийда қилмоқда, — леди у ўзига-ўзи гапираётгандай. Об—сув, дийда—кўз, тожик тилидан кириб келган. Хотам, бир қизиқ фикр бор-да. Мана шу маросим шовқинларини магнитофонга ёздириб олса бўлмасмикин?

Қараб турсам, Раҳматилланинг фикрлари меникига яқин. Мен ҳам келган заҳоти шу ҳақда ўйлаган здим. Уни кувватладим. Шу маҳал азахона томондан эркакларнинг боягидан ҳам кўра кучлироқ йўқлови эшитилди. Шамол биз томонга эсаётган эди. Бу ахволда ўзим ва бошқалар ҳақида ҳам яхши фикр юритмаслигим аниқ. Мен энди болалик чоғларим, то ўн саккиз йиллик умрим ўтган тупроқда ўзимни ортиқча сезардим. Ҳадемай қуёш ботади. Таъзияхонада эҳтимол, мени кутишаётгандир. Бироқ, мен уларга ўғай кўринишни истамайман, ахир. Шу одамларнинг ҳам ўз одами бўлишни хоҳлайман. Асли ёшлигимда шуларни орзу қилардим!

Куёш ботиши билан дўстим кечки шабадани мақтай бошлади. У менга энди тог чўққилари қип-қизил шафакларда қизил рўмол ўраган аёлларга ўхшаетганини айтарди. Таниш тог насими ўзимга ҳам хуш ёқа бошлади. Қадимни ғоз тутиб, кўйлагим тутмаларини ечиб юбордим. Пастдаги сонглоқ тошлари узра шарқираб оқаётган сой шовқини энди баралла эшитиларди. Бу шовқин одамларнинг товушини кўмиб юборганди.

Мен бир марта тошкентлик дўстимнинг уйига борганимда бешинчи қаватда аёлларнингчуввос солиб йўқлов айтишганини эшитганман. Шунда бирдан энамнинг вафоти куни онамнинг қандай йиғлаганини эслаганман. Чунки бу овоз орқали онамнинг ва бўзлаётган барча ўзбек аёлларининг бир-бирига жуда ўхшашини сезгандим. Бирдан юрагим ҳапқириб, ўзимизнинг одамлар фоқат инсон учун йиғлагандагина тил топиша олишларини, шундагина қалблари бир-бириникига шу қадар ўхшаб кетишини тасаввур қилгандим.

Сой ичи қоронгулашиб, тоғлар осмон ёруғлиги бағрига яна ҳам қорайиб синггаёттандай эди. Дүстим кетамиз энди, деб қолди. Мен азадорлар учун түйга келтган кишига үшшаб күринищдан чүчидим. Аммо энди улар ҳам йиглайвериб чарчашган бўлса керак. Кесилган узун тол танасига эркаклэр қалдирғочлардай тизилиб олишибди. Улар симёғочга ўрнатилган катта дампочка ёруғида янги одамлар кўрингандагина ўринларидан туриб, бирданига овозларини баралла қўйиб, йўқлашарди. Яқинлашаётган киши ҳам узоқдан овоз бериб келарди.

— Ҳаммасига лоқайдлик сабабчи.—Дўстимнинг калимаси хаёлимнинг давомидай туолди. Ҳа, мен кейинроқ худди шу — юқоридаги фикрларни бир қоғозга ёзиб қўйтган эдим. Эсимга тушди: Жуманбулбул шеълари ва унда ҳам учрамовчи маҳаллий сўзлар ёзилган дафтарларим орасида.

— Ўзи табиатимиз шунаقا, — деди дўстим. — Лоқайдликка мойил.

Азахонага келганимизда онам ва хотиним анчадан бери биздан хавотир олиб ўтиришган экан. Бир аёл келиб, мен билан кулиб кўришди. Шарофат хола экан.

— Айланайин олим йигитдан, — деди у. — Ишқилиб, сёқларинг қоқилмасин. Тошкентни гуллатиб юрибсиларми, чирофим?

— Куда вы пропали, мне здесь совсем надоела! — деди хотиним тоқатсизланиб.

— Қаерда юрибсилар? Булар нега бийтиб йўқ бўл кетди деб олоқ<sup>1</sup> бўл ўтириббиз, — деди онам.

Отам қатордагиларнинг ичидан туриб биз томон келаверди. Отамнинг овози битиб қолибди, биз билан худди шивирлаёттандай бўлиб гаплашди.

— Кайфиятинг дурустми, улим? Шундай бўлиб қолди энди. Кунига матал-да, бевафо дунё экан...

Бу гапларни менинг кўнглим чўқмасин деб айтаётганини сезиб турибман.

— Биз уйга қайтяпмиз, ота. Мехмон опкеганман, — деб Раҳматиллага ишора қилдим.

— Э-э-э, — отам Раҳматилла билан кўришиб, сўраша кетди, — бу, нокулай бўпти-да.

Сўнг онамга:

— Уйга оқшом бораман, — деди. — Болларингга айт, оқ сёқни баландки кўрага қамашсин. Тонг аzonда ҳаллаб қайтаман. Бу ёғам лозимат-да. Қайтамиз<sup>2</sup> энди.

<sup>1</sup>Олоқ бўлмоқ — хавотир олмоқ (шева).

<sup>2</sup> Қайтамиз — нима қиласмин (шева).

— Ҳеч қандай ташвишнинг кераги йўқ. Биз эртага тоғни томоша қилсак бўлди, амаки. Ҳеч уринманг. Ўзбекмиз, тушунамиз, — деди Раҳматилла.

— Э, ука, ҳамиша кеб ётибсанми, менам ҳар куни меҳмон кутяппаними? Ҳавас қип кепсан, бир меҳмон бўласан-да, энди.

Отамнинг сенсираётгани дўстимга ботаётгандай кўринди. Чунки Раҳматилла бир гал ўзимнинг укаларимният «сиз»лайман, деганди. Мен бунга ҳайрон қолмайман. Чунки у ўзининг ўғилчаси ва қизигаям «сиз»лаб мурожаат қиласди. Агар мен ўзимдан кичикни «сиз»лаб гапирсам орамизда қандайдир ғов сезаман.

Отам меҳмонга шундай деб, ортига бурилиб кетаверди. У киши менинг машина миниб келганимга эътибор бермади чоғи. Ё Раҳматилланики деб ўйлади. Умуман, отам бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандир.

— Зачем нужен мунчалик кўп йиғлаш? — зорланди хотиним қишлоққа тушаётганимизда. — Хотинлар шундай бақиришадики, қулоғим тешилиб кетди. Ўлган ўлди, бўлди-да. Энди қанча йиғлаганинг билан қайтиб келармиди?

— Ўзларингнинг одатларингта ўхшатмагин-да, — деди онам. — Бизда шундай расм. Хоҳдайсанми, хоҳдамайсанми...

Менинг жаҳлим чиқди, бўлди қилинглар, дедим, улар ўртасидаги эски гаплар қайта қўзғалишидан чўчиридим. Ҳозир ғижиллашмасликлари мумкин, лекин бари бир мабодо иккови келишмай қоладиган бўлса, албатта ўртага мен суқилишиб керак. Ундан кейин онам менга ёпишиб кетади. «Сизларни шундай бўлади деб ўстирдим-да, улларимдан келинларим зўр бўлсин деб эдим-да», деб юмшаб, ўпкалайди, кейин йиғлади.

Фотима тўйимиз ўтгач беш-олти ой қишлоқда яшаган, уйимиз бўлмагани учун мен Тошкентда бир ўзим эдим — ўша вақтларни эслаб юраги безиллайди. Чунки Фотиманинг ишларга ҳеч укуви йўқ ва уйдагилар билан қовушиб-келишиб кетолмасди. Шунинг учун ўша вақтларда онам иккови унча келиполмаган, охири бориб каттароқ жанжаллар чиқаверганди. Лекин Фотима ўзи ваъда қилгани — қишлоқнинг ҳамма қийинчиликларига чидайман, то уй олгунингизча шу ерда яшайвераман, деган сўзида охиригача турди. Биз бир-бири мизни яхши кўпар, онам ҳам кўпинча шуни ўлар, лекин бари бир ўзлигига бораверар, келинининг фирт шиттаҳўр қишлоқи бўлишини хоҳларди. Шунинг учун ҳам онам Тошкентга — бизникига боргиси

келмасди. Бир-икки марта ўзим қўярда-қўймай олиб борганиман. Шунда ҳам уч кундан кўп турмаган.

Эҳ, ўшандаги «фалончи қиз опқочиб кепти», «иштонсиз юрармиш», «тилимизга тушунмас экан» деган гап-сўзлари... Бунақа «ҳодиса» қишлоқда биринчи марта юз бериши эди-да. Улар менин каттакон, обрўли одам бўлади, муаллимларим: «Тўғри қилди, у энди жуда маданиятли одам, ахир» дейишарди. Бари бир улар менин ҳурмат қиласидилар, ишонишарди. Ҳозир ҳам ихлос қилишади. Аммо мен...

Ўша пайтлари ҳозирги ҳолатга тушиб қолиш ва бундан қўрқиши хисси хаёлимга ҳам келмаган экан. Беихтиёр тилимга шоирнинг мен севган шеъри келади:

*Муқаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,*

*Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ,*

*О, йиллар армони, йиллар армони,*

*Армон кўрмадим ҳеч сиздан буюкроқ.*

— Пушкинникими? — деди Фотима.

— Ҳа.

— Ўзимизнинг Пушкинники, — қўшимча қилди Раҳматилла кулиб.

— Қайси, ҳалиги ориқ шоирми? У бизнигига келган-а, Ҳотам ака?

— ...

— Энди маёпкани эртага қиласиз, — деди Фотима. Бир марта чиққандик-ку. Ўша жойга борақолайлик-а?

— ...

— Ажойиб ҳаво бўляпти...

Ўйга етиб келганимиздан сўнг кўп ўтирмадик. Йўл чарчатган экан, ухлаб қолдик. Эрталаб қўшнимизнинг ўғли Алишер кириб келди.

— Машиналар муборак, ака! Зўр иш бўлибди-да, — деди у. — Энди сизлар билан кетаверамиз Тошкентга. Маёпкага чиқсангиzlар менинам олиб кетингизлар, хизмат-пизмат...

— Ҳа, ҳа. Сен жуда керак эдинг бизга, Алишер. — Шундай дея ўртоғимга қўзимни қисдим.

— Яхши, яхши бўларди, — деди Раҳматилла ҳам.

Ва нимагадир, шу пайт эрталабки лоқайдлигим йўқолиб. миённи кутилмаганда бир тиниқ шуур қоплади. Ўзим сира ҳам истамаган, кутмаган таҳликали хаёллар босиб кела бошлади: «Мен кимларга

ўхшаяпман? Ўзим ўхашни хоҳлаган одамларгами, ё...» Яна, ҳа, яна шу изтиробли хаёл!

Ташқарида онам қозонга уннаб юрибди. Айвонда «оқ оёқ»нинг тузланган териси... Бет-қўлимни ҳам ювмай нариги уйга кирдим. Ринат билан Руфат тўла косалардан сут ичишяпти. Фотима «тўкмай е, сочмай е», деб тергаб турибди.

— Тўкма, ана папанг келди, вот он ругает тебя.

Ҳар гал қишлоққа борганимда, ўша мен туғилиб ўсган уйнинг деворига болалигимда, неча йиллар бўлди бунга ўзиям, ҳамир билан ёпишириб қўйилган эски газета ва журнallардан қирқиб олинган суратларни кўраман. Унда ўша пайтдаги мамлакатимиз раҳбарининг Америка президенти билан учрашгани ҳақида маълумот ва сурат бор. Кейин ўша пайтлари кинода ўйнайдиган жажжи бир қизчанинг расми. Унинг кўзлари шундай ишонувчан, шундай содда боқадики, агар уни кинода кўрсангиз у актёрлик қилаётгани асло билинмас, йўқ, бу ҳаётнинг ўзидан олинган деб ўйлардингиз. Мен масалан, мумкин эмас — шу ҳаётда бўлган, буни кино демаслик керак, ҳаёт дейиш керак, дердим ўзимча ҳаяжонланиб.

...Ва билиниб-билинмай йиллар ўтиб кетди. Оббо, дейман доим. Қандай ушлаш мумкин вақтни? Мен ҳозир орадан йигирма йиллаб ўтиб кетган бевафо ва басамар кунларни ҳудди ўша расмдаги соддагина қизга (аммо у артист эди-ку), икки давлат раҳбарларининг сарғайиб кетган суратига, ўша даврда бутун мамлакатнинг дастуруламали бўлган қишлоқ ҳўжалигини экстенсиз ривожлантириш тўғрисидаги эски лавҳаларга кўзим тушиши билан чуқурроқ ҳис қиласман. Ўша қиз ҳамон менга содда боқали, ҳамон ишонтиради ва орадаги йигирма йил вақтни эслаб бирдан ўзимни ғарип сезиб қоласман. Ҳаётнинг бу қадар сезилмас шафқатсизлигидан аламга ботаман, шуурим тиниклашади, «ўша қиз қаердайкин-а, ҳозир ҳам бормикан?», деб ўйлайман. Эҳтимол, ҳозир ҳам яшаётгандир. Ҳозир ҳам актёрдир балки. Аммо ҳеч бир аёл актёр унга ўхшамайди-ку? Ёки у ҳам ўзгариб кетганми-кан? Ахир, ўша пайтда мен ҳамир билан деворга расм ёпиширишнинг нимага кераклигини сезмаганман. Кейинчалик қизча ҳам ҳаётнинг ролини ижро этмасликни, балки унда яшашни, масалан, оддийгина тикувчи бўлиб кун кўришни хоҳлагандир. Кўрмаётганим, эшитмаётганимнинг сабаби ҳам шундадир, балки.

Онам ҳар гал уйга борганимда биз болаликда устида думалашиб юрган кўрпачани солади. Энди у эскириб, қирқ ямoқ бўлиб кетган. Лекин онам нимагади, ҳеч ташлаб юбормайди ёки анави айвондаги

Эшакка түқимлик учун чиқарыб ташламайди. Борсам, ҳар маҳал ўша таҳлоғлиқ кўрпачалар ичидага турган бўлади.

— Ҳаҳ, қишлоқилар, — дейман, — ташлаб юбормайсизларми шу матоҳни, қачон маданият кириб келади сизларга?

Бу гапларни эшитавериб онамнинг қулоги пишиб кетган.

— Ўзингнинг кўрпанг бу, — дейди олиб тагимга ташлайверади. Шунда билинар-билинмас бир хил ҳидлар димогимга урилади... Бир жирканган бўламан, лекин худди шу ислар туфайли гўдаклик хотираларим ёдга келаверади, ҳаяжонланаман. Уч-тўрт кун қишлоқда юрсам, девордаги расмлардан ҳам безорим чиқади.

— Олиб ташланглар уни, — дейман, лекин ич-ичимдан хоҳламайман шундай қилишларини.

— Хамири оқариб, ёмон кўриниб қолади, — дейди онам ҳафсаласизлик билан.

Лекин ўша ердан хамирни ҳам сидириб олиб ташлаш кераклигини биладилар, эътибор қилишмайди. Ёки бирор маннинг бордир. Буни ўзим ҳам сўрамаганман. Чунки ҳеч қандай ирим-сиримга кирмайди-ку бу.

Мен шу ҳис-ҳиссиётлар ҳақида кўпинча шеър ёки ҳикоями, ишқилиб, бир нарса ёзмоқчи бўлиб юрадим-у, ҳеч уддалай олмасдим. Бироқ ақл юритиб кўриб, улар бундан таъсиранмасликларини сезиб, ташлаб қўяверардим.

## КЕЙИН

«Мен лойсувоқ уйимиз деворидаги эски расмларнинг ўрнига қарай бошладим. Аңдава билан қирилган жойлари оқариб қолган...

Улар қаерда? Қаёққа кетган? Қаёққа?! Мен қаёққа келдим? Қаёққа кетяпман?»

## РОВИЙ БАЁНИ

Кундалик, эҳтимол, ҳали давом этарди, чунки фикрлар ниҳоясига етмаган, унга қўниимча изоҳлар киритилмаса, тушунарсиз қолиши мумкин эди. Дастваб кўшнимнинг шаштини қайтарганим туфайли энди ўша «айни ювиш» учун уни ўзим тугатишим лозим бўлиб қолди. Тилчини яхши билганим учун ўзининг бундан кейинги ҳаёти ҳикоясининг ҳам давоми бўлсин, деб кейинги кечмишларини четдан туриб баён қилиб бермоқчи бўлдим.

Хотамнинг бу қадар жиддий ҳолатларини илгари кузатмаганман. Кундаликни ўқиб, ҳайрон қолдим. Четдан қараб одамнинг ичини

билиш қийин экан. Кўзимга у ичидаги ташида – ҳовлиқмароқ кўринар, ҳатто кўча-кўйда кўриб қолсам ҳам шу одати борлиги учун узоқ гаплашиб ўтирумасдим. Энди эса... Бир мақсад билан куйиб-пишиб юрган кишини ҳеч лоқайд кузатиш мумкинми? Айниқса, агар у мени ва сизни ҳам ўйлаётган бўлса!?

Бир куни у менга кўрсатаман деган кундалик дафтари йўқолиб қолганини афсусланиб гапирди. Дафтарда ўзига ёқсан фикрлар, аянчли ҳолатлар бор эмиш... Мен ҳам афсусланган бўлдим, сездирмаслик учун...

— Бизлар энди йиги-маросимлар шовқинини ленталарга ёзиб оламиз. Магнитофонлардан эшлитиб таъсиранамиз. Шундай одамлармиз биз, — такрорлади у.

— Бошқачароқ эмасми? — дедим. — Менга кўрсатганингиз сал...

— Ўша фикрларимни ривожлантириб, такомиллаштириб газетага бермоқчиман, — чўрт кесди Ҳотам. — Энди жудаям ишоняпман. Энг керакли гаплар экан улар. Бундай нарсани чиқаришса керак. Савоб-ку ахир, чиқаришса. Тушунтираман, ўртоқ муҳаррир, дейман, сизлар эълон қилаётган мақолалар ҳам жуда мухим, лекин энг кераклisisи одамларнинг дили тубида чўкиб ётибди, дейман. Мен шуларни ёзиб келувдим, чиқарасизларми, дейман. Тушунар.

— Бари бир чиқаришмайди.

— Чиқаришади. Бир балои-баттар мақолалар чиқиб ётибди-ю... Ҳаммаси одамни кўмсаб йиғламасликдан келиб чиқсан. Гўё биз ўзимиздан ташқари, ҳатто хотинимиз, оиласиз, ота-оналаримиздан ҳам бошқа ким учундир яшаймиз. Аслида-чи?.. «...» газетаси дилга яқин анча-мунча фикрларни ёзяпти. Менинг мақолам чўкиб ётган, янайм чуқурроқ чўкаётган дардларимиз ҳақида бўлади. Дунёда фақат одам учун зарур нарсаларгина мавжуд. Демак, ҳамма нарса – одам. — Ҳаяжонланганидан Ҳотамнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. — Мисол учун шамолнинг фифони одамга ўхшайди. Шамол тарновга урилиб, одам каби фифон қилади, тарнов агар тушиб кетса, въетнамликнинг исмини айтади. Уни тузатмоқчи бўлиб, болғаласант, корейснинг фамилияси эшитилади. Оёғинг остида бузилиб ётган яшик қайсиadir кўриниши билан хитойликнинг ҳуснихатини эслатади. Яшик дараҳтдан бўлади. Дараҳтдан дутор ясасанг «Муножот» эшитилади: «Мендай ўксимаган дунёда ҳеч ким! Ай-й...» – У тўрт панжаси билан ўзича «дутор торларини ура бошлади». «Халқим! Хал-қим! Хал-қим! – Ва у кулди. Ўзининг «аъло» фикрларидан лаззатланди шу чоргда.

Ҳотам мендан хафа эмасди.

— Нима, сиз тушунмасангиз уришишим керакми? — деди ва яқинда бир китоб ўқигани, китоб қаҳрамони одамларнинг кўз ёшларини шишаларга йигиб юриши, шундай қилиб юриб-юриб охирида ўлиб кетишини айтди. — Лекин бу ҳам тентакнинг иши, — дерди у ўзича. — Жуда тентак бўлмаса ҳам овсарроқ одам у. Кўз ёшни шишага йигиб нима қилади? Яхиси, шу одамларнинг гапини ёзиб олсин. Магнитофонга ёзиб олсин яхиси. Кўз ёш билан сувнинг нима фарқи бор, ахир? Ёки у иссиқ ҳолда турса экан, кимнингдир бағрини кўйдириб юборса. Кўз ёшни йигиб-йигиб, охири тўкиб ташларди-да, бошқа нима қиларди? Қанақа жойга тўкарди, ҳало жойга эмасми, ишқилиб? Ҳе, қизик, лекин шу қарорга келган одамнинг ҳолатини тасаввур қиласизми? Уям бир инсон, бироқ хато қилган. Мен бўлганимда кўз ёшларни ажратардим. Одам мансабдан тушгани учун йигладими ё бирор учунми — буни ажратардим. Оббо, шундай бўлиши мумкин-да, лекин. Сиз агар унинг ўрнида булганингизда нима қилардингиз? Ҳа, бу ҳақда ўйламагансиз. Ўйлашга кўл тегармиди. Бир-бирингиздан кўрқиб юрасизлару...

Мен энди унинг қиёфасида, ҳаракатларида ҳаётнинг шилпиқ маромига тушиб қолишдан чўчиган, буни сездирмасликка ҳарчанд инитилаётган, ўзини асраш учун елиб-югураётган кишини кўрадим. Шундан кейин у билан бафуржা сухбат қуролмадим. Гоҳо қисқа муддатга гаплашиш имкони бўлиб қолганда ҳам кимки одам учун йигламас экан, албатта у ўлимга маҳкум, деб уқтирадиган бўлиб қолди. Бу гал у энг машҳур ёзувчининг қиссадаги Анотой деган қаҳрамоннинг отаси ўлими, азада боланинг муаллимаси ва синфдошларининг ер телиб йиғлашларини ҳаяжонланиб айтиб берди.

У менга ёт одамга сўзлагандай ишонқирамай, бироқ анча соддалик билан, шунда ҳам пала-партиш галирарди. Назаримда, аввалгидан ҳам кўра энди ҳовлиқмароқдай эди.

Унинг ҳаракатларини, боя айтганимдай, сира эътиборсиз кузатиш мумкин эмасди. Баъзан шундай бўлади: бошқа ҳеч ким назаринингизни тортмаса, бир одамнинг ўзи бутун дунё бўлиб кўринаверади. Шундай пайтлари мен уни охир-оқибат фақат кўзёшларга эътиқод кўювчи бир телбага айланиб қолмасмикан, деб хавфсирадим.

Улар кўчанинг бошида, биз ичкарироқдаги уйда яшардик. Баъзан кўчадан ўтаётганимизда у тўсатдан қичқириб қоларди:

— Ҳа, муҳаррир ака, ишданми? Чой қиламиз.

Сўнгра кўзларини пирпиратиб одамни масҳаралаётгандай тиржайиб тураверарди. Узримни айтсан:

— Бизлар одам эмас-да, а? — дерди яна илжайиб.

Ўша кунларнинг бирида у тугилган кунини нишонлади. Уйимга атайн келиб мени ҳам зиёфатга ҷақириб кетди. Бордим. Борсам, яна ўша гаплар-да. Хотини жеркийди, у бўлса ўтирганларни онг-тонг қолдириб, одамнинг кўз ёши ҳақида жаврайверади. Ҳамманинг безорини чиқариб юборди. Секинтина чиқиб келиб қўйдим.

Бир ҳафталар ўтгач эса уни ўзи айтган газета муҳаррири хонасига кираётганида учратдим.

— Сизнинг деярли ҳамма асарларингизни ўқиганман, — дерди у. — Ёзувчи сифатида юртимизнинг энг зўри деб ўйлайман. Лекин биласизми, мени кечиринг-а, бари бир сиз ҳам одам қанақасига одам, деган саволга жавоб изламайсиз. Нима учун энди мунча қалин китоблар ёзиб, ҳалқнинг хурматини қозониб...

Кенг юзли, донишманл қиёфа, соchlари оқарган муҳаррир ҳайрон қолиб, бу ғалати ўқувчига эгилиброқ қулоқ тутди:

— Хўш, ука?

— Айтмоқчиманки, асосий нарса ҳақида ёзмайсизлар. Нимага шундай?

— Нима экан асосий нарса?

— Асосий нарса одамнинг одам учун йиғлаши-да.

У отаси ўлган Анотой, унга қўшилишиб эзгин йиғлаётган қирғиз болалари, бутилкаларга кўз ёш йиғиб юрувчи қаҳрамон ва яна яқиндагина ўқигани — машҳур қозоқ ёзувчисининг китобидаги азадорларнинг кўзларига лаб қўйиб, кўз ёшлиарини ичаётган қозоқ аёллари ҳақида талигарди. Устозимиз, яъни бош муҳаррирнинг энсаси қотиб кетмадимикан, деб ўйлагандим. Йўқ, охиригача берилиб тинглади.

— Буни ўйлаганингиз яҳши, — деди у. — Ҳар кимнинг хаёлига келавермайдиган ва жуда керакли нарса. Фақат қаловини топиб айтиш лозим. Ёзувчига ўхшайсиз-а?.. Йўғ-э... Мана ҳалқимизнинг моддий-маънавий ҳаётига оид баъзи муаммоларни газетамиз саҳифасида ёритяпмиз. Ёзувчиларнинг қиласидиган асосий ишлари ҳалққа инсон-парварлик ғояларини тарқатиш бўлади. Назаримда, сиз кўп асар ўқиган кўринасиз. Охир пировард эса одамнинг кўз ёши ҳақида болаларча хulosага келиб қолибсиз. Одам йиғлаши учунгина яшамайди, ахир. Одатда, ўлган одам учун йиғлашади, тириклигида йиғлашмайди. Бу ҳар биримизнинг табиатимизга хос хусусият. Масалан, сиз тирик одам учун йиғлайсизми?

— Мени қўйинг. Ҳатто ҳолам ўлгандаям йиғламаганман. Ҳолам ўлгандан кейин шу хulosага келганман чинини айтсанм. Бу ҳақда бир асар ёзмоқчи эдим, тавакқал қилувдим-да. Мақола ёзиб

келганман дастлаб. Қандай қилиб мақолада бу мавзуни күтариб чи-  
қиш мүмкін, дейиши. Кейин ҳикоя қылдим. Ҳикояни олиб борсам,  
у ҳам маъқул бўлмади. Кейин ташлаб кўйдим. Сўнгра аза, азада йиғ-  
лаётганлар ҳақида китоблар ўқидим. Топиб ўқийвердим. Асосий нарса  
ҳаётда ўзи шу экан. Одам қайғуреб йиғламаса бўлмас экан. Ёшлиқда  
ҳамма нарса таъсир қиласкераркан одамга: онамни ҳам, онам ёмон  
кўрган қизни ҳам яхши кўрардим. Ўша қизга уйландим. Энди бўлса  
хотиним билан сира кўнглимиз тўғри келмайди. Биласизми, мен унинг  
кўнглига кира олардим аввал. Лекин ҳозир... Ўзимни ўзим энди тушу-  
ниб етаётгандекман.

— Э, ука-еї, ўзингизни тушунмасангиж хотинингизни ёқтири-  
май қоласизми? Қизиқ экансиз-ку. Ҳар ҳолда сизнинг ҳолатингизни  
тасаввур қиляпман. Бир нима деб маслаҳат беролмайман. Кўз ёши  
тўғрисидаги холосангизни ҳам бутунлай рад этмоқчи эмасман. Аммо  
у бир ёқлама. Буни мақола қилиб, газетага олиб келибсиз, аммо  
газетага бериш мумкинми шуни? Ўйлаганмисиз бу ҳақда? Ташибиқот  
қиладиган мавзуми шу? Ундан кўра, ука, ҳали ёш экансиз, ишнинг  
бўларини ўйланг. Ҳақиқатан ҳалқ учун ачинсангиж колхозчилари-  
мизнинг моддий шароитлари, мъянавий аҳволлари ҳақида жуда ажой-  
иб, ҳамма ўқийдиган мақолалар ёзиш мумкин. Шундагина ҳалқ сиз-  
дан хурсанд бўлади. Чунки у ўзини ўйлади. Ўжарлик билан, «бир-  
биринг учун йиғланглар» деб тарғиб қилсангиж, албатта, қўшилмай-  
ди. Ҳоҳласа йиғлайди, ҳоҳламаса йўқ. Шунинг учун, ука, арқонни  
кенгроқ ташлаш керак.

Хотам дик этиб ўрнидан турди. Тузуккина хайрлашмади ҳам.  
Мен энди Хотамнинг бояги фикрлари буткул ўзгариб кетади, раҳмат  
айтади муҳаррирга деб ўйлагандим. Қайтанга унинг жаҳли чиққандай  
бўлди. Назаримда, у ҳеч қандай насиҳатга муҳтоҳ эмас экан.

Энди уни илгаригидай бир овсар одам деб ўйламасдим. Унинг  
бундан кейинги барча ҳаракатларида мен тушуниб-тушунмайдиган  
фавқулодда қатъийлик, муайян мақсад бор эди. У илгарилари гоҳо  
мен билан ҳазиллашишни истаб қоларди, ҳатто тагдор аччиқ-тиззиқ  
ҳазил-хузуллар билан бир-бирилизни мот қилишга ҳаракат қилиб  
кетардик. Кейинчалик ҳам уни ўша бир дилқаш киши сифатида ҳур-  
мат қила бошладим. Қундалик қўлимга тушиши арафасида эса, ҳатто  
бизлар одамга ўхшаб сухбатлашмай қўйгандик. Ҳолатига қарараб ҳозир  
мен бирон ҳазил гап айтсам, албатта уришиб қолишимизни сезиб  
турадим. Қаңцайдир, ўзича асабийлашган, бир тузалмас дардга йўлиқ-  
қану шунинг учун ҳаммага ишончсизлик билан қараётганлай бўлаве-

парди. Унинг сиймосида қайгадир, ишқилиб, биздан бошқа томонга кетаётган, бизларга дам ишониб, дам ишонмай қўйган кишининг суратини кўрардим.

— Дунёни шоирлар бошқармайди! — деб бақирди у бир куни балкондан туриб. Менинг пастдан ўтиб бораётганимни кўриб шундай қилди. Мен шу заҳоти унинг Шоир Шоҳ ҳақидаги фикрларини эсладим. У ўзига ярашмаган тиржайиш билан мендан сўради:

— Мұҳаррир ака, мен ўлсам сиз йиғлармидингиз?

— Нафасни иссиқроқ қилинг-э. Гапираётган нарсангизни қаранг.

У билан одамга ўхшаб мулоқот қилолмаслигимни билиб, кетавермоқчи бўлдим.

— Агар йиғласангиз, мен тобутдан туриб сизнинг кўз ёшлигини ичардим, — яна иршаярди у менга. — Биласизми, шу китобни?

— Ўқиганман. Бироқ у жуда ақлли ёзилган асар.

— Яхшиси, чиқинг бүёқقا, бир оз гурунг қиласизми. — Орқасидан хотинининг бир нима деб шанғиљлагани эшитилди.

— Ҳозир вақтим зиқроқ, бошқа куни, — дея йўлимда кетавердим.

Хотамнинг иршайиб турган башараси анча вақтгача кўз ўнгимдан кетмади.

Мана шу башара мени уйда, қўчада, ишда, уйкуда — доим безовта қилаверди. Ишимга халақит бераверадиган бўлди. Ақалли газетага бирорта мақола ҳам ёзоммай қолдим. Назаримда, деворнинг қайсиdir бурчагида унинг нигоҳи менинг барча ҳолатларимдан, юзакироқ ҳаракатларимдан кулаёттандай, тиржаяёттандай бўлаверарди. Мен бу нигоҳдан ҳайикар, талвасага тушиб қолардим. Ўзим сезмаган барча турноҳларим учун энди у, фақат утина жазолайдигандай бўлаверар ва гўё кутилмагандага важоҳат билан бостириб келарди: «Одаммисан сен ҳам! Одам бўлсанг, қалб қани, юрагинг қани?! Одам учун қайғуранми сен ҳам, йиғлай оласанми?!»

Хотамнинг хотини билан бир гал бекатда учрашиб қолганимда энди у эрининг бутунлай ўз ишини йиғишитириб, институтга бормай қўйгани, анчадан бери бир диндор мулла билан Куръонни мутолаа қилаётганини айтди.

— Энди оғайнингиз мени «ғаюр» деб сўкяпти, — деди у. — Бу ҳолда бирга яшашимизга ҳеч кўзим етмайди, нима қилсамикан-а? Сизни кўп гапиради...

— Билмадим, Фотима. Сизга бу борада маслаҳат бериш қўлимдан келмайди. Ҳеч қўлимдан келмайди.

Ростдан ҳам унга ақл ўргатолмаслигимни сезардим.

Наҳотки, шунчалик қотиб кетган бўлсам. Наҳотки шуни фақат Хотамгина сезса. У нима демоқчи ўзи? Бирор фикрни тузукроқ тушунтирумаса. Ёки чиндан ҳам одам ҳақида ўйламай кўйдимми? Одам ҳақида ўйлаш, дегани нима ўзи? Худбинсиз, демоқчими? Бу дунёда ким ҳам иззатталаб эмасман, деб барадла айти олади? Ҳақиқатан ҳам худбиндирман, лекин бошқалар-чи? Улар Хотамнинг олдида жавоб бермайдилар-ку. Демак, мен ҳам... Э, жин урсин, яхшиси шу ҳақда ўйламайман.

Икки кундан кейин Хотамнинг ўзи келиб қолди.

— Мен қаттиқ янгишган эканман бошида, — деди у. — Сизга маза — янгишмайсиз. Ёзасиз — чиқарасиз, ёзасиз — чиқарасиз... Хотиним сизга бир кундалик дафтар берган экан. Кетатуриб айтди хароми.

— Ажрашдингларми? — дедим мен ҳам совуққонлик билан.

— Уч талоқ кўйдим, — деди у бамайлихотир. — Дафтарни олиб, муғомбирлик қилиб, айтмай юрган экансиз-да. Сизниям тушуниш қийинми дейман. Ё мени тентак ҳисоблайсизми? Яхши кўрасиз-а мени? Чунки сиз ҳақиқатни севасиз. Билгилки, ҳақиқатларнинг тубинда — мен. Мана сизга уларнинг ярми. Қурмағур қалбнинг ҳам ярми.

Шундай деб у менга бир қизил муқовали дафтар ташлаб кетди.

Мен дафтарни ўша заҳоти ўқиёлмадим. Биринчи марта «Нимага у менга бунчалик ёпишиб олган ўзи, нима учун дафтарни айнан менга берди» деган ўй кечди миямдан. Ва шу билан бирга унинг ҳаммадан кўра эркинроқ, ўйлаганини тўғридан-тўғри айти олиш феълига ҳавас қилдим.

«Кирлаган, занглаган, унугтилаётган қалбимни топиб олдим. Энди шу кирларни ўз кўлларим билан сидириб ташладим. Қалбим чўғини қайта оловлантирудим. Бахтсизлик нима эканини равшанроқ англадим».

Дафтарда ҳамма нарсадан ҳам ўлим ҳақида кўпроқ ёзилган эди. Ўлим ҳақида мутафаккирлардан кўчирмалар олиб, ўзи эса, «биргина ўлим даҳшати инсон қалбини доимо тозалаб туради», деб ёзиб кўйтганди. Шуларни ўқиб ва у ҳақда хаёл сурар эканман, бари бир Хотам энди ўзини ўзи ўлдирса керак, деган хulosага келдим. Чунки бундай қалбли кишилар азалдан узоқ яшамаган. Ҳар ҳолда сезгиларим, англаган шуурим шундай хulosага олиб келди.

Кейин унинг бош муҳаррир учун ёзган мақоласини ўқиб кўрдим. Қарийб саксон саҳифалик бу мақола бошдан охир миллат таҳлилига багишлиланган, сўнгти хulosаси эса бизнинг тил билан айтганда «жуда қалтис», яъни жуда кескин руҳда эди. Шунинг учун ҳам бирон ки-

шига тарғиб қилишга чўчиридим. Фақат бир куни Ҳотам ўз кундалигида нақл қилган узун сочли шоирга шу ҳақда гапирдим. У қизиқиб қолиб, лафтарни ўқиб чиқди.

— Жуда лоқайд одам экансиз, — деди у. — Ахир, Ҳотам одамларимизни бирлаштирувчи йўлни қидирибди-ку, шунга ҳаракат қилибди-ку. Биз эса... Унга ёрдам бериш керак эди. Эҳ, сиз... — У бош чайқади, кейин сўради: — Уникига бормаймизми?

Ҳотамни уйидан тополмадик. Эшиги қулфланиб, яна муҳрланган эди. Кўшниларидан сўрасак, улар ҳам билишмас экан. Бир рус кампир бир кечада шундоқ бўлиб қолганини айтди, аммо мутлақо бехабармиз, деди у.

Ҳотам кейинги пайтларда ўз қусурларини ўзи очиқ кўра бошлаган, ўзини ўзи, — билмадим, негадир шундай ўйлайман, — чидаб бўлмас тарзда қаттиқ англай бошлаган эди. Чидаб бўлмас тарзда. Мен унга руҳдош бўлолмасдим. Бундай ҳолатга тушган одам ё жуда катта мардлик кўрсатиши, ё ўзини ўзи ўлдириши мумкин ҳолос. Осойишта яшай олмайди фақат.

Мен шуни ўйлардим.

— У худкушлиқ қилган, — дедим шоирга.

Шоир фикримга қўшилмади.

— Махфий одамлар опкетишган, — деди у.

Биз узоқ тортишдик. Мен кундалиқдаги фикрларни рўкач қилдим. Кундалиқда Ҳотам кейинги пайтларда Ҳудо билан тил топишга олгани, иккаласининг «фикри бир жойдан чиқаётгани» тўғрисида ёзган эди. Демак, таркидунёчилик кайфияти ҳам йўқ эмас унда, деб хулоса қилгандим ўшанда. Бундан ташқари, сўнгги пайтларда унинг қалбининг «занглаган» пардаси йиртилган, шундай қилиб юрагидаги жароҳат кун сайин зўрайиб кетаверган. У чидай олмасди бунга.

Шоир эса кейинги пайтларда Ҳотамнинг Оллоҳ билан тил тошишдим, деганини дастак қилиб олиб, динга ишонган одам ўз жонига ўзи қасд қилмайди, деб туриб олди. Унинг гапида ҳам жон бор, чунки Ҳотам ўзи ҳаётни жуда севиши, дунёда энг даҳшатли нарса ҳаётдан руҳ узилиши эканлигини айтганди-ку.

Бу хусусда ҳам шоир билан тортишиб қолдик. У Ҳотам руҳий маънавий таназзул ҳақида айтган дерди. Мен эса бари бир ўлим даҳшатини кўзда тутганини таъкидлардим. Бироқ маънавий таназзул ҳақида гапирган бўлса ҳам, бари бир бу менинг фикрларимни тасдиқлаган бўларди. Ҳотам ўлим даҳшати ҳақида қанчалик ҳиссиёт билан ёзган бўлса ҳам, у кейинчалик ҳаётдан бутунлай безган, ҳатто нафратлан-

ган. (Фотима бир гал менга эрининг уззу кун деворга қабристон, тобутлар, аянчли йиеглаётган азадорларнинг суратларини осиб қўйиб хонасидан чиқмай ўтиришини йиглаб айтиб берганди). Мен шуни ва кундаликнинг энг охиридаги сўзни шоирга рўкач қилиб туриб олдим. Мен уни ичимда такрорлаб юраман: «Мұҳаррир! Мен сизга ва сизларга ниҳоятда ачинаман». Шоир сўзидан қайтмади, баҳслашавердик. Охири у кундаликни уйига олиб кетишга ва жуда синчиклаб ўрганиб чиқиб, хуносасини айтишга қарор қилди. Мен бари бир ўз фикримда қолдим.

Аммо, эҳтимолдан ҳоли эмас, Хотам ҳали-замон шу олам саҳнида сиз билан биз каби яшаётган, бир ҳаводан нафас олаётгандир, исботлаб беролмайман. Шунча гапни эшишиб, эҳтимол, сиз аниқ ҳукмга келгандирсиз. Дарвоҷе, у қадар баҳслашиб ўтиришга на ҳожат. Ахир, у манзилга етган одам. Шундай эмасми?

1990 йил.

# ҲИКОЯЛАР

---

## ЖИНКЎЧАДАГИ МУШТИПАР

Уни ҳар куни учратар эдим. Ўша — жийдага ўхшаш заҳил юзи, қуруқшаган лаби, қоқсуяк қўлларига эмас, балки буқчайиб қолган бу кампирнинг маъсумона боқувчи кўзларига кўзим тушмасин учун, — ёшини яшаб қартайиб-мунгайиб қолган шўрлик шу бечорага ҳеч маҳал ёрдам беролмаслигимни билиб, дунёдаги энг ёмон мусибатни шунинг қиёфасида кўришни истамаганимдан, — ҳамиша ўзимни ундан олиб қочиб юрадим. Унинг пича қийшайган жаги анграйишига жуда мос, гўё соддалиги бўртиб кўзга ташлансин учун Яратганинг ўзи атай шундай қилгандек. Жовдираган кўзларини айтмайсизми, кўзмунчоқнинг ўзгинаси, улар эски шаҳарнинг жинкўчасидан ўтувчиларга мўлтираб тикилади, худди бир нима тилаётгандек...

Бундан чамаси тўрт йилча бурун ҳовлиси мўъжазгина уйида ижарада турганимда, кампирнинг ўзи айтганки, бир кам саксонни қоралаяпти. Унинг ҳисоб-китобиям ишонимли эмас, гоҳо икки йилни бирга қўшиб «чўтга соларди». Биз ижарада яшаган икки йил бадалида кампирнинг ёши етмиш тўққиздан саксонга ҳатлаб ўтган эмас; аслида аллақачон саксонга кирган, бироқ гал орасида нуқул «бир кам саксонга кириб қўйибман» деб айтар эди. «Буви, сиз бултур бир кам саксонга кириб қўювдингиз», деб тортишсак ҳам у тан олмас эди. Шунда ҳамхона дўстим билан: «Кампир бечора йигирма йил илгаријам «бир кам саксонга кириб қўйибман», деб тортишган чиқар» дея кулишардик.

Тақдиринг ўйинини қарангки, атай қочиб чиқиб кетган ўша жинкўчага яна ўз оёғим билан қайтиб боришга мажбур бўлдим. Ҳозир яшаётган ижара-уйим ҳам тор ва ивирсиган шу кўчанинг ўзгинасида эди. Ҳар гал кампирнинг уйига яқинлашгач, қадамимни тезлатаман, шунданми, анчага довур у мени пайқамай юрди. Кампирнинг уйидан ўтгач, рости, ўзим эзилиб кетардим: кўча поёнидаги муюлишга етгач, албатта ўгирилиб ортимга қарапдим. Шунда бечора кампир ўтган-

кетганга ювошгина термулиб турганини кўриб, ич-этимни ер, муно-фиқлигимдан ижирғанар эдим. Пича юргач, «бошқа нимаям қилардим, ахир», деб ўзимни овута бошлардим. Ишга бораётшиб, яна ортда қолган куйган кўнгил тепишини ҳис қилардим, хаёлимда эса ўша – жийда юз, акашак қўллар, жовдираган кўзлар жонланар эди... Шунда ўзим истиқомат қилаётган жинкӯча, бу дунё кўзларимга қафасдай бўлиб кўринар, бош олиб бир ёқларга қочиб кетишга эса на йўл, на имкон бор эди. Нега шундай, нимага? Ахир, мен нимадан кўрқаман? Нега? Шу яқин орада яшайдиган дўстимнинг қораси кўринмасми-кан, деб йўл қарайман, нега у йўлиқиб қолса агар, тезда элакишиб, бетайн сухбатлар, гийбату мақтанишлар оламига гарқ бўлиб кета-ман? Нега? Ҳамиша ўзим истаган ва ҳеч кутмаган тасодиф туфайли бу туйғу мени ўз-ўзидан тарқ этади ва мен кампирни буткул унугиб юбораман, нега?

Кечқурун эса яна ўша – маъсум ва најотсиз кампир яшайдиган чордевор биқинидан ўтишга маҳкумман. Қорли-қировли кунларда ҳали ҳеч ким ишдан қайтмай туриб, кулбасига кириб кетган бўлади. Кўклам келиши билан то қадам узилгунча, ҳаммаёқ ҳувиллаб қолгунча у даричаси олдида – ичкаридан тушадиган хира ёруғликда мунғайиб кўчада ўтиради. Бир куни тонг саҳарда ишга кетаётшиб ўша дўстим – Ҳамидуллаға рўпара келиб қолдим. Кайфиятим ҳийла кўтарилди, шу боисми билмадим, гапга андармон бўлиб, кампирнинг даричаси ол-дидан ҳам ўтиб кетибмиз. Шу кўчада яшаётганимдан бери биринчи марта шу уйга беэътибор, парвойифалак алфозда ўтиб кетишим бўлса керак. Баҳтга қарши... қўққисдан таниш йўқлов қулоғимга чалинди, бир хил бўлиб кетдим. Бундан роппа-роса тўрт йил бурун қандай чақирса, худди шундай – хиёл мунгли, ялинчоқ оҳангда исмимни тутди у: .

— Мухтор-ув, у-у, Мухтор!

Беихтиёр ортимга ўтирилдим. Ўша... Кампирнинг исминиям бил-масдим. Тўхтадим. Қандай куч таъсирида унинг олдига қайтганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳали сўрашиб бўлмайтуриб у:

— Мухтор, — деди, — ўғлим келди!

— Йўғ-эр? — Шу гап оғзимдан чиқди-ю, тилимни тишладим. Унинг севинч чақнаган кўзларидан кўзимни олиб қочдим. Сўнг қийнала-қийнала ўғлининг исмини эсладим. — Сайдали ака келдиларми? — дедим, шу гап унга ёқишини билиб.

— Ҳа, Сайдали-да. Сайдали аканг келди, болам.

— Яхши бўлти-да. Энди кетмасмикан?

— Йў-ўқ. Қаёққа кетарди. Хотини билан аразлашиб юрувди, ахийри бағримга келди. Бир ойдан бери ҳар куни уйда.

Кампирнинг юзига қараб туриб, ҳозир йиғлаб юборса керак, шунда нима қиласман? Шарт буриласман-да, кетаман-бараман, деб ўйладим. Кўнглимдан шу ўй кечганлигини билгандай унинг ўзи кифтимга қоқиб:

— Майли, болам, йўлингдан қолма, — деди. — Ишингдан кечи-киб юрма тағин.

«Ё тавба, — дейман ичимда, — бир маҳаллада яшашим тугул, ҳатто ишлашимният билади. Қаёқдан билади?»

Кампир, «ҳа, шундай, биласман» деган каби тикилиб турарди менга. Мум тишлаганча изимга қайттуриб, бир нимани унугиб қолдиргандек бўламан. Ҳа, унга бир нима демоқчи эдим, шундай истак бор эди дилимда, лекин нима — шуни англолмайман. Қандай гап экан у? Билмайман. Бир нима ичимни кемирали. Бориб, ахийри дўстимдан сўрайман: «Айт, биродар, шундай пайтларда инсон инсонга нима дейиши керак? Шикаста қўнгилни нима деб кўтарса бўлади?» У ўйланиб туради, кейин қўл силтайди: «Бош қотирадиган нарсами шу? Юр, кетдик».

«Айт!»

«Сен билмаган нарсани мен қаёқдан билай».

Наҳот, биргина мен эмас, ҳатто дўстим ҳам шундай бўлса?! Шундай пайтларда бир нима деб одамнинг қўнглини кўтаришга наҳот ноқобил бўлсак?

Анчага довур сассиз-садосиз йўл босамиз. Кейин дўстим яқинда партия аъзолигига ўтганлигини айтади. «Энди йўл очилди, — дейди, — ҳадемай бўлим бошлиғи этиб тайинлашса керак». Менга ҳам шуни маслаҳат беради. «Маъқул» дейман, айни пайтда ўзимни ўзим қийнагим келади, шу тариқа дўстимни ҳам эзиз ташласам, дейман. Ўзим ҳамиша асраб-авайлаб, маромини бузишни сира-сира истамаган соқин иқлимини бир ўжарлик билан остин-устун қилиб ташлагим келар эди. Афсус, шуни ҳам эплаёлмас эдим, табиатан юмшоққўнгил одам бўлганим учунми, бунинг уддасидан чиқа олмасдим.

Кампир эркалабми, кўпинча, «ҳа, Саритой» дейишини эслайман; сариқлигим учун шундай дерди, атай исмимни айтмасди.

Бир ҳамкурсим билан ижара-уй қидириб тентираб юрганимизда ичи ачидими, бир аёл бизга шу уйнинг даричасини кўрсатди. Дабдурустдан ҳовлига кириб борганимизда кампир ҳийла вақт оғзини очиб аниграйиб қараб турган. Ҳамон эсимда, кейин у аввалдан бизга илҳақ бўлиб ўтиргандай: «Келинглар, келинглар. Кўп овора бўпсизлар-да,

майли, сизлар манави катта уйда турақолинглар», деган. Ўзларига эса каталақдек хона қолган. Боз устига, «катта уй»га ўша хона орқали ўтилар эди. Кейин у гоят очиқ кўнгиллик билан ўзининг бор бисотини бизларга кўрсатган, кечкурун эса ҳатто «овқат қип енгла» деб ҳам ёғ, ҳам гўшт, ҳам гуруч кўтариб келганида аввалги ижарамиз хўжайинини эслашганмиз. У жуда қурумсоқ эди, устига устак, ижара ҳақини ҳам жуда ошириб юборди, ахийри биз чидаёлмай чиқиб кетдик. Кампирнинг эса... ортиқ даражада меҳрибонлиги ғашимизга тегди, шекилли. У ёш боланинг худди ўзи эди, анқовсираб бир хил нарсаларни минг мартараб сўрарди. Бошлаб турган йилимизнинг ёзида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлган. Деярли ҳар куни телевизор орқали шундан репортаж бериб борилган. Гоҳо биз саҳарга довур кампирнинг хўжасида ўйинни томоша қиласдик. Ҳозир шуну эсласам кўнглим ғаш бўлади, ўшандаги ҳатто унга ҳалал бергаётганилигимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмангиз, томоша тугашини кутиб ўтирган шўрлик кампир: «Бизаники ям гол-пол қилишяптими?» деб сўраб қолса энсамиз қотар эди. Ҳа, кейинчалик ҳеч тап тортмай муштипарнинг масаллиқларини бир бошдан кемира бошладик, ундан сўраб ҳам ўтирамай ёғу гўшт – ҳамма-ҳаммасини кунпаяқун қилиб ташладик, шунда ҳам унинг жаҳли чиқмаган. Ҳолбуки, бу нарсалар тўй-маърака қолган ҳаммаҳаллалари, меҳрибон ҳамсоялари томонидан тортиқ этилган ёки арзимасгина нафақа пулига дунёнинг бир четидаги бозордан харид қилинган эди. Ахийри, биз – бу улкан шаҳардаги неча «хазиян» билан ижикилашиб, ҳақ талашиб ўрганиб қолган талабалар бир нима етишмаётгандек маъюслиниб қолдик. Энди кампирга ачина бошладик. Шахсан менинг дилимда шундай туйғу пайдо бўлдики, биз оддийгина қилиб айтадиган ачиниш ҳиссисдан у устун келди. Ҳақиқатан ҳам тушункисиз туйғу эди бу. Аслида, саҳоватманд кишиларга менинг ҳам меҳр кўйгим келарди. Ўша кунлар кампир мени ўзига жуда яқин олиб, эркалаб Саритой деб атай бошланган, бунга дарров кўнинканман, чунки файритабиий эмасди. Лекин...

Бир оқшом нимадандир гап чиқдию кампир ўтмишини айтиб берди, шунда дўстим иккаламиз анг-танг бўлиб қолганмиз. Ҳар қалай, умр бўйи – ёшлигию қиртайганида ҳам феъл-хўйи сира ўзгармаган одам камдан-кам бўлади; кўпинча кексайганда киши юввош тортиб ёки инжиқ бўлиб қолади; баъзи кўнгилчан қариялар, суриштириб кўрсанг, болалигига ерга урсанг кўкка сапчиган, инжиклари эса ёшликлида бўш-баёв бўлган. Кампир эса қизлигига ҳам, келинлик пайтида ҳам табиатан ҳозиргидай юмшоқ, соддадил экан билсам. Мана шу – ўта беозорлигию кўнгилчанлиги учун ҳам турмуш кургач, икки

йил ўтмай эри ундан бутунлай совиган. Шунда ҳам у – шўрлик келинчак, қўлида олти ойлик чақалоги, эрини ниҳоятда ҳурмат қилган, оиласининг бузилишига сабабчи – қариқиз дугонаси Гулсуннинг тўйида ўзи бош-қош бўлган, эри унга уйлангач, бизга ўхшаб, ижарада тургандек яшай бошлаган ўз уйида. Уларнинг кирини ювган, овқатини пиширган. То ўғли кучга тўлгунча чўрига ўхшаб яшаб юрган, сўнг иккаласи биз турган шу уйни қуриб олишган.

Кампир шуларни сўзлаётib, меҳру вафо, одамгарчилик ҳақида бизга бир оғиз ҳам гапирмас, буларни бизга ибрат бўлсин деб айтмас эди, гўё биздан ҳам ёшроқ, ўрроқдек кўринар, шу ҳангомаларни ҳам афтидан, шулар зерикib қолмасин тағин, деб сўзлаб ўтиради. У на эрини рашқ қилтан, на чеккан қийинчиликлари учун уни койиган. На зорланади, на ҳазил қилади, ҳар қараганда худди сени энди кўриб тургандай ғалати тикилади.

– Нега биздан пул сўрамайди у? – деди ҳамхонам бир куни ажабланиб.

Мен кифтгимни қисдим.

Худди шу куни ҳали бизга нотаниш бўлган ва авиация заводида ишлайдиган ўғли – Сайдали ака командировкадан келди. Биз ҳовлида ерўчоқ қилиб ошга уннаётган эдик. Бир-иккита ўртоқлар келган, сермой бўлсин, деб ёғни кўп қуйиб, оловни гурилатиб қўйганимиз... Бир маҳал қарасак, гуручи қотиб қолибди. «Нима бўлса бўлди энди», деб хижолат бўлиб, ошни суздик, шунда Сайдали ака: «Э-э, ошни ботлаб-сизлар-ку, молодес» деб алқаган. Гарчи ёлчитиб ош емаган бўлса-да, биз ичимизда ўзимизни койиб ўтирган пайтда у шундай деган. Мен, Сайдали ака онасидан ҳам озурдахон, мусичакўнгил экан-ку, деб ўйлагман. «Йўқ, – деганман сўнг, – шунчалар беозорлик ҳам яхши эмас. Одам деган сал ғаддор бўлишиям керак. Ҳаммаям манави она-боладай бўлса, кўнглинг учун гапингни маъқуллайверса, мабодо жиндай ҳурмати бўлсаю сени қаттиқ севаман деяверса, ҳаёт жудаям зерикарли ва бетайин бўлиб кетади-ку. Ҳамма нарса бир-бирига мувофиқ ва муносиб бўлиши керак». Мен ҳам, дўстим ҳам қандайдир мунгли ва беҳад меҳрибон бу хонадонда ортиқ яшай олмаслигимизни сезиб турардик...

Кампирнинг айтишича, Сайдали ака шаҳарнинг қайсиdir масси-вида буфетчи бўлиб ишлайдиган жувонга уйланмоқчи экан.

– Сайдали жуда пишиқ бола, ўз ишини битказиб юради, – дейди кампир, ўғлидан кўнгли тўлиб.

– Пишиқقا ўхшайди, насиб қилса ҳали невара тўйиям кўрасиз, – дейман мен.

**Шундан кейин у гапга тушиб кетади, мен кўлимга китоб оламан.**

— Дарсингга халақит беряпман-а? Шунаقا эзмаман-да ўзи. Жуда ёқимтойсан, Саритой. Менга ўхшаган ойинг бордир сениям. Йўлинг тушганда опкел, бир меҳмон бўп кетсин. Шаҳарни кўрсинг, айлансанис.

Мени соғингандай, анчадан бери энди кўриб тургандай қўлини у елкамга қўйиб олади, кейин бошимни силайди.. Э-э, нимасини айтасиз, шунда ўзим қўмсаф, орзу қилиб юрадиган кенгликларга қараб қочиб кетгим келади. Кўққисдан нега ўғли биринчи хотини билан ажрашиб кетганлиги ҳақида айтганлари эсимга тушади. Қанча гапирмасин, асл сабабни — келин нега кетиб қолганлигини сира тушунтириб бера олмасди. Гап келининг тақалганда уни мақтар. шундай бўлғанлигига билинар-билинмас афсус чекиб ҳам қўярди. Сайдали аканинг ўзи ҳам гап орасида «хотиним зўр эди» дерди. Шунда бизнинг шўхлигимиз келарди, жўрттага хотин билан яашнинг «сиру асрорини» суриштирадик, у қиши эса пича уялинқираб бир бошидан ҳаммасини — эру хотинигагина маълум сирли ҳодисаларни батажилайтиб берарди, шунда унинг гўллигидан биз ўнғайсизлана бошлардик.

Ўша йили тўлик, ҳатто янги йил байрами ўтгач, яна икки ҳафта яшадик бу хонадонда. Лекин менинг, дўстимнинг ҳам роса безоримиз чиқди. «Давай, кўчиб кетамиз», дедим ахийри. У ҳам худди шуни — менинг турткимни кутиб юрган экан, дарҳол «кетамиз»га тушиб қолди. Кетар кунимиз буни эшитиб кампир ҳайрон бўлди.

— Энди қаёқча борасизлар? Ё хапа қил қўйдимми, а? — деди у жовдираб.

— Йўғ-э, ойи, унақа деманг. Биз хафа эмасмиз. Ўқишимиз битди-да. Энди уйга кетмасак бўлмайди, — деди дўстим ҳеч иккиланмай.

— Ундей бўлса майли-я, аввалроқ айтмапсиларам, — деди кампир, дарҳол рози бўла қолди. — Ота-онангларга салом денглар. Бир курмағур кампир бориди, деб эслаб юринглар, чироқларим! — Шундай дейишга деди-ю, лекин сира биздан ажралгиси келмади, дўстими ни неча бор ўпди, йиглади, сўнг «Саритойим» деб мени қучиб олди.

Ҳа, биз бу мўъжаз иқлимдаги ортиқча меҳрибонлик, кўнгилчанлик ва соддаликка чидай олмай, бош олиб чиқиб кетган эдик. Кампир: «Сайдалижонимнинг тўйида бош-қош бўласила девдим», дея зорланиб, ортимиздан мўлтираб, йиглаб қолган ўшанда. Эҳтимол, шудийдиёси, юмшоққўнгиллиги сўнгги бор энсамизни қотиргандир.

Кекса, инжиқ бир кишининг уйини ижарага олдик. Бу хонадонда яшаш, ҳар қалай, ўнғай эди. Кейинчалик эшитдикки. кампири туш-

магур: «Болалар қишида совқотамиз деб чиқиб кетишиди», дебди орқамиздан. Эҳтимол, бу гап ёлғондир.

Ҳаммасидан ҳам бугун унинг ортимдан: «Мухтор!» деб чақиргани, ҳамон мендан күнгил узмагани, менинг эса ундан қочиб юришим, уни унутишга уринишими алам қилиб кетди. Йўлда йўлиқкан дўстим ҳам бирга ўқиган. Ҳалиги гапидан сўнг бирдан уни ёмон кўриб қолдим. Энди мен саксон йил яшаб, биронтага на панд, на озор бермаган мискин, муштипар аёл ҳақида ўйлар эдим. Бундан кейин ҳамма вақт уйига бораман, дуосини олиб юраман, деб кўнглимга тутардим. Э-э, айтмоқчи, ўғли Сайдали ака уйланмоқчи эди-ку! Кампир тўй кўрмоқчи эди, келин... Бугун, албатта, кўнгил сўраб уйига кираман.

Кечга довур фикрим ўзгарди: «Яхшиси, қўни-қўшниларидан суриштираман».

Йўқ, Сайдали ака уйланмаган экан, ҳозир қаёққадир, Сибиргами, ишқилиб, узоқ шаҳарга командировкага кетибди.

Эрталаб жинкўчада кампирнинг қораси кўринмади. Қўшни аёллардан бирининг айтишича, у касал экан. Икки кеча ўтгач, Ханифа хола деган аёл тоғорада кампирнинг кирини олиб чиқиб кетаётганини кўрдим. Ювиб бермоқчи, шекилли. «Шу бечора кампирни кириб бир кўриб чиқай», деган хаёлга бордим. Тағин... пайсалга солдим. Ханифа холага ичичимдан тан бердим, жонкуяр экан-да, шундай аёллар сариштали фарзандлар ўстиришади. Дарвоҷе, кампирнинг емак-ичмагидан ҳам шу аёл боҳабар экан... Нимагадир шўрлик кампирнинг узоқ ётмаслигини хоҳлар эдим. Узоқ утмади ҳам. Икки кун ўтиб қазо қилди. Айтишларича, Ханифа холанинг ўғли бориб, унинг амаки укасини чақириб келибди. Нима бўлганда ҳам, бечоранинг жасади кимсасиз, қаровсиз кулбада қолиб кетмади ахир, юк машинасида қаёққадир олиб кетишиди.

Кампирнинг ўлимидан сўнг инсоннинг қадри-қиммати ҳақида, қандай кишилар қариганда ҳам бу дунёда эъзоз топиши ҳақида узоқ ўйландим, мен узоқ ўйладим – такаббур ва шуҳратнараст, умр бўйи қийналмай яшаган, мол-дунё йиққанларнинг азасида қанча кўп одам тўпланиши, қабрларига баҳайбат мармартош ўрнатилиши сабабларини ҳам...

Бу ёруғ оламдан шундай бир кампирнинг узилиб кетиши ҳеч кимни йиглатмади.

Ҳеч ким йигламади-я...

1987 йил.

## ҚОРА ЧОЛ

*Тинибек бобом қиссагүйлик қилатуриб айтган:  
«Ай болам-ай, сўйламакни эмас,  
суймакни эплаганлар сўйсин-да ахир».*

— Сўнгминан анакей... медал дейсанми?.. Орден?.. Э, шошма, бердисини айтаман. Аввал худойини эшишт. Хатлаб олмасант, эсингда турмас-ов. Сени миянгта шунча гап сифмайди, болам. Хўш, охирида нима деб эдим?.. Қочганини айтдимми? Чориқулни де? Юнусними? Майли, шутиб, сўнгминан анакейин уста Ширин тўрт бармоини болталаб ташлаган. Ҳм-м... Нимага дейсанми? Ай, болам-ай, жон ширин-да, жон ширин. Кейин пойтеша қирқиб кетди деб важ қилган. Чўлтоқни ким олади урушга, автоматни ушлаёлмаса, ушлаганда отолмаса, э-э, нима дейсан, тепкини бориб Қоратанг босадими? Сўнгминан анакей, бизлар... бундай шумликлар борлигини билмаган эканмиз. Шуни қилмасак ҳам бориб манави Қўлнинг сяянини пашисга топшириб келавердик. Э-э, сен мунинг ҳаммасини ёзма-да, уста Шириндан балога қоламан, болам. Мунда-ай, расамадини келтириб, қоидасиминан ёз. Газетага чиқадиган қил. Тағин «Қора ота» деб юрма, «Фоппор исмли бобой», де. «Фоппор ота» ёки «Фоппор боза» десангам бўлади. Памилияси – Мусулмонов. Қизил тонг шўрасидаги Кўрғонтепа деган қишлоқда истиқомат қиласди, ўзи ветеран, деб кўй. Сўнгминан анакей...

Хуллас, Қора отасини у газетага ёзмоқчи эди. Бўлмади. Редакциядагилар мақолани қайтариши. Сабаби, Қора отаси ҳозир жамоат учун фойдали иш қилмаётган экан. Чолнинг ўзи эса газетада чиқишни жуда-жуда истарди. Ҳукуматга шунча хизмат қилиб, урушда Қўлимнинг илигидан айрилиб, бир марта газетада чиқмай шундай ўтиб кетавераманми энди, дер эди. Буни, албатта, бошқа бирорвга эмас, район газетасида номи чиқиб турган, ким-кимларни, уста Ширинларними-еъ – мақтаб ёзаётган неварасига хиёл ўксиниб айтарди. Невара эса шунда иокулай аҳволда қоларди. Рости, бобосининг ёзишга

арзигулик яна нимаси борлигини яхши англай олмасди. Уни ўзи билганича ёзди. Лекин қайтариши-ку, «фойдали иш билан шуғулланмайды», дейиши. Бошқаларни қанча ошириб ёсса, чақиришади, жўралари ҳам «мухбир» деб уни ҳурмат қилишади, ҳайиқишиди. Бироқ бобоси... Ўзи ҳам тўқимай, ҳаммасини ёзган эди-да. Феъл-атвори, Қўрқоқлиги, мақтанчоқлигию лопиллаши – барини рўй-рост ёзган эди. Нега шундай қилганини ўзи ҳам билмасди. Мұҳаррир, вазмин оҳангда гапирадиган салобатли киши уни масалага юзаки қарашда айблади, ижтимоий наф келтираётган одам ҳақида ёзинг-да, деди, Қаҳрамонингиз фойдали иш билан шуғулланмайди, фронтдаги мардликлари, қанча душманни қирганлиги ҳақида, ҳеч бўлмаса ҳозирги фаровон турмушдан мамнунлиги ҳақида ёзиш мумкин эди-ку, деди. Район марказидан қайтиб келгач, Қора отасидан уриш эшитгани ортиқча бўлди.

— Ҳукуматга зиён етказган жойим бор эканми? Мунча немисни плен қилган, ҳисобини ўзиям билмайди, энг чатоқларини қириб ташлаган демайсанми, э-э...

— Бари бир, фойдали иш қилмаяпсиз-ку?

— Гап билмайсан-да, бўплилк қилгансан, тирамода заготовка-га уч синтир майиз, жийдаминан туршак топширган мен билан сенми? Шуни айтмагансан. Э, каллаварам-э.

Невара қовоқ-тумшуғи осилиб анчагина жим қолди, охири:

— Сиз газитта сифмайсиз, Қорота, — деди.

Қора отасининг дўлворлигидан бир-икки кун алами келиб юрди, кейин 5-«А»нинг ўқувчилари, гарчи икки ёш кичик бўлишса-да, 7-«Б»ни футболдан 4:1 га ютишгани, бир муаллими ўттиз йилдан бери ёш авлодга ҳормай-толмай таълим бериб келаётганлиги, ўзларининг бўлимида баҳорги буғдой экиш ишлари қизғин бошлаб юборилгани ҳақида газетага ёзиб юборди. Қора отасини мақтаб чиқиш эса гарданнида қарз бўлиб қолди. Эҳтимол, бу армони ҳеч қачон ушалмас. «Жамоатта катта унум келтираётир, фойдали одам», деб ёсса-ку, чиқаришади-я, лекин...

Неваралари уни Қора ота деб чақиришарди. Гап орасида эса Қорота бўлиб эшитиларди. «Қоротамнинг қўли мана бунақа», шундай деб улар енгларини юқори тириб, қўлларини орқага букиб кўрсатишар эди. Лекин бари бир тақлид қилишолмас эдилар. Бобосининг тирсагидан юқорисида суяқ деган нарса йўқ, қўлини, афтидан, терию мускул ушлаб турарди. Кўнгли хуш пайтлари у невараларига тегишар, яктагининг енгини тириб, жуда хунук буришиб битган яра-

лар ўрнини бүкканида суюк-пуюклари терисини тешиб чиққудек бўла-диган қўлини тумшуғининг тагига келтириб: «Нима бу» дер эди. Баъзан индамай туриб билагини бир-икки марта айлантириб ташларди. Шунда неваралари қўрқиб, додлаб йиғлашар, қочишар, Қора ота эса атай энг қўрқоғини ўша қўлига олиб эркалай бошларди. Шунақа. Сўрашганингда ҳам баъзан ўша қўлини бериб, қўлингни қаттиқ си-киб қўярди. Фалати эди унинг Қора отаси.

Аллақачонлар оламдан ўтган янгалари бир пайтлар унга «Қора», «Қоражон», «Қорабой» деб от қўйишган эмиш. Болалик қилиб ўзи ҳам шунга рози бўлган. Шу-шу у «Қорабой», кейинчалик «Қора ота» бўлиб кетган. Биз айтган невара ҳам шуларнинг йўриғига юриб, бобосини Қора ота деган. «Янгаларининг шундай қилгани кейинчалик бобомга алам қилгандир, уларни роса сўккандир», деб ўйлади. Билади, бобосининг феъли шунақа, баъзан чарслиги тутиб қолади. Жаҳли ёмон. Урушда, айтишича, то қўлига осколка теккунича немис деганни шундай қирганки, шундай қирганки, эшиятурниб, ўзиям ер юзида немиснинг уругиниям қолдирмаган шекилли бу чол, деб ўйлаб қоласиз.

Қийратаверган, қийратаверган. Аввалига тўп-тўпи билан қайтар-ган, немис сийраклашиб қолгач, бешотарини кўтариб чиқкан-да, биттама-битта уриб афдараверган.

— Сўнгминан анакей, шу отаман, шу отаман, қурғур автомат елкага тепавериб...

Невара ҳайрон бўлади: «Боя бешотар деяёттан эди-ку?»

— Бешотар денг?

Бобо қўз учида шоша-пиша унга қараб олади. Сўнг томоқ қириб гапида давом этади:

— Сўнгминан анакей, пича дам олсамми дейман. Аксига олиб айни шу пайт пастқамдан анча немис чиқиб қолади. Командирини кўзи жалтанглайди, пича индамай тураман, кейин, «мана сенга», дейман-да, шартта отиб ташлайман.

— Ҳаммасиними?

— Ҳаммасини. Сен газитга шундай деб ёз: бобом ўша пайтда шошиб ҳисобдан адашиб кеттан, де. Эҳ, сержант Юра бўлганида борми, ай, келбатли ўрис эди-да ўзиям, ўша ҳисобдан адашмасди. Ўлиб кетди бечора. «Тий единий гирой», дегич эди.

Бу гаплар нечоғлик тўғри – невара фарқига бормасди, бобо шундай сўзлардики, уруш боягина бўлгандек, чиндан ҳам ўзи жамики немисни қириб, жангоҳдан чиқиб кетгандек туюларди. Бунга ишонмай кўр-чи. Ўмизига осколка теккан бўлса...

Эҳтимол, бобоси ростдан ҳам газетада чиқишни жудаям истар. Шунинг учундир, у неварасига тушунарли қилиб манзара чизарди:

— Немис Эшбойнинг чорбогидай жойда келаверади. Бизнинг взвод, айтайлик, мана шу супада турибди. Анови ўрик-пўрик, олма-полма, гилос қаёқда дейсан! Ҳаммаёқ тап-тақир. Немис булса келаверади. Қўлида — автомат. Пусаман дейсан, пусадиган жой йўқ. Файзи эмаклаб қолади. Юнус бўлса, «Мен кетдим, немисдан пойда, ҳаёти зўр советникидан», деб ура қочади. «Қайт-қайт, ўл-э, сотқин!» дейман. Сўнгминан анакей Жумаканинг ори келади, «кетавер-кетавер», дейди, ўзи эса Юнусни чўқлаб туради. «Ҳай, жўра, ҳай, отилиб кетса нима қиласан, жўражон!» дейди Юнус—ялтоқланади, қандай югуриб келганини ўзиям билмай қолади. Сўнгминан анакей, бир қиёмат бўлди, бир қиёмат бўлди, ҳеч сўрама. Пайзи кўзидан, мен қўлдан ажрадим. Юнусга балоям урмади...

Қора отанинг ёлғиз ўғли бор. У ҳам омонатга берилгандай, уриниб-суриниб, дам трактордан йиқилиб, дам қирдан юмалаб юради. Шу ҳолига ичишниям кўймайди тагин. Қора ота садақаю иссиқ-совуқ қиласвериб, койийвериб унинг жиндай танобини тортди, холос. Ўғлидан гап очилса, у тутаб кетади. «Ҳеч иши юришмади, юришмади-да, — дейди, — пухта-пиншиқ эмас, ваҳ-ҳей», — деб қўяди ҳар замон. Дейлик, бугун ҳам ўғил яп-янги тракторни тариллатиб ўнқир-чўнқир тоғ йўлига чиқди-да, сой йўлига бурилди, унинг бўлим марказига жўнаётганини кўриб. Қора ота ўзини кўярга жой тополмай қолди. Бир марта ҳув анави қиядан у трактор-практори билан қўшилиб юмалаб кетган. Ўшанда посёлкага пиво келиб, у роса бўккан, яна кабинада ён-верини тўлдириб пиво олиб келаётган эди. Иссиқ элтиб... Трактор бехосдан қияликка тўнкарилганда кабина эшиги очилиб кетган, энди мудрай бошлаган йигит қумлоқ энишда тушиб қолган. Худонинг асррагани шу бўлса керак-да. Думалай-думалай, келиб сойга тушгунча титилиб кетган тракторни кўриб Қора отанинг юраги ёрилаётган, ўғлининг тўрт мучаси соғ бўлса ҳам бўкириб йиглаб юборган. Кечга томон пича ўзини босиб, худойи қилиб юборсамми, деб турганида кампири ҳовлигавой-войлаб кириб келди. Боёқиши Карвондаги қизиникига меҳмонга кетувди, қайтаётуб қирда тушовсиз ҳангига эшакка рўпара келиб қолибди, бечоранинг эшаги бир ҳунар кўрсатган экан, устидан учиб кетибди, суюги тошга урилиб чатнабдими-еи..

— От ёлини тушармиш, эшак түёғини, кўзингга қарасанг ўласанми? — Чолнинг кулдиргичлари тиришиб ажинга айланди бирдан. Кейин «Қайдасан Митан?» деб қасалхонага қараб кетишиди. Эртаси кундан бошлаб уй хувиллаб қолди. Ўғли тонг саҳарда титилиб кетган

тракторининг эҳтиёт қисмларини тўплаш учун қирга чиқиб кетали, кампир — Митанда. Қора ота нима қиларини билмай невараларини уйига йиғиб, урушда бошидан кечиргандарини бирга ўнни қўшиб айтар, шулар билан овнар эди. Шундай кунларнинг бирида невараси: «Ҳеч газитга чиққанмисиз Қора ота?» деб сўраб қолди. Қора ота аввалига: «Ҳа, бўлмасам-чи», деди, кейин...

Энди бу — Қора отанинг нимасини ёзиш мумкин? Жамиятга фойдали иш қилмаса. Қишин-ёзин товуқларга ўралашиб юргани-юрган. Бир пайт қарасанг, сомонхонага кириб, бедаю сомонни аралаштириб, галвир тогорада емиш қўтариб чиқади. Куймаланади. Молларгаям гапираверади. Масалан, кўпинча говумушига шундай дейди: «Ўлмасанг бўлдидা, қурмагур, мунча тиланасан, ма, бугунча сенга шу». Моллар емишни еб тутатгунча оғилхонада куймаланиб юради, товуқлар ўралашиб, «кишт-кишт»лаб, гоҳида одамни сўккандай сўқиб қувади, охурдаги емишни сачратиб туширмасин дейди. Невара уни кузатади, лекин кимга нафи тегаётганига ақли етмайди. Рост, кеча унга бобоси «Участник ВОВ» деган ёзуви бор «орден»ини ҳам берди, невара уни қўкрагига тақиб олди. «Бир ёзмасам бўлмайди энди», деб турганида бобоси оғзига туптурди. Шу қилиги ҳеч ёқмади унга. Қора ота бир дақиқа бўлсин, носсиз туролмасди. Тағин «муҳбир» неварасини қаттиқ сурди дент. Уни тутиб олиб пийпалётганида неварасининг оғзига тупук сачраб кетди. Бола афтини буриштириб қочди, шунда бобоси: «Искашгаям кўнмайсанми? Унда соқол қиламан», дея қува кетди.

— Ўл-а, мўйсафид бўлмай. Ёш боланинг қилигини қиласди. Бирорвлар қариса Хизрдай бўлиб юргич эди, бу шиллир бўлса... — бувиси бўлганда албатта шундай дерди. Илгари бу гапни кўп айтган. Кампири минифирлаб гапиргани учун бўлса керак, чол эшитсаям эшитмаганга олиб кетаверади.

— Энди кеп-кеп, сендан қўрқайнми, — деб қўяди баъзан. — Гапир-а. Шунча немисдан қўрқмаган кеп-кеп қушночдан қўрқсинми? Қушноч бўлсанг ўзингта. Ундейига олсак, биз — мулло. Эски мактабни қўрганмиз.

— Қора отантнинг меҳри иссиқ,— дейди онаси. Бола анчага довур Қора отаси ҳақида ўйлаб ётади. Қизик-да. Қора отаси баъзан уни шунақа қувадики, оғзидан нослари тўкилиб кетади, оёғидан ковушлари отилиб кетади. Шунда-да, маҳсичанг лой демай, қор демай уриб келаверади, ишқилиб, етмай қўймайди. Бир гал бобоси қувганида югуриб бориб ўзини ўнглаёлмай, Абди аканинг лойхандағига учиб кетган. Лойхандақда увой-войлаб ётиби-ю, бобоси келиб устига таппа

ўзини ташлаган-да, «искаган», яъни тиканакдай соқолу мўйловини унинг юзига ишқаган. Яхшиям ўшанда қиш эди, ҳаммаёқ қор эди. Йўқса, лойхандақقا тушиб ё майиб бўларди у, ё ўларди...

Ўшанда бобоси уни кўтариб уйига олиб кетган. Бобосининг уйи зўр-да. Кузда шифтга илиб қўйилган узумлару шўр олмалар дейсизми, беҳилар дейсизми... Уйга киришингиз билан беҳилар ҳиди гулпа димо-гингизга урилади. Шулардан олиб бериб унинг кўнглини кўтаради.

— Сизлардаям борми беҳи?

— Бор!

— Йўқ сизларда. Отангнинг беҳиси бормиди ўзи? Ўтирикчи' -ей. Чойларинг-чи?

— Бор.

— Отанг «йўқ» девди-ку, бизлар лалмимиз — чоям, сувам ичмаймиз, деб эди-ку. Ҳа-а-а. Сенам ўтирикчи, отангам. Нонларинг-чи, нонларинг борми?

— ...

— Бундай ширин бўлмаса керак, а?.. Ширин? Кўйсанг-чи. Нон ейишда бисмилло дейишни биласанми?

— ...

— Майизларинг-чи?

— ...

— Мана, иккита беҳи, битта олма, бир ҳовуч жийда единг. Хўш, қанча бўлади бу?.. Билмайсан? Унда билиб қўй, уч сўму саксон тийин. Бўёғи олти пиёла чой, иккита нон, ҳаммасини қўшиб ҳисобласак, беш сўму қирқ олти тийин. Қани, тўлаб қўй-чи.

— Мен кетаман, Қора ота. Уйга.

Қора ота этагидан ушлаб тураверади.

— Қаёққа кетасан? Аввал пулинни тўла, кейин ўзинг биласан. Шунча қарз бўйнида қолиб кетаверайкан-да одам. Пулинг бўлса, тўлада, кутул... Бўлмаса, ўтирик. Отанг келиб ҳисоб-китоб қилади. Кейин ўзи сени опкетади. Гапни кўп қилма. Ҳа, танамдан-а, танамдан.

— Ўлманг, вуй.

Сўнг соқолини суйкаб қитиқлашга ўтади бобоси. Кулдиравериб, ичакларини қотириб юборади.

— Ичагини узасиз-ку боланинг! Ўв-в, бўлди-да энди, ўлсин агар сал-пал ярашса шу қилиқ.

— Энанг нима дейди? Лўлдирингни чиқариб битта нос бер. Бир сўк энангни...

У йиглайди: «Эшикни очинг, эна», дейди.

— Энангта нос бермоқчи эдинг-ку. Вий, об-бў, шайтон, не қил-

динг?.. Ҳа, майли, боланики ҳалол, кичкитойлигингдаям бир марта Үнар акам эркалайман деб энди қўлига олганида устига чоптиргансан. Ҳе, сени...

Бу – хотира, болалигидан қолган таплар. Энди шу бобосининг газетага ишқи тушган, жиллақурса, бир марта чиқсан ҳам майлийди, дейди.

— Кифтини келиштириб ёзгин-да мундай. Ё ўзим айтиб турайинми?.. Унда эшишт, бир бошдан айтаман. Сўнгминан анакей... Ай, эшиздингми, анави Юнусни, биттаям немисни ўлдирмаган, сотқин эди. Фақат қирқ иккинчи йилда оёғини осколка узиб кетувди. Шунга хукумат мошин берилти. Нега Қоратангни қутқилайди булар? «Ҳой, Фаппор ота, шунча хизмат қўлдингиз, қариганда бир гашт қилинг деб, манави «Московуч»ни хукумат сизга берибди, олинг, чолларнинг кўзини ўйнатиб бир мининг тўю сафарларга», дейдиган одам йўқ. Инсоф борми буларда. Сенинг-чи... муҳбирман дейсан, қўлингдан бит ўлмайди. Э-э...

Ахийри енг ҳимариб ўзи киришди. Қора ота бормаган идора қолмади. Лекин иши битмади. Кимдир, «сиз иккинчи группа инвалидизиз, биринчига алмаштириш учун Тошкентга боринг, деб маслаҳат берди. Сўнг ўзининг ибораси билан айтганда, «инвалидлар министри»га кирди Қора ота. Ҳеч натижа чиқара олмагач, тағин районга, сўнг областга неча борди, қатнади... Йўқ, қўлингиз сингани билан бошقا жойингиз бут, қолаверса, майиб қўлингиз ҳам ёмон ишламайди, дейишиди мутасаддилар.

— Немис келса бованг керак, жунга дар қилсанг — бованг керак, узум жегинг келса — бованг керак, баҳори бугдой зарил бўлса — бованг керак, газитга чиқиш қолса, бованг керак эмас, «Московуч» деса — бованг керак эмас, шундайми? Ҳе, ўргилдим сени закунингдан! — Қора ота шундай деб эшикни шарт ёпди-да, этагини силкиб келаверди.

Ўшанда Қора отанинг улардан қаттиқ кўнгли совиган эканми, тўй-маърака билан аралашиб бир йилни ўтказди. Тенгқури Юнус «Москвич»ини янгилаганини эшитиб, бир-икки кун ўйланиб юрдиди, тағин жияни Курбонбойни олдига солиб «тубри Тошкентга, Олий Совутга» йўл олди.

Худди шу кезлар невара пойтахтнинг бир четида, ижарада яшаб ўқир, ҳамма тенгқурлари қатори чой иchar, мутолаа қилас, орзу-тилаклар билан кунларни ўтказар эди. Баъзан «гап-гап билан уч йил ўтиб кетибди-я», дея сергак тортар, яна ёшлигига, эртанги кунига

умид боғлаб дарсга чоларди. Қайтиб келгач, қизлар ҳақида ўйлар, ё ҳамхоналар билан «Декамерон»нинг «энг зўр жойлари» ҳақида валақлашиб... уйқуга кетар, Қора отасини ҳатто эсидан чиқариб юборган эди. Ҳеч кутилмагандан...

— Шаҳарни қоқ ўртасида яшайди десак, қишлоқда турайкансансанку, — Қора ота энгашиб уйга кирди-да, шундай деди. Якtagига у ўша «орден»ини тақиб олган эди. — Энди йўлини топдик... — Қора ота неварасига қараб кулиб қўйди.

Шаҳар дунёсига сингиб кетган невара Қора отаси билан кўриша туриб, қачонлардир димогига ўтириб қолган ажаб ҳидни туйди, трактордан тушиб қолгач ҳам, уйқуси қочмаган амакиси, бобосининг «мунча узум единг, пулини тўла» дейишлари, ундан қочаётib лойхандақقا қулаб тушгани — бари-бариси бирдан хаёлида жонланди. Беихтиёр кулиб юборди.

— Нимага кулласан?

— Тағин «Московуч» деб юрибсизми? — гапни айлантириди невара.

— Гап шунда дейсанми, ҳе-еий...

Қора ота икки кунга зўрга чидади. «Кеча лўлдири чеканка бўлган неварамни бир соғиндим, бир соғиндим», деб жиянини хит қилди.

Поездга чиққач, хайрлашар экан, умрида биринчи марта неварасига бошқача тикилди. Сўнг бирдан тутақиб, ишини тиндирамаган комиссиядагиларни қаторга кўшмай сўқди: — Менга ўхшаб қўли маъжаклангани кўп бўлса ўнта ё ўн бешта, айтдим шуни, ҳадемай ўлиб кетамиз, шу аробангни миниб қолайлик, десам, сизнинг асосий суякларингиз бут, ҳеч иложи йўқ дейди. Оббо онангни от тепкир-э. Оббо, отангни... Шунча йўлга келиб... ҳалак қилди-я одамни! Ҳали кўрасан, Азоил қисиб келганда ўша мoshинини тиқиширади булар. Шунда ўзим биламан нима дейишни. Қараб тур, шунда кўрсатаман буларга. Бир тутиб сўкай, опкет замбилингни дей, немис келса бованг керак, «Московуч» деса керак эмас...

Невара укасидан хат олди. «Ака, — деб ёзибди у, — Қора отамминан Курбонбой ака Тошкентдан эсон-омон келишди. Шу куни уйи қариндош, кўшниларга тўлиб кетди. Қора отамни ўша ердаги энг катта комиссия кўрибди. Ўзи қизиқ қилиб айтиб берди. Одати бор-ку, шунаقا. Бундай дейди: «Сўнгминан анакей, шундай кириб бордим. Бир оқ соч дўхтур чопиб олдимга чиқди, келинг отахон деб. Тошканда мамилани жуда қотиришаркан. Узокдан кепсиз-да бобо, деб ачинди у. Кейин мен бошқа гапни қўйинг духтур бово, мен гурпанинг

ташвишиминан юриппан, дедим. Қани кўйлакни ечинг бўлмаса деди. Сўнгминан анакейин, аттанг битта жароҳат етмас экан, деб бош чайқади. Жароҳат бўлмаса қаердан оламиз энди, ўзингиз тўғирлаб юборинг, дедим. Бир вақт мен сизга пораҳўрмидим дейди. Ҳов, ўпкантни бос, дедим. Кўргонтепадай жойдан келдим, бир сенинг сўкишингни эшитмаганим қолувди. дедим-да, шартла столнинг устидаги давотини олиб манглайидан бир солмоқчийдим-у, каттаси қўйинг-қўйинг, деб ўртага тушди. Эсли аёл экан ўша. Ҳамма галимни эшитиб турган экан. Бундай бобойларнинг қадрига етиш керак, ўртоқ Палончиеп, неча жанггоҳлардан ўтиб, қон тўкиб қайтган, деб ҳалигини уришиб ташлади. Бизлар учунам қон тўккан, деди. Ана шу аёл ҳақиқатан одамнинг қадрига етар экан. Кўп қийинчилик кўрган бўлса керак. Отахон, хапа бўлманг деб йиглаб қолли. Э, нимага хапа бўламан дедим мен...»

Ҳа, бир неча йиллар бурун Қора отаси такрор-такрор айтган: «Қайтаришди де, ёзишини эпласанг ёз-да. Ҳэ-э, мунда кел, ўтири, ўзим айтиб турай, биратюла «Қизил Ўзбекистон»га ёз. Сўнгминан анакей эл билсин-да, вой-бўй Кўргонтепа деган қишлоғам бор экан бир жойларда, Гоппор деган — Қора ота дема тағин — зўраборнинг юрти экан, деб юрсин-да...» Рост, шуларни ёзмоққа у мени кўп ундалаган. Мен эса ҳамон Қора отам ҳақидаги ҳикояни қандай бошлашни билмай қийналаман. Қўлимга қалам олган заҳотим у таъна-маломат билан шундай деяётгандек бўлаверади:

— Немис келса бованг керак, жунга дар қилсанг бованг керак, узум егинг келса — бованг керак, баҳори буғдой зарил бўлса бованг керак, газитга чиққиси келса бованг керак эмас. «Московуч» деса — бованг керак эмас, шундайми? Ҳэ, ўргилдим сени закунингдан!..

1986 йил.

## АЛАФДАЛИК

*Ҳар йигирма ё ўттиз йилда қай гўрдан ҳам бу бало бир ёпирилиб келади. Шунда ҳамма таҳликага тушади, қисинади. Ўзларини гариб ва ноҳор ҳис этишади, тўрт томонга югуришади. Кейин...*

### I

Қўштамғали томондан лорсиллаб келган сариқ кучук ҳаммани таҳликага солиб кетди, кетатуриб, Абдулла қайнарнинг итини бир қопди. Уч-тўрт кун ўтмай қайнарнинг ити ҳам қутурди. Бу – одамлар кўргани, эҳтимол, бошқа мол-ҳолга ҳам касофат теккан чиқар, кўрмай туриб бир нима дейиш қайин, шунинг учун ҳам узуибулоқликларни ваҳм босди, ахийри, ҳар икки итни тоғқоровулга оттиргач, сал ўзларини босишиди, тагин бошқага касри урмасин деб ёқиб юборишиди ҳам. Улар тўғри қилишиди, бошқа илож йўқ. Аммо ўша оғатнинг зиёни ҳали-бери тегиб келаётир...

Ўша – саросимали кунларнинг сўнггига, бир куннинг ичиди ҳам Кўлдош бригадирнинг, ҳам Раҳмонқулнинг итлари ўзидан кетишиди. Бригадирнинг ити, ўзининг айтишича, олдин кўзлари қизариб, қораҷиқлари кенгайиб, сўнг ялоғидаги ювиндигаям қарамай қўйибди, карахт бўлиб ётаверибди. Шуни пайқагач, бригадир қозикдан бўшатмаёқ итини отиб ташлабди. Раҳмонқулники эса, ҳеч бир нарсани сездирмай ишни битирибди: ҳам фунажинни, ҳам эчкиларни қопибдида, бадар кетибди. Раҳмонқул буни кейин билибди.

Бундан йигирма йиля бурун ҳам шу таҳлит гаплар бўлган. Нариги ошувлари қишлоқдан улоқиб келган кучук қанча молни увол қилган, докторлар келиб қишлоқда ит қолдирмай дори берган. Дори еган жониворнинг ичи қуйиб кетса керак, жонҳалпига дуч келган нарсага ўзини уриб, кетатуриб ўлган. Хонбуви момонинг кучуги ўшандада ажаб ҳангомалар қилганди-да.

Кампирнинг момиқдайгина кучуги кўп суюмли, невараларию ўзига дуруст овунчоқ экан, адашган мол ё одам Келса ҳуриб турар экан. Улоқсан ит қишлоқни оралагач, бу кучукни ҳам докторлар «эмлаб» кетишибди. Шўрлик боғлиқ экан, ўлишини сезганми, эгасига бирам мўлтираб қарабдик, асти кўяверасиз. Кампирнинг раҳми келибди, «бечора-я» деб бориб қозикдан бўшатиб юборибди. Кучук аввалига булк этмай чўзилиб ётаверибди. Кампир, «энди жонивор ўлмас эканда», деб таскин топиб, уйига кириб кетибди. Шунда кучук иргиб турибдию бориб эшикка бир-икки суйкалибди, сўнг икки оёгини дераза рахига қўйиб тумшуқ чўзиб деразадан ичкарига қарабди. Кампирга у гўё дардини ёрмоқчидаи бўлиб туюлибди.

— Жониворгина-я, — дебди кампир, — майли, берган ош-нонимга розиман... — Мехри ийиб, у битта кулча олибди-да, жониворга ташлабди. Кучуги уни шошилмай ебди. Кампир не хаёлга бориб, яна уни ипидан етаклаб қозиқда боғлабди. Орадан бир соатча ўтгач, шўрлик ўзини тўрт томонга урибди ва ёғоч қозикни қарсиллатиб синдирибди, ўзини эшикка урибди, ичкарига кирибди. Кўрқиб кетган болалар чирқираб бувиларига ёпишибди, сўнг ҳаммаси ташқарига қочиб чиқишибди. Кучук сандиқни туртиб кўрпаларни қулатибди, сўнг қориб қўйилган ҳамиру тўшаклар оралаб, билган амалини қилибди. «Нима қипти?» дейсизми, э-э, айтишга тил бормайди, анови зормандага ичи тўлиб кетган эканми, уйнинг ҳаммаёғини билганидай қилиб ташлабди. Тагин дeng, ўшандай важоҳат билан деразани синдириб чиқиб кетибди. Эски тегирмонда мулла Салимнинг қизи ошиғини пойлаб турган экан, касофат кучук бориб унинг ҳам ўткасини ёриб, шу ерда ўлиб қолибди. Шундан бери Хонбуви момонинг уч кун бадалида бурун жийириб кир ювгани ҳам, ошиғини кутаётган қизнинг лозимини хўллаб қўйгани ҳам оғиздан тушмайди. Мулла Салимнинг қизи эрга тегиб, ўн битта бола туғиби ҳамки, узунбулоқликлар шуни айтиб кулги қилишади...

Кучуги улиммаган қишлоқда бир нима етишмагандай бўлар экан. Хусусан, тоф биқинида жойлашган Узунбулоқдай қишлоқда...

## II

«Ҳеч нима қилмас, одамлар айтаверади-да, — деб ўзини овутарди Раҳмонқул. — Шу ёшга кириб касофати ит қопиб қутурган молни кўрмадим-ку ҳали».

Шундай деб ўйларди-ю, бари бир, дилидаги шубҳа тарқалмасди. Ахийри, кийиниб йўлга чиқди, бориб Давир тоғасига оғиз солди, ҳар қалай, кўпни кўрган одам.

— Буям бир гапи-да, — деди чол. — Кўравериб, кўзимиз пишиб кетди-ку. Қопганды ҳаммасиям қутуравермайди, гап бор-да, гап бор. Итнинг тиши қаттиқ ботмаса, захри томмаса — бас. Айтайлик...

Довур тоғаси узоқ жавради. Афтидан, тешик қулоқ топилғанидан, хусусан, жиян гапини эътибор билан тинглаётганидан у мамнун эди. «Қариганда эзма бўлиб қоларкан-да киши», деб ўйлади Раҳмонқул. Кўнгли сал таскин тоғгани учун ҳам тоғасининг гапини бўлмай, ўз ўйларига берилди: «Энди... Захри тушмаган чикар, қолаётганида шошиб қопган. Эчкіларни ёмон қўпти лекин. Ҳатто бирининг қулогиниям узиб олти, гунажиннинг думини тишлапти, касофат». Тоғасининг кўзига кўзи тушишини истамасди у, ўйланиб туриб, дабдурустдан сўради:

— Давоси йўқми, а, тоға?

Асли шуни сўраб қўраман, деб кўнглига туккан эди, шу туфайлими, оғзидан чиқиб кетди-да.

— Эй, тавба,— деда жеркиди тоғаси, хаёлинг қаёқда. Ҳозир айтлим-ку! Давоси бор-а. Йўқ, давоси. Тузалмас икки дарднинг бири шу.

— Энди... — Раҳмонқул ёш боладай шошиб қолди. — Қари билганини пари билмайди, деб... бир сўрагим келувди-да, тоға. Жаҳл қилманг энди.

— Жаҳл қилаётганим йўқ, — деди тоғаси. — Ўзинг билатуриб сўраётганингга айтаман-да. — Чол жиянини ранжитганидан хижолат чекди шекишли, соқолининг учини қайириб оғзига солди, кейин ўйлануб қолди. Пичадан сўнг:

— Дарвоҷе, — деди, — яна бир гап эшитгандим. Қадим замонда бақувват бир йигит... Отинг ўчгур шу касални юқтириб олибди-да. Кейин кўзибди бечоранини. Ҳартугул, бошқаларга зиён етказмабди. Ай-ай, жиян, Худо одамдан нари қиссин-да шу балони. Ҳайвон қутурса, урарсан, ўлдиарсан, куйдиарсан, лекин одам... Одам азиз-да. Боёқишининг бўлари бўлганидан кейин кўплашиб-кўмаклашиб бўйнига арқон солиб, овлоқ бир жойга опкелишибди. Шу жойда ёрматом бор экан, унинг ичиди йўғон устун бор экан, шунга тортиб боғлашибди-да, ташлаб кетишибди. Не бўлсаям, тузалмас дард, бечора ўзини билмай, бўкириб, жони ичига сифмай, ўмганини ўзи ғажиб ташлабди. Қон булоқ бўлиб оқаверишибди. Шу атрофда бир чўпон кўй боқиб юрган экан, шўрликнинг овозини эшитиб, келибди. Қараса, шу аҳвол. Аввалига қўрқибди. Бир йигит ўзини билмай айнқайдай айқириб, ўзини ўзи ғажиб ётса... Қўрқмай бўладими, ахир. Кейин, қани, нима бўларкин, деб қўлидаги заранг таёқни — ўзиям отамерос экан-да — анавига тугибди. Тошниям чайнаб юборадиган важоҳатда турган йигит таёқни тишлаб ғажий

бошлабди. Тишлари синиб, оғзи қонаб кетибди, бары бир, чайнайвебиди. Чўпон ёндошишга чўчиб, изига қайтибди. Сурувни олдига солиб энди қирдан ошаётганида бирор чақиргандаи бўлибди. Қулоқ солса, овоз ёрматом томондан келаётган эмиш. Ҳайрон бўлиб, ҳалигининг олдига қайтиб келибди. Йигит: «Энди мени бўшатиб юборинг, ака» деб ялиннибди. Чўпон унинг айтганини қилибди. Шунда йигит: «Энди сиз билан ака-ука тутинаман, сизнинг олдингизда бир умр қарздорман», дебди. Шутиб бу дарднинг ариганини бир марта эшиштганман. Ундаям бўлса чўпоннинг таёфидан тузалган.

Тоғаси «чўпон таёфи» деганидаёқ Раҳмонқул бунинг нақл эканлигини англади. Лекин яна қайта сўради:

— Шу бўлганмикан ўзи?

— Нима, бўлмай чўпчакми бу? Ота-буванг ўтирик айтиб қолдирадими сенга? Чўпон таёфидагап кўп, қанча гиёҳга тегади, шунинг кучи уради-да унга.

Раҳмонқул аввалига кулди, сўнг олти йилдан бери кўтариб юрган таёфини эслаб, шунга ишонгиси келди. Бирдан не ўйга борганлигини англаб қаттиқ сесканди. Эчкилари билан фунажинини... Ичи ачиди. Қирт-қирт ишлаб, манглай тери билан орттирган эди-я. Энди оғзи нонга етганда... Кулогига бошқа гап кирмади. Чол ҳамон бир нималарни жавраётган эди. «Яхши боқиб эдим, эчкиларнинг қорни кўтарилиб қолуди. Оқ эчки ҳар йили эгиз туғарди. Касофат лоақал бузоқда тегмаса бўларди-ку».

Тоғаси ундан: «Ўзи нима гап, жиян? Нега мунча типирчилаб қолдинг?» — деб сўрамади. Элнинг оғзида ҳозир шунга ўхаш гап, эҳтимол шу боис индамаган чиқар. Фурбат, саросима. Раҳмонқул ўзидан ўтганини ўзи билади, молларни ит қопганини ҳеч ким кўрмаган. Ўшандаги ҳадеб ит молларни қувганини кўриб хавфсираётган эди-я... Нега шартга отиб ташламади, шундай қўйла бўлар эди-ку. Ҳатто ўзига ҳам бир ташланиб қочганди-ку. Яна «ювошгина ит» деб, «ундай эмасдир» деб... Кўзи қиймади-да, кўзи қиймади. Шуниям манфаат билди, итидан фойдаланиб қолгиси келмади. «Оқсимлиги йўқ», деди, «Бегонагаям қулоқ читмайди» деди, хуллас, мана энди...

### III

Кўйларга емиш бераётуб ҳам шуларни ўйланди. Қўли ишга бориб-бормай, сомонни охурга чала-чулпа сочиб, қопни сомонхонага иргитди. Кўрадан қайтиб келиб ҳовлида ўғлиниң улоқни кучоқлаб ўйнаётганини кўрди.

— Ота, ота, — дея қийқирди ўғли, — оқ эчкининг қулоғи тушиб қопти, қаранг. Яна ўсиб чиқадими бошқа қулоқ?

Раҳмонқулнинг юраги шув этди.

— Кап-капта боланинг ишими шу? — деди, күнгли баттар ғашланди.

«Улоқ эчкига сўйкалади, эмади... хотинга айтсаммикан?» Шунга ботинмади. Қўрқади, деб ўйлади. Сарибўйин бадар кетганига хотини унча ташвишилангани йўқ. «Улоқиб кетган. Бир-икки кун ичидаги қолади, эсли ит», деди.

Раҳмонқул шу кеча мужмал, аммо қўрқинчли тувлар қўриб чиқди...

#### IV

Эрталаб болалари қатори ширчой ичди. Ҳеч күнгли тортмади, билади — гунажининг сутидан, шуни билатуриб, миқ этмай ичди. Кейин болалари талашиб сут ичаётганини кўриб, индамай ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. «Яхши бўлмади» деб ўйлади у, мунофиксиклик қилаётганини, беқарорлиги юрагига тўкилди. Кўрага бораётиб яна тоғасиникига қайрилди.

— Кишининг чўзилганини қаранг, тоға. Бултур шу пайт молларни лаштга ҳайдаган эдик. — Гапни узоқдан бошлади у, юрагидагини бирдан айтиши маҳол эди. — Чиллаям ўтди, тўқсан, ой орасиям ўтди. Куннинг исимаганини қаранг.

— Ҳа, Худонинг берган куни-да, — деди тоғаси. Бу — Худонинг берган куни эканлитини Раҳмонқулнинг ўзи билмасмиди. Қарғанинг қағиллаши ёмон, ҳали анча-мунча чўзилади, буниям биларди у. «Ҳой, жиян, бир дардинг бор-ов сенинг?» демайдими тоғаси, у бор гапни айтиб, шу балодан қутулмайдими?

Ахийри, юраги чидамади.

— Шу, кутурган кучук тишиланганда қон чиқмаса бас, юқмайди, дейишади. Чинми шу? — Ҳапқиришини боса олмай, жўрттага қўшиб қўйди. — Энди сиз кўпни кўргансиз, тоға. Шунга сўраյпман-да.

Чол бу гапдан фуурланди. Қишлоқда ҳукм суроётган таҳликали аҳволнинг бирдан-бир билимдони ва ҳалоскоридай тутди ўзини. Томоқ қириб, деди:

— Тишиланники бир ой ичиди, сўйкалланган ё яланган бўлса уч ой ичидаги билинади, жиян.

Бежолигини лайқадими, бобой маъноли тикилди, шунда у: «Шунчаки ўзим» деган маънони англатмоқчи бўлиб печка биқинида изғи-

ётган мушукнинг қулогига чертди, асабийликданми қаттиқ чертиб юборди. Мушук сачраб турдию эшикка отилди. Даҳлизга чиқиб зорлангандек миёвлади. У хижолат бўлди.

— Дунёдаги энг маишатпараст ҳайвон шу, — деди. Бироқ кўнгли таскин топмади. Тогасидан нигоҳини узди.

— Тоға, шу дардга энди чалинган молнинг гўштини тоза пишириб еса ҳеч нарса қилмайди, дейишадими?

— Обдон пишириб ё қовуриб еганлар бор, дейишади. Шундаям на ҳаром, на ҳалол — жайраники қатори бўлармиш. Энди, касал бўлганини билганингдан кейин қандай қилиб егинг келади. Ёмон-да, жиян, ёмон, кўнгил тортмайди.

— Ҳакимбойнинг гапига унча ишонгим келмади, — деди Раҳмонқул тағин. — Жонсиз нарсаям қутуриб кетармиши-ей, шуйтиб вахима қип қолди. Бир пайтлар момосини эшак талаган экан, шунда балиқчи отанинг сувига ювингани борибди, қайтища кийимларини ёқиб юборибди, лекин бўйнидаги мунчогини кўзи қиймапти, опкел деворга осиб қўйипти, қирқ кун ўтиб девордаги мунчоқ қутурган эмиш-эй, михда осиғлиқ турганча селкиллайверган эмиш-эй. Қаранг, шу гапга ишониб бўладими ахир?

Чол қулди.

— Боланинг гапи бу! — деди, — нега йўқ ердаги бўлмагур гапларни топиб юрибсан? — деб сўради. — Фақат жон қутуради, тириқ жон. Жонсиз нарсага балоям бўлмайди. Каллангни мундай ишлат ўзинг: тупроғам, шоҳ-шаббаям... ҳе-ҳе-ҳе... кўрпаларам қутураверса, биласанми, нима бўлади? Ҳе-ҳе-ҳе, болалигинг қолмади-да, жиян.

Раҳмонқул мот бўлди. Миқ этолмай қолди. Аммо енгилганидан хижолат эмасди. Ўзининг хавотирли хаёлларига ўралашибди у: «Нима қилай, оворам чиқди-ку тоза. Ё бор гапни тогамга айтсаммикан? Ошиқатигимни таъмин қип турган сигирчам...» десаммикан. Сути увуздан энди ажраб эди. Пушти наслдор бўлади деб умид қилувдим. Ҳеч бўлмаса, гўшти... Ахир, биратўла куйиб қолавераманми? Ундай десанг...»

Йўқ, буни айтолмади. Лозим кўрмади. Ўзича бир қарорга келди: «Пича сабр қилай. Агар, сезилса... Бош омон бўлса, мол топилади. Кудириб юбораман!»

Кўнглидагини айтмагани кейин — тогасиникидан чиқиб, анча йўл юргач, ўзига алам қилди. «Оббо-о, айтиш керак эди-да. Бирон жўяли маслаҳат чиқса, сал тинчирмиди. Ахир тишлигандан бериям уч кун ўтди, энди нима бўлади?»

Кечга бориб тоғасига бор гапни айтмаса бўлмаслигини ўзиям сезди. Ҳадеб қатнаб қолганимга кулмасин, деб бир тўрва емни баҳона қилди. Ўзини саховатли кўрсатгиси келди, бориб отидан тушмай овоз берди, келин чиққанини кўриб:

— Тоғамни чақир, тоғамни, — деди. Тоғаси кўриниш бергач:

— Камикўрмангизнинг таги кўриниб қолган чиқар, тоға. Бугун ем келувди, бир тўрва ташлаб ўтайнин, дедим. — У олдига ўнгарилган халтани узалиб ерга қўйди. — Мен отдан тушмайин, тоға, — деди кейин. — Сизга маслаҳат солай деб эдим. Шу, сабил қучугимиз кетишида бирор қилиқ кўрсатиб кетганми дейман, кўнглим алағда.

— Нима? Шубҳанг борми? — деди чол сергак тортиб.

— Илгари кўрмаган эдим. Эчкилардан икковининг қулоги салпал тирналгандай. Шунга кўнгил хотинч. Нима қиласман экан деб гаранг бўп турилман.

— Э, чатоқ-ку унда. Ҳаракатингни қил, мундай хотиржам бўлма. Янаям духтурда қарши укол бўлади деб эшигтанман. Кўзинг қиймаса Қаршибой зоотехникминан гаплаши. Укол қилган духтургаям... Ҳай. қара-да, жиян, агар қон чиққан бўлса... Фунажинминан бир эчки нима деган гап... баҳридан кеч.

— Битта эмас-да, тоға, иккита эчким...

— Учта бўлмайдими. Шунинг баҳридан ўтсанг, бир жойинг камайиб қоладими? Нафсиғолиблик қип, балога учрама тағин. Эшигдингми? Ҳов Наҳгруд деган қишлоқда...

«Бўлди-бўлди, куйдирман. Танисоғлик керак кишига. Бош омон бўлса дўппи топилар». Қарори қатъиylашди. Уйга келиб, хотинига шу гапни айтган эди, у аввалига ўйланиб қолди, кейин кучукни қарғади, ахийри:

— Кун кўрарманни деганда... Укол қилдирсак, қандай бўларкин?  
— деди.

— Фақат эчкилар эмас-да, фунажинам шундай. Думини қара, ишонмасанг, — деди Раҳмонқул ўртаниб. Хотинининг гапи уни ҳам эзиб ташлаган эди.

— Қопганини кўзингизминан кўрмаган-нетмаган бўлсангиз, ия, айтаберасиз-да. Бари молни қирасизми энди — улоқсан ит қишлоқни оралади, деб? Кимнинг моли кутурдию сизники қутурсин. — Хотини ториқди. Раҳмонқул ўйланди: бир ҳисобдан бунинг гапиям тўғри. Лекин...

— Э, қўй. Икки эчкиминан бир фунажиндан айрилсанг қиёмат бўлмас. Худо кўрсатмасин, агар ... Қўй, ториқма, хотин.

— Ўзингиз биласиз, — деди хотини, сўнг ўйланиб қолди.  
— Эмаса... — Раҳмонқул яна иккиланди. Сўнг деди: — Пастрамкаминам бир сатил красин опчиқ қани.

Номозгар ҳаммаёқ тинчид қолган, шу пайт қир тарафдан аввал гунажиннинг бўкиргани, бир оздан сўнг эчкиларнинг зорланиб маърагани эшитилди. Кейин... анчагача кетмоннинг тарс-турс товуши келиб турди.

Қош қорайган пайтда бирор уриб сулайтириб ташлагандай алфозда Раҳмонқул уйига кириб келди. Хотинига у: «Елкамдан тоғ ағдарилигандай бўлди-э, уч кундан бери уйқу йўқ эди», деди ва оғир хўрсинди.

## V

Эртаси кун якшанба эди. Бозорга тушган Раҳмонқул кам эмас, кўп эмас, роппа-роса ўн кило гўшт кўтариб қайтди. Ундай-мундай эмас, сон гўшт эди. Хотини кувониб қолди. Эри ҳеч қачон бозордан бунча гўшт харид қилмаган аввал. Шуниси ажаб туюлди унга, «гўшт опкенг» демаганди ҳам, бу бўлса қонини силқитиб бир белбоғ гўштни кўтариб келавериби.

Хотини ҳайрон бўлса-да, индамади: эрининг одатдаги бадқилиқларидан бири, деб ўйлади. У, бозор оқшоми, деб анча гўштни ошга босди. Кечқурун бир-икки қўшнилари ҳам чиқишиди.

— Бу ишингиз бежай бўлди-да, Раҳмонқул ака, — деди Дўсан. — Мундай пайтда нафсибаландлик қилмаслик керак. Ҳов, қишлоқни чигиртка босган йили эсингиздами, бойловдаги новвосим шундай бўп қолди, денг. Отам жониворнинг устидан сув элади, элабтуриб боладай йиглаб қўяверди. «Раҳматилланинг суннатига боқаётталим сени», дейди. Эй, борсин, дедим... молни ўйламанг ака, омонлик бўлсин, омонлик.

Раҳмонқул ҳадеганда одамга эл бўлавермайдиган, ароқ деса ўзини томдан ташлайдиган қўшнисидан бундай гапни биринчи марта эшитиб туриши эди. Унинг гапини маъқуллади. Раҳмат айтди. Лекин яна гап нуқул шунинг атрофида айланавергач:

— Бўлак ҳангома қуриб қолганми, — деди жеркинқираб.

Шу-шу, мавзу ўзгарди, лекин гап айланниб келиб яна Ҳурзия янага, унинг тиятишлаб қутурган отасига келиб тақалди, яна шу касофат ҳақида ўйлашга Раҳмонқул мажбур бўлди.

— Ҳаҳ, шўрлик-шўрлик. Ажали шундан экан, не қилсин, — деди Умар. — Духтур тузатолмаса, мулла билмаса, табиб билмаса, Худога

ялинсанг, бўлмаса. Норқулнинг чеълаклик ошнаси айтади, бир ҳамсояси бор экан, шунинг эшаги қутурадиган бўлиб қопти, буни пайқаган йигит бозорга опчиқиб сотиб юборипти. Энди қанчага пулласа пулланган. Қайтиб келган. Кўнгли жойида. Ана шу йигит, ишонсангиз, қирқ кун ўтиб эшак пули касрига қутурибди. Кўрдингизми, даже пултаям урар экан таъсири.

— Э-э, қўйинг бу гапни, — деди Умар. — Пул қандай қилиб қутуртиради, ахир? Эшакнинг ўзидан юқсан бўлса керак.

— Эшакка ҳали ҳеч бало бўлмасидан сотган!

— Мундан чиқди, ҳаром пул ҳам қутуртиаркан-да одамни, а? Йў-ўқ, бу ерда бир гап бор, ҳеч ишонгиси келмайди одамнинг. Йигит эшакнинг қутуришини билиб сотганми?

— Билиб сотган.

— Тавба, ҳеч ақлга тўғри келмайди-я!

— Ишонмайман, де? Ке. Гаров ўйнаймиз, ўша чеълаклик пандаво-қиминан юзма-юз қиласман сени.

Ўртага иккита ароқни қўйиб гаров ўйнашди. Дўсан Раҳмонқулга юзланди.

— Кўлни кесинг, ака.

Раҳмонқул ичига ўт тушгандай типирчилаб қолди. — Ҳозир, — деди-да, секин ўрнидан туриб, ошхонага чиқди, бориб дамлаб қўйилган ошни қозон-позони билан даст кўтарди. Оғилхона ортидаги чуқурга элтиб қозонни тўнкарди. Сўнг кетмон олиб чиқиб ошнинг устига тупроқ тортди. Айниқса гўштни айриб олиб чукурроқ кўмди, «ит-пит титиб емасин», деди...

Қайтиб келгач, имлаб хотинини даҳлизга чақирди ва унга очиғини айтиб қўяқолди. Хотини яхши ният билан ошга босган гўшт гунажинники экан. Ўзларининг гунажининики...

— Эски гўштдан битта ош қил...

— Бозорга бордим эмиш. Бозорга бормай ўлсин, шуйтиб. Одамларди алдаб, ҳаммани қутуртирмоқчи эдими?

— Қўй энди, унчаликка борма, — деди эри паст келиб. — Давир тоғадан сўраб эдим, ҳалолгаям, ҳаромгаям юрмайди, жайра гўшти қатори, деб эди, увол бўлмасин, деб... Биздан ўтибди, кампир, қўй энди.

Аёлини умрида биринчи марта «кампир» деди. Айбига иқрорлигини сездириш, уни эркалаш учун... Лекин жуда фалати эшитиларкан, ўзи уялиб кетди.

«Кампир» эса қозонни куйдира бошлади...

## VI

Эртаси кун қишлоқ фельдшери Шариф кириб келди. У Раҳмонқулнинг ити касал бўлганию молларини куйдирганидан хабар топган экан. «Куни эртадан қолмай болларингизни, bemорхонага ётқизинг, укол олишсин. Ўн иккита уколи бўлади, киндикдан. Шуни олиб, сўнг қайтиб келишади», деди ва район касалхонасига йўлланма ёзib берди. Раҳмонқулнинг хотини, икки ўғли, икки қизи – ҳаммаси, улар қайтишгач, Раҳмонқулнинг ўзи ҳам бориб ётадиган бўлишиди.

Шариф билан бирга-бирга бориб, Раҳмонқул Тенглашниги қайрилди. Қишлоқда ундан бошқанинг улови йўқ. Райондан машина чақирай деса, бориб келгунича хуфтон бўлади.

— Жўра, хижолат бўпқолдим энди, — деди у гарчи Тенглаш ўзидан ўн ёш кичик бўлса ҳам «жўра» деб, сўнг вазиятни тушунтириди.  
— Касалликнинг олдини оладиган тўққиз-ўнта уколчаси бўлармиш, уч-тўрт кун туриб келишисин. Шунга бир юкиниб келувдим. Мошининг билан...

Тенглаш тилла йигит. Дарров кўнақолди.

— Майли-майли, мен бормасам ким оборади, ака?! — деди у. — Одамнинг қадри бошга иш тушганда билинади-да. Эй, акам-эй.

Раҳмонқул ҳам уни алқади. Бу яхшилигинги тўйларингда қайтарайн, деди. У уйига қайтиб келиб кампирини кузатар экан: «Тирикчиликдан унча қайгурма, — деб тайинлади. — Кўни-қўшни, нариги томонда келинлар бор. Беш-ўн кун бир илож билан ўтар энди».

«Кампири» халқумида тўпланган йигини ҳарчанд яширишга уринмасин, ихтиёrsиз равишда ўзи фош бўла бошлади. Кўз ёшлари шудрингдай бўлиб киприкларига илинди, илинди-ю, булоқдай тошиб келаверди, ахийри, хўнграб йиглаб юборди. Ким билсин, балки бу йиги ожизлиқдан хўрлиги келган қўнгилнинг нолай зоридир. Эҳтимол, тинчини бузган касофатта норозилиги аломатидир. Балки, бунчалар баландпарвоз сўзларга у арзимас ҳам. Ҳар нечук шу аниқ эдики, табиатнинг ғайриоддий таҳдидига чидай олмаган шўрлик ўпкаси тўлиб йиглади...

Раҳмонқул касалхонадан қайтгач, бориб бўлимдан мол докторини чақириб келди. Қолган жониворларини бирма-бир эмлатди. Кенжатойининг «жийрони» қора тайхар ҳам, ҳатто мушук ҳам бундан четда қолмади.

## VII

Кеч кирди. Раҳмонқул пича енгил тортгандай бўлди. Бир чақирим наридаги қўрага — қўйларига емиш солиб келишга отланди. Қай-

тишда тоғасини кўриб, бўлиб ўтган гапни айтиб беришни кўнглига тугди. Бораётуб, тўрт ҳовли наридаги қўшниси Ялғошнинг уйи бикинидан ўтаётуб, оғили олдида дўмпайиб ётган қорага кўзи тушиди. Ҳайрон бўлди.

- Бунинг нима, Ялғош? — деб сўради.
- Э, сўраманг, эшакни ўлдириб олдик, ака.
- Йўғ-э?

Шариф дўхтур болаларни алдаб, «итингга берсанг, ичидаги куртини ўлдиради», деб иккита дори ташлаб кетган экан. Болалар шунинг бирини итга, бирини эшакка берибди, денг. «Курти тушганини кўрайлик», деганда тушмагурлар. Эшак-ку, майли, кургур итлитига бориб тандирнинг ичига кириб ўлибди. Кечадан бери ўт ёқамиз, тагин бир касри тегмасин, деб.

Ҳамсоясининг аҳволига унинг ичи ачишди.

— Кўргулик, — деди. Ва шуни англади: бу ёруғ оламда тагин бир умумий дард бор экан, у ҳам одамларни бир-бирига яқин, кўнтилчан, айни пайтда янада муニс қилиб қўяр экан. Дарди бир, ташвиши бир кишилар бир-бирига, дардларига малҳам бўлишни исташар экан. Шунданми, Раҳмонқул ўзи тенги қўшнисига лабдурустдан насиҳат қилиб қолди:

— Нимасига қайғурасан? Бош омон бўлса—бас, буёғига қуюнма. Эпакниям кўмиб ташланглар, буйтиб дўмпайиб ётмасин, энди не бўлса бўлибди, ўтган ишга саловат.

— Кўмишга кўмаверамиз-ку, бу қочмайди, — деди Ялғош.  
— Кўммасанг сасиб кетади, ҳаммани гаранг қиласди, — жеркиб берди Раҳмонқул.

— Буни ўзимам биламан, лекин ишга пешком қатнайдиган бўлдикда, энди, шунга куяман, — деди қўшниси.

«Оббо, бунинг дарди меникидан ошиб тушди-ку». Ялғошнинг ўн чакирим наридаги посёлкада ишлаши, ишга эшакда қатнаши Раҳмонқулнинг эсига тушди. Унга ачинди, бир кўнглини олгиси келиб қолди.

— Ана, бор бизнинг мочани мин, ҳайда. Ўзи илдам. Худога шукур, бизда от бор. Кунимизга ярайди. Отни сўрасанг ҳам бераман! — Катта кетди у, яна қўшиб қўйди: — Ҳеч фалокат бўлмабди-ку, ахир, шунга қувонмайсанми!

Раҳмонқул ҳозир қўрага боради. Қўйларни даштдан ҳайдаб келган шериги билан охурларга ем-емиш солади. «Тўкиб-сошиб емайсанми, майли», деб охурни тўлдириб солади. Бундан унинг кўнгли ўсади.

Ҳаммага, ҳатто шу жониворларга ҳам яхшилик қилгиси келади унинг.  
«Тирик жон омон бўлсин, — деб қўяди ичида, — бало-қазодан Худо  
сақласин».

Қайтишда, албатта тօғасиникига киради. У кишига шуларни ва  
тажминан шунга ўхщаш гагиларни айтади. Кейин, аввал-бошда тօғаси-  
га очиқ айтмагани учун узр ҳам сўрайди. Бош эгаси. Тօғаси нима деса,  
бундан буён шундай қилади.

### VIII

Шом чўкиб бормоқда эди. Раҳмонқул отига қамчи уради. Дили  
равшан тортади. Аллақандай ашулани ўзича хиргойи қила бошлайди...

*...кейин бало аригач таҳлика унумилади ва шуни эслаб одамлар  
кулиб юришади.*

1987 йил.

## ҚИШ КУНЛАРИДАН БИРИ

Аввалига кун сал совутиб яна илиқлашди. Қор ҳавоси уфурди. Ҳадемай биринчи қор ҳам тушди. Осмон кун бўйи элагини элаб, калиш қўмарлик қор ёғди. Ҳад-ҳисобсиз қоримиз Еримизнинг учсиз бурчакларигача қўмиб ташлади шекилли. Қорли кунларда овоз ҳам алланечук эши билади. Мактабга бораётган болалар уйимизнинг пастидаги сой кўчадан ўтишаётуб, укамни чақирдилар. Болаларнинг овозлари худди кўрпа тагидан эши тилаётгандай бўлди. Унчалик қалин ёғмаган қор Ернинг акс-садоларини ҳам ютиб юборгандек... Болалар мактабга бормадилар. Бу ташаббус укамдан чиқди. «Борганимиз билан ўқитмайди барибир. Болта маллим «зулмоноталиклар кун совуқда келмаса ҳам майли деган» деб уқтириди у.

— Ўтрик айтмагин яна.

— Ўлайин агар, шундай деган. Ишонмасанг агар Болтанинг ўзидан сўра.

Сўзини ўтказиш учун қасам ичади, яна гапига ишонмагани учун аччиқ қилиб, «Болта» дейди.

Болалар бу гапнинг ёлғонлигини билишса ҳам ўзларининг кўнглидагидай баҳона топилди. Энди улар уйларидаги хўжайнинларига ҳам, муаллимларига ҳам гап топиб беришади. Укам ҳовлида этигини тарақлатиб бетонга ишқалай бошлиди.

«Бир этикди бир ойга етказмайсан, ер босмагур».

Онамнинг қичқириғидан сўнг ура қочиб қолади у. Онам урмайди, лекин жаҳл билан қарғайди. Укам шунисидан қўрқади, эшигиси келмайди. Отам урса ҳам ундан кўрқмайди.

Онам пича ёлғон аралаштириди. Укам агар бир ойда битта этик кийганида онамдан ҳар куни уриш эшигтан бўларди. У бир этикни бир йил, ҳатто ундан ҳам кўп кияди. Оёғидаги эса менинг эски этигим — мен анча одобли бўлганим учун этигимнинг биронта тиши ҳам

катилмаган. Укам эса уни цементта ишқалаб тишлигини туширди. Аммо этиги жуда учқур бўлди. Жўраларининг ҳавасини келтириб уйимизга анча олис дўнгликлардан эрталабдан кечгача яхмалак отди. Ўртоқларининг этиклари сирпанавермагач, уларни паровоз бўлиб тиргакка олди. Кечкурун кийимларини ҳўл қилиб қайтди. Кечки аёз ҳўл шимларига ёпишгач қорларни қотган хамирдай музлатибди. Шимининг ўтиргич жойи хийла катталикда йиртилган.

— Нима бало, ўтириб тойдингми? Шуйтиб яна бир-икки марта тойсанг думғазангниям ишдан чиқарсанг керак сен бола, шимам, иштонам тутмайди сенга.

Онамнинг айтишича, агар укам шу зайлда кетса, ундан одам чиқмасмиш, акаларига тортмаётганмиш. Неча мартарабдаб ўзим жиққа ҳўл бўлиб келиб, отамдан таёқ еганим, онамдан қарғиш эшитганим эсимга тушиб сездирмайгина кулиб қўяман. Лекин онамнинг гапларига қарши чиқолмайман.

Укам совқотиб ҳаракатга келмай қолган қўллари билан этигини ечолмайди. Атайлаб онам ҳам, мен ҳам ёрдам бермаймиз. Ўзи ҳам ёрдам сўрамайди, кенжа синглимни қафиради.

«Куниминан тойганингдан кейин ҳақинг-да».

Аlam қилиб синглимни сўкишга тушади. Шундаям индамайди. Қўриб туриб ёрдамлашмаганимиз баттар алам қилиб жаҳли чиқади. Эшикни қарсиллатиб тепади, этикни сўқади. «Бу этикни бошқа киймайман» деб ўзига ўзи сўз беради. Ана кичик боланинг катта жаҳли. Жаҳл ҳам иш бермагач, ожизликнинг энг баланд тогидаги қорлар ёш бўлиб оқа бошлади...

Онам ўнг оёғидаги, мен чап оёғидаги этигини ечиб қўямиз... Ҳа, укам онамдан кўп уриш эшитади, аммо ҳали бери эси кирмайди – болалигининг кети кўринмайди.

Бир марта отам менга ёшлигига қумда сирпанавериб мўқисини ўтириб қўйгани, жазосига ўша қиши бобосининг янги мўки тикиб бермай қишини калиш билан ўтказганлигини айтиб берган эди.

Агар буни укамга айтиб берсам, уларни роса мот қилган бўларди, лекин айтмайман. Хуллас, қиши байрамини болалар бошлаб беришди. Эҳтимол, қордаги биринчи изни ҳам улар солишгандир.

Бир кунлик қорнинг аёзи кечаларигина ўз кучини кўрсатади. Чошгоҳга келиб күёш тикка бўлавергач, сойдаги музлар эриб сувлар катта шовқин билан оқа бошлади. Кечкурун у яна жимиб қолади. Гўё куни билан қўшиқ айтавериб чарчагандек. Қуёш иситаверса қалин музлар нураб-нураб сувларга тушади. Шунда сой кўприклардан бўшаб қолади.

Одамларга эса бари бир – қишлоқнинг энг ўртасига иккита узун тे-  
ракдан мустаҳкам кўпприк қуриб қўйишган. Кечалари бир-бирларини-  
кида бемалол тўпланишиб, гурунглашиб утираверишади. Ярим тунгача  
қартабозлик қиласидар. Ўрол қийшиқ бугун яна ютқазади. Жўралари-  
нинг калакасидан чўчиб, эрталаб улардан олдинроқ ишга кетади...

Ўн кундан бери касал ётган Розия момонинг қичқириши ҳамма-  
ни тетиклантиради. Кеча эчкиси келмай қолгани учун чакана чўпон  
Турдиқулни қарғаяпти.

Хотинлар ёқа ушлашади: «Кечагина ўлардай бўлиб тўшакда ётган  
эди. Ёмон одам ўлмайди!» Розия момо тенгқури Бувихол момога қўнгли-  
ни очади:

— Бу уйинг куйгур қайси йилиям бир эчкини гумдон қилган-да,  
тешиб чиққур илоё.

— Ҳийя, Розия опа. Қўзидан қўрқаман шунинг, саригилоннинг  
кўзидай йилтирайди, — ҳамдардлигини билдиради кампир.

Розия момо Турдиқулнинг уйига қарғаниб ўтади. Гапига ишон-  
май қайнатётган қозонини очиб кўради. Турди тухматдан қўрқади. Хай-  
риятки, суяқ йирик, демак — мол гўшт. «Армиядаги ўғлиниң кели-  
шига сўйман деб сомонхонага қамаб қўйган бўлмасин тағин». У ердан  
ҳам тополмагач, кампир жим бўлади, гум бўлади.

Шунда ҳам у қайтаётиб чўпоннинг бўйнига уч кунлик муҳлат  
кўяди. Бўлмаса товон тўлатамаň дейди.

«Топилиб қолар» дейди Турдиқул гуноҳкорона оҳангда. Оҳанг  
Розия момони гердайтиради.

Хотинлар ундан ҳол сўраб ўтишади. Ачинган бўладилар-у, Турди-  
қулнинг қулоғини қичитадилар. Бувихол момо ва уни қувватлаган  
кампир «тўлатиб олинг» деб маслаҳат беришади.

Эчки учинчи куни эмас, тўртинчи куни кунчиқардан ўзи маъраб  
қайтиди. Ферманинг молига қўшилган экан — чўпон ҳайдаб юборибди.  
Турди тухматдан қутулди. Аммо Розия момо бошини ҳам қилмади.  
Турдиқулни чақириб келди. Айёона, бироқ келиштириб кечирим сўра-  
ди. Турдиқул тилининг учидаги сўкишни яна ичига ютди. Эгилган  
бошни болта қирқмас. Уздан сўнг тилини тишлиди. «Шундай адашиш  
бўлиб қолар экан, Турдиқул ука. Мен анови йилдагига ўхшатиб...»  
«Анови йилда» ҳам Турди бўш-баёвлиги туфайли бегуноҳ шарманда  
бўлганини эслайди. Индамайди. Бунинг ўрнига бош қашиб ёш бола-  
дай тураверади.

— Ётган жойинг кафан бўлсин ўзингта, бундай тухмат қилгу-  
нингча, — дўсти устидан ҳукм чиқаради Бувихол момо. Гўё дугонаси-

нинг феълини бугун англагандек. — Шу бечорага айб тўнкаганига ўласанми. Бир-икки кун сабр қилганингда ўзи келаркан-ку. Ёмон одам ўлмайди шайтиб!

Хотинларга туганмас ҳангома топилиди. Ундан кейин неча тўй-азалар ўтиб бу воқеалар ҳам сийқаланиб кетди. Турдикул эса ўғли армиядан келган кунда ўз молини сўйди...

Ўзи учун ясалган кичиккина кўлбола стулда куншувоқнинг тафтига эриб ўтирган Қўлдош бобо кўзига довур тушган қошларини салпал кўтариб атрофга назар солади. Ўтирганда ўзи бўйи узун ҳассасини ерга уриб қўяди. Қизиқларнинг ҳаммасини билгиси келади. Куюқ қошлари орасидан ҳийла ўткир бокувчи кўзлари тўқсондан ўтиб ҳам бу дунёни ҳали-бери тарқ этмаслик нидосини англатади. Эрқаклар кўпинча ундан: «Хотин зоти ўзи азалдан шундай яратилган, ақл кирадиган замон бўлмаса керак уларга», деган хulosани эшитадилар ва чол умр бўйи хотинга ёлчимагани учун бу зот тўғрисида бирор марта яхши гап сўзламаганини эслайдилар. «Бу йил қиших шахши келди. Ҳар гал тўқсон яримлаб қор тушарди. Ер тўяди бу йил», деб қўяди чол.

Кундузлари ҳаво илиқ бўлганидан кўп жойларнинг қори эриб, қирлар ола рангга кирди. Аввал кунбеткай томондан эриди. Күёш қирлар елкасидаги қорларни сойгача «кураб» кўйди. Ер туни билан тин олиб, энди нафас чиқараётганга ўхшарди. Заминнинг намхуш бугидан тупроқнинг тўйимли ҳидини сезасан. Тандирда энди узилган ноннинг ҳиди бундан зиёда. Онанг ҳозиргина узиб келган қип-қизил нонни қўлингга олиб синдирсанг-да, бир неча жойидан бармоғинг билан тешиб сариёф суркасанг. Сўнг қўлингни куйдираётган нонни иштача билан есанг...

Шунда бирдан кўпроқ пишиб қатирлоқ бўлган жойига етиб қоласан. Дастреб онангга ва онангдан бошқа яна номаълум кимсагами, нарсагами шукроналар айтгинг, кучгинг, ҳайқиргинг келади. Бундай ҳол қиши пайтлари ёз ва кузнинг хуштаъм неъматларини зўр иштача билан истеъмол қилиб ўтирганингда кўп такрорланади.

Мағриб қизариб одамлар кўнгилларида сезиларли кўтаринкилик тўйдилар. Товуқларнинг ахлат титаётган панжалари совқотиб кўноқлари томон йўл олишди. Моллар оғилхоналар олдига тўпланиб, хўжайнларидан иссиқ жой ва емиш кута бошладилар. Қилиғи совуқ кал эчки тўппа-тўғри галлахонанинг эшигини боши билан турта бошлади. У қўриқчи итдан қўрқмайди. Чунки ит жуда ёш-да, баҳайбат эчкига ташланишта кучи етмайди. Аммо кучукбачча ҳам эчкидан қўрқмайди. Чунки унинг шохи йўқ. Ишқилиб, шу ит ҳалитдан эсли чиқиб, этасига

содиқ эканлигини намойиш қила бошлади. Укамнинг ундан яқинроқ ўртоғи ким эканлитини ўзи ҳам билмаса керак.

Моллар жойлангач, уй ичидагилар ҳаммаси жим бўлишди. Онам тезак ёқилавериб қулга тўлиб кетган печкани тозалайди. Кўйининг гўнгидан бўлган қаттиқ чолма тиқади. Отамнинг айтишича, бу Россиядаги торфлардан ҳам дурустроқ ёнармиш. Қозондаги макка гўжа би-қирлайди. Қиши кунлари оқ овқат ейиш расм. Кўпинча курут қотилган овқат ичилади. Куртабо ичиб олсанг совуқ кунда ҳам ичингда иссиқ сақлайди. Гўжа ҳаммамизнинг севган овқатимиз. Ҳозир онам гўжага курут қотди, яъни курути эзилган сув қўшиди. Қалин тунукдан қайрилиб ясалган печканинг тешикчаларидан олов гурпиллайди. Печустидаги чойнак жизиллашга тушди. Бир оз ўтгач, иккинчи чойнак ҳам жизиллай бошлади. Иккови қўшилиб чақалоқнинг йифисига ўхшаш овоз чиқара бошлайди. Онам оловга тикилиб ўтириб хаёлга толади. Эшикдан отам кириб келади. Отам билан молхонанинг ёқимсиз ҳиди қўшилиб киради. Бир оз ўтгач, тарқалиб кетади...

Қишлоғимиз шаҳарга жуда олис, шундай тоғлар орасида бўлишига қарамасдан, бу ердаги радиолар ҳам Америка, отамнинг сўзи билан айтганда унинг «Пошшоси», сўнг ядрорий уруш тўғрисида гапириб қолади. Шунда онам юрак қовучлаб «шу қирилгурлар бир балони бошлаб юбормасаку-я», деб қолади. Ўзи саводсиз бўлса ҳам армияда бўлиб «кўп нарсани тушунган» отам Япониядаги икки шаҳар воқеасини эслатиб, «шундан кейин бутун дунё Америкага қарши бўлиб қолди, у финг дейишгаям қўрқади ҳозир» деб онамни юпатган бўлади. Мен эса ўзимдан кичик укам хизмат қилаётган шаҳарнинг чегарадан жуда олис, мамлакатнинг қоқ ўртасида эканлигини айтаман. Шундан сўнг онамнинг кўнгли сал таскин топтандай, «ишқилиб тинчлик бўлсин-да» деб қўяди. Шундай маҳаллари яна шаҳарга кетиш ҳәқида ўйлаш ёқимсиз, таътил кунларининг узунроқ бўлишини истаб қоламан.

Ҳа, бу ердагилар, мана шу тоғлар орасидаги тинчгина қишлоқчада ҳам одамлар уруш тўғрисида хаёл суринб қоладилар. Бирорлар эса ҳеч қачон ҳеч қандай хавф-хатар бўлмайдигандек, ўз ишларидан ўзлари қаноатланиб юраверадилар. Бундайлар бизнинг қишлоқда жуда кўп. Ўзгалар билан тортишиб, ёқалашиб, хурсандчилик қилиб, яна бирорвларнинг кўнглини олиб юраверадилар. Гўё шу кўхна ва кенг дунёнинг, момо Ернинг нонхўр ва арзанда фарзандларидай юпаниб юраверадилар. Уларга ҳавасинг келади. «Рост, ҳамма шулардай бўлиши керак», дейсан. Йўлинг доим ялангдай очиқ бўлсаю оёқ кериб юра-

версам дейсан. Ҳамма ўзим баробари, ҳеч ким дунёning хўжайини эмас, катталар — қондошларим, тенгқурларим — жонажон дўстларим, кичикларнинг барчаси — укаларим дегинг келади.

Биз қишлоқи одамларни эртага қандай ташвишлар, янгиликлар кутаяпти — бу номаълум. Лескин ҳар доим тилагимиз — яхши кун. Яхши кунлардан бири ўтди. Тун кўйнида аллакимлар бугунги кундан рози, яна бирорлар норози гап отишяпти. Нариги бетдаги Розия момоникига меҳмонлар келишган. Меҳмонларнинг қошига гапдон кампирларнинг ҳаммаси йиғилишди. Менинг жуда билгим келади — улар нималарни сўзлашяпти экан.

Қиши йилнинг бошига тушган оқ сочдай ҳамма ёқда уфуриб турибди. Янги йил яқин. Баҳорга эса ҳали жуда эрта. Кунлар — беташвишдай туюлган бу кунлар кўнгилга мойдек ёқади. Бир-биридан соқин ва бир-биридан тотли кунлар...

1985 йил.

## ҮЛМАЙДИГАН ОДАМ

Бозорбой бобо ўлмайдиган одам. Мундайроқ айтганда, ўлимни эсидан чиқариб юборган. У түшакка михланиб, бу дунёдан умидини узаётган тенгқури Бардош бобони ўйламайди. Демак...

Бир хил тенг-түш, бўйинса кишилардай бу икки чол ҳам кўп хотираларни бирга бошдан ўтказишган. Бир уруедан бўлгани учун тўқсанинг замони, колхознинг буғдой ўрими, Фаргона ариғиую уруш асрорлари таъмини ҳамкорликда тотишган. Тириклик арабасини торта-торта, мана, саксондан ҳам ошиб қолишибди. Кейинги тақдир арабаси Бардош бобога яқинроқ эканми, уч-тўрт йилнинг ичидан бирдан чўкиб қолди. Уч-тўрт йилдан бери эса Бозорбой қорасини кўрсатмайди.

Бардош бобо шифтга қараб ётиб кайфияти бузилган пайтлари чексиз интизорлик билан Бозорбойни – уругнинг энг кексасини сўрай бошлади. У бултурдан бери қўлидан келадиган биргина иши – жойнамоз ёзиб намоз ўқишниям эплаёлмай қолди. Рўзани қўйганига эса икки йил бўлди. Бир хил тенгқурлари каби пана-панада ўғринча эмас, шундай – қурби етмай, чидаёлмай қолгани учун оғиз очиб қўйди. Икки йилгина бурун молларини ўзи ҳайдаб келиб қўрага қамарди, ўғли унга ёрдам бериш тугул, ҳатто молларини танимасди ҳам. Ота бирдан чўккач, ўғли бир дастёрдан айрилгандай бўлди. Гўё бурни оқса эплаёлмайдиган беш ўғли олтитага етгандай бўлди. Яхшиямки, Бардош чолнинг ўғли дилини олади – унинг қари кўнглини тушунали. Келин эса... Келинни келин эмас, чолнинг қизи дерсиз.

Чол қариб-қартайса ҳам мияси соф, кўнгли ҳам аввалгидай – саҳро каби кенг эди. Жисеми ҳолсиз, сўзи қувватли эди.

У салқин саҳарда уйғониш одатини ҳалиям ташламаган, кичкин-той неварасига ҳам шуни ўргатиб қўйганди. Намоз ўқиётганда чолни калака қилиб, ётиб тураверадиган, суралар ўқиётганда жажжигина бўлиб, неларнидир вижир-вижир қиласиган кичкинтой энди уни «эшак» қилиб минадиган бўлди. Чол неварасига:

— Менга боғгул опкемайсанми улим? — дерди. Невара бедазорнинг қоқ ўртасига экилган боғтулга етиб бораман дегунча неча марта-лаб суриниб, йиқилиб, иштони эрталабки шудрингларда ҳул бўлиб қайтиб келаркан, чол гул билан қўшиб неварасини бошдан-оёқ ҳидлар. ҳидлаб тўймас эди.

Бардош бобо ҳаётни энди илгаригидан кўра кўпроқ суя бошлангандай кўринарди. Чол ҳамон ҳол сўраш учун келганларга аввалгидай босиқлик билан бизлар «ҳикматли» деб айтадиган ҳантомаларни сўзлаб ўтиради. Бардош бобо ён-вери қариндош-уруг, фарзанду невараларга тўлиқ бўлгани учун хурсанд, гўё уларнинг бундай тўпланишиб ўтиришилари чолга кувват бериб, умрини яна ҳам узайтираётгандай, сўнгти сафарга отланишга йўл қўймаётгандай туюларди.

— Ҳозир менам шу неварамга ўхшаб бир мункиб туриб кетайин деяман-ов, оёқ курмағур айтганни қилмайди-да, — лейди у юзи та-моман ёришиб.

Эшикдан пилдираб кириб келган кичик невара бобойнинг тиззасига тармашади. Даастурхон атрофидагиларнинг бирори уни чолнинг тиззасидан ерга олиб қўяди:

— Қара, ҳаммаёфинг ҳўл бўлиб кетибди, э, расво.

Бола буни тушунмади, йигламоқчи бўлиб баттар бобосига интилди.

— Сувга тушиб кетдингми? — деб сўради уни кўтариб олган аёл. Болакай индамади, бунинг ўрнига бобосининг алқашини кутди. Бобоси ҳўл иштонли неварасини қўлидан ушлаб ўзига тортди.

— Шудрингга ботибсан-да.

Қанчалик куч-мадори камайиб бораётганини сезмасин, чол шу пайтгача бир марта ҳам ўз ўлими ҳақида оғиз очмаган. Ҳол-аҳвол сўраганларга пича табассум аралаш:

— Ишқилиб кириб-чиқишга яраб турибман, — лейди.

— Шу ҳам катта гап-да, бово, бирорлар қариса айниб қолади, сиз ҳеч дард кўрмагандайсиз.

— Э, дард кўрмаган одам бор эмишми бу дунёда? Меҳнат меҳнат эмас, дард меҳнат экан-ку.

Қариндош яна не деярини билмай каловланиб қолди.

— Қарисангиз ҳам яхши қаридингиз дейман-да.

Чол нимжон қўлларига таяниб жойини алмаштиришга уринади. Қариндош унинг қўлтиғидан кўтарди-да, нарироқ суриб, ёнбошига ёстиқ суюб қўйди.

— Бу йил ҳаво қўроқчил келди, бово.

— Бу йил тўргай келмади, — леди чол гўё унинг гапини эшиитма-

гандай. — Қарғаям, қузғунам келмади. Негадир йил бошқачароқ, эртани-кеч шамол қўзғайди. Бу шамол агар ёзда қайтмаса қишида қайтади...

Қариндош ажабланди.

— Ҳеч эътибор бермапман-а. Қаранг, тўргай йўқ, қарға-қузғунам йўқ. Бу ненинг аломати экан, тавба. — У ҳозир чол бу сирнинг ҳам таъбирини айтади, деб кутди.

— Ненинг аломати эканини билмадим-ов, лекин илгари тра-тра' йўқ вақти юрт анча осойишта бўлгич эди. Кун иссиқ бўлсаям қурғоқчил келмасийди. Тра-тра келтандан бошлаб қуруқ йил кўп келадиган бўй қолди.

— Сиз биласиз, бово.

Қариндош бот амин бўлдики, чол айнимаган. Ачиниб кетди: «Одам қариганда сал беобўроқ бўлиб қолса яхши экан, ўлганда ачинмайсан...»

Бобой очиқдеразадан ташқарита қаради. Файриихтиёрий равишила тарк этилажак олам: катта сой, сой бўйидаги кўкмак ўтлоқ, қирга ўрлаган қишлоқ моллари, нарига қарайверса — қир устида ялпайиб қора булат ётибди. Ўйинини чўзибрөқ қараб ажриқ босган ариққа тикилиб қолди; ҳар йили ўзи кетмон этовлаб ариқнинг ахриғини қирқиб чиқарди. «Қирқ йилдан сўнг ҳам елкам ерга тегса, кўкараман», деркан ажриқ, Бозорбой шу ажриқка ўхшайди...» Чол ичиди чўзиқ афғон билан бир нима деди, ҳеч ким англамади. Ўзи ҳам англамай айтган экан, анграйгандларга ҳеч гап демади. Нурсиз кўзлари гўё беларволик билан тўкиб-сошиб овқат еяётган невараваларига термулиб қолди. Бирор ярим соатдан сўнг яна ўрнидан қўзғатишиди. Укаси уни кучоқлаб кўтарди, шу кўйи ерга туширмай турди.

— Енгилгина бўлиб қолгансиз, ака, — деб кўзига ёш олди бирдан. Уканинг кўнгли бўшлиги ҳеч кимни ажаблантирмади. Фақат бир оз хижолат тортдилар. Укасининг ҳамдардлиги дилини эритдими ё кўнгли тусаганларнинг кўлчилиги шу ерда эканлигиданми, чол қариллик тазийиқини бир нафас эсидан чиқаргандай, эркалик қилгиси келгандай бўлди. Унинг кўкраги кўтарилиб тушаверди...

Эшикдан ўрта ёшлардаги икки киши кириб келди. Уларни кўриб укаси дадил ўрнидан турди. Ўзи ҳам сал сергак тортиб, уларга қаради: ҳамуруғлари — Темир тегирмончи билан Холдор тракторчи. Оқибатни тушунган одамлар — ҳол сўрагани келишибди.

— Бодомчалидан, кўпқаридан қайтаямиз, — деди Холдор.

— Чопдинларми селарам? — ҳайрон бўлди чол.

— Бизнинг уруғдан чавандоз чиққанми ўзи, ака? — деди Темир.

— Соқолим оқариб мен чопишни эпларман-ов, лекин манови укангизда укув йўқ, — у Холдорни кўрсатди.

«Темир ҳалиям ўша – бардамлиги ўзида, ҳалиям тегирмон юргизди».

— Ҳа, энди шу шалоқ аробага кучимиз етялти – катта гап-да шуям. Мана чол бўлиб қолдик бизам, – кулибгина жавоб қилди Ҳоддор.

— Саксон тўртга кирдингизми, ака? – сўради Темир Бардош бободан.

— Ҳа, янги ҳисобпинам...

Иккови чолга кўпкари ҳақида сўзлай кетдилар. Чол эса чарчаган эди, ётқизиб қўйиши.

— Э-э, ака, — деди тегирмончи, — Бозорбой жўрангиз жийронни миниб кўпкари чопиб юрибди, сизга не бўлди?

Бардош бобо Бозорбойни эшитиб ҳушёр тортди.

— Кўпкари чопдими уям? – деди хийла қизиқиши билан. Кейин яна индамай ўлтаниб қолди. Бозорбойни эслаб ётди. Уни кўргиси келарди.

Фарғона «арифида» тупроқ кўтариб юришганида Бозорбой қув кўзларини қисиб:

— Бир қизиқчилик қиласайлик, жўра, — деди. — Ҳуркадиган одатинг бор эди, кулдириб ўлдирадинг-да, одамни. Шу қилифингни бир кўрсат, зерикуб тамом бўлдим.

Бардошнинг ҳам бир шўхлик қилгиси келди. Нарироқда кетаётган бир бўйинса жўрасига «э-э-эй, Тўхтабой, мен ҳуркаман ҳозир» деб қичқириди.

— Нимадан? – анграйди у.

— Мановдан, — Бозорбойни кўрсатди Бардош.

— Ўл-э, қилиги совуклар. – У шундай деб йўлида кетаверди.

— Ҳозир кўрсатаман қилиги совуқликни, ҳуркит мени, — деди шеригига. Бозорбой «ҳуркитган» бўлди. Бардош зингиллаб бориб қопнинг оғирлигидан энкайиб кетаётган бўйинласини елкаси билан уриб юборди. Ҳалиги бечора ўмбалоқ ошиб сувга тушиб кетди. Ҳовлиққанича сувни шалоплатиб нарёқса сузиб бориб қайтиб келди.

Бардош ёмон важоҳатда келаётган жўрасини кўриб югургандан-югуриб келиб қотиб-қотиб кулаётган Бозорбойни ҳам уриб юборди. Бояги жойда энди Бозорбой сузиб юрар, бояги шериги эса дўриллаб куларди.

— Шуйтмаса кун ўтмайди-да, — деди кейин Бардош ўзи ҳам ичаги узилгудек бўлиб куларкан.

Бардош олов экан ўша чоғлари. Бозорбойдан ҳам оловроқ экан.

У Бозорбой иккови буғдой ўриб юришгандан чинакам «ҳурккан».

Биргина Бардош эмас, иккаласиям ҳурккан ўшанда. Ҳурккан, демайлигу, ростини айтганда икковиям жон-поnlари чиққудай қўрқишиган. Тегирмончининг айтишича, ҳатто юраклари ёрилай деб ағанаб тушишларига сал қолган.

Иккови ким ўзарга буғдой ўришаётib, мукофот талашиб юришган бир пайтда осмондан бир бургут «ўкириб» соя ташлаб учиб келаверди. Қарасалар, ажабтovур бургут, бироқ бўкиради. Бу не хислат бўлди, дейишиб ёқа ушлашди. Бардош бошқаларга қарамади-ку, лекин ўзи икки қир ошиб қочиб кетди. Бозорбой эса қарама-қарши томонга қараб қочиб икки қир ошиб кетди. Бургут тобора ерга яқинлашавергач, соясиям, товушиям каттараверди-ю, лекин у одамларга тегмади, бўкирганча Оқтөвдан ошиб кетди... Товуши пасайиб, ўзи кичрайиб қолди.

— Ойрипилон, — деди райондан келган янги ўқитувчи. — Учадиган машина. Ичида одам бор, бошқариб туради.

Ҳаммалари ёқа ушлаб қолишли. Шунда Бардош нима деди:

— Ойрипилон бўлмай ўлсин, ҳамманинг юрагини ёрмай. Биз-ку майли, икки қир ошиб қайтиб келдик, арқондаги молларнинг бариси ипини узиб кетди-ку, бир хилларини ҳалиям тополмаймиз.

Ўшанда мукофотга даъвогарлар — Бардошнинг ҳам, Бозорбойнинг ҳам уч-тўрт кун ишлари унмай юрган. Кунлар ўтиб, бирининг ортидан иккинчиси сингтиб, синггавериб, охири тақдир отли ҳаётнинг бутун кўриниши — бугун келиб қолди.

Чол шуларни эслади. Икков меҳмон эса Бозорбой бобонинг қандай қилиб кўпкари чопгани, отдан йиқилиб салласи жарга думалаб тушгани, шундаям ўрнидан ирғиб туриб бориб отини ўзи ушлаб олгани ҳақида сўзладилар.

— Ана ўзиям, — деди Холдор.

Бардош бобо ётган жойида бир интилди. Ўтириб олди-ю, лекин туролмади.

— Ў, занғарнинг келадиган куни бор экан-ов.

Бобонинг овози анча баланд, бояги ҳолатига беярашиқроқ эди. У қувонарди.

— Йў-ў-ўк. Ўтириб кетди, — деди Холдор. — Жўрангизда оқибат йўқ, ака

— Майли, бир кўрайин шундаям, — деди чол. Унинг қўлтиғидан тутиб дераза қонига олиб келишли.

— Куриб кетмагурнинг кетишини, ҳеч ўлмайдигандай-а!

Бу гапни чол жуда қизиқиш ва ҳайрат билан айтди.

Деразадан кўриниб турган олам ҳамма учун аввалгидан кўра қадрлироқ кўринди. Чолнинг каломи ҳаммаларининг дилида номсиз туйгуларни гимирлатиб юборди, ҳаммалари дунёга бир зум чолнинг назари билан термулдилар: «Ростдан ҳам, худди ҳеч ўлмайдигандай-а?!»

Очиқ даричадан кўринаётган асов жийрон ва унинг устида тўргайдай ихчам ўгириб кетаётган чолнинг қораси узоқ вақт кўздан йўқолмай турди.

1986 йил.

## ЙИГИТЛАРНИНГ БИРИ

*Қаноат қорин тўйдиради.  
Мақол*

Одам гуноҳ ишни билиб қиласагина ўзини ўзи қийнаши – виж-  
дони азобланиши мумкин, аммо шу ишнинг хариш эканлигини би-  
латуриб ўзини қайтара олишга кучи етмаган кишини қандай айлаш  
мумкин, – у ҳам ўйласа – биз ёndoшларимизга, тенгдошларимизга  
бундан кўра қандоқ қилиб яхшироқ яшаш мумкинлиги ҳақида айти-  
ётган кундалик фикрларни, тушунса, айтгиси келса унинг ҳам. Биз  
бирор куни (тириклиқда) ўша – ҳамма кўришни истаётган, кўриш  
учун минг йил (эҳ, имкон бўлсайди!) яшашни хоҳлаётган шаффофф  
манзилни у ҳам орзу қилаётган бўлса, бошқалар яқдил бўлса у ҳам  
ўйлаб ўтирамай почасини сириб олдинги сафда туриб оладиган дара-  
жада шижаотли бўлса, лекин «бошқалар» деётганимизнинг энг ёмон  
касри унгаям урган бўлса, биз ўзимизнинг унга ёрдамимиз керак  
бўлиб турган бўлса? Ўйламанг яна: мен чалкашаётганим, чалғиётга-  
ним йўқ, улардан бири – сизу менинг тенгдошимиз, ўйдошимиз –  
исми Рауф, шахсан мен ёрдам беролмайман унга. Сиз-чи?

...Кўчада одам кўп, – бозор куни бўлгани учундир, – автобус  
муштлаб тиққандай тирбанд, одамнинг дами қайтади, ҳар бекатда  
автобус ҳайдовчиси бир неча дақиқа эшикни ёполмай қийналади,  
«эшикни кўйиб юборингла-ар!» деб бақиради. Йўловчиларнинг деяр-  
ли ҳаммаси терлаб-пишиб кетган, бирорининг нафаси ёнидагининг  
баданини куйдириб юборади. Анови қозоқ амаки бўлса шу тиқилинч-  
даям оғзи тинмайди, дунёдан буткул кўнгли тўқ одамдай жуда бема-  
лол сўзлайди, мол бозори, қўйларини қанчага пуллагани, харидор  
билан қандай тортишганини гапиради. Ёзинг иссиғи бўлишига қара-  
май, бошида телпак, эгнида чопон.

«Бу одам мол олиб, мол сотиш билан даромад қилса керак» деган ўй кечди Рауфнинг миясидан, жуда тез кечиб ўтди бу ўй, — шу заҳотиёқ унуглини бошқа ўйлар эгаллаб олди, одамнинг юзига тикилиб қолди: унинг жуда содда, валломат эканини билди, шу ҳақда ўйлай бошлади, ўзининг отасига қиёслади. Тушувчилардан бири орқа эшик томонга силжиб-сурилиб Рауфни қозоқ амакига бирлаштириб нақ эзиз юбораёзди, шунда унинг биқинига бир қаттиқ нарса тиради. «Пичоқнинг сопи» деб ўйлади аввал, кейин, қаттиқроқ ботиб кетганида «пичоқнинг ўзи» деди, биқинимни тешиб юбормасин деб дарҳол ушлаб итармоқчи бўлди-ю, шу заҳоти унинг тўртбурчак пачка эканлинини билиб, «пул!» деган қарорга келди. Ҳа, пул! Қалинлиги барзангининг муштидай келади! «Ўмганингизни тортинг, амаки, эҳтиёт бўлмай-сизми пулингизга?!» деди. Йўқ, демади. Негадир овози чиқмай қолди. «Минг сўмлар бор-ов, вой-вуй, минг сўм-а, опкўйсаммикан? Сездирмай опкўйсам-а? Билиб қолармикан?» Чап елкасидаги Шайтон билан ўнг елкасидаги Раҳмон уни миясидан сиқиб ушлаб икки ёққа торта бошлади. Шайтон зўрлик қилгани сайн унинг оёқлари, қўллари қалтираб борар, ҳали пулни олмаган бўлса ҳам ўғирлагандан баттар титарди; пул шундоқ биқинига тиравиб турибди, оғритади, бошқа бирор бўлганида дарҳол ишини битириб кетган бўларди, у бечора бўлса шу кезда бутун дунёнинг ваҳимасини бошдан оёқ ўйлаб чиқди-ёв: отаси, онаси, укалари, ўқиши, жиноят, ҳайдалиш, қамоқ... Даҳшат! Лекин нимадир унинг қўлини пулга теккизди, ток ургандек бадани жимирлаб кетди. «Буни мен оляпман, йўқ, бошқа бирор оляяпти» деб ўйлашга зўр бериб уринди, аммо пул кўп эди; дастрўмолга қаттиқ қилиб тугилган, тортган эди, чиқмай қолди, нимадир ушлаб тургандек. «Лъянати, тўғноғич билан ҳам қотирилган экан, бунча беркитмаса ўлармикин?» Амакининг шу бепарволиги бўлса чўнтагини юлиб олсанг ҳам сезмайди, унинг устига тескари ўтирилиб олган, тўғноғични икки қўллаб, пишиллаб ечганини ҳам сезмади. Хайриятки, шу тобда ёнидагиларнинг ҳатто унга томон бурилиб қарашга ҳам имконлари йўқ. Олди. Оласолиб ўзининг кўйнига тиқди. Кўйлакнинг ичидаги яққол кўриниб турарди. Кўрқиб-титраб папкасининг замогини очиб пулни унга яширди, папкасининг дўмпайган жойини қўлтиғи остига олди. «Ҳеч ким кўрмади. Энди тушиш керак. Ҳозирги бекатда тушиб қоламан. Қандай қилиб узоқланисам экан шу одамдан?» Бир қадам силжишга имкон йўқ. «Ҳозир, мана шу турища квартирада пайдо бўлиб қолсам-а! О, қани эди, қани эди! Ҳеч ким тополмасди-я, ҳеч ким! Ҳаракат қилиш керак, тушиш керак»

Рауф зўр бериб орқа эшик томон интилар, ён-веридагилар унинг типиричлашидан ғижиниб койинарди, у эса бўғриққан, ҳансираган бир ҳолатда: «Ҳозир, тушаман!» дерди ўмганлаб-ўмганлаб.

— Қайсисида тушасиз, мунча қўполсиз?! — дерди яна кимдир.

— Мана шу ерда, «Гастроном» бекатида, — кўзлари жовдираф жавоб берди у, гўё ҳечқурса шу одам билиб қолгандек. Ҳафа бўлиб кетди, лекин бўлар иш бўлди-ку. «Эҳ, автобус мунча имилламаса! Нега тўхтаб қолдийкин? Анави рус хотин мунча қарғайди, Худо урди, ҳозир ушлаб беради шу хотин». Кимдир Рауфни туртди. Жуда қаттиқ туртди. Биқини ўйилиб кетай деди-ёв. Сезди: қозоқ амаки. «Ҳозир ушлаб бўғиб олади у. Қарамаслик керак. Ўлдим». Қарамади. Аммо туртки иккинчи марта тақрорланди. Бари бир қарамасликка тиришди, сезмаганикка олди ўзини. Автобус тўхтади, светофорга дуч келди шекиlli, юргунча яна икки марта бош бармогининг уни билан қаттиқ туртди ўша қўл. «Нега туртади-а? Туртиб қаратиб шарманда қилмоқчимикин?» Ўша қўл агар шу тобда унинг ичақ-чавоғини сугуриб олса ҳам рози эди, фақат туртмаса — уялтирмаса бас. Қозоқ амакимикин? Аблаҳ экан, индамай туртади-я. Буям етмагандек ўша бегона қўл энди қаттиқ чимчиб олди, омбур тишлатдими ўзиям. Йигит шўрлик Гоголнинг «Вий» қиссасидаги жинлар қўлида қолган талабанинг аҳволига тушди. Қоқсуяк жинлар зўр бериб уни излашди, топишолмади. Энди улар сардорни, энг доно ва топқир ажина — Вийни келтиришди. Агар Рауф билмай қараб қўйса, Вий: «Ана-а!» деб бақириб юборадигандек.

Охир-оқибат бизнинг талаба ҳам ўша талабага ўхшаб дош беролмади: қарагиси келаверди. Қаради: қалтабақай, семизроқ, мўйлабли йигит. У бир кишининг ёнидан зўрга бу ёққа сирғаниб чиқди-да, «тeng шерикмиз» ишорасини қилди, қўли билан; унинг ёнида яна битта ориқ-қинаси қараб турибди. У ҳам қўлинини бўйнига пичоқ қилиб кўрсатди — «бўлмаса, бошинг кетади!» «Ўлдиришади энди! — тезроқ қочиб қолиш керак». Автобус ҳам зўрга тўхтади бекатда, эшик томонга қийшайиб гийқиллади. Туша солиб қочаман! — зўр бериб талпинди: ўзидан олдинги бир одамни ҳам ҳай-ҳайлашига қарамай суриб тушириб кетди; тушатуриб илкис орқасига ҳам ўтирилди: «каллакесарлар» ҳам тушишляпти. Қосса, ушлаб олишади. Тутиб олса — ўлдиришади. «Қўринишидан билса бўлади — улар гирт безорилар-ку!» Шу фикр миясига яшиндай урилди-да, у орқа эшикдан тушгани замон кўчага қараб қочиши ўрнига олдинги эшик томон чопди. Бекатдаги йўловчиларни ҳам уриб-сурниб эшникка тирмашди. Шошиб зўрга чиқиб олди. Ортидагилар ҳали-ям қувиб келишяптими, улар ҳам чиқиб олишдими — билолмади. Агар

ўша безорилар қолиб кетишганида Рауфни ҳам тортиб тушириб қолган бўлишарди; урган, сўккан, ҳеч бўлмагандан жар солиб одамлар олдида уялтирган бўлишарди, қараб ўтиришмасди. «Ё чиқиб олиб орқамда туришибдимикин?» деб ўлади. Энди унинг мақсади битта: бориб пулни этасига — қозоқ амакига бериш. Ҳа, пулни этасига қайтариб бериш керак. Шундагина безорилардан кутулади. Ўлимдан ҳам. «Ё, тавба, одамлар бунча ваҳший бўлмаса. Шу арзимас пулга шунча-я!»

... Бешинчидами, ё ундан ҳам қуйироқдаги синфдами ўқирди ўшанда.

Онаси Рауфнинг қўлига пул тутқазиб, магазиндан чой ва қанд олиб қайтишни тайинлар экан, шуларни уқдиарди:

— Тушириб қўйма. Ма, мана бу рўмолга тугиб, киссангга сол. Мактабдан қайтишингда ўйнаб-нетиб юрма. Эҳтиёт бўл.

Шусиз ҳам Рауф эҳтиёткор, юмшоқ бола, унга қолса, куни билан пулинин қўлда сиқимлаб бошқа ишларга, ўйинга ҳам уннамасликка тайёр. Фақат онасининг тайинлаганини уддаласа, хурсанд қилса бўлди, шундан ўзи ҳам шод. Магазин уч чақирим нарида, катта мактабнинг ёнида. Онаси магазин учун алоҳида овора бўлиб юрма, мактабдан қайтишингда биратўла шу ишниям тиндириб келарсан, деган эди. Шуни ёдида тутиб, жўраларига ҳам қўшилмади, ҳар галгига ўхшаб эшак кўпкари ҳам ўйнамади; киссасидаги «жонивор»нинг сустими, ё онасининг хийла баджаҳлигими, уни янада ҳушёроқ қилиб қўйди. Шу боисдан тинчгина, эшагини чуҳлаб кетаверди. Худди каталардай тогаваччаси – Жамол мингаштири, деб ялинган эди, кўнмади; киссасига эҳтиёт бўлди.

— Белида яғири бор, ётиб қолади.

— Шу моччангнинг белини қизғандинг-а, нокас?

— Нокас дема! Мен нокас эмасман, нокас эмасман! Ма, бўлмаса ўзинг мин! – Унинг жаҳди чиқди, эшакдан иргиб тушди. Лекин Жамол аразлаганди, минмади.

Рауфга учинчи соатда жисмоний тарбия дарси бўлди; шу соатда нариги синф билан чопиши мусобақаси ўтказилди. Мусобақада Рауф югураётib пулинин тушириб қўйибди. Олдин сезмади. Дарслари тугагандан кейин мактабнинг пастидаги тутга арқонланган эшаги қошига келди. Устида хуржун. Шунда хуржунни кўргач, лоп этиб эсига тушди: уйига қанд, чой опкетмоқчи эди-ку. Пул тушиб қолганини кўнгли сезгандай дарҳол чўнтағига қўл тиқди: йўқ. Бошқа киссаларниям кўрди: йўқ! Йиғлаб юбораёзди. Уй-уйига шошаётган синфдошларидан сўради. Олган одам «олдим» дермиди?

«Онамга нима дейман, нима дейман онамга энди? Магазинчи Худоёр акадан насияга олсаммикан? Йўқ, бари бир бермайди. Қарзга беринг, деб айттолмайман ҳам. Шошиб-пишиб излади, тентиради. Топилмади. Шумрайиб уйига қайтганда ўйлаганидай бўлди: онаси дарғазаб бўлиб, ҳам куйиниб қарғади, афсусланди: «Мен миянгхатоям кичикроғидан бермай, нақ йигирма беш сўмлик берибман-а. Эси кириб қолган, майдалатиб, қолганини ажабтовур қилиб қайтариб келади, дегандим-а. Бу ёғи етиб турса эди, гўргайди. Паншаха билан курак судраган отанг бир нима ортириармиди. Аттанг-а, аттанг». Сўнг чидаёлмай: «Жувонмарг ўл-а бийтганингча», деди. Йўқ, буни ихтиёrsиз равишда айтиб юборди. Жаҳли тушгач, қайтиб олди бу гапни, жаҳл чиқса ақл кетади, ахир.

Рауф юз марта, минг, миллионлар марта пушаймон бўлди, афсус чекди ўшанда. Аммо ҳеч нарса ўзгармади – пули топилмади. Бир омадли топган чиқар. Кимдир. Ким экан у номард! Эртаси куни синф раҳбари Ражаб акага айтган эди, у киши гарчи орадан бир кун ўтиб кетган бўлса ҳам, синфда ҳамманинг чўнтағини бир бошдан тортиб чиқди. Олса, Йўлдош муаллимнинг ўғли Бердивек оларди, унда йўқ, ҳеч қайсиси олмаган. Бошқа бирор топган.

Лекин у ўша пайтлари қаердан бўлмасин ўша йигирма беш сўмни толишни, онасига келтириб гуноҳини оқлашни истарди. Ҳатто бир куни айни йигирма беш сўмни онасига келтириб бериш имкони ҳам туғилди.

Тушдан сўнг мактабнинг спорт майдончасида бир гуруҳ ишчилар волейбол ўйнашарди. Улардан бири, Ниёзмат ака деган шофёр камзулини ечиб Рауфга ушлатиб қўйди-да, ўзи ўйинга берилиб кетди. Рауф каттакон камзулни кийиб олди. Шундан кейин қизиқиб унинг чўнтакларига қўл солиб кўрди: ён чўнтакларида очқич, болт ва гайкалар бор экан, у ҳеч кимнинг ўзига қарамаётганини кўриб, камзулнинг қўйин чўнтакларига ҳам қўл тиқди: чап томондаги қўйни киссасида кўп бало пул бувлами, гижимланиб ётган экан. У шунча пулнинг таҳланмай, хор бўлиб ётганига ҳайрон қолди. Рауф улардан бирини олиб қўйгиси келди, қараб кўриб онаси берган йигирма беш сўмликка ўшаган бир пулни олди-да, дарҳол ўзининг киссасига солиб қўйди. «Нима қилаяпсан-эй?!» деб бақирди кимдир шу пайт. Чўчиб тушиб ўз чўнтағидаги пулни қайтиб Ниёзмат аканинг чўнтағига солди. Кейин кўз ости билан «авайлабгина» овоз келган томонга қаради. Волейболчилардан бири фирромлик қилиб, тўпни иккинчи томонга бермаяпти, судья йигит унга бақирган экан, Рауф у кишининг овозига чўчиб

тушибди. Шу пайтда Ниёзмат ака коптокни чизиқ чеккасидан шундай қаттиқ зарб билан ўйинга ташладики, тўпни қабул қилган йигит чалқанчасига йиқилиб кетай деди. Тўп унинг бошига тегиб, сувга учб тушди. Қалқиб-қалқиб сув бетида оқа бошлади. «Секинроқ-да, Ниёзмат ака, бу туришда майиб қиласиз-ку одамларни» деди судья йигит. Болалар чувиллашганча сувда оқаётган коптокни қувиб кетишиди. Рауф Ниёзмат аканинг зарбини кўриб жон-пони чиқиб кетаёзди. Назариди, агар ҳозир унинг пулига тегинганини кўрган бўлса, мана шундай зарб билан уни ҳам солиб қоладигандай туюлди. Бир солса тил тортмай ўлсам керак, деб ўйлади. Боллар тўпни тутолмай узоққа кетиб қолишиди. Ўйинчилар эса ҳафсалалари тушиб тарқала бошлашиди. Ниёзмат ака келиб Рауфнинг қўлидан, «э, маладес» деб камзулини олиб кияётганида киссасидан ширт этиб бир сўмлик пул ерга тушди. «Пулингиз тушди», деди Рауф. «Олақол, сеники шу» деди Ниёзмат ака бепарво оҳангда. «Олмайман, керак эмас», деди Рауф. «Ҳа, пулинг кўпми шунча? Олавер, печенье сотиб олиб ейсан», — Ниёзмат ака шундай деб Рауфнинг кўкрак чўнтағига тиқиб қўйди пулни. «Менинг пул ўғирламоқчи бўлганимни сезган бўлса керак, раҳми келиб шундай қилди», деб ўйлади Рауф ва бундан багттар эзилди.

Ҳа, бешинчи ё тўртинчи синфда ўқирди ўшанда.

Рауф ўша йўқолган йигирма беш сўм пул оиласи учун унчамунча эмас, каттагина зарар келтирганини энди яхшироқ хис қилали, ўз айини онасидан кўра ҳам аввало ўзи кечира олмасди. Шу-шу бу нарса ҳеч кўнглидан чиқмади; аллақандай эртакнамо тасодифларга, отаси айтган Хўжа Хизрга бот-бот ишонди, вақт ўтди, лекин не учундир бундан кейин ҳам ҳаёлидан сира кўтарилемади.

Ҳозир яна ўйлади шуларни; кеча ҳам, олдинги куни ҳам шунга ўхаш воқеаларни ўйлаганди, бу воқеалар одатда узуқ-юлуқ бўлар, узуқ-юлуқлигича тушшига ҳам кирап, баъзан унугтилиб кетар, гоҳида эса ойлаб эсидан чиқмай, ўзи ҳам хайрон бўлиб юради. Бугун кўрган тушининг таъбири ҳақида ҳар қанча зўр бериб ўйламасин, бари бир тузук фикр чиқаролмади.

Катта сайхонлик. Оппоқ кўпикларни олиб уриб, айқириб-думалаб сел оқади. Бу сафарги селда балиқлар одатдан ташқари кўпайиб кетибди. Шунчалик кўп эмишки, сонглоқдаги сувга сифмай кетганмиш. Рауф югуриб бориб, улардан бирини, энг йиригини қучоқлаб олибди-да, қирғоққа судрабди. Балиқ тинмасдан ликиллармиш. Бари бир Рауфнинг кучи етибди унга; қучоқлаб уйига судраб оборибди. Бола шу чоғтилланусха балиқнинг кўзларига қараса, бирам ақдли эмишки, одам-

никига ўхшаш киприги, қовоғи бор эмиш, қўзини очиб-юмармиш одамга ўхшаб. Баъзида кўзини хиёл қисиб қорачиғларини осмонгага қаратиб ўйга чўмармиш. Рауф ухлармиш. Тиланусха балиқдан пичирлаб кечирим сўрармиш. Ҳали айтганимиздек, бунинг қанақа туш эканлигини ўзи билмайди. Бир-бирига туташмаган-да, хаёлларига ўхшаб. Одам нега хаёл суриши ва нима учун айнан шу хаёл бошига урилишини билолмайди-ку. Менимча туш деганимиз шундай: одам энди уйғоқликда эмас, ухлаётуб ўйлади. Ҳаёлий воқеаларда ўзи иштирок этади. Худди кинода рол ўйнаганга ўхшайди. Лекин бари бир тушда ҳам одам бирорвнинг ролини ўйнамайди-ку, тўғрими?

Рауфнинг иккинчи туши биринчисига айқашиб тушади. Икковини бир-биридан ажратолмайди, кинолентамидики, унинг бирини олиб тўлиқ экранга кўйиб, кейин иккинчисини томоша қўлсанг. Масалан, кўпинча баланд жойдан ҳайҳотдай пастлиқка қараб гувиллаб тушиб кетасан. Гавданг ерга тушган заҳоти ўлишингни биласан-да, гужанак бўлиб оласан, юрагинг кўкрагингдан чиқиб бўғзингта тошдай қадалади. Ерга тушасан ҳам, энди ўлишинг керак, лекин бу туш — уйқудаги хаёл-ку, шунинг учун ўлишинг керак бўлган лаҳзада ерга гупиллаб тушмайсан; секингина, оҳиста кўнасан. Бироқ туш кўраётиб ўзинита: «Э, бу тушим-ку», дейёлмайсан. Ҳаёл суроётуб эса: «Э, бу хаёл-ку», дея оласан. Уйқу — чала ўлим, деб шунга айтгар эҳтимол. Уйғоқлик яхши-да, уйғоқлик.

Хуллас, Рауфнинг иккинчи туши биринчисига айқашиб тушади. Даставвал бояги тушидан олдин кўрдими буни ё кейинми — буниям фарқламади.

У ўзининг қишлоғида, ўша қабристон биқинидаги тупроқ йўлда кетатуриб, тангача топиб олди. Кўрқмади, нега кўрқсин, қайтанга қувонди — йўлда ётиби-ку танга... Шунда у ўйлади: «Буларни менга ажина ташлади, у мендан кўрқади. Агар ўзини кўриб қолганимда сочидан гортиб, момомга ўхшаб тоза қийнаган бўлардим; ўзи сезиб ташлаб кетибди. Бу тангаларнинг сехри бор: бирор нарса ҳарид қилсам, яна ўз қўлимга қайтиб келаверади. Ажойиб нарса-я!»

Балки Рауф буларни ўнгига ўйлаган чиқар, айтдик-ку, тушнинг хаёлдан фарқи йўқ, деб. Ўша заҳоти Рауф қувонганидан эмас, даҳшатдан уйғониб кетган эди, чунки ерда тангалар шунчалик кўпайиб кетган эдики, уларни териб улгuriш мумкин бўлмай қолди. Лекин Рауф қанча кўп танга термасин, қўлидаги уч-тўрт донаси сира кўпаймасмиш, аччиеланганидан сўқиниб бақиравмиш. Шунда у ўнгига ҳам бақиради, ўртоғи Мирза секин уни туртди: «Уйқусирамай ёт, Рауф, қўрқаётган бўлсанг, ёстиғингнинг тагига пичноқ қўйиб ол».

Кўчада юрганида ҳам шуларни ўйлаб тиржайиб-тиржайиб юрди, «аҳҳ, ўшалар ўнгтимда бўлслайди-я», деди ўзига ўзи. Бир пайтлар момоларидан бирори ажинанинг сочидан тортиб бир толасини юлиб олган ва ўзининг лозимига боғлаб қўйган экан, ажина кўп эланибди, момоси – иримчи, билар экан-да — унинг ялинганига эримабди, сўнг ажина тангалар берибди. Момоси эса унинг сочини қайтариб берибди. Ўша тангаларни кампир нақ ўн йиллар Сарибой деган атторга ишлатган, тоза шўрини қуриттан, аттор эса бу сирдан бехабар қолган экан. Аммо-лекин тангани ишлатишнинг ҳам ўзига яраша расми бўлар экан, унга аччиқ ичимлик, умуман, ачиқ нарса, оёқ ёки поча буюми сотиб олса «аразлаб» қайтиб келмай қўяр экан. Момоси ҳам кунларнинг бирида чалкашиб бир ўрам нос сотиб олганида тангаларидан маҳрум бўлган экан.

Тушлар хаёлларининг давоми эканлигини билмагани учун бирон тўхтамли хуросага келолмайди, улардаги воқеаларга бугунги бўлиб ўтган ҳангомаларнинг анча-мунча алоқаси борлигини ҳам сезмайди. Момоси тўғрисидаги қизиқ ҳикоя эса уни унчалик қониқтирмасди. Бир-икки чақанинг ўзи нима бўларди дейсиз; у момосиникидан кўра кўпроқ бойликни орзу қилганди. Бу орзунинг ҳақиқатга айланмаслигини ўзи ҳам биларди, аммо нима учун одам орзу қиласди, идеал излайди, деб ўзидан сўриштириб кўрмаган одам барибир қандайдир ҳавои бахтнинг (агар уни ФАВҚУЛОДДА БАХТ деб атасак) келиб қолишига ишонаверади, эҳтимол, шулар ҳақиқатга айланмаслигининг ўзи Рауфнинг орзусини кучайтириб бораради. (Орзугина боши очиқ қўча!) Мана шу бошбошдоқ орзулари унинг топ-тоза — уят, ҳалоллик, тенглик ҳақидаги туйгуларини пароканда қилиб юбораөвэрар эди. Уларни йўқотганда ташчалиги ошарди.

...Сурилиб-сурилиб зўрга етди амакининг ёнига. Бояги, оғиз жуфтлаб, қалтираб айтмолмаганини энди, овозини чиқариб, баралла айтди: «Амаки, пулингизни эҳтиёт қилсангиз бўлмайдими?»

Қозоқ амаки ҳалигача билмаган экан, дарҳол ўгирилдию кўзларига ишонмади. Рауфнинг кўлидаги дастрўмолга тугилган пулларни кўриб талмовсираб қолди; чўнтагини пайпаслади, кейин шодланди:

— Э, қай жерга тусипти? Раҳмат-э, вўси, раҳмат.

Амаки ўзининг пулини олар экан, Рауфдан сира шубҳа қилмади; дастрўмолини счиб кўриб ҳам ўтиrmади. Қайтанга унинг шаънига таҳсинлар ўқиб қайта-қайта алқади, мақтади. Сенинг ўрнингда бошқаси бўлганда қайтариб бермасди, деган гапларни гапирди.

— Ай болам, бовринг кенгакан, ўмрингдан берсин Худой, — деди такрор-такрор. Дам «вўси» деди, дам «бола» деди, гоҳи «улим» деди. Ишқилиб тинмади.

Бизнинг Рауф эса чексиз азоблардан қутулгандай енгил тортди. Автобусдан тушаётib энди олазарак бўлиб эмас, эркин кўз югуртди одамларга. Бояги «рақиблари» кўринмади. Демак, чиқишмабди. «Хайрият! Агар менинг ўрнимда шулар бўлганида чинданам амакининг чўнтагини кесиб кетишарди. Киссанурлар, безорилар, аблаҳлар!» деб ўйлади. Шунда у ҳеч қачон ўғри бўлолмаслитини, ўғрилик қўлидан келмаслигини англади. Бироқ туриб-туриб ўша безорилардан миннатдор бўлди: «улар мени шу йўлдан қайтаришди-ку», деди ўзига, уларнинг нега қувиб келишмаганига эса ҳалигача ҳайрон қолади.

Факультет биноси қошида якшанбалик бўлиши керак эди. Рауф комсорг, тезроқ етиб бориши шарт, бўлмаса, бутун группа болалари кетиб юборицса, у маломатта қолади. У оёғи тортиб-тортмай нариги бекатга ўтиб бораркан, бир хаёл квартирага қараб шартта жўнаб қолсамми деб ўйлади. Нимагадир унинг ҳозирги қилмиши ўзидан бошқаларга ҳам, ҳаммага, шунингдек, ўзининг группадошларига ҳам аёндек, ҳамма кўзлар: «Сенга нима бўлди, Рауф, асло ўғри эмассан-ку, Рауф?!» — дейишадигандек, қизиқишидигандек, ҳайрон бўлиша—дигандек туюлаверди. Айни пайтда у орқага қайтишни ҳам истамасди. Ҳолбуки, кетаверса ҳам бўларди, бир неча дақиқа бурун келиб тушган автобуси ҳозир қайтади: ана, бояги бақироқ шофёр «каталак»дан йўлланма-қоғоз қўтариб қайтиб келмоқда.

Қозоқ амаки қаёққа кетдийкин? Бозорга — Олойга бурилган бўлса ажаб эмас, ҳозир у ўша пулларнинг бир қисмини болаларига кийим-кечак, мева-чева харид қилишга сарфлайди, тўлиб-тошиб боради уйига, бола-чақасининг кўнглини хушнуд қиласди. Яна ким-бировлар шу автобус билан Черняевкага — Қозогистоннинг чегарасига йўл олишмоқда, балки ўша ердаги бозорга боришар. («Бозорга ўхшайди асли бу дунё» — у ёқда ҳам бозор, бу ёқда ҳам, — Рауф кулди.) Уларнинг ташвишлари ҳам ўша амакиникидан кам эмас, балки, мол олишар, эҳтимол тўй қилишар, яна ким билсин, ишқилиб, барчасида рўзгор ташвиши.

У ҳозир ҳеч нарсани хоҳламади, назариди, юриб кетаётган ёп-ёруғ йўли бирдан тарамландию, шу тарам йўлларнинг қайсисидан юришга лол қолганди. Агар шу тобда овлоқми ёки ертўлами, ҳар қалай одамлардан холироқ бир жой бўлганида, у ерга бориб секингина, ўз ёғига ўзи қоврилиб, шу билан ўзини жазолаган бўларди.

Ён-веридан ўтиб турган одамларнинг ўз юмушларига шошилишлари, шошиб гапиришлари, бақириб-чақиришлари унинг қулоғига ҳаётнинг асл моҳиятини «мэн» деяётгандай, кишиларнинг овозлари орқа-

ли ҳаётнинг қонунларини жаранглатаётгандай бўлаверди, шунда улар ҳаммасининг ҳаётлари ўзларича мукаммал, маънодор ва жозибадор, фақат ўзиникигина маъносиз, жозибасиз, номукаммал ва қоронгу туюлди. Туюловерди, туюловерди: айни лаҳзаларда у туйқус, — аввал бўлмаган эди бунақа ҳолат, — ўз ҳаракатларининг маъносини йўқотади, ўз қобигининг ичидаги ўзи қолиб кетади, бироқ юрагининг бир четида ланжлик аралаш бир ҳайрат йўқолмайди: «Бунча юраги кенг бўлмаса қозоқ амакининг, ҳатто мендан шубҳаланмади ҳам-а?! Қандай ажойиб одам! Бундай одамларга, ҳа, шундай бепарво одамларга жуда яхши нарсалар насиб қиласди! Ахир, улар учун дунё жуда кенг...»

Бирдан ўжарлиги тутади. «Ҳамма одамлар ҳам ўйлайди-ку менга ўхшаб. Қозоқ амаки ҳам ўйлайди. Ахир, унинг ҳам бола-чақаси, оиласи бор. Пулини ўмарганимда зор қақшаб қоларди ўша болалари. Отамга ўхшаркан, шу одамнинг ўрнида отам бўлиб қолганда-я, пулини бир безори шилиб жўнаб қолса. Роса баҳти куларди-да унинг. Йўғ-э... Кетаётганингда тап этиб осмондан бир пачка пул тушса, ёки бўлмасам лотореяга нақ ў-ўн минг сўм ютиб олсанг. Бирданига ўзгариб, бойиб, орқаланиб кириб борсанг уйининг; отанг, онанг ўзларида йўқ қувонишади: «Бизнинг молтопар ўғлимиз, мана, оиланинг юкини бир ўзи эплайдиган бўлибди!»

«Оилада инқилоб бўладими шунда?»

— Бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси ҳавоий, — дея рад этади ўзини ўзи, овозини чиқариб.

Шундан кейин ҳам у бири кам дунёнинг жуда кўп кемтикларидан бўйлайди: бири эмас, жуда купи кам экан бу дунёнинг. Жўрала-ридан кўпчилигининг оддийгина, оилавий осойишталика, отага, онага, ёхуд меҳрга муштоқлари борлигини эслайди. Унинг учун эса баҳт дегани жуда мураккаб эмас: Гёте айтганидай, «чўнтақ тўла бўлса бас» экан, айни чоқда «чўнтақ тўла бўлса бас»дан кейинги истиқболни ўзича тасаввур қилишга куч топади; ўзининг устидан кулгандаи бўлади.

Бундай ҳис-ҳиссиятлар жуда кўп кечади унинг дилидан, аммо барибир шу чегаранинг атрофида айланиб юраверади; ўзи доим кўриб туради, ўзи изоҳлайди, ўзи хукм чиқаради, бари бир худди шундай бўлиши шартдай эртаси куни уйғониб яна хонасига мудраб кўз юргуртади, кўзи тўла очилгандан кейин: «Эҳҳ, мана шу тумбочканинг гала-дони тў-ўла пул бўлса, йигирма бешталикларми ё элликталиклар» деб хаёл қиласди. Сўнг уларни нималарга ишлатишни ўйлайди, илжаяди. Ҳар доим шу оддий — ожизликдангина эмас, биз ҳеч қаҷон

Қутула олмайдиган муҳтожлиқдан пайдо бўладиган ҳис Рауфнинг вужудини қоплаб олаверади, у эса буни рад этишга ҳам уринади, ўз ақли, ўзининг бўлак ҳислари билан ўзини тўйинтиради, туйгулари мураккаблашиб-мураккаблашиб охирι оддийга келади — вужудини бошқа, қандайдир оилада сира баҳти чопмаганлардан, ишқилиб, кимларданdir устунман-ку бари бир, кучлиман-ку, деган қониқиш ҳисси қоплайди.

Кимдир устма-уст ҳуштак чалади шу пайт. Рауф пайқамагач:  
— Ў-ў, комсорг, — деб қичқиради.

Рауф ёнига келиб тўхтаган автобуснинг ойнасидан шаҳарлик курсдошининг башарасини кўриб хаёллари тумандай тарқалиб кетади; ўзига ўхшаб кетадиган я ва шу билан бирга ўзига сира ўхшамайдиган ҳамкурсларининг ёнига шошади.

1985 йил.

## БИР ЎЛАРМАН ЧАВАНДОЗ

Эй жўралар-эй, эй ёронларим-эй, бир гапнинг гали келди, гапнинг гали келдима ўзи, айтинглар. Биродарим ҳақида айтиб берайин, бирорвингиз биласиз уни, бирорвингиз билмайсиз. Билмаганингизга қизиқ, билмаганларга айтайин – бош турунг бўлмасам қайтайин. Ўзим орқаси ер искамас жайдари табилчи бўлсан – танобчиямас табилчи, хуласи ёзувчиямасманда – гапга чечанамасман, ёзувчилигим бўлганда-ку, ўзим билардим-а, ҳа майли, Худойимнинг берганига шукр.

Жўрамнинг оти Давлатбой, баданида яроқли жой йўқ, яроқлиси қовурғасими – дўхтири нақ учовини санааб туриб кесиб ташлаган. Соғ бўлса кесармиди, кўпкарида синдирган, кейин дўхтири опташлаган. Гап қовурғадами, мен айтайин, сиз ишонаверинг, тагинам ўзингиз биласизку-я, ярим гавдасини кесиб ташласангизам бу ўларман ҳеч бало кўрмагандай юраверади, сизга гарантия берайин, оёғини жодига қўйиб қирқинг,вой демас. Индаллоси гап, жўрамнинг гавдаси тиккайиб қолган, мен қарибим, қаддим букилди, унинг эгилмаганига сабаб – ўнг эгнидаги суяги синик, опташлашганми, олишмаганми, унисини билмадим-у, аммо тиккайиб қолганининг мениси шу. Энгашса томири тортишиб оғриди.

Мақтамайман, мақтагулиги йўғ-у, бари бир қурмағурнинг ёшлигида девими, бир балоси борииди, ҳайрон қолар эдим унинг полвонлигига: эшгиритиб қўйсанг тонги кемирар эди, дарёни симириар эди, қиёмат эди; полвонлиги бир сари, бардошига балли дер эдим. Айримингиз биласиз оғатининг чавандозлигини, эна сути овзидан кетмай от чопар эди; кўпкарининг энасини эмдириар эди; синифининг бари шу кўпкарининг касри; тафи айтайин, танасида яроғи бор жой кам, шунинг учун қип-қизил тентак шекилли, бу, деб ўйлаб қолар эдим баъзан. Бир гал қаҳратон қишда Гарашага тўйга кетяпмиз, менинг остимда чўбир, унинг остида бўз, гапдан гап чиқиб уни мақтаб юбора қолибман, совуққа ўлгудай чидамли деб, бу гўрсўхта ўзидан кетиб пўстин билан теллакни ечиб тагига, эгарга тўшаб олди дент.

Хов, бир касрни қиласан, ўларсан манов аёзда дейман, қаёқда кулоқ солса, қайтанга камзулиниям ечяпти. Шу гапнинг нари-бериси, ҳай-хайлшимизга қарамай бир фасилда чигпа майкачанг бўлди-олди. Эгарда тўрғайдай ўтириб кетаётир. Шерикларимизам дод деб ялинади, менам. Мазақ учун аҳён-аҳёнда пишқириб қўяди. Совуқни-ку, гапирмайин – одамнинг суюгидан ўтиб кетади. Мен пўстин кийганман, шунинг устидан еб бораётир чимииллаб. Қошнинг устига қиров кўнади, терласа мўйлабинг музлайди. Жон-поним чиқиб, «бор-з», дедим, менга деса ўлмайсанми, хоҳласанг лунгингниям еч дедим, бепарво ҳайдайвердим, авави бизни қалака қилиб мускулларини ўйнатиб қўяди ҳар замон. Совқотяптими, деб разм соламан, бурни қизарган, лекин, ишонсангиз бадани ҳечқурса товуқники сингари бўртмайдиям, ё пирим, дейман, тавба қиласан. Аввал ачинишиб турган эдик, тўйхонага етавергач, номусимиз келди: бало-да энди, аёз, бўрон уриб турса-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дабдурустдан майкачанг кириб борсанг. Яна тўйга! Уни-ку тентак-пентак деб ўйлар, ёнида борган бизни ким деб ўйлайди одамлар. Отининг жиловидан ушлаб, жўражон, укажон, акажон, деб ялиナвердик, ўзингни ўйламасангам бизга ичинг ачисин. Жонимизга аро кирди, сал эриди чамаси, майли, деб кийимларини бирин-кетин кийиб олди. Агар ақлинг бўлса уни ёнида мақтама, ўлдинг мақтасанг. Кўпкариниям ўзи гурсиллатиб чопа қолади, хуллас, эшгиrtманг, эшгиrtсангиз бирон аъзоси мажақ бўлиб кетгани биланам иши бўлмайди, ишонмасангиз ҳозир кўринг бориб: тиззасининг кўзи жойида турмай қолган – гоҳ пастга, гоҳ юқорига силжиб кетади, шунда юролмай қолади,вой-войлайди, ўзи улай-булай қўли билан иргаб-ирғаб ўрнига солади-да, кейин қаққайиб сўфидай кетиб турган куни. Ўша тўй куни кўпкарида бу хуни-муни Кўлибой полвонга илашди дeng. Кўлибойнинг оти зўр, отиданам ўзи зўр. Давлатбой нима унинг олдида, сапчадай отиб юборади керак бўлса. Улоқнинг бир путига тирмашиб кетяпти, шуйтиб майдонни нақ тўрт марта айланиб чиқди-ёв; уям бу чакамик экан деб, қўяқолмади, буям камкучман демади, чўзилишиб, ўзлариниям қийнаб, отлариниям қийнаб юрдида қўйди; одам бори тонг қотган, Кўлибойга куч бермаган бу ўларман ким бўлди деб. Минг қилсаям кучли—кучли-да, зўрға пеш бўб бўладими, Кўлибой улоқни тақимига ўхшатиб босиб, гавдасини ёнга олиб бир силтаган эди, икки от нақ қўшмоқ бўлиб қолди. Эгарқош эгарқошга тегиб қарсиллади, Давлатбойимиз эгардан учиб кетди; энди гупчак бўлиб ерга тушади-ёв, бир қиёматни қиласи-ёв, деб турсак, йўқ, шу бўз отнинг нақ ёлида қолиб кетди. Оёқ узангидан чиқмаган

экан, гавда ерга шалвираб кетган, оёқ ёлда. Шу аҳволдаям бир майдон айланди-да, охири қўйиб юборар десак, бари бир қуймади-е, отнинг айили узилиб эгар-пегари билан учиб бориб Кўлибойнинг отига қапишиб қолди; оломон «қўй!» деб қичқиради,чувлади, бу қўймайди. Одамлар Кўлибой энди бу шўрликни улоқ-пулоқ билан қўшиб чортокқа гупчак қилиб ташлар экан-да, деб туришган эди. Чакамик бўлса шилимдай ёпишиб чортокқа етмай олиб қолди. Тўрт ё беш қулоchlар қолган эди, узоқ эмасди; улоқни узиб тушиб, ўзи яёв сомонга судраб олиб бориб ташлади. Раис ҳам бардошингга балли сенинг деб соврин—юз эллик сўмни қўлига тутди, курғур яна ўжарлик қилди, — мардлиги бор-да ўзи, — юз элликни халқнинг кўз ўнгida Кўлибойнинг қўлига тутқазди. Раҳмат айтди. Қайтангга Кулибой полвон изза бўлиб қолди.

Шайтиб кўп томошаларни кўрсатиб келганмиз Гарашада. Кейин катта чавандоз бўлиб танилиб кетди. Кичкина ўғли Санжар унинг ўзига тортган. Худди қуйиб қўйгандай. Кеча мачитнинг берисидаги бўзлоқда ўзидан барзангироқ бир бола билан курашяпти. Ҳалиги бола буни дустаман олиб тушди, елкасини ерга теккизаман, деб ҳай уринди, терлаб-пишиб, кўкариб кетди, охири бўлмади. Санжар устига салмогини солиб босиб турган болани бир типирлаб кўтариб туриб кетса бўладими! Ай, сенингам баданингда боракан дедим.

Давлатбой билан тўққиз-ўнинчи синфларнирайсентрда, Қўшработда битирганимиз. Қўргонтепадан, нақ ўттиз чақиримдан нонни белга тушиб қатнаймиз; нима қилайлик, бу ерда ўрта мактаб йўқ. Унинг эшаги бор, жуда илдам. Лекин кичкина, орқаси чўнтоқ, мингашиб ёлчимайсан, икки қадамдан кейин тушиб қоласан. Икковимиз алмашиб миниб борамиз.

Энди борган кезларимиз. Ўзимизни панароққа олиб юрамиз. Бoshингни сал кутарсанг, сентрликлар популдирингни пасайтириб қўйишади. Дўйайлари бор ўзларининг, ҳар қайсисининг мушти менинг бошимдай келади камида, гиринг десанг каллангни олиб ташлайди. Бир куни улар бизни чақириб, тўққизинчи синфда ўқийдиган месний болани кўрсатиб, «курашасан бирорвинг шу билан», деди. Мен энди, айёрроқман, дарров давлатбойни рўпара қилдим. Давлатбой олишиб, охири йиқди. Дўйайлар кейин нариги тўққизинчи синфнинг зўрини чақириб, «шу билан курашасанми?» деди давлатбойга. Буям киприк қоқмай «ҳа» деб юборди. Унисиниям йиқди. Чарчаб қолди. Ҳалиги кураштираётган бола айтди, шу мактабнинг ишонган шепи мен бўламан, отим палончи, энди мен билан чик, йиқсанг, ўрнимга

сен шепсан, тан бераман, кўлни ташла, деди. Давлатбойга қарасам, қўлига бир тупуриб ишқалади-да, «бўпти, кел», деб юборди. Мен бориб ҳалиги щепнинг оёғига йиқилдим. «Жон жўра, жон жўражон, шеп ўзингсан, агар курашсанг буни ўлдириб кўясан, ўзи етим бола, сенинг шеплигингни тан олади», деб ялинавердим. Шеп Давлатбойга қараб: «Шунақами?» деди. Давлатбой менга термулиб туриб: «Ҳа», деди-да ёнига тупуриб юборди. «Тан бердингми, курашмай-а?» деб қайта сўради бола. Мен Давлатбойга жовдираб тикилдим. «Тан бердим», деди у ноилож. Давлатбойни шундоз, бир мартагина сўзидан қайтаролганман, ўшандаям қайтиб келаётганимизда одам қаторига кўшмай бўралатиб сўккан. Аммо мен ундан ақллироқ эдим, бирдан-бир тўғри йўлни танлаган эдим. Аниқ ишонардимки, агар Давлатбой униям ентса, дўйайларнинг бизга хусумати ошиб, охири бир кун уриб ўлдириб кўярди. Енгмасанг ўлмайсан, ишқилиб, мусофиричликда омон-эсон битириб кетайлик, деб тайинладим.

Ўқишдан қайтаётганда икки чакирим йўл юрмай Давлатбойга эшагингни бер, биродар, ўладиган бўлдим, деб ялинардим, у ростакамига ишонарди, туша солиб, «ма, мин, менинг оёғим умуман оғримайди», дерди. Эшаги ҳалиги айтганимдай жуда йўрга, минсанг роҳат қиласр эдинг, ҳеч тушгинт келмасди. «Мана шу қирдан ошайлик, кейин сен минасан», дердим мен ҳам инсоф билан. У ишонарди. Калтабакай бўлгани учун қирга секин кўтарилаарди. Мен атайлаб эшакни ниқтаброқ ҳайдаб, ундан ўзиб чиқардим-да, ошуувдан ўтгач, энишга қараб кўшоёқ оттириб чоптиардим. Халалаб чоптираверардим. Давлатбой у қирдан кўрингандан мен бу қирдан ошаётган бўлардим. Жўрам қораси кўрингандан муштини ўқталиб сўкина кетарди, етиб олсам бурда-бурдангни чиқараман, дерди. Мен унинг жаҳлигаям ишонмасдим, тўхтамай кетаверардим. Кейин у ялинишга тушарди: «Ҳой, Амирullo, секинроқ ҳайда, етиб олай, мингашиб кетамиз, тўхтагин!» Ишонармидим мен бу гапга — эшакка хала босганча кейинги қирдан ҳам ошиб кетардим. Шу пайтлари сезардим: орқамдан Давлатбой югуриб келяпти, етиб олса аямай урса керак, лекин хайриятки эшак дидни олади — жуда илдам. Мен қишлоққа етиб келганда Давлатбойнинг қораси ҳали-вери кўрингмаган бўларди. Уйнинг туши — тўграйига келганда эшакдан иргиб тушиб, ипини йиғиштириб бўйнига боғлардим-да, орқасига халачўп билан бир уриб уйига ҳайдаб юборардим. Билардимки, эшак албатта уйини топиб айвонига кириб боради.

Эртаси тонг саҳар тағин қишлоқнинг оёғидаги зардоли остида Давлатбойни кутиб турардим. Менга кўзи тушиши биланоқ у узоқдан дағ-

даға қилиб, сўкиниб келар, уриб ўлдираман дерди нуқул. Мен ўзимни бечораликка солардим: «жон Давлатбойжон, ўзинг биласан, сендан бошқа кимим бор, бошқа ишонадиган одамим йўқ-ку, ўзинг билиб туриб қийнайсан-а. Майли, ўл десанг ўлайин, лекин буйтиб харом ўлдирма». Шўрликнинг дарров авомлиги тутарди. То менинг олдимга келгунча жаҳлидан тушиб, раҳми келиб, бошқа қиёфага кириб қолар эди, чина-кам ачинар эди менга. Эшақдан тушиб мени миндириарди. Одам кўп яёв юрса бакувват бўлади, леб кўярди. Бориб етгунча алмашлиб миниб кетардик. Қайтаёттанды эса... яна худди кечаги ҳол тақрорланарди; эрталаб ҳам ўша аҳвол — ҳар кунгидай ўларманлик қилиб «кечиргин» деб ялиниб туриб олардим. Давлатбой кечак қандай кечирган бўлса, бугун ҳам шундай кечириб юбораверар эди. Жуда ҳайрон қолар эдим. Баъзан ўзимни ҳам койиб кўяр эдим. Начора, ишонувчан, авом бўлса ўзидан кўрсин деб қўл силтаб кетаверардим. Шундай қилиб нақ икки йилни ўтказдим. Икки йил ҳар куни уришиб, ҳар куни ярашчик. Кейин мен ўқишига кирдим, ҳисобчи бўлдим; ҳозир кўриб турганингиздай табелчиман. Давлатбой эса ўша кезлариёқ ўқишга парво қилмади, ўзини кўпкарига урди. Даромадниям кўпкаридан ортириди, касофатниям; лекин оч яшамасди — ҳар маҳал дастурхони обод бўлди. Бир қисим ўйиллариниям уйлантириди. Энди икковимиз эллик учга кирибмиз. Кечак кичик ўлининг олишаёттанига қараб, бундан қирқ йил бурунги Давлатбойни кўргандай бўлдим, кейин курмагурнинг ўзи эсимга тушди; тип-тикка бўлиб қолган қомати, юриб кетаёттанды бирдан тиззасининг косаси той-иб кетиб оёғи қотиб қолиши, бечоравой-войлаб ўтирасолиб, ишқалаб-ишқалаб бир амаллаб кўзни ўрнига солиши, сўнг ҳеч бало кўрмагандай кетавериши кўз олдимга келди. Нега зарил экан, дейман-у, тагин маюс тортиб ўйлаб қоламан. Нега бунақа одам, а?! Тавба, нега бунақа ўзи?!

Бир нарсага бугун ҳам имоним комил: агар Давлатбойни ҳозир бориб ҳам эшгиртсам билган амалини қилади. Эсли-хушли бўлгани билан гупуртирасам агар, ниманицир қайириб, ниманицир синдириб, ишқилиб ўзининг хуморини ёзади. Ҳа, ҳозир ҳам кучи кўп унинг.

Мен эса... Мен бутунлай бошқа одам, Давлатбойнинг тескарисиман. Бир соат ҳам ундаи мард, ундаи паҳлавон бўлолмайман, ўзимни қаттиқ авайлайман.

Давлатбойнинг эса қариб-қартайишини ҳеч тасаввур қилолмайман. Нафасимни ел учирсин-у, кучи тошиб, қутурибми, ё бир жойдан тушиб кетибми... жон топширса керак деб ўйлайман.

Кечиринглар, жўралар, жўраларамас, ёронлар, гапимнинг охири мунглироқ бўлиб кетди. Кечак жўрамнинг кичкинаси Санжарчани кўриб

бир ўйчан тортган эдим-да, Давлатбойнинг бир-иккита қизиқ ҳангомалари эсимга тушиб кетди, холос. Ҳар хил одам бор экан-да ер юзида; яшайвераркан, ҳаммаси меники түғри деб. Ҳай, майли, биродарларим, ҳаммамиз ўтиб кетамиз дунёдан!..

*1989 йил.*

## ОФАТ

Қишлоқни, уй-пуйлару пишиб тўкилаётган зардолиларгача — бари-барини ер ютиб кетадиган бўлди-да. Бус-бутун замин ҳадемай тарс ёрилади ҳамма шу ёриқдан унинг қаърига тушиб гумдон бўлали. Момонинг ўйича, ҳеч ким омон қолмайди. Аммо... қишлоқдан шаҳарга, чўлга чиқиб кетганилар-чи? Ёки қўшни посёлкага қатнаб ишлатётган Шалдирбойга ўхаш шопир-попирлар-чи? Момо шуларни ўйлаб, ҳеч ўйининг адогига ета олмасди. Инсоф билан айтган-да, ер ютадиган бўлса ҳаммани бирдан ютиши керак. Бунинг устига Шалдирбойнинг мошинасиям... кўп бесўнақай...

Нима бўлганда ҳам Тилла кампир шундай кун келишига шубҳа қилас ва ҳатто Зиннатнинг қирқилган сочи тугул Шалдирбойнинг шапкасигача — ҳамма-ҳаммаси ернинг ёриғига тушиб кетишини даҳшат билан кутарди...

Тилла кампир бундай ўйга бормаслиги ҳам мумкин эди, лекин бултур шундай бўлган-ку! Фаровонми-Мировонми деган қишлоқни ер ютган-ку! Ҳурлиқо кампир буни кўрган, кўрган бўлмаса ҳам кўргандай қилиб айтиб берган! «Фаровонми, Мировонми, эсимда йўқ, ишқилиб, бурун замонларда Гўрўслиминан Аваз, Мисқол парилар кеп қирқ кекаю қирқ кундуз дам опкетган жой экан. Бир сири бордир-да. Бурноғи йил шу жойнинг одамларидан пир кетди, чироғим. Бир тўйда эркаги аёлминан шайтонлаб ҳай ўйнади, ҳай ўйнади. Эстрад қип, қизлари кўкрагини очиб ўйнади. Бир пайт десангиз қасир-кусур қилиб ер тарвуздай ёрилса бўладими! Ҳалиги шармандалар шовшабгина тўкилди-кетди. Яратганинг қаҳри келган-да».

Тилла кампир гўнг титаётган хўрозига тикилганча туриб қолди. «Сенгинаниям ер ютади-да, — деб ўйлади, — қандай кунларга қолдик. Ҳурлиқоям...»

Ҳурлиқо кампир «ўпкам» деб читиниб юрарди. Қув-қув йўталиб, ахийри, кетди-борди боёқиши. Тилла кампир якка ўзи қолди. Ўйлаб қараса, тентиларидан ҳеч ким қолмати. «Ҳиййа» деб гапини матьқул-

лаб туралган одам йўқ. Ўкинчи шундан. Ҳурлиқо кампир омон бўлганида унга бориб айтарди: «Ай, дугона, эшитдингма?», «Нени!», «Нениймиш, Сарибойнинг қизини-да!» «Ҳа-а-а...» «Қишлоқни шарманда қилди-ку, жувонмарг...» «Эй-й охир замон денг. Ўлдик энди, Тилла! Ер ёрилади, ер ютади ҳаммамизни.»

Кампир биринчи куни хўрзни ошга босди, иккинчи куни товуқни... ер ютадиган бўлгач... Кутди, кутаверди, лекин оғат ёғилмади – Ер ёрилмади. У яна бир товугини сўйиб, шўрва қилмоқчи эди-ю, фалакнинг ишига тушунмай... гарантсиб туриб қолди. Ҳаммаёқ тим-тире, одамлар хотиржам, ана, бир-бир чўлдаги қариндошлариникига – тўйга кетишяпти, думоклари чоқ. Кампир ҳайрон бўлди, йўқ гап шекилини, деб шу кеча хотиржам ухлади. Аксига олиб фалокат худди шу куни ёпирилди...

Кампир туш кўрди. Тушида Сарибойнинг қизи қаймоқдай сонлари лорсиллаб югуриб юрган эмиш. Кампирнинг олдига келиб жўрттага рақсга тушармиш у, ўзиям шу қадар катта эмишки, кампир унинг тўпигигаям тенг келмасмиш, шундай бўлса да, у ҳеч тап тортмай қарғайверибди. Сарибойнинг қизи бўлса опиоқ сонларини селкиллатиб, муқом қилиб, кампир қичқирган сайин авжга минармиш. Тавба, унинг эгнида кийим бор эмиш-у, белидан пасти яланюч эмиш. Кампир қарамайин деса бўлмасмиш, атайин унинг учун ўйнаётганмишда, қаёққа юзини бурса, шу ёққа липиллаб ўтармиш, баҳайбат оёқлари билан ерни ларзага келтириб тепармиш: «Гум-м, гум, гум-м».

Тилла кампирнинг қулоқлари қоматга келди. Сачраб уйғонди. Сездики, оғзини каппа-каппа очялти-ю, бақиролмаяти. Гумбурлаш кунчиқарга учиб ўтадиган аэроплан ғовурига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Кўча четида кучук вовуллади. Оғилдаги молларнинг Патирлаши, сўнг гунажиннинг қаттиқ мўлагани эшитилди. Кампир ўрнидан туришга уринди, қараса худди бирор туртиб юборгандек, шишачироқ лангиллаб ўйнаёттир. У кўрқиб кетди. «Чироқ мунча чайкалмаса?» Ҳалиги ғовур ҳам тобора кўчайиб боряпти-а: «Гумм-ммм...»

Ўтакаси ёрилаётган кампир ниҳоят, зилзилани пайқади. Хира тортган кўзлари бирдан равшанлашди. Барibir, қариллик – қариллик-да, турман деб орқага ағдарилиб тушибди. «Ўлсин-эй» деди куймаланиб. Сўнг ўзига ярашмаган эпчиллик билан иргиб турди. Дадил эди шу тобда. Бунга сабаб – «зилзилада йиқилган ўнгмайди», деб эшитганди. Шундан кўрқди. У бориб, гафлат босиб ётган ўғлини ҳам турғазди.

Фалакнинг карами кенг-да. Буни қаранг, шу уйни зилзила тептекис қилиб ташлаши мумкин эди, бироқ яна: «Ке, қўй, шу Тилла Кампир ҳам тўрт кун умр кўрсин!» деди шекилли, анчага довур

огоҳлантириди, она-бода эсон-омон ташқарига чиққач, бир гувранди – девор ёрилиб кетди. Шунда кампирнинг миясига қон урди. «Вой, яшшамагур! Вой, нас босган, сенинг касрингга уйим бузилди-я!» – У яна Сарибойнинг қизини қарғай бошлади. Ўзи бир оз анди эди. Ҳеч маҳал етти марта ўлчаб, бир кесмасди. Ҳозир миясига келгани шу – Сарибойнинг қизи, кейин Сарибойнинг ўзи, хотини бўлди. «Нега энди кўплашиб-кўмаклашиб шуни йўлга солишолмайди-а? Ахир қиз бола бўлса... Қандай чидаб турар экан Сарибой?»

Ўша куни у ўғлига ҳаммаси тўқликдан, ташвиш йўқлигидан деб айтди. Кейин кўшиб қўйди: «Одам деган номусини унугдими – орқаси палакат деявер!» Ҳурлиқо кампирдан эшитганларини ҳам айтиб берди. Кейин ёзғира-ёзғира бошидан ўтганларни, қийин-қистов йилларда кўрганларини мингинчи марта нақл қилди. Ўғли жеркинса-да, кампирнинг жаҳли чиқмади. «Шунчалик қийинчилик кўрсам ҳам, ўтизга чиқмай бева қолсан ҳам чидаганман, сени ўйлаганман», деди у мингинчи марта. Ўғил эса бу гапларни эшитишни истамайди, кетиб қолган хотинио қизасини ўйлади шу вақтда: «Уларнинг аҳволи не кечдийкан!»

«Диркиллаган эчки...», «Шўртумшуқ...» Ўғил мавзу хотинига кўчганлигини фаҳмлади. Билади – хотини шундай, лекин нима қилсин? Нега онаси келинининг шўртумшуқлигини юзига солади? Шундай деган билан у ўзариб қолмайди-ку, ахир. «Мотам тутавермай каллангни кўтариброқ ўтири. Ҳали қўйинингга шундай ғайрати тошган, бошида кўтариб юрадиган қизни солиб қўяйки...»

Кампир ростдан ҳам, зилзила бўлганлигига, яъни ер ёрилмаганлигига ва ўзларининг омон қолганликларига энди ишонганди. Шукр қилиб ҳовлида у ёқдан бу ёқقا юрар, челак, супурги, яна алламбалоларни – жанда-жуналарни наридан берига ташир, нега ундаи қилаётганига ўзининг ҳам ақли етмас эди.

— Бу ёқقا келинг, опа! Молларингизнинг бариси ўлиб ётибди!

— Вой, ўлайн-ай, вой ўлайн, — кампир қўлидаги супургисини отиб югурди. Шошганидан ўзи ташлаган супургига қоқилиб йиқилди. Титраб-қақшаб турар экан, ўғлига жавобан ғўлдиради: — Худога шукр деб ўтирсан... палакатнинг бари бу ёқда де!

Молхонанинг сой бетидаги девори қулаб тушган, бу-ку, майлия, касофат сигирнинг бўйнидан хари босиб қолганди. Шўрлик сигир оёқларини қарсиллатиб ерга урар, остидан калласини суғуриб олишга уринарди. Кампир бориб унинг қулоғидан тортди. Уддасидан чиқолмагач, ўғлига бобиллади:

- Келсанг-чи, нега анграисан?  
— Қочинг, ўлмоқчимисиз томнинг тагида қолиб! — деди ўғил ҳам бақириб.

Кампир бир нима деб тұнғиллади, кейин харини итариб бир құли билан сигирнинг шохидан тортди. Гүё шу кучи билан молни хари остидан тортыб чиқариб құядигандек.

Оғилнинг сойбет девори қулағани билан бошқа томонлари бут. Лекин ўртадаги шөпил оғиб кеттган эди. Уни суюб турған устун ҳам қийшайиб қолган, шопилга chanдиб боғланған симларгина майишиб зўрга тутиб турарди уни. Том сувоқлари, сувоқ остига босилған янтоқлар қоп-қорайиб осилиб қолган, том шу ҳолида қай вақтгача «жон сақлайди». Лекин Тилла кампирнинг бу билан иши йўқ, сигирдан сира айрилгиси келмасди шу лаҳзада.

— Қочинг! Ҳозир том босиб қолади.

Ўғил югуриб бориб онасининг енгидан тортди ва уни ташқарига олиб чиқди.

— Каллангиз ишлайдими ўзи? Үласиз-ку!

— Сигир ҳаром ўлса майлими? — деди онаси, унинг гапига эътибор бермай.

Ўғил ниманидир эслашга уринди, кейин ғаллахонага кириб ой- boltani күтариб чиқди ва бориб сигирнинг нақ бўйнидан чолди, тизиллаб отилган қон билагига саҳради. Сигир хирқираб қолди. Жон халпида оёқ қоқа бошлади.

Кампир анг-танг бўлиб қолди. Қўни-қўшнилар тўпланди, ким тўрт кило гўшт олди, ким беш кило. Шундай қилиб кампирнинг суюмли сигиридан ному нишон қолмади. Эртаси куни оғилхонанинг бўлак деворлари ҳам қулаб тушди. Кампир эса Сарибойнинг суюқоёқ қизини ер муштлаб қарғаб қолаверди.

Кузнинг бошлари. Кеча сутдай ёруғ. Кампир келини билан аразлашиб юрган кезлар. Ўғли тунги сменадаман, деб ишхонасида қолиб кетади. Сув навбати келган-у, экинни сугорадиган одам йўқ. Шундай бўлгач, унинг ўзи кетмонни кўтариб чиқди. Олдин токзорга таради сувни, сўнг бедапояю маккажўхориларга. Бир хаёл бориб ётмоқчи бўлди, яна сув уриб кетмасин деб, эрмакка жун титиб ўтирди...

Бир пайт кампир сувдан хабар олай деб келса, шайтон ораладими, ҳар қалай, макка шитирлаб қолди. Кейин икки шарпа ичкаридан чиқиб икки томонга қочди. Калтабақай йигит югуриб бориб қатор экилган наъматақларга ўзини урди. Ниҳоят, шохларини синдириб чорбоғдан чиқиб кетди. Кампир аввалига қўрқди, қўрққани-

дан ҳеч нарсага тушунмай анқайиб турди. Шу чоғ ярим яланғоч ҳолда ура қочган қизни кўрдию ҳайрон бўлди: «Авратпўшиям йўқми жувонмаргнинг!» Сочи қирқилган экан, таниди. «Вой шарманда-а-а!» Кейин қарғади. Қарғади-ю, ўзи қўрқиб кетди: «Энди ер... Яхши бор, ёмон бор...»

Сигиридан айрилгач, молхонаси вайрон бўлгач, камлир буткул тинчини йўқотди. Бу ёғи куз келиб қолған, эрта-индин қорли-қировли кунлар бошланали. Токларни қирқиши, кўмиши, маккани ўриб-ийигиб олиш керак. Бу камдек, молхона бундай жайраб қолди.

Кампирга алам қиласади: «Нега ҳеч кимнинг оғили-поғили қуламади, ақалли ёрилмади ҳам. Гуноҳга ботган Сарибойнинг қизи-ку! Нега бало менинг оғилимта урди!» Энди турмушга чиққан кезлари қайноғаси куриб берган молхона аллақачон пугуридан кетганини, харилари сондан чиққанини сира унинг тан олгиси келмасди. Ҳамма-ҳаммасига, ҳатто ишлари орқага кетаётганига ҳам Сарибойнинг ер ютуруси сабаб, деб ҳисобларди. Ахийри бўлмади. Сабри тугагач, ҳап, сеними деди-да, кампир йўлга чиқди: «Зиннатни би-ир юлиб келмасам!.. Ҳа, уйинг куйсин сени! Ўзингни расво қилганинг бир сари, қишлоқниям булғадинг-а, беномус. Мана, оқибати. Ҳали кам бу!..»

Кампир пастки ҳовлидаги ҳамсоғи Ҳалимага ҳам «юр, бирга борайлик» деб кўрди. Йўқ, Ҳалима унамади: «Қўйсангиз-чи, сиз билан менга нима – шунча эркак турганда. Бир оёғингиз...» Шунда Тилла кампир: «Рост, нима қиласман аёл бошим билан, уятдир!» деган ўйга борди. Кейин бузилган молхонаси ёдига тушди. «Ҳадемай қиши тушади, ким менга молхона куриб беради энди?» Яна Зиннатни қарғади, алами тарқамади. Дока чорсисини бошига ташлаб, пистоқи жегдасини кийиб, йўлга тушди. Қирни айланиб ўта туриб, Сарибойга айтадиган гапларини ҳам ўйлаб олди: «Қизининг газитда ишлашини айтмайман. Мисол учун мени муштум қилиб ёзса нима қиласман? Нега деганда қўлидан келади-да жувонмаргнинг. Йў-ўқ, бунисидан қўрқмайман. Сенинг қизингни газитга ёзадиганлар ҳам бор, дейман. Абдимуродга айтаман, боплаб қизингни муштум қиласди, дейман. Холдор чўпонни бир муштум қилган эди, кўрдинг-ку, қамалиб кетди. Агар қизингниям, «шу суюқоёқ енгилтаклик қиласманда Тилла момомиззинг молхонаси қуламасди» деб ёзса, неча пуллик одам бўласан, беор!» дейман.

Кампир ким йўлиқса шу гапни айтарди.

Нарзулла муаллим ундан кулди:

- Бориб, Сарибойнинг калтагини еб келманг тағин.
- Калтак есам ерман, лекин айбини бўйнига қўйиб келаман.

— Ўзингиз биласиз, — кулиб қўйди муаллим, — ҳар қалай, сиз айтган замонлар ўтиб кетган, чечач...

Дарвоза олдида бойлоғлик ит турарди. «Вой, уйинг қуйгур, кучук боғлаб қўйгани нимаси! Шуни айтади-да, ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб». Кампир кесак олиб итта отди. Ит вовуллади. Дарвоза табақаси очилди.

У дарвозадан ичкарига мўралади. Еттинчи синфда ўқийдиган Сарвар супада кичкина укасининг иштонини юваётган экан.

Қизча бошини кўтариб, унга қаради:

— Уйга киринг, момо.

— Кираман, кираман, лекин... Юр қани сен ҳам, қизим.

Қизча кампир бесар келмаганлигини пайқади. Кўлини артди. Ичкарига киришиди.

— Қизим, — деди у Сарварга ўтирилиб, — ўтирилай мундай. Мен кўп ўтирмайман, чойга уннама.

Қизча чўккалаб унга қаради.

— Асли отангтами, онангтами, айтишим лозим эди-ку, отанг йўқ экан, онанг... Ҳеч бўлмаса сенга айтиб кетай. Зиннат опанг қайда?

— Самарқандда.

— Шу опанг... дуруст чиқмади.

— Бирорвлар шундай дейди. Нима қипти опачам?

— Бузуқлик қилди. Нечта эркак билан юрди. Бу туришда ҳали палакат кўп бўлади, қизим.

— Ундан эмас. Ўзи шеър ёзади. Олам...

— Бошқа иш қўлидан келмай шеър ёзади-да бу...

Қизча хафа бўлди.

— Нега ундан дейсиз? Газитдаям чиққан.

— Сен билмайсан, қизим. Мен кўп одамдан эшитдим, жуда кўп одамдан. Эл билади. Кейин опанг сочини қирқди. Ҳозир иштонсиз юриди.

— Сочини қирқтираса нима қипти? Яхши-ку қайтанга...

— Яхши эмас! Опанг бузилган, билдингми! Ҳа, майли мен тентак ўзи нега сенга минак қоқаяпман. Ҳа-а, билсанми нима, илгари тоннинг нарёғида Фаровон деган қишлоқ бўлган. Шунинг гэллариям яланюоч бўлиб ўйин тушишган — эркакларминан. Бу Худога ёқмаган, охири шу қишлоқни бус-бутунича ер юти-иб юборган. Сенинг опанг ҳам ҳали кўп касофат келтиради деб қўрқаман-да. Зиннатга айт, бу йўлдан қайтсан!

Қизча тумшайиб қолди, лаблари бурилди.

Тилла кампир қирдан ошиб келар экан, ўз-ўзича ўйлар эди:

«Бўғалтир бўлди — бўшади, газитда ишлади — бўшади, шеър ёзди — бўмади. Мана энди Самарқанддаймиш. Нима иш битиради у ерда? Тавба, газитгаям ҳар хил одамни олаверайкан-да».

Қўшниси Абдимурод ҳам ёшлигида ул-бул ёзиб ҳавасманд бўлиб юрган. Ҳозир қишлоқ Советининг котиби. Унинг бу хунари кампирга ёқмас, «эркаклар қиласидиган ишни қилсанг бўлмайдими?» дер эди. Ҳозир қўққисдан шу эсига тушиб қолди. Кечкурун уни чақиртириди.

— Болам, бир вақтлар сен ҳам ғазал ёзайдинг, ёғандаям мана шу бузуқдан ўтказиб ёзайдинг. Қўлингдан келади-ку, а, шуни катта китоб қип ёзиб бир шармандасини чиқармайсанми?

— Қўйсангизчи-е, нима деб ёзди буни? — жеркиди қўшниси.

— Ҳамма қилиқларини ёз. Қишлоқни шарманда қилиб, кейин Самарқандга қочиб кетди, де. Бир бечора онаси бор эди, шунгаям ичи ачимади, мабодо кўча-кўйда кўриб қолсанглар — сочи қирқилган, оти Зиннат, оёқлари Тилла момонинг белидай бор, — қиз эмас у бузуқи, қишлоқни расво қилди, деб, ишқилиб келишириб ёз-да.

Абдимурод кулди. Кейин тушунтирган бўлди.

— Бундай деб ёзса чиқармайди.

— Бўлмаса, газитга ёз, болам.

Кампирнинг қистови билан газетага ёзалигиган бўлишиди. Кампир айтди, котиб ёзди: «Бизларнинг Қўрғон қишлоғимиздан битта эрсирраган чиқиб қолди. Кейинги вақтларда жуда бузилиб кетди. Чоршанба куни у бир калтабақай йигит билан бизнинг маккайимиз ичидагу бузуқчилик қилишган. Биздан бошқаям кўплар билади буни. Оти Зиннат».

Шундан кейин момо қизнинг ота-онаси, уйларига боргани ҳақида гапирди, охирроғида эса «агар шу қиз бузуқчилик қилмаганида зилзила бўлмас эди», деб айтди. Ҳат тугагач, ориқ, қалтироқ қўли билан эгри-буғри қилиб имзо чекиб кўйди...

1988 йил.

## УМИДСИЗЛИК

Унинг ёзувчи бўлиш орзуси йўқ, демак, бошқа баъзи дўстларидай даҳо бўлиш истаги ҳам бўлмаган, аммо шу — йўқлик сари бирин-сирин сингиб кетаётган кунлар тўғрисида ўзига-ўзи бир нарса дегиси, шуни ёзib қўйтиси келарди. Ниҳоят, у бир йилдан бўён фақатгина кун саналаринигина қўйиб, бошқа бирор сўз ёзмай келаётган кундалигига бугун биринчи марта ёзив қўйди. Шу сўзларни ёзгунича у бир йил ўзи билан олиши, бир ёзувчи айтмоқчи «ўз-ўзини ниҳоят енгди». Бунинг учун эса ентиш кайфияти зарурлитини ҳам у биларди. Уй соҳибаси ҳам қаёққадир кетган, ҳовли жимжит эди, ишдан ҳориб қайтгани учун ухлаб олмоқчи бўлди. Бугун шанба — қисқа иш куни. Эртага дам олиш куни бўлишига қарамай кўча ва қўшни ҳовлилар ҳам жимжит эди. Уйқудан турганида қош қорайиб, кун адоги аллақандай ваҳшатли, умрнинг ўткинчи эканлитини янада бўрттириброқ эслатиб гуарди. У қўлларини остига олиб дустаман ётгани учун уюшиб қолган, ўзи караҳт эди. Шу ҳолатда ўзининг ғоят хунук ва кераксиз эканлитини туйкүс англади, ўрнидан туриб, «барчасини енгиш» учун деразани ланг очиб юборди. Кеч кузнинг ҳавоси хонани тўлдирди. Ҳар куни шу маҳал иштаҳаси карнай бўларди, ҳозир эса ҳеч нарса егиси келмади. Ҳолбуки, бопи, юраги, бутун вужуди дам олган эди, ҳовлига чиқиб крандан юз-қўлини муздай сувга чайиб, артинди. Энди сал бошқача — руҳи тетикроқ эди. Қайтиб келиб дераза рафида турган ручкани олии-да, ҳар галгидай нима ёзишни билмай ўйлаб қолди. Даставвал, у уч юзу саксон сана рақамини кўздан кечириб чиқди, кейин уч юзу саксон биринчи саҳифани очиб шу кунги числони ёзди. «Руҳни ўзгартириш керак!» — деди ўзига-ўзи. Шуни ёзив қўймоқчи бўлди. Ёзолмади. У овозини баралла қўйиб:

— Бошқача руҳ керак, бу руҳни ўзгартириш шарт! — деди ўзига-ўзи. Кейин шу сўзларни бақириброқ айтди ва шу заҳоти ёзив қўйишга жазм қилди. Лекин бир нарсадан қўрққандай қўллари қалтиради.

Кенг саҳифали дафтар узра энгашди. Ва шу заҳоти айтмоқчи бўлган гапини ёзишдан бирор мақсади йўқлигини билди.

У жуда кўп орзумандлар каби абадийликни ёқтиарди. Нимадир бир абадий қолажак сўёни ёзиг қўймоқчи эди. Бироқ ё билмайди, ёки бунга арзийдиган сўз унинг бисотида йўқ эди.

Ҳозиргина ёзиг қўйган рақами устида энгашиб ўтиравериб, кеч тушгач, куз тунида кўринмай кетди, лекин туриб чироқни ёқишга ҳафсала қилмади. Қоронгуда пайпаслаб кроссовкасини топиб олди. У пастқам қурилган эски уйлар оралиғидаги тор кўчадан кетар экан, ростдан ҳам ҳозир кеч кузлигига ўзини ишонтиромай гаранг эди. Мана, қошидан бир туп, бир тупгина дараҳт чиқди. У дараҳтга син-чиклаб тикилди ва ҳар куни қошидан ўтадиган ердаги нарса дараҳт эканини билди. «На-да сарғаяди, на-да яшнайди — қотиб қолган яшиллик». Тор кўча катта кўчага туташади. Катта кўчада машиналар тезликни ошириб пойга қўйишиади.

Пиёдалар юрадиган йўлкада сочи қирқилган бир қиз пайдо бўлиб, кўча ўргасида ўйнай бошлади. Яқин-атрофда эса бошқа ҳеч ким кўринмайди. Қиз қайси уйда туаркин? Балки у ҳам йигит каби якка-ёлғиздир. Балки у ҳам ўзини енгиш учунгина шундай қилаётган — ўйнаётгандир. Йигит қизнинг ўзига томон ўйнаб келишини кута бошлади. Бироқ қизнинг ортида яна бир шарпа пайдо бўлди; қиз чопқиллаб борганча унинг қўлтиғидан олди: шериги йигит экан. Йигит уларни жим кузатди, кейин ортига бурилди, фоят секин юргани учун қиз ва йигит унга ҳадемай етиб олишди. Йигит неон чироқлари остида бир эум тек қотиб қолди: сулув, жудаям сулув эди қиз. Йигити эса ногирон — оёғи оқсоқ эди.

Қаҳрамонимиз уларнинг ортидан энди шарпадай эргашиб кела бошлади. Кўп ўтмай анча орқада қолиб кетди.

Катта йўлакнинг юз қадамча жойи кўприқдан иборат эди. Йигит шу заҳоти неча марта бу ердан ўтганига қарамай кўприкнинг тагида машиналар туришини ҳозиргина билди. Кўприкнинг кўча чироқларидан тушиб турган қўланкаси машиналар сақланадиган майдончанинг ярмини эгаллади; ёруғ жойида эса бир фаррош қампир узун дастали супургисини асфалът майдон узра сермаб атрофдан учиб келган хазонлар ва қофозлардан тозалар эди. Йигит кўприк устида унга термулганча тураверди.

- Эй, бабуля! — деб қичқирди у.
- Ҳа, нима дейсан? — шошиб жавоб қилди қампир.
- Э, кечирасиз... неча сўм маош оласиз?

- Етмиш. Нима, мухбирмисан?
- Йўқ, олиммасан.
- Мухбирми дебман. Бир мухбир шаҳар газетига ёзган эди, касбнинг яхши-ёмони йўқ деб. Мабодо, сен ҳам...

Йигит унинг кўнглини кўтаргиси келди. Нимадир яхши гап айтиш учун оғиз жуфтлади. Миясига яхши, кўнгилни кўтарувчи гап келмагач, «бор-э» дея шарт ўтирилиб жўнаб қолмоқчи бўлди.

Кампир жуда ҳафсала билан — рўмолини тузатиб, супургисини ерга қўйиб у билан суҳбат қургиси келди.

— Э болам, олим бўлсанг олам сеники.

Йигит кампирнинг гапини кетаётib эшилди. Ортига бурилганида хижолат торгтан фаррош яна ўз ишига уннамоқда эди. Кейин йигит нима учун бу ерларга келганини ўзича ўйлай бошлади. Унинг ўйлари ни наридаги пастқам ва эски уйлар ортидаги кичиккина бедазорда давра қурган ёш-ялангларнинг шовқини бузди. Улар магнитофон қўйиб асқия эшитишар ва қийқириб кулишарди. Магнитофоннинг овози баланд. Йигит ўша асқияларни тинглагиси ва ўзини унутар даражада берилиб кулишни истарди. Аммо ўзи ҳам тушуммаган ҳолатда кайфияти ўзгариб, бояги кампир, қиз ва йигит, мана бу ўзи каби ёш йигитлар, ҳатто асқия айтаётган артистга ҳам ачиниб кетди.

Унинг ишхонасида тинмасдан ҳисоблаш машиналарининг шовқини эшитилиб туради; мана шу шовқинга ёш олим ўрганганд, гоҳида ҳатто дам олиш куни бўлишини ҳам хоҳламайди, узлуксиз ўзи тушуммаган, кераксиз юмушлар билан андармон бўлишни истаб қолади. Даставвал у ҳар бир навқирон йигит каби ёниб яшай бошлаган ва йирик олим бўлиш, юртига обрў келтиришни ҳам сидқидилдан истаганди. Кейин эса ҳаёт уни ҳар хил, бир-биридан «маърифатпарвар» гурухларнинг чангалига отиб юборди, бу гурухларнинг юҳоникидай каттакон оғзи бир неча марта чайнаб-чайнаб туфлаб ташлади, қобилият ва билимдан ташқари кўп укувсизликлари учун нарига ва ундан ҳам нарига сураверди, сураверди. Бу нарсалар ёш бошига тақдир бўлиб синга бошлагач, фақатгина болалик ва болаликдаги ёлғончи орзуларгина қадрли кўриниб қолди, уларни соғиниб юрди. У яна биларди, ҳозирги кунларнинг, мана шу хаёл суреб юришларнинг бир пайтлар келиб тағин қадрли туюлишини. Яна биларди: ҳаёт бемақсад одамларни биринчи жазолайди, кейин яхши ният билан ҳаракат қилганларни, энг сўнггида яхшиларнинг пайини қирқканларни... У негадир ўзи фаҳми етаётган нарсаларни ўйлашдан безор бўлиб кетаверарди. Ва тағин энди фарзандлар кўриши, уй олиши, шу каби муттасил турмуш-

ни тасаввур қиласы. Шунда ўзини четдан ҳам кузата бошларди: ўшанда фарзандлари ва невараларининг қуршовида ўтириб, мўйсафида: «Э-э, биз ёшлиқда...» дея нималарни сўзлаб беради? Ўз зурриётларининг уни тингламаслигидан қўрқади!

Йигит айни фаҳм-фаросати етаётган нарсалар – келажак, армон ҳақидағи мужмал, лекин сира тарк этолмаётган хаёллардан қутулиш мумкинми дерди ўзига. Худди ҳозир юргурса хаёллари ортида қолиб кетадигандай, ўзи улардан ўзига кетадигандай бўлди. Чопаверди, чопаверди. Икки бекат юргургач қайрилиб, ортига, «уий» томонга қараб чопди. Терлаб кетди. Ўтаётган-кетаётган унга ағрайиб қаради. Тикилаётганларга ич-ичидан, сассиз жавоб берарди: «Ҳайрон бўлманг, мен ўзимни енгишим керак.»

«Оббо, касофат-эй, тун пайти, тор кўчада зарил кептими?»

«Катта кўчага чиқса тулупи йиртилармикан?»

«Спортсмен кўп машқ қилиши керак дейди, чемпион бўлгиси келаётгандир-да.»

У жисмоний меҳнат қилиб чарчаган, терлаган ва ўзини унуглан кезлари қанчайдир ёқимли кечар, яшашиб осондай бўлиб қоларди. Ҳозир у худди шу кайфиятни туйди. «Уий»га келиб яхшилаб ювиниб олди. Чой кўйиб ичди, мияси тиниққандай бўлди, фақат оёқлари оғрий бошлади, чарчаган экан. Буни унугиш учун газета ўқий бошлади. Фикрлари яшнаб, газетадаги ҳаттоқи ҳар бир эълонгача алоҳида хайрихоҳлик билан ўқий бошлади, бироқ танаси чарчагани учун кўп ўтмай уйқу элитаверди.

Эртаси куни жуда кеч-чошгоҳда уйғонди. Агар меҳрибон ойиси – «хозяйкаси» бўлганида эртароқ уйғотармиди. Ўридан уф тортиб турди. Бармоқларининг суюкларини қисирлатиб ўйланиб турди пича, бугун ва эрта ҳақида ўйлади. Атроф шундай жимжит эдики, бирдан унинг бўкиргиси келиб қолди. Лекин бўкирмади.

Ювиниб келгач, нонушта қилди: озгина нон билан чой ичди. Ҳаво булат эди. Дилтортар суҳбатдош кўмсади. У билан одамларга қўшилишни, одамови бўлмасликни хоҳлади. Ўйлаб кўриб ёр-бирадарим деганларининг ҳеч қайсиси ором беролмаслигини сезди. Кийиниб бозорга – шовқинзорга, ташвишзорга бормоқчи бўлди. Қарори қатъ-иyllashiб, жўнади. Қозоқ ва лўли аёлларнинг мева, кийимлар сотаман, деб қичқиривлари, хушмуомала тожикнинг анорга чорлаётганини эшитиш ёқимли эди. У бутун бозорни айланиб чиққунча ўнлаб савдогарлар таклиф қилди, шунда йигит ўзини хиёл такаббурона тутиб уларга кулимсираб ўтарди. Сомса сотаётган қиз жуда мулоим

ва жарангли овозда, ялинганнамо чорларди; қиз унга ниҳоятда ёқиб қолди. Ёнига бориб ҳазиллашгиси келди. «Бунча бақирасиз?» деди.

Овози жиддий чиқиб кетди. Қиз бунга эътибор бермади.

— Келинг, ака. Қайноқ сомса, нечта?

— Уч сўмга бир ўпич беринг, — деди у.

Қиз йигитнинг бетига тупуриб юборди. Ёнида турган сомсапазлар қаҳ-қаҳ отиб қулишди. Бир хотин: «Ўл-а, бу кунингдан, ўл йигит бўлмай» дерди тиззасига уриб куларкан. Қиз бўлса ҳеч нарса бўлмагандай бошқаларни «қайноқ сомса»га чақиради...

Унинг сира бозордан чиққиси келмади. Бошқа ерда зерикадигандай кўринди. Яна бир марта, ҳатто бу гал аёллар, чоллар ва болаларга зингил солиб, ҳийла ажабланиб тикилиб чиқди. Иккинчи марта айланганидан кейин бозор ҳам жонига тегди. Шу юрганларнинг бирортаси ўзга бирорнинг қалбига кирсан, қалбida япиасам, деб ўйламайди. Қиёфалари шунинг учун ҳам жуда зерикарли. Бироқ шуларнинг барчасида қалб бор. Инсоний қалб. Шунинг учун ҳам йигит шу одамлар ва шу «одамзор»дан кўнглини узолмасди.

Бирданига у тепаликни, тепалик пастидаги кенгликни, эпкинда ҳар томонга чайқалиб ётган ўтларни қўмсади. У ерда ҳаётни севиш, «севама-ан!» деб бақириш мумкин. Шу хаёллар билан тўрт бекатлик йўлдан «уий»га яёв келди. Яна чарчаган эди, аммо бу гал у кундаликка ёзди, ниҳоят бир йилдан сўнг ёзди: «16 октябр, 19..

Бесамар кун».

1990 йил.

## ТАРВУЗ

Омондавлатнинг қишлоқдан қўнғироқ қилиб индинга бола-чақаси билан келишини эшитиб Худойқулнинг энсаси қотди, нечукдир миясига лоп этиб буям пул сўраб келади, бўлмаса беш-олти йилдан бери кўришмаган синфдошга бало бормиди, деган ўй урилди. Кўнгли хижил тортиб, келмасаям ўпкаlamас эдим деди. Ўзидан-ўзи хотинига ёзғира кетди: «Бу замонда бировга аҳмоқ одам қарз беради, олган одам вақтида қайтarmайди, эланиб юрасан-юрасан орқасидан, йўқ, мана, кўриб турибсан-ку, ўлдирсанг ўлдир—беролмайман, деб қақшаб тураверади. Ваъдалар бошқача эди-ку, десанг, тушса оласан-да, дея шалпаяди. Нима қиласан: ўлдирасанми, сўясанми, ўрнига келадими шунда? Айниқса, қишлоқдаги одамга қарз бер, қудуқقا тушган тандагай минг йилдаям қайтмайди, емиш олади, буғдой олади, емишнимоли, буғдойни ўзи еб қўяди, нима қиласан, еб қўйдик, ука, жўра, деб ҳиқиллаб тураверади. Сенам ёрдам бер менга, Сапувра, шу гал қарз бермайман, қайтмайди, энг яқин синфдошим шу Омондавлат бўлса, унданам қайтмайди».

— Хўп, пулимиз йўқлигини хотинига тушунтиарман, хотини эрига айтар, шундаям йўқ, сенда бор, берасан, деб ёпишиб туриб олмас, ахир. Тўғрими?

— Ишқилиб бир илож қил, мени қутқар шу сафар. Бўлмаса, биласан-ку, кўнглим бўш, бериб юбораман.

Эр-хотин икков меҳмонларни кутиб олиш режасини тузишди. Ундоқ деса бундоқ, бундоқ деса ундоқ эди, дея чора гап топиб берамиз, хуллас, йўқлигига ишонтирамиз, деб келишиб олишли.

Меҳмонлар кечин-ола етиб келишди. Омондавлат хотини, бир чақалоқ қизи, тўрт-беш ёшлардаги бурни оққан ўғли билан келди. Дўстининг уйида йўқлигини кўриб чандон хафа бўлди, гўё у ҳеч

қаёққа қимирламай кутиши шартдай. У қўлтиғида иккита тарвуз, хотини бир қўлида чақалоги, бўр қўлида каттакон корзинкасифат сумкаси бор эди. Сумкада туршак, ёнғоқ, майиз, қишлоқнинг тегирмони унида ёпилган талай нон ва патирлар, Худойқулнинг ёш қизасига атаб тикилган кийим-бачкилар бор эди. Омондавлат тарвузларни ошхонага қўйди. Сўнг юз-қўлини ювиг залга — меҳмон кутиладиган жойга ўтди. Ўғилчasi ур-тўполонни бошлади: телефоннинг трубкасини кўтариб «алло» деб қичқирди, телевизорнинг кнопкаларини боса бошлади, бир қоғоз кутининг ичидан турли ўйинчоқларни чиқариб ҳар ёққа судради. Ўзи ясатилган стол бўйига ўтириб чой ичди, узум еди. ёнғоқлардан чақди, телевизорга қараб ўтириб диванда ухлаб қолди. Алламаҳалдан сўнг ўртоғининг келиб туртишидан уйгонди. Сапчиб туриб қучоқлашиб кўриша кетди. Ухлаб қолгани учун узр сўради.

— Йўл чарчатган-да, нимасига хижолат бўласан, — деди Худойкул. Сўнг ўтириб сўрашар-сўрашмас атрофнинг тўзиб кетгани, ўғилчasi ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилгани, чақалоги нариги хонада баралла қичқираётганини кўриб чандон кайфи учди ва сал жаҳрини билдириб бир оз сур оҳангда: — Жон жўра, оёғингдиям, носкингдиям ювиг кел ваннага бориб, — деди.

Омондавлат ўртоғининг гапи ҳазилми-чинми, билолмай гаранг бўлди, бир жилмайиб «қўйсанг-чи, эй, оёғим сасимагандир», демоқчи бўлди, қараса, мезбоннинг авзои жиддий, жуда хижолат бўлиб ўрнидан қўзғалди. Балоғатга етгани бери бунақа дашном эшитмагани боисми, кўнгли сингандек бўлди. Аммо кейинроқ пича ғашлигини босиб, шаҳарда уйлар тор, шунинг учун ўзимга сезилмаган тер ҳиди уйга тарқаган чиқар, бегона бўлсан бетимга айтармиди, деб ўйлаб қўйди.

Чамаси шундай деб ўзига тасалли берди. Худойқул қишлоқни, оға-ини, қариндошларни суриштиргач, дабдурустдан пул топиш анча мушкул бўлиб кетгани, бирорга берган пулингниям, молингниям қайтиб олиш ўлимдан оғирлигини ёзгириб сўзлай кетди. Омондавлат дўстининг пул сўраб қўймасин деб аввалдан пушқадан ўт очаётганининг маъносини тунунмади. Ҳайрон бўлди, уйнинг ҳар тарафи ялтираб туриши, телевизор, мебелларнинг баҳосини ўзича ўйлаган бўлди, ҳовли қурзётгани, қанақадир чет эл машинаси миниб юрганини эшитган, миясининг бир чеккасида ҳаммаси ғимир-ғимир эътиrozлар уйғотиб. ношукур бўлмасликка даъват қилмоқчи бўлди-ю, негадир ўзи ҳам ростдан одамлар ҳозир шунаقا эканлигини тасдиқлаш учун амакисининг ўғлига уруғлик учун тирамода ўн беш минг сўм бергани,

бироқ уни қайтариб олиш қийин бўлгани, икки-уч марта беш юзминг сўмдан бериб баракасини учиргани, охири эккан буғдойини бод уриб, ҳеч нарса беролмаслигини айтиб турганини сўзлади.

— Ана шу-да, ҳамма шу, ҳеч ўзга эмас, хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда, хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин — оқибати шу, — дея пишанг берли Худойқул. — Ҳалиям ўн беш минг экан-ку. Бу шаҳарда бир хил ўзига тўқ оиласарнинг бир кунлик харажатиям эмас. Омондавлат «йўғ-э» дея телевизордан кўзини узиб жўрасига қаради, ишониш-ишонмаслигини билмади. Худойқул эса безътибор давом этди:

— Мана, шахсан ўзимнинг ўн минг доллардан кўпроқ пулим ташқариди юрипти. Зарилликкайм сўраб ооломмайман. Ҳаммаси кўз қиймайдиган одамлар: дўстлар, курсдошлар, қариндошлар, укалар.

Омондавлат шу доллар деганларининг башарасиниям кўрмадимида, ўзи у неча сўм туради, қаерда сотилади, деб сўрамоқчи бўлди, аммо шу мавзу унга кўп хуш келмади. Ҳамма нарсанг етарли бўлатуриб, додлайверсанг ҳам яхши эмас-ку. Бирдан хаёлига жўраси қизчалик бўлгани келиб, чўнтак кавлади ва «тўнбичар кутлуғ бўлсин, умри узун бўлсин!» деди. Йигирма уч йил аввалги синфдош бўлиб юрган кунлари, маза-бемаза қилган ишларини эслаб мириқиб ўтиргиси келди. Синфдошларининг аҳволидан сўзлади. Икки ойда бир марта йифилиб туришлари, йигилганда уч кило гўштнинг пулидан гаштак пул йифишларини айтиб, сен ҳам қўшилсанг ўтиришга, боллар Худойқул бизларни менсимай кетди деб юрибди, бир миннатдан қутуласан, деди.

Худойқулнинг энсаси қотди. Ё пулни, ё дўстларини менсимагандай бўлди. «Ичларингда жони бори ким ўзи?» деб кулмиш қилди. Дўсти хафа бўла бошлаганини кўриб «хўп-хўп, бошқа бундай демайман, мен сени масхара қилмадим-ку» деди ва тағин кулди.

Омондавлат энди бу киши аввалти қадрдон синфдоши эмас, та мом бегона одамга айланиб бўлганини ҳис эта бошлади, афсусланишини-да, бегонасирашини-да билмади. Билгани шу бўлдики, айни кезда ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам ортиқча экан. У ўйлар эдики, болачақа билан борди-келди қилиш дурустроқ бўлади, қалинлашиш шундан бошланади, хотинлар ҳам, болалар ҳам бир-бирининг отини айтиб эслаб туриши яхши гап. Бироқ бу каби муносабатлар Худойқулга керак эмасга ўхшайди. Мехмон қизарди, бўзарди, хижолат бўлди. Телевизорга қараб ўтириб тош қотди, лекин қулогига шапалоқ теккан каби қизиб турар эди. Худойқул гапи тескари бўлгани бир сари дурустроқ сийламадиям. Дастурхонга келган биринчи овқат мошхўрда бўлди. Мезбон булка нон кеса бошлади.

— Қишлоқнинг нон-патирларидан бор эди, Сапуврага айт, опкесин, — деди меҳмон. Мезбон хотинига тайинлади, у қоп-қора бир нон ва бир патир опкирди.

— Ўзи бундай бўлгани билан таъми бошқача-да, жониворнинг ранги сал нетороқ, — деди мезбон ва дарров Омонга қараб: — Ростингни айт, ичсанми, ичсанг опкелтирай, — деб сўради.

— Шарт эмас, — деди Омондавлат яна телевизорга кўзини қадаб. Овқатни олдига тортаркан, яна қўшиб қўйди:

— Йўқ бўлса, опкелтириб ўтирма.

Бу билан у ичгиси борлиги, «яримта» устида эзилишгиси, самимироқ сұхбат согинаётганини сездирган эди. Аммо...

Хўриллатиб мошхўрда ичиши.

Овқат ичиб бўлишлари ҳамон эшик қўнғироғи жиринглади. Башанг кийинган икки йигит кириб келди. Мезбон билан ўпишиб кўришгач, столга чўкишиди, афтидан узоқ ўтиришга вактлари ва хафсалалари бор.

Мезбон ҳам дарров гирдикапалак бўлакетди. Меҳмонлар Худойқулнинг бизнес ҳамкорлари экан чоғи, тагин айни пайтда қаердандир бир ишни дўндириб қайтишар, чамаси мезбон уларга суюнчи бериши керакдай. Столга бир пасда ғалати таомлар кела бошлади. Ерёнғоқ, парварда, конфет, туршак сингари «камбағалнинг» безаклари ҳашпаш дегунча йиғиширилди. Колбаса, қази, пишлоқ, товуқ гўштидан тортиб бошмалдоқнинг бошидай келгувчи оғзилари ланг очилган писталар ҳам келди. «Қишлоқи» меҳмон хушёроқ тортиб ўтиради.

Булар чунон нозик кишилар эканини сидқидилдан ҳис этгани учун Худойкулни ўзи томонга имлаб қулоғига айтдики, қишлоқнинг ёнғоқ-майизларидан опкелган, тарвуз ҳам бор, хотининг сўйиб узатсин, зўр меҳмонларинг кепқопти ахир.

Йўқ, Омоннинг гапи яна инобатга ўтмади, қайтанга бояги тегирмони нон ва патир бўлаклари ҳам дастурхон кўркини бузди чоғи йиғишириб опқўйилди.

Ана холос! Бунақа дастурхонни ҳали-ҳануз кўрган эмас Омон. Қишлоқнинг тўйида елим ва сопол пиёлаларда вино ичиб хурсанд бўлиб юрган одам бу каби тансиқ таомлар борлигини ҳайтовур тасаввур қилгандир-ку, аммо кўрмаган экан.

Ҳадемай энг чиройли шишаларда ароқ ҳам келди, қуйилди, тантанавор, оҳанжамали сўзлар, бир-бировини мақтанишлар бошланди.

Омондавлат буларнинг орасида ўзининг не нав инсон эканини англади, бегонасиради, бегонасираб талай марта балконга, ҳожатхо-

нага бориб чекиб келди, бир чеккани олиб бошни буркаб ухлаб юборгиси ҳам келди, аммо бунгаям ор қилди, охиригача чидай деди. Булар бўлса бири олиб, бири қўйиб ким билан қандай шартнома тузгани, неча милён туширганию уларни қандоқ ўзлаштириб, нимага сарфланшлари, тушунарсиз услублари хусусида сўзлашардики, буни эшишиб обдон чатоқ боллар экан, ўткир йигитларга ўхшайди. Худо билса орқасида суюгичганлариям бордир-да, дея тасаввур қилиб ўтириди. Бир жингалак сочлиси кўйлагининг кўкрак чўнтагидан гугурт қопидан сал полвонроқ нарсани олиб ичига гапира кетганидан билдики, бу телефон, телевизорда кўрсатгани шу, э, садағанг кетай, хукумат, ана, бор бўл, қандингни ур, яша! Аммо бу телефонда фақат жиддий гапларни гапириш шартга ўхшамайди, бола дам бир хил хотинларга, дам буғалтириими, кимгадир бир қизга сира менсими, охирида ўрисчалаб эркалаб ҳам мурожаат этди. Биргалашиб ичилаверганиданми, аввалги меҳмон билан кейинги меҳмонлар қовуша кетишиди. Омондавлат ҳадеб булар катта кетавергач ё ғаши келдими, ё ўзи йигиниб турган жойи борми, ҳар тугул бир хил режалари борлиги, мабодо амалга оша кетса, Худойқул жўра, Сирғали бозоридан ўзинг бир «Жигули» танлашиб юборасан, деб айтди. Худойқул аввал кесакдан ўт чиқсан янглиғ унга таажжубланиб қаради, кейин ичи ёришгандай, янгириғидан оласанми ё эскириғидан, деган маънода сўради:

- Қанчалигидан мўлжаллаяпсан?
- Милён бўлмайдими, — деб қўл силтади Омондавлат.
- Оҳо, маладес, қўймайсан, — деди ўртоғи зўраки тантанавор оҳангда. Кейин ўзи пули борми-йўқлигига қизиқди.
- Бугдой бор, жўра. Ҳозир арzon, қишда кўтарилади нарҳ, ўшанда уриб юбораман. Гап бор-да, билдинг?
- Билдик-билдик. Демак, бир милёнга сотасан?
- Балки икки милён бўлар, кўрамиз.
- Кишлоқи меҳмон ҳам тоза ўлар-қолар жойда эмаслигини кўрсатгиси келиб тиллари бийрон бўлди. Шундай қилмаса булар одам қаторида кўрмай гаранг қилаверадиган.
- Ўзи ғалидан қанча олдинг? — деб сўради бари бир шаҳар бергиси келмай, беписанд оҳангда Худойқул.
- Саккиз тонна чиқади ўзимники, етмаса Самарники бор. Уям қарийб беш тонна юқ қиласди. Фалла бу йил кам одамларда, ҳадемай юз сўмдан ошар дейман. Ишонганимиз шу-да энди.
- Матьқул, лекин икки милён деб мақтанма. Бўларини айтавер,

бир милён бўларкан-да у ёқ-бу ёғи. Оиланиям ташлаб қўймайсан-ку. Қицда машинаям роса кўтарилади-да лекин.

— Етмаса сен бор —німа ғамим бор.

— Шу етмай турувди. Ўзимам кутган эдим ўлигини ташлар экан деб, айтдим-ку боя, йўғамас, бор. Лекин ололмаяпман деб.

— Қўрқма, ўлмайсан. Аввало сўрамайман, сўрасам— йўқ, дема, келишдикми?

— Ҳали қиш келсин, бир гап бўлар.

— Биламан, пул жигардан бўлармиш, шунинг учун болани отадан айирадиган бевафо бу. Боя келганимдаёқ элдан бурун ёзғирдинг, очдан ўладигандай. Қиш келсин, дейсан. Қиш келганда қор ҳам сўрамасман сендан, хотиржам бўл, уйқунг ўчиб юрмасин яна, синфодшим кепқолади деб.

«Куйилсин, урилсин» давом этди. Иттифоқо юпқа, нозик ликопчаларда тарвуз келди. Омондавлатнинг бир оз кайфи ошгани боисми, тарвузга кўзи тушгани замон ичи ёришиб кетди. Ҳай-ҳай, ёш боладек севинди. Пича муболагаси билан айтганда, дастурхоннинг эгасидай сезди ўзини.

Дарров тили бурро тортиб, гапни даштнинг лалми қовун-тарвузларига буриб юборди. Ҳолбуки, у шундоқ Ҳудойқулнинг уйи яқинидаги тарвуз сотувчи одамдан, уюм ичидан танлаб сотиб олиб кўтариб келган, чамаси, чўлаки, селитрага обдон тўйган қора тарвуз эди бу. Аммо шу баҳона Омондавлат болалигида экилмиш қовун, ҳандалак, тарвуз, бодринг, ошқовоқларни, айни пишиқчилик чоғи полизга, яна айни ўзларининг полизига тиконли бодомча шоҳ-шаббаларидан ясалган тўсиқ узра ошиб ўғирликка тушишлари, оқибат қоровуллаётган кампир — ўз энаси томонидан кетларига чўғдай босилмиш хивич зарблари хусусида чаҳ ура кетди. Чоғроққина ҳовлисига ҳар баҳор бодринг, помидор билан кўшиб ўн-ўн беш туп ҳандалагу қовун экканлари, улар тақе палак қилиб кейин узун палак отиб кетиши, сўнг ёнғоқдай туйнак қилишидан то ранги бўзаргунча бир ҳовли бола дамбадам «кўз-қулоқ» бўлиб: гоҳ ушлаб, гоҳ бурунларини текизиб ҳиддлайверишгани сабаб онаси безор бўлиб қувганлари, боиси туйнакка ҳадеб одамнинг қўли тегаверса, азбаройи қўл заҳри таъсир этиб қовун ривожланмай қолар эмиш, — ҳамма-ҳаммасини завқ билан эслади. Шунингдек, ҳом салчаларга бурнини текизганда унинг тикондай туклари тирнаб кетишию, айниқса эрталаблар бирор ҳандалак пишган бўлса, бутун ҳовлини муаттар ҳиди тутиб кетиши, тонгги ҳид, у орқали ҳандалакни қидиришнинг нақадар мароқли юмуш экани, па-

лакларни у ён-бу ён ағдарганингда субҳидамдаги намхуш тупроқми, шудрингми, нимадир салқин нарсанинг палакларга қўшилиб бурнингга бир отсиз яшноқ ҳидлари урилиши, кишини энтиктириб юбориши... Ошқовоқ, тарвуз палакларининг пахса девордан оша тушиб йўл-йўлакай кўм-кўк ва сап-сариқ сапчалари ялтираб туриши, уй болалари уни кўча болаларидан қизганиб қўриқлашлари, оталари кўча тараф деворига қабатма-қабат супурги экиб палакларни қўздан пана қилишлари ёхуд кучук боғлаб қўйишлари...

Беармон болаликнинг армон тўла излари булар.

— Қойил, — деди жингалак сочли меҳмон. — Э, қойил, қўйиб берса икки синфдош шоир бўлиб кетарсизлар.

— Ҳеч гап эмас, — деди Худойқул, — мана бу боланинг томири Жуманбулбулга туташ. Яна беш грамм олса, қўлини танбур қилиб терма айтади.

— Илтимос қиласиз, шу нарсани айтманг, — дея илжайди бояги жингалак сочли. — Шу туркманча қўшиқ эшитсам, кечасиям ёмон тушлар кўраман. Бахшиларнинг овозини эшитсам, қўрқавераман.

Гўё кулги учун айтилган бўлсаям, ҳар қалай бу йигитлар иллобиљо бахшининг достону термаси учун қишлоқнинг бояги орзу-эҳтиросга бой ҳаётини эшитишга-да тоблари йўқлиги сезилиб турарди. Шу боис Худойқул хато иш қилиб қўйгандай дарҳол «этагини йиғишириб олди». Мактаб боллари шеър айта туриб бир жойида адашиб қолса, кимдир эслатса, тағин шариллатиб айта кетади, шу сингари уям эрта-мертан божхонада ишлайдиган Қобилнинг олдига ўтиш ҳақидаги ўзининг масъулиятини англагач, икки шерикка, аниқроғи, меҳмонларнинг гулига тақаллуғни давом эттира берди. Омондавлатимиз тағин уларнинг ишбилармонлигию катта гапларига маҳлиё бўлганича қолди. Қозонкабоб келтирилди. Ичилди. Тарвузга узалиб бир тилик олди. Еб бўлиб пўчоғини ликопчага қўяр чоф тағин донг қотди, бу бошқа тарвуз! Қорасидан опкелганди, буниси яшил-чибор.

Булар бизга тенг эмас, буткул бошқа одамлар экан баччагарлар, деган койишга ўхшаш бир шиддатли ўй муҳрланди ва кайфияти тушиб кетди. Ароқдан ўзига бир пиёла тўлдириб қўйиб, охиригача сипқорди ва мен тўйдим дегандай пиёлани тўнкариб ташлади. Мақсади тезроқ маст бўлиб олиш, маст бўлишгина эмас, бошқа ҳолатга ўтгиси, зиқ вазиятдан қутулгиси келди, бир отим нос ҳам тушириб юбордию мақсадига эришди.

Столдан четланиб креслога чўқди. Бошини солинтирган қўйи қотиб ухлаб қолди. Кечроқ уйғонди. Боши ғувиллаб, сиқиб оғирди. Меҳ-

монлар кетган. Худойқул аллақачон ювиниб, соқолини олиб чой-пой ичиш тараддудини кўриб юрибди. Худди ҳеч бало кўрмагандай. Эрталабдан бир рус аёл «кук-си» деган овқат келтириб берди. Кечаги овқатлар ҳам ҳойнаҳој буюртма билан келган бўлиши мумкин, деб ўйлади Омондавлат. Чунки аёли ёш болали-ку.

Соҳибдан узр сўради, кетамиз биз, деди. Мезбон ҳам кетсанг кетавер, дегандай қилди.

— Бир ўтирадиган бўлиб келасизлар. Бугун ўзимам Олма отага учмоқчиман.

Омондавлат ўртоғи учун бу қадар аҳамиятсиз бўлганидан ўқинди, албатта. Болларини, хотинини олиб подъездга чиққач, Худойқул йўлни ўзича тушунтириб юборди. Аммо хотини улар билан бирга чиқди то кўчагача. Кўча бошида ахлатхона бор экан. Омондавлат эътибор бермади-ю, хотини бир туртгач, чўчигандай ишора қилган томонга қаради: темир яшиклар ёнида худди кеча ўзи кўтариб келган тарвузларга ўхшашиб икки тарвуз турибди. Наҳотки, деди ўзича. Туршак, майизларният чиқарип ташлаган бўлса-я.

«Эй, инсон! Кечагина мен қатори эдинг-ку. Қишлоқдан, тезак орасидан чиқдинг-ку. Нима қилиқ ахир бу? Сенга милён сўмлик соўфа опкелишга қурбим етмайди. Кўнгил бу, дўст, кўнгил! Ҳақорат ҳам шунчалик бўлар. Келмасам, мен ҳам ўлиб қолмас эдим, обрўйингни қиласай десам, тескариси бўлди. Бу ишинг яхши эмас, ҳеч яхши эмас. Жуда номаъқул! Охиривой бўлса керак, валлоҳу аълам!» Ташқарисига эса бу чиқди:

— Сапувра, бўлди, кетаверинг. Биз кимлигимизни энди билдик. Сизларни ҳам. Тамом. Хўп. Хайр. Раҳмат.

Шундоқ деб олдингга ўтиб илдамроқ юриб кетди. Бир хаёл яна ортига бурилиб, жиллақурса бир аччиқ гап айтгиси келди-ю, умрбод тескари бўлиб қолишдан чўчиб тўхтамай кетаверди.

2001 йил

## **МУНДАРИЖА**

<b>МУХТАСАР СҮЗ.</b> Абдулла ОРИЛОВ .....	3
<b>Қиссалар</b>	
Чамбилбелнингойдаласи .....	6
Инқилоб кечаси .....	68
Шаффофф манзил .....	104
<b>Ҳикоялар</b>	
Жинкүчадаги муштипар .....	130
Қора чол .....	137
Алағдалик .....	146
Ўлмайдиган одам .....	164
Йигитларнинг бири .....	170
Бир ўларман чавандоз .....	181
Офат .....	187
Умидсизлик .....	194
Тарвуз .....	199

84(5)6

Ў 75

Ўнар, Собир.

Ў 75 Чамбильбелнинг ойдаласи: Қиссалар. Ҳисоялар./  
Собир Ўнар; [Маъсул муҳаррир А.Ирисбоев; Муҳтасар  
сўз А.Ориповники].-Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 - 208 б.

ББК 84(5У)6

№117-2006

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси

## Собир ЎНАР

# ЧАМБИЛБЕЛНИНГ ОЙДАЛАСИ

*Қиссалар  
Ҳикоялар*

*Муҳаррир: Абдуқаюм Йўлдошев  
Техник муҳаррир: Содат Рустамова  
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев  
Мусаххих: Собир Жуманазаров*

Босишига 18.02.2006 йилда рухсат этилди.

Бичими 62x84 1/<sub>16</sub>. Босма тобоги 10.  
Адади 1000. Баҳоси келишилган нархда  
Буюртма № 25

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида босилди.

Тошкент ш., X. Сулаймонова қўчаси, 33 уй